

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИАТИ
ГЕОГРАФИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ГЕОГРАФИЯСИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
ТОШКЕНТ, 30-31 ЯНВАРЬ 2006 ЙИЛ

ГЕОГРАФИЯ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

МАТЕРИАЛЫ
МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ
ТАШКЕНТ, 30-31 ЯНВАРЯ 2006 ГОД



ТАШКЕНТ – 2006

Сборник подготовлен к печати под общей редакцией доктора географических наук, профессора АБДУСАМИ САЛИЕВА и кандидата географических наук, доцента АСОМБЕРДИ ЭГАМБЕРДИЕВА.

В сборник включены материалы Международной научно-практической конференции, посвященной актуальным проблемам географии XXI века. Материалы конференции, в соответствии с ее программой, приведены в разрезе следующих секций: современные проблемы физической географии; экономическая и социальная география в XXI веке; гидрология суши и рациональное использование водных ресурсов; теоретические основы и практика географической картографии; проблемы географического образования.

Сборник предназначен для географов, экономистов, демографов и экологов, а также для преподавателей и студентов высших учебных заведений.

Ответственный редактор: доц. **Махамадалиев Р.Ю.**

Редакционная коллегия: проф. **Мирзалиев Т.М.**
доц. **Гулямов П.Н.**
доц. **Закиров Ш.С.**
проф. **Хикматов Ф.Х.**

*Рекомендовано к печати Ученым советом географического факультета
Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека*

ОРГАНИЗАЦИОННЫЙ И ПРОГРАММНЫЙ КОМИТЕТ КОНФЕРЕНЦИИ

Ашуров Равшан Раджапович – председатель, профессор, ректор Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека.

Далимов Турабек Нугманович – сопредседатель, академик, профессор кафедры петрографии и полезных ископаемых Национального университета Узбекистана им. М.Улугбека

Тойчиев Хожиакбар Абдурасулович – сопредседатель, профессор, проректор Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека.

Салиев Абдусами Салиевич – сопредседатель, профессор, заведующей кафедрой общественной географии и региональной экономики.

Махамадалиев Равшан Юлдашевич – зам. председателя, доцент, декан географического факультета Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека.

Эгамбердиев Асомберди Эгамбердиевич – секретарь Оргкомитета, доцент кафедры геодезии, картографии и кадастра Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека.

Мирзалиев Тургун Мирзалиевич – профессор кафедры геодезии, картографии и кадастра Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека.

Гулямов Патихкамол Насырович – доцент кафедры физической географии и методики преподавания географии Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека.

Закиров Шухрат Салихович – доцент кафедры физической географии Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека.

Хикматов Фазлитдин Хикматович, профессор. заведующей кафедрой гидрология суши Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека.

*Посвящается 100- летию
Нугмана Далимовича Далимова*

ПРЕДИСЛОВИЕ

Современная география исследует пространственные закономерности, причины и факторы природных явлений и процессов, особенности территориальной организации жизни общества. Это вытекает из ее специфического положения в системе естественных и общественных наук.

Актуальность комплексных географических исследований обусловлена, прежде всего, обострением экологических проблем, необходимостью рационального использования земельно - водных и минерально-сырьевых ресурсов с учетом охраны окружающей среды и концепции устойчивого развития. Она определяется также сдвигами в территориальной структуре мирового хозяйства, тенденцией глобализации экономики, формированием различных геополитических и геоэкономических систем.

В последние годы участились различные природные катаклизмы, происходит потепление климата, деградация почвы, загрязнение водной и воздушной среды. Одновременно усложняется политическая карта мира, происходит смена приоритетов в социально-экономическом и демографическом развитии стран и регионов, формирование транснациональных компаний и корпораций.

В научно обоснованном решении этих и других проблем глобального и регионального характера, важное место принадлежит современной географии. География в современном мире и мир географии, ее теория и практика нуждается в новых фундаментальных и прикладных исследованиях.

Географический факультет Национального университета Узбекистана и Географическое общество республики имеют достаточный опыт проведения научных конференций и совещаний на различных уровнях. Так, во второй половине прошлого столетия в межреспубликанском масштабе были обсуждены проблемы физико - и экономико-географического районирования, народонаселения и урбанизации, оценки и использования природных ресурсов. Настоящая Международная научная конференция, по существу, является первой в условиях независимости Республики Узбекистан. На ней будут рассмотрены актуальные проблемы географии в XXI веке. Особое внимание уделяется вопросам физической географии и ландшафтоведения, климатологии и гидрологии, рационального использования земельно-водных и трудовых ресурсов, территориальной организации различных отраслей промышленности, транспорта, сельского хозяйства, производственной и социальной инфраструктуры, формирования инвестиционного климата. Материалы конференции включают также проблемы демографии и географии населения, роста городов и урбанизации, картографии, методики преподавания географии в школах и в вузах, актуальные вопросы совершенствования географического образования с учетом применения новых педтехнологий.

Конференция посвящается 100-летию Нугмана Далимовича Далимова - одного из выдающихся организаторов географического факультета, деканом которого он был на протяжении более двадцати лет. Н.Д.Далимов любил географию и географов, свою жизнь не представлял без родного географического факультета, мечтал о его самостоятельности и процветания. Среди участников данной конференции немало его учеников, которые достойно продолжают благородные дела своего учителя.

Настоящий сборник включает материалы научно - практической конференции. В его подготовке огромный труд вложил заместитель декана географического факультета НУУз им. М.Улугбека по научной работе доцент А.Э.Эгамбердиев, за что оргкомитет и редакционная коллегия конференции выражают свою искреннюю благодарность.

ОРГКОМИТЕТ

ПЛЕНАРНЫЕ ДОКЛАДЫ

Ш.С.Зокиров, П.Н.Ғуломов, Р.Й.Маҳамадалиев
Ўзбекистон Миллий университети
ТАШКИЛОТЧИ ОЛИМ ВА МОҲИР ПЕДАГОГ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, унинг География факультети тарихида ўз баракали ва сермазмун ҳаётининг катта қисмини малакали географ мутахассислар тайёрлашдек мураккаб ва олийжаноб ишга бағишлаган Нўмон Долимович Долимовнинг ўз муносиб ўрни бор. Жамоатчиликка биринчи табиий географ фан номзоди сифатида танилган, халқ маърифатига катта ҳисса қўшган моҳир педагог Н.Д.Долимов ўзининг ёру-биродарлари, ҳамкасблари, шогирдлари қалбида ўчмас из қолдирган, камтарин, тўғри сўз, одил ташкилотчи ва юксак фазилатли инсон эди.

1935 йилда Тошкент шаҳрида В.Г.Белинский номидаги кечки педагогика институти ҳузурида ташкил қилинган география факультетининг биринчи талабаларидан бўлган Н.Д.Долимов, 1940 йилда мазкур ўқув юртини тугатгач, ўша вақтларда ўлка табиий географиясининг марказига айланган Ўрта Осиё давлат универси-тетининг Геология-тупроқшунослик-география факультетига илм излаб келди.

Маълумки, иккинчи жаҳон уруши йиллари факультет географлари сафига йирик илмий марказлардан эвакуация қилинган мутахассис олимлардан М.Г.Кадек, Г.Н.Черданцев, В.М.Четўркин, А.Н.Ракитников, Н.И.Лебединский келиб қўшилган бўлишига қарамай, маҳаллий миллат вакилларида етишиб чиққан ёш илмий-педагогик ходимлардан фақат Н.Д.Долимов ҳамда хўжандлик географ Х.Г. Очиловлар факультетдаги ишларини давом эттиришди. Улар факультетдаги тадқиқотчи ёшлар О.Ю.Пославская, Л.Васильева, Е.Е.Повитчаная билан бирга турли регионал табиий географик мавзулар устида ишлай бошладилар.

Урушнинг охириги йили ва урушдан кейинги дастлабки йилларда эвакуацияда келган олимлар бирин-кетин қайтиб кета бошладилар. Ўзбекистонда, қолаверса бутун Ўрта Осиёда юқори малакали илмий педагогик кадрларга бўлган талаб ҳали юқори эканлиги, ўрта мактабларда ҳам малакали географ ўқитувчиларнинг етишмаслиги, бу муаммога алоҳида эътибор беришга ундар эди.

Н.Д.Долимов факультетга келган дастлабки кунлариданоқ илм билан шуғуллана бошлади. Унга ўша вақтлардаги машҳур табиий географлардан бири, таниқли сайёх, Ўрта Осиё табиатининг шайдоси профессор Н.Л.Корженевский илмий раҳбарлик қилди. Изланиш объекти қилиб Нурота тоғлари худуди танланди. Сир эмас ўша кезлари бу худуд табиий географик жиҳатдан «очилмаган кўрик» эди.

1940-йилларнинг бошларида, асосий транспорт воситаси от-уловдан иборат бўлган вақтларда Нурота тоғлари Тошкентдан бирмунча олисда, Жанубий Тяншан тизмаларининг ғарбий чеккалари билан Қизилқум чўли чегарасида жойлашган бўлиб, бирламчи фактик маълумотларни қадамма-қадам юриб тўплаш лозим эди. Шундай оғир шароитда ёш тадқиқотчи Н.Д.Долимов бир вақтнинг ўзида ҳам мураккаб, ҳам шарафли вазифани юқори савияда адо этаолди ва 1943 йилда «Нурота тоғларининг комплекс табиий географик характеристикаси» мавзуидаги диссертация ишини муваффақият билан ҳимоя қилди.

Диссертацияда Нурота тоғлик худудининг табиий шароити Н.Л.Корженевский илмий мактаби йўналишида, яъни қиёсий-тасвирий йўналишда ёзилган бўлиб, ўз

замонасининг илғор методларидан бири-компонентлар бўйича тавсифлашдан фойдаланилган эди.

Маълумки, 1945 йилга келиб, профессор В.М.Четыркиннинг деканлик даврида, университетнинг география факультети мустақил фаолият кўрсата бошлайди. Шу йилдан бошлаб факультетда табиий география ва иқтисодий географиядан ташқари геоморфология, гидрология мутахассисликлари ҳам очилди. Шу муносабат билан факультетга бир қатор таниқли мутахассислар ишга жалб қилинди. Булар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблари, геоморфология ва тўртламчи давр геологияси бўйича таниқли мутахассис олим Ю.А.Скворцов, Ўзбекистонда агрометеорология ва агроиклимшунослик илмий мактабининг асосчиси, таниқли олим Л.Н.Бабушкин ва Ўрта Осиёда қуруқлик гидрологиясининг асосчиси В.Л.Шульц эдилар. Уларнинг география факультетига ишга ўтиши ҳам ўқув ишларини, ҳам илмий тадқиқот ишларини жонлантирди. Аммо, урушдан кейинги тикланиш даврида, халқ хўжалиги учун малакали географ мутахассислар етказиб бериш масаласи долзарблигича қолмоқда эди. Олий мактабда география фанининг ривожланиши бу фаннинг ўрта мактабларда ўқитилишига ҳам ижобий таъсир этиши сезилиб турар эди.

1946 йил кузида география факультети декани лавозимига Н.Д.Долимов номзодининг тавсия этилиши ва тайинланиши факультет ишларини янада жонлантириб юборди. Буни факультет тарихидаги алоҳида воқеа деб ҳисобласа бўлади. Бинобарин, урушдан сўнги, мураккаб тикланиш йилларида биринчи ўзбек табиий географ олимининг декан сифатида катта ва ўзига хос илмий-педагогик жамоани бошқариши биринчи мартаба юз бераётган эди. Бундай маъсул лавозимда ишлаш Н.Д.Долимовдан нафақат табиий география, балки унга ёндош фанларнинг ютуқ ва камчиликларидан ҳам ўз вақтида хабардор бўлиб туришни, ўз фикр-мулоҳазаларини билдираолишни ҳам талаб этарди. Шунингдек, жамоа аъзоларининг ҳар бирини, у профессор бўладими ёки оддий лаборант бўладими, уларни билишни, тўғри тушунишни, уларнинг ҳар бирига кўнглини топиб, ёндошишни талаб қиларди. Ушбу масалаларда Н.Д.Долимов ўзининг ташкилотчилик қобилиятини ёрқин намоён қилаолди. Унинг бундай шарафли, аммо ўзига хос сермашаққат ишида ўзи севган фанидан ташқари она юрт тарихидан, тилидан, шеъриятдан, мусиқасидан яхши хабардорлиги ва бошқа кўпгина юксак инсонийлик хусусиятлари жуда қўл келди. Айниқса, талабаларга нисбатан меҳрли ва кечиримлилиги, аммо устозга хос талабчанлиги аҳамиятли бўлди.

Н.Д.Долимовнинг кенг камровли олим, моҳир педагог, ҳаётнинг кўп пасту-баландликларидан хабардор эканлиги, камтарин ва зукко, хуштаъб инсон эканлиги, ўз устозларига бекиёс ҳурмат билан, шогирдларига иззат билан ёндошиш каби муҳим инсоний фазилатлари географик адабиётда кенг ёритилган (И.Ҳамробоев, 2001; О.А.Азизов, 2001; С.Қораев, 2001; Т.Мирзалиев, 2001; И.Назаров, 2001; А.Очилов, 2005; А.Ҳайдаров, 2005 ва б.). Буларнинг барчаси Н.Д.Долимовнинг кўп йиллар давомида факультет декани лавозимида муваффақиятли ишлашига сабаб бўлди, десак, хато бўлмас.

Биз тавсифлашга ҳаракат қилган устоз Н.Д.Долимовнинг деканлик давридаги ташкилотчилик хусусиятлари шу йиллардаги факультет тараққиётида ўз аксини топган. Бу даврда факультет жамоаси ўзининг бор салоҳиятини ўқув жараёнини янада такомиллаштиришга, талабаларнинг назарий билимларини, амалий кўникмаларини янада чиниқтиришга, уларда илмий-тадқиқот ишлари малакасини ҳосил қилишга, илмий экспедициялар уюштиришга ва уларнинг натижалари асосида илмий монографиялар нашр эттиришга қаратди. Шунингдек, Ўзбекистонда география таълимини ривожлантиришга, методик адабиётлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари, ўқув хариталари, атласлари, терминологик луғатлар яратишга ҳам муносиб ҳисса қўшди. Ушбу ишларни маромида амалга оширишда Н.Д.Долимовнинг ўзи декан

сифатида бош-қош бўлиб турди, жамоадошларига ўрнак бўлди. У 1950 йилдан география таълимида муҳим ўрин тутувчи географик терминларни тадқиқ қилишни бошлади, 1953 йили ўша вақтдаги энг мукамал география терминларининг русча-ўзбекча луғатининг муаллифларидан бири бўлган. Олий мактаблар учун таниқли табиий географ С.В.Калесникнинг «Умумий ер билими қисқа курси», А.А.Половинкиннинг «Умумий табиий география» дарсликларини ўзбек тилига таржима қилишда фаоллик қилган. «Ўзбекистон географияси», «Ўзбекистоннинг табиий географияси» дарсликлари муаллифидир.

Н.Д.Долимов факультет раҳбари сифатида кафедраларни маҳаллий ёш мутахассислар ҳисобига мустаҳкамлаб бориш масаласига алоҳида эътибор берар эдилар. Чунончи 50-60 йилларда Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, Р.А.Ходиев, Х.Ш.Шапенев, Т.Э.Эгамбердиев, Т.Тожимов, Т.И.Раимов, М.Тешабоев, Т.Мирзалиев, С.С.Саидкаримов, П.Н.Ғуломов, А.С.Ҳасанов, Р.У.Раҳимбеков, И.Р.Алимухамедов, Ш.С.Зокиров, О.Б.Отамирзаев, М.Зоирова, М.Зафарова, кейинчалик А.С.Солиев, А.Р.Расуловларнинг факультетга жалб қилинишида Н.Д.Долимовнинг хизмати катта.

Номлари юқорида зикр этилган ўқитувчиларнинг аксарияти кейинчалик география фанлари номзоди даражасига, айримлари эса фан доктори даражасига эга бўлдилар. Н.Д.Долимовнинг ўзлари фан доктори илмий унвонига эга бўлмасаларда, бошқаларнинг бундай ютуқларга эришишига шароит яратиб берганлар уларнинг илмий ютуқларидан чин қалбдан қувонган факультет раҳбари эдилар.

Устоз Н.Д.Долимовнинг ўлкамиз учун юқори малакали географ мутахассислар тайёрлаб беришдаги кўп йиллик меҳнатлари 1970 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Фан арбоби» унвони билан муносиб тақдирланди. Унинг 100-йилигига бағишланган бугунги илмий анжуман биз шогирдлар учун, факультетимиз учун катта тўйдир.

И.Қ.Назаров

Бухоро Давлат университети

Н.Д.ДОЛИМОВ-МИЛЛИЙ КАДРЛАР РАҲНАМОСИ

«Халқимиз орасида устоз отангдан улуғ» деган ҳикмат бор. Агар устоз мустабит тузум шароитига қарамадан бутун истеъдодини миллатнинг маънавияти ва равнақига бағишлаб иш тутган бўлсачи? Бундай устозларнинг буюклиги ва умр боқийлиги вақт ўтган сари тобора ойдинлашади ва миллатнинг кўркига, фаҳрига айланиб боради. Ана шундай устозлардан бири, Ўзбекистоннинг энг нуфузли дорилфунуни, бугунги кунда Ўзбекистон Миллий университети деган номга эга бўлган олий даргоҳнинг география факультетини чорак аср давомида бошқарган, биринчи ўзбек географ олими (1943), миллий кадрлар раҳнамоси Нўъмон Долимович Долимовдир (1906-1977). Устознинг ҳаётий, илмий-педагогик фаолияти кўп қиррали. Ушбу ёднома биринчи ёдноманинг (География ва кадриятлар. Тошкент, 2001) узвий давоми бўлиб, Н.Д.Долимовнинг ўз шогирдларига кўрсатган оталарча ғамхўрлиги ва жонқуярлигига бағишланади.

Фалсафада «маънавият инсонга она сути, ота намунаси ва аждодлар ўғити билан сингади» деган ҳикмат бор. Устоз Н.Д.Долимовнинг ўсиб-улғайишида энг аввало соғлом ўзбекона оила муҳитининг мавжуд бўлганлиги муҳим ўрин тутганига шубҳа йўқ. 1950 йиллардаёқ Тошкент илмий муҳитида ака-ука Долимовларнинг ҳаммага маълум бўлганлиги бунинг исботидир. Н. Д.Долимов маънавиятида исломий кадриятлар билан қорилган миллий мантиқий қудрат мужассам эди. Н.Д.Долимов география факультетини бошқарган йиллари комфирқа мафқураси ва сиёсати энг авжга чиққан паллага тўғри келган. Факультетда миллий кадрлар етишмас, фанларнинг аксарият қисми русизабон домлалар томонидан ўқиларди. Республикамизнинг олис

вилоятларидан келган талабалар учун бу ҳол ўзига хос қийинчиликлар туғдирар эди. Бундай муҳитда меҳнат жамоасини бошқариш ва илмий-педагогик муаммоларни ҳал қилиш факультет раҳбари учун осон кечмаган.

Мазкур муҳитни юмшатиш ва уни «енгишининг» бош йўли «миллий кадрлар камоли» эканлиги устоз Н.Д.Долимовнинг ҳаёт шиорига айланган бўлса ажаб эмас. Шу сабабли бўлса керак ҳар бир талабанинг тақдири ва унинг келажаги домланинг эътиборида бўлганлиги ҳақиқатдир.

Бунинг мени курсдошим, кейинчалик яқин дўстим, таникли олим Асомиддин Рафиқов (1939-2003, ётган жойи жаннатда бўлсин) тақдири мисолида кўриш мумкин. Бизлар 1958 йилда география фанидан кириш имтиҳонларини Н.Д.Долимов (факультет декани) бошчилигидаги комиссияга топширган эдик. Домланинг ҳар бир вилоятдан келган абитуриент билан алоҳида тил билан, яъни айна вилоят географияси билан боғлиқ муаммолар доирасида гаплашганлари ёдимда. Имтиҳонда Асомиддиннинг иқтидори домланинг назарига тушиб қолган бўлса керак, Тошкент шаҳрига ажратилган қабул ўринга жой қолмаган бўлсада Н.Д.Долимовнинг ташаббуси билан Асомиддин кўшимча тарзда (резервист) университетга қабул қилиниб, биринчи семестр якунидан сўнг у талабалар рўйхатига киритилган эди.

Н.Д.Долимовнинг узокни кўра билиш қобилиятига тан бериш жоизки, қўшимча рўйхатда юрган бу талаба, пировард натижада домланинг ишончини оқлабгина қолмасдан, Ўзбекистонда, ҳатто Ўрта Осиёда география фанининг етакчиларидан бирига айланди ва ўзига хос илмий мактаб яратди.

1999 йилда профессор, А.Рафиқов Бухоро Давлат университети томонидан география ихтисослиги бўйича Давлат аттестация комиссияси раиси сифатида тақлиф қилинган эди. Бухородаги давра суҳбатларида унинг «устоз Н.Д.Долимов, Ҳ.Ҳасановлардан нафақат мен, балки барча вилоятлардаги географ олимлар миннатдор бўлишлари керак,»-деб айтганлари кечагидек ёдимда.

Н.Д.Долимовда миллатчилик эмас, балки миллий туйғу, миллий ғурур кучли эди. Бошқача қилиб айтганда, Ватан ва миллат тақдири учун масъуллик устоз маънавиятида устивор бўлган.

«Айни замонда рус тилини яхши ўрганиш керак,»- дерди устоз. Ўзлари эса, рус тилини мукамал билар, шу боис география фанига тегишли қатор дарсликларни рус тилидан ўзбек тилига ўгиришга улгурган эдилар.

Домланинг 1953 йилда М.Қориев, Ҳ.Ҳасанов ва бошқалар ҳамкорлигида ёзган «Ўзбекча географик тушунчалар луғати» китоби жуда сеvimли қўлланмалардан бири эди.

Н.Д.Долимов талабаларга рус тилини ўрганишга амалий ёрдам бериш мақсадида «Умумий ер билими» фанининг айрим мавзуларини рус тилида ўқир, географик атамаларни тўғри талаффуз қилишга ундар эдилар.

Юқорида қайд қилинганидек, устоз география факультетини тугатган ҳар бир ёш мутахассис тақдирига ўзларини дахлдор деб билар эдилар. Айниқса мен, домланинг дипломанти ва ёши улуғроқ курсдошим Саид Олтиев (кейинчалик геология-минералогия фанлари номзоди, ётган жойлари жаннатда бўлсин) домланинг илтифотларига кўп бор сазовор бўлганмиз. Университетни тугатиш арафасида (феврал, 1963 йил) Н.Д.Долимов, ўша даврда Бухоро Давлат педагогика институтига ректор бўлиб ишлаб турган Ж.Намозов номига хат ёзиб, Саид Олтиев ва мен ҳақимдаги ниятларини изҳор қилган эдилар. Устознинг табаррук қўллари билан, бундан 43 йил муқаддам ёзилган ушбу хат ҳозирги кунда менинг шахсий библиотекам тўрида сақланиб келади. Мазкур хатни устознинг 100 йиллигига тўйёна сифатида баҳам кўришни ният қилдик.

Хаёт тақозоси билан мен Туркменистон Фанлар Академияси тизимидаги Чўллар институти аспирантурасини, академик А.Г.Бобоев раҳбарлигида тугатгандан сўнг, ТошДУ ҳузуридаги махсус илмий кенгашда номзодлик диссертациясини химоя қилишимга тўғри келди.

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО, СРЕДНЕГО И СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ УЗССР

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
имени В. И. ЛЕНИНА

ГЕОГРАФИЧЕСКИЙ ФАКУЛЬТЕТ

г. Ташкент, Караа Маркса, 32

8 II 1962.

№ 105

Мухтарам ур. Номозов.

Бу илм Бухоро вилоятидан келган болалардан
Ошроб Саид ва Нозаров Исроил Ун-т география факультетини
битирдилар. 5 йил мобайнида бу студентлар ҳамма томондан
факультетда фозил ахлоқ иш ва ахлоқ иш ба жонар балалар
қилидилар. Биз бу студентларни ахлоқ ишга тақдир
қиламиз. Шу муносабат билан уларни Сизга ишга тақдир
лаш тирани ҳам уйлаётганимиз. Агар улар Сизнинг инс-
титутингизга керак бўлса, бизга, сиз вакил тавдир
министрнинг Ошроб С. ва Нозаров И. тўғрисида сўзла
берсангиз ахлоқ булар эди. Бу бу ўқувчиларни ахлоқ Сиз
ушун, Қола берса ўқувчилар ушун тайёрлади.
Ушун Қоламанки, илмий раҳбарлар бу ишга
ёрдам берарлар ва студентлар эса ишгани тўла
ўқилдилар.

Сизга катта ишчи билан Шамш география
факультети декани: Шамш (Шамш Н.)

8/II-62г.

Ҳимоя 1975 йилнинг 28 ноябрда бўлиши белгиланди. Бу вақтда устоз Н.Д.Долимов табиий география кафедрасининг доценти, махсус кенгаш аъзоси эканлар. Илмий кенгаш таклифномасини домлага ўз кўлим билан топширишга жазм қилдим ва биринчи бор Кўкча даҳасининг Айний кўчаси 12 уйга йўл олдим. Менинг Бухородан келганлигимни эшитиб, устоз очик чеҳра билан пешвоз чикдилар, ота-ўғилдек бағирлашдик, сўрашдик. Домла соғликлари кўнгилдагидек эмаслигини, зарур бўлган пайтлардагина факультетда бўлишларини айтдилар. Хайрлашув олдида, «майли сен учун бораман, билиб қўйгин, ҳимоя рус тилида бўлади, хижолат тортмайлик тагин!» деганлари рост. Ҳимояда домла олдинги қаторда ўтириб, диққат билан тингладилар ва ниҳоят мамнун ҳолда менга омадлар тилаб хайрлашдилар.

Ҳақиқатдан ҳам ҳимоя тўлиғича рус тилида ўтди. Баённомалар ҳам рус тилида битилди. Ўша пайтдаги махсус кенгаш аъзоларининг аксарияти ҳозир орамизда йўқ. Илмий кадрият ва шогирдлик бурчи нуқтаи назардан бундан 30 йил муқаддам ТошДУ да география фанлари бўйича фаолият кўрсатган махсус илмий кенгаш аъзолари рўйхатини келтиришни ўринли деб билдик (28.11.1975 йил).

1.Раҳимов Т.И. г.ф.н., доцент, факультет декани (кенгаш раиси), 2.Бабушкин Л.Н. г.ф.д., профессор, Табиий география кафедраси мудири (раис муовини), 3.Шалатова М.И. г.ф.н., доцент, (илмий котиба), 4.Акрамов З.М. г.ф.д., профессор, Иқтисодий география кафедраси мудири, 5.Айзенштат Б.А. г.ф.д., профессор, Ўрта Осиё минтақавий гидрометеорология илмий текшириш институти Метеорология ва иқлим бўлими мудири, 6.Аминов А.М. и.ф.д., профессор, Тошкент халқ хўжалиги институти сиёсий иқтисод кафедраси мудири, 7.Бедринцев К.Н. и.ф.д., профессор, ЎзФА муҳбир аъзоси, 8.Гранитов И.И. б.ф.д., профессор, ЎзФА муҳбир аъзоси, 9.Долимов Н.Д. г.ф.н., Табиий география кафедраси доценти, 10.Қорахонов М.К. и.ф.н., доцент, Аҳолишунослик лабораторияси мудири, 11.Когай Н.А. г.ф.д., профессор, 12.Мўминов Ф.А. г.ф.д. профессор, Ўрта Осиё минтақавий гидрометеорология институти бўлими мудири, 13.Пославская О.Ю. г.ф.д., профессор, 14.Ҳасанов Ҳ.Ҳ. г.ф.д., профессор, 15.Шульц В.Л. г.ф.д. профессор, куруклик гидрологияси кафедраси консултант, 16.Шеглова О.П. г.ф.д., профессор, 17.Цапенко Н.Г. г.ф.н, доцент.

Бугунги кунда устоз Н.Д.Долимов таваллудининг 100 йиллигини нишонлар эканмиз устознинг барча орзу-умидлари ижобат бўлди деяоламиз. Мамлакатимиз мустақиллик камарини белига боғлади, университет янгича мақомга, нуфузга эга бўлди. Ҳатто унга карвонбошилиқ устознинг ўғилларидан бирига насиб этди (Академик Т.Н.Д.Долимов). География фани бўйича ҳам махсус илмий кенгашнинг таркиби ўзгарди. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида устознинг шогирдлари орасидан географ олимлар сулоласи вояга етди.

Фақатгина 1963 йилда устоз раҳнамолигида университетни тугатган ёш географлардан ўндан ортик олимлар етишиб чикди. Булар: география фанлари доктори, профессор А.А.Рафиқов, геология-минералогия фанлари номзоди С.Олтиев, тарих фанлари доктори Т.Жумаев, тарих фанлари номзоди Ҳ.Нурмухаммедов, иқтисод фанлари номзоди Э.Тоиров, география фанлари номзодлари И.Ҳасанов, А.Зайнуддинов, Ш.Эргашев, И.Назаровлардир. Хулоса ўрнида қайд қилиш жоизки, Н.Д.Долимов буюк хизматлари билан ўзига мангу ҳайкал қуриб кетганлиги ҳақиқат. Бу хизматларни тан олиш ва устоз билан фахрланиш, устозни ибрат деб билиш бизларнинг шогирдлик ва миллий бурчимиздир.

С. Қориев
Ергеодезкадастр
УСТОЗ ҲАҚИДА ХОТИРА

Устоз ҳақида улуғ кишилар қанча ҳикматлар қолдирганлар. Ҳазрат Алишер Навоий «Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўкутмиш ранж ила, айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила» деган эканлар. Чиндан ҳам бир киши мурғак қалб гўдакка қийнала-қийнала бир ҳарф ўргатган бўлса, буни дунё-дунё бойлик билан ҳам ўлчаб бўлмас экан.

«Устоз кўрмаган шогирд минг мақомда йўрғалар» дейишади, асли маталнинг тўғриси «Устоз кўрган шогирд минг мақомда йўрғалар, устоз кўрмаган шогирд ер бағирлаб ўрмалар» экан-устоз кўрган шогирд минг мақомда ҳунар, санъат кўрсата олар экан.

Дорилфунун эшигидан олиб кириб, тарбия, таълим берган биринчи устозим менинг келажагим учун фаришта бўлган эканлар. Оллоҳ менинг касбу коримни, ризқи-рўзимни ершуносликдан деб қўйган экан (менинг асосий ихтисослигим топонимика ҳам ершуносликнинг бир бўлими)-бу фақат домлам шарофатидан эди. Нашриётда бўлсин, энциклопедия таҳририятида бўлсин, кўплаб географлар, геологлар, устозлардан Муқсид Қориев, Иброҳим Мирзобоев, Мирҳаким Мирбобоев, Ҳамидулла Ҳасанов, Зиёвутдин Акрамов, Ғани Мавлонов, Иброҳим Ҳамробоевлар каби меҳри дарё алломалардан илм соҳасидагина эмас, балки инсонийлик, камтарлик, одамшавандалик борасида ҳам сабоқ олиш бахтига муяссар бўлган эканман, бу ҳам биринчи домлам Нўъмон Долимов туфайлидир.

Буюк ислом илоҳиётчиси, файласуф Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий (XI аср) «устознинг буткул илмини, номаи амалларини билмасдан туриб, унинг кадрига етмайсан киши» деган эканлар. Ёшинг бир жойга бориб, оқ-қорани таниб, ёзув-чизув ишлари билан шуғулланар, кичикроқ бўлса ҳам жамоага бошчилик қилар, аудиторияга кириб маърузалар ўқир экансан ҳар қадамнинг ўлчоғлик бўлган ўша тоталитар тузум шароитида домланинг чорак аср давомида бутун бир факультетни намунали бошқарганларига, рус тилида ҳам дарслар беришга мажбур бўлганларига, ўзбек ва рус тилларида бирдай қалам тебратганларига таҳсинлар ўқийсан одам.

Кишининг тақдири, келажаги кўп жихатдан саховатли инсонларнинг беғараз ёрдамлари, ғамхўрликлари ва қўллаб-қувватлашларига боғлиқ бўларкан. Зоминнинг узоқ тоғ қишлоғида туғилиб, ўзбек тилида дурустроқ гапира олмайдиган, русчадан умуман беҳабар, тоғлик ўсмир Тошкентдек азим шаҳарга келиб, университетда ўқиб, пойтахтда «ҳарф санаб» ризқ-рўзини топиб, илмий иш ва таржима билан шуғулланиш даражасига етишган эканман, менинг бу камтарин муваффақиятим ўзимникигина эмас.

Авваламбор, ҳар қандай даҳонинг ҳам кашфиётлари, илмий, адабий, ижтимоий соҳалардаги жамики ютуқлари Худодан, шахс фақат парвардигор ато қилган салоҳиятни, кўнглига солган-«теша тегмаган» фикр-мушоҳадалар, янгиликлар, кашфиётларни рўёбга чиқарувчи инсоний, жисмоний куч экан, холос.

Тангри бандасига раҳмат йўлини кўрсатишни саховатли бандлари дилига солар экан, «Саховат ўз моддий ва маънавий манфаатлари ва тинчлигидан кечиб, бировга беғараз қилинган яхшиликдир», дейди академик Иброҳим Ҳамрабоев.

Менга саховат қўлини чўзган, баланд ҳиммат билан ёрдам қилган инсон кам эмас.

Пурҳиммат, олийжаноб кишиларни, айниқса Тошкентда кўп учратдим.

Ҳаётнинг барча пасти-баландликларида менга марҳамат кўрсатган устозлар, дўст-биродарларнинг яхшиликларини асло унута олмайман.

Лекин менинг олий маълумотга эга бўлишимда, ўз ҳаёт йўлимни танлаб олишимда, илм, фан соҳасида оқ-қорани таниб, озми-кўпми муваффақиятларга

эришишимда саховатнинг етти дарвозасини очиб, устозлик қилган бир инсон бўлган. Бу зот биринчи ўзбек географи, беназир раҳнамо Нўъмон Долимович Долимовдир. Бу кишининг сиймолари олдида ҳамиша бурчдорман, қарздорман.

Одамнинг ўсишида, улғайишида, ютуқларга эришишида ота-онанинг, қариндош-уруғларнинг, маҳалла-қўйнинг хизматларини инкор этмаган ҳолда «Устоз отангдан улуғ» деган ҳикматда одамнинг инсон бўлишида муаллимнинг роли бекиёс эканлиги қайд қилинганлигини айтиш керак.

Вақти-соати етиб, 1947 йили июль ойида САГУ-Ўрта Осиё давлат университетида ўқишга келдик. қабул комиссиясининг раиси (энди билсам котиби экан) кўзлари катта, басавлат, сури баланд киши эканлар. Лапас деган ўртоғим билан ҳузурларига кирганимизда раис: «икковларинг бир жойдан экансан, биринг тарих факультетида, биттанг менинг факультетимга-география факультетида қиринглар, иккаланг бир мактабда ишлаб юрасанлар», деб кесиб гапирдилар. «Бу одам қизиқ эканлар-биз райком секретари бўламиз десак, ўқитувчи бўласан» дейдилар-а, деб ранджидик ҳам.

Домла менинг у қадар хоҳламаганимни сездилар шекилли: «География жуда қизиқарли фан, бутун дунёнинг табиатини, иқтисодини билиб оласан, ёз пайтларида кўп саёҳатларга борасан, ҳатто Иттифоқ бўйлаб ўқув амалиётида бўласан, ўқишда ўзим сенга ёрдам бераман», деб мени қизиқтирдилар. Мен жон-дилим билан бўлмасам ҳам домланинг вазоҳатларидан ийманганимдан ҳам розилик билдирдим.

Ўқишлар бошланиб кетди. Фалсафа, сиёсий иқтисод, педагогика, математика каби умумий фанларни ҳисобга олмаганда, ихтисос берадиган фанларнинг ҳаммаси рус тилида ўқитилар экан, фақат деканимиз Нўъмон Долимович Ўрта Осиё табиий географиясидан ўзбек тилида маъруза ўқир эдилар. Домла сўзларни дона-дона қилиб, қийин терминларни қайта-қайта такрорлаб, секин маъруза ўқир эканлар. Конспект қилиб улгурар эдик.

Ўқиш ниҳоятда қийин эди-рус тилини билмаганимдан кейин осон бўлармиди? Имтиҳон вақтларида декан ҳозир-нозир эдилар, бизларни «сўраб олган» пайтлари ҳам бўлган.

Декан факультет талабаларнинг қобилияти, оилавий шароити, ҳатто таржимаи ҳолларини яхши билар эдилар. Талабаларнинг туриш-турмуши, айниқса стипендия олиб туришлари домланинг алоҳида назорати остида эди.

Учинчи курснинг ўрталарига бориб, русчани яхшигина ўрганиб олдим. Дарсликларнинг таржимасини текшира бошладим. хатолар топган ҳам бўлдим. Бундан домла хабар топиб, бирон дарсликнинг таржимаси ҳақида тақриз ёзишимни айтдилар. Бу тақриз учун «Ўқувпеддавнашр» (ҳозирги «Ўқитувчи») нашриётидан гонорар олиб бердилар. Нашриёт раҳбарлари билан гаплашиб қўйган эканлар, университетни битирганимдан кейин шу нашриётга муҳаррир этиб ишга қабул қилишди.

Факультет остонасига дастлаб қадам қўйганимда устознинг қабул комиссияси раҳбари сифатида «Сенга ўзим ёрдам бериб тураман» деганлари ҳамишаликка айтилган пурмазмун сўзлар экан. Домлам Нўъмон Долимович қанча азиятлар чекиб бўлса ҳам менга университет дипломини тутқаздилар, олий мақомли ҳужжат билан мени келажак йўлига узатдилар.

Менга ғамхўрлик кўрсатган, ёзган-чизганларимнинг камчиликлари устидан чизик тортиб, юкори баҳолаган, филология ва география соҳаларида ёзган диссертацияларимнинг ниҳоясига етишига улкан ҳисса қўшган дўстларга, олиму уламоларга раҳматимни айтаман, Тангри таоло уларнинг умрларини зиёда, соғлиқларини аъло қилиш билан мустажоб этган бўлсин, илойим! Ўтганларни Худойим раҳматига олган бўлсин.

Кишилар ташки қиёфаси, номаи аъмоли билангина эмас, балки ички дунёси, дунёқараши, инсонийлик даражаси билан бир-бирларидан катта фарқ қиладилар.

Хўш, устозим Нўмон ака Долим ўғли қандай инсон эдилар?

Бу одам салобатли, сури баланд инсон эдилар. Бундай фариштаси улуғ кишилар ҳамманинг олдида катта обрўга эга бўладилар. Талабалар тугул ўқитувчи-профессорлар ҳам декандан ийманиб турар эдилар.

Домла эътиқоди мустаҳкам одам эдилар.

Домла барчага-каттага ҳам, кичикка ҳам бир хилда хушмуомалада бўлганлар, шу билан бирга жондош, сирдош, дўст танлашда устознинг ўз ўлчовлари бўлганга ўхшайди; самимийлик, устуворлик (қатъийлик), камтарлик, билимдонлик, классик адабиётдан хабардорлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик бош мезонлари эди, бинобарин, домланинг барча дўстлари ўзлари каби ана шундай хусусиятларга эга эдилар.

Домланинг фаолиятини яхши билган, у киши билан ишлаган ҳамкасбларининг фикрларига қараганда, у киши биринчи галда ниҳоятда мохир педагог, иккинчидан, улкан олим эдилар. Ёзган асарлари у қадар кўп бўлмаса ҳам улар ҳамон ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Нўмон Долимовичнинг таржимачилик соҳасида хизматлари ҳам таҳсинга сазовордир.

Н.Д.Долимов ўзларининг баракали, сермеҳнат, сермахсул, сермазмун умрларида маърифатпарвар, халққа зиё тарқатувчи педагог ва олим сифатида, фарзандларини ўзларидай ҳалол, пок, заҳматқаш инсонлар қилиб тарбияланган падари бузруквор сифатида ибратомус ҳаёт кечирдилар. Домла Тошкентликларни, ўз оёғи билан келган бирёқликларнигина эмас, балки районма-район юриб илмга чанқоқ, аммо ёнчиғи бўш қишлоқларни университетга жойлаб, ётоқхона ва стипендия билан таъминлаб, ҳатто ўз уйларида асраб, имтиҳонларда суяб-тираб, керак бўлса, чўнтақларига пул солиб кўйиб, уларга фаннинг ҳам сир-асрорлари билан бир қаторда турмушнинг пасти-баланликларидан ҳам сабоқ бериб, ниҳоят қўлларига дорилфунун йўлланмасини тутқазиб яшаган эканлар, буни ҳаётларининг олий мундарижаси деб билган бўлсалар ажаб эмас.

Н.Д.Долимовнинг ҳаёти барча зиёлилар учун ўрнак бўлчса арзийди. Илоҳим домлани Худо раҳмат қилган бўлсин.

А.С.Салиев, Р.Й.Махамадалиев

Национальный университет Узбекистана

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ И СОЦИАЛЬНАЯ ГЕОГРАФИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ: ДОСТИЖЕНИЯ, ПРОБЛЕМЫ, ПЕРСПЕКТИВЫ

Сведения экономико-географического характера на территории современного Узбекистана имеют давние исторические корни. Однако эти знания имели, в основном, страноведческое или краеведческое содержание. Вместе с тем здесь экономико-географическое мышление, в отличие от традиционной классической экономико-географической школы запада, в основном было связано с размещением сельскохозяйственных культур, развитием орошаемого земледелия, ремесленного производства, ирригации, торговли и градостроительства.

Что же касается самой науки, то первые исследования, по нашим сведениям, появились в начале прошлого столетия. В частности, в 1906 году Махмудходжа Бехбуди специально выделил географию населения, политическую географию, которые ныне являются составными частями экономической и социальной географии. Однако эти и другие работы послужили лишь предпосылкой или предысторией формирования экономической и социальной географии (для краткости - экономической географии) в Узбекистане. Она, по существу, начала развиваться после создания кафедры экономической географии в бывшем Среднеазиатском -ныне Узбекском Национальном

университете в 1940 году, организацией на ней аспирантуры (1943 г.). В этом большая заслуга принадлежала Г.Н.Черданцеву, В.М. Четыркину и другим ученым.

Следует особо подчеркнуть, что экономическая география у нас генетически «вышла» из физической географии и была связана, главным образом, с изучением природных ресурсов, их оценкой для сельского хозяйства. Так, например, Ю.Пославский писал о районировании сельскохозяйственного производства, а Н.Ярошевич - о методах районирования агромероприятий в хлопководстве. Здесь следует отметить, что в работах экономико-физико-географического направления рассматривалась вся Средняя Азия и Казахстан, чего иногда так не хватает сегодня. Действительно, этот регион исторически и географически представляет собой единое поле исследования, так как и дороги, и реки, да и судьба самых народов во многом имеют трансграничный характер.

В формировании и развитии экономической географии большую роль сыграли два межвузовских научных совещания по проблемам физико- и экономико-географического районирования Средней Азии и Казахстана в 1957 и 1961 годах. Причем собственно экономико-географическое районирование учитывало результаты физико-географического районирования, в частности, почвенно-климатического, геоботанического, зоогеографического, геоморфологического районирования.

Большой вклад в формирование и развитие экономической географии в республике внесли экономисты и географы К.Н.Бедринцев, С.К.Зиядуллаев, К.И.Лапкин, Н.Г.Цапенко, Н.В.Смирнов и другие учёные. В 60-годы вышла целая плеяда учёных из числа местного - коренного населения. В этом плане особо следует отметить творчество профессора З.М.Акрамова, заслуженного деятеля науки Узбекистана, первого доктора наук по экономической географии – узбека по национальности.

Немалая заслуга в развитии данной науки в Узбекистане принадлежит также М.К.Караханову, Т.И.Раимову, Р.А.Хадиеву, Т.Э.Эгамбердиеву, Т.Таджимову, С.Саидкаримову, М.Юсупову, К.Абиркулову и многим другим. В последующем к ним присоединились О.Б.Ата-Мирзаев, Х.С.Салимов, А.С.Салиев, А.Р.Рузиев, А.А.Каюмов, Т.Д.Джумаев.

Таким образом, в настоящее время четко определились два основных направления в экономической географии Узбекистана. Это, во первых, агрогеографические исследования, во вторых, изучение географии населения, городов и процесса урбанизации. Первое традиционно было связано с местом республики в территориальном разделении труда, а второе, с одной стороны, было обусловлено особенностями специфической демографической ситуации и, с другой - тенденцией социологизации экономической географии. Как ни парадоксально, но факт, что в слабоурбанизированной республике, где, казалось бы, все связано с сельским хозяйством и сельским населением, получила развитие городская тематика, исследования региональных проблем «среднеазиатского феномена» урбанизации.

Вместе с тем определенные результаты были достигнуты и в исследованиях по экономическому районированию Узбекистана. В этом отношении большое значение имели работы Совета по изучению производительных сил (СОПС) АН республики, где на основе совместных исследований экономистов и экономико - географов возникла и получила общесоюзное признание научная концепция районно-комплексных проблем. В этом контексте были исследованы Ферганская долина, проблемы формирования Бухоро-Навоийского, Кашкадарьинского, Нижнеаму-дарьинского территориально-производственных комплексов. В последующем именно экономико - географы были инициаторами организации нового направления не только в Узбекистане, но и в целом

на постсоветском пространстве по подготовке кадров в области «региональной экономики».

К настоящему времени своеобразная школа экономико-географов (научная школа Акрамова - Салиева) сложилась в Национальном университете Узбекистана им. Мирзо Улугбека. Кроме того, экономическая география развивается в Самаркандском и Наманганском университетах, в Ташкентском экономическом университете и в Ташкентском финансовом институте; она имеет определенные перспективы также в Каракалпакском, Андижанском, Ферганском, Каршинском, Термезском, Ургенчском университетах, Нукусском педагогическом институте и т.д.

Таковы вкратце некоторые итоги и достижения экономической географии в Узбекистане. Однако за этот небольшой период не все вопросы решены, имеется ряд актуальных проблем в теории и практике данной науки, в ее преподавании в вузах и общеобразовательных школах. Причём эти проблемы теперь должны быть изучены сквозь призму политической независимости Узбекистана, перехода национальной экономики на рыночные отношения и с учетом современной геополитической, геоэкономической и геоэкологической ситуации.

В целом проблем немало, но их нельзя рассматривать в одной плоскости; если проблем много, то, как правило, следует говорить об их значимости, остроте и актуальности, о приоритетах решения тех или иных задач. В теоретическом аспекте, например, первостепенное значение имеет переосмысление фундаментальных концепций и научных положений экономической географии - территориального разделения труда, экономического районирования, территориально-производственных комплексов и других с позиции современных требований. Особенно важным является исследование проблем территориального разделения труда внутри республики, т.к. экономическая безопасность страны во многом зависит от специализации и комплексного развития хозяйства её различных регионов. Что же касается «судьбоносной» концепции экономической географии – теории экономического районирования, то она в настоящее время находится практически в бездействии. К сожалению, многие специалисты связывают её только или в основном с деятельностью бывшего Госплана, с централизованным планированием развития и размещения производительных сил. В то же время нередко забывается, что это наиболее важный инструмент, метод государственного регулирования размещения производительных сил, научная основа проведения эффективной экономической политики.

В этой связи нельзя не заметить, что в условиях расширения прав местных властей (хокимиятов) проявляются некоторые признаки дублирования производственных структур соседних территорий, что противоречит интересам формирования единого рыночного пространства или, по выражению А.Лёша, - экономического ландшафта, что соответствует нашему пониманию экономического района. Разумеется, создание аналогичных производств необходимо для формирования конкурентной среды - главного требования рыночных отношений. Но вместе с тем наличие однотипных предприятий, во первых, экономически малоэффективно и, во вторых, это мешает интеграционным тенденциям, образованию целостных пространственно - хозяйственных систем или экономических районов.

В свете этого непризнание экономических районов (теперь - экономико-географических), всякое недоразумение на этот счет вредно и опасно для теории и практики экономической географии. Появилась надежда, что с образованием двухпалатной системы Олий Мажлиса усилится внимание к региональным аспектам социально-экономического развития республики. Официальное признание системы экономических районов, ведение статистической отчетности по ним, выполнение забытых, к сожалению, комплексных региональных экономических исследований,

несомненно, будут играть большую позитивную роль в разработке и реализации региональной экономической политики государства, в организации учебного процесса и, в конечном счете, - в повышении престижа экономической географии в целом.

В экономической географии очень важным и нужным считается трехзначная аббревиатура «ТС». Это: территориальное сочетание, территориальная структура и территориальные системы. Хотя они весьма близки друг к другу и носят примерно одинаковую по существу информационную нагрузку, их самостоятельное и специальное изучение также заслуживает внимания.

Территориальное сочетание - это «живая душа» экономической географии, ибо без этих сочетаний, без пространственных различий от места к месту, без «пространственной геометрии хозяйства» нет и экономической географии вообще. Между тем сочетание, сочетающие объекты - это есть своего рода экономические районы и основа территориально-производственного комплексообразования, а идея ТПК созвучна с теорией систем в пространственной экономике. Кроме того, структура выступает, в свою очередь, как инвариант системы, и всякая структура есть система, но другого иерархического уровня. На этом основывается методологически важный общенаучный системно-структурный подход.

Исходя из вышесказанного, глубокая разработка проблем территориальных сочетаний (В.В.Покшишевский, А.А.Минц), территориальных структур (И.М.Маергойз) и территориальных систем (Т.М.Калашникова, К.И.Иванов, М.Д.Шарыгин и др.) и синтез, обобщение результатов этих исследований имеет исключительную ценность для теории экономической географии.

Известно, что в настоящее время наша наука в Узбекистане называется «экономическая и социальная география», а в системе ВАК других стран СНГ, например, России, Казахстана, Киргизии ее официальный шифр 25.00.24 звучит ещё длиннее и шире - «экономическая, социальная и политическая география» (мы бы предпочли в будущем называть коротко, как это имеет место в некоторых государствах мира, «общественная география» в широком смысле этого слова). На наш взгляд, она состоит из трех основных блоков: экономической географии, социально-экономической географии и социальной географии. В перспективе самостоятельно может возникнуть новый, четвертый блок, т.е. политическая география.

В этой связи следует подчеркнуть, что все известные теоретические положения, фундаментальные научные концепции относятся к собственно экономической географии. Вместе с тем, в самые последние годы у нас происходит и фронтальное развитие экономической географии в сторону ее социологизации; появились, в частности, исследования в области географии преступности, нозогеографии, географии туризма, науки и научных исследований. В то же время политической географии явно «не везёт», хотя в прошлом она имела давние традиции и широкое содержание, охватывая даже экономическую географию в узком смысле этого слова.

Говоря о развитии экономической и социальной географии «вширь» нельзя не указать и на возможную опасность ее растворения, «поглощения» другими смежными науками, отхода от традиционных её корней, т.е. от физической географии, чего нельзя ни в какой мере допускать. Поэтому баланс направлений, соотношение фундаментальных и фронтальных исследований все же должны складываться в пользу первого, иначе экономическая география лишается своей сущности.

Интеграционный потенциал географии действительно велик, обширен ее объект и круг исследований, однако это не должно идти в ущерб самой науке, вести к «разорванной географии». Поэтому отнюдь не отрицая актуальность социогеографических исследований, нельзя забывать и традиционные области изучения экономической и социальной (общественной) географии.

География в какой-то степени - наука о границах (естественных, экономических, политических и социальных), но, как ни странно, порою сама их не имеет. Поэтому географам предстоит, прежде всего, четко очертить и обозначить сферу своей компетенции, круг своих собственных интересов.

С другой стороны, наука как социальный процесс не знает административных границ. В этом смысле нет и не может быть какой-то чистой национальной науки, что идет в разрез с интересами общественного прогресса. В связи с этим необходимо широкое информационно-исследовательское поле или пространство для экономической и социальной географии. В этом отношении заслуживают внимания комплексные исследования республик Средней Азии и Казахстана («4+1») как исключительно своеобразного и стратегически важного в глобальном масштабе региона мира. Определенный интерес может представить географическое изучение всего пространства СНГ и других с определенных государств с учетом экономико-географического и геополитического положения Республики Узбекистан.

К великому сожалению, как писал ещё Ю.Г.Саушкин, «география теряет завоеванные высоты». Ведь многие фундаментальные положения экономической географии - теория территориального разделения труда, экономического районирования, ТПК и ЭГП, постепенно уходят из поля зрения данной науки. А этого не следует допускать, надо держать приоритет в изучении названных проблем.

Известно, что когда-то география незаметно отошла от этнографии и «отдала» ее целиком историкам. Но так получилось, что данная, весьма интересная наука, почти «пропала» между географией и историей. Думается, что в социогеографических исследованиях этногеографические аспекты и проблемы также займут достойное место.

То же самое случилось с геополитикой, которая в немалой степени сформировалась благодаря трудам географов (Ф.Ратцеля и др.). Она теперь в Узбекистане читается больше историками и политологами, нежели чем самими географами. Очень часто географы познают ценность своих достижений через «вторые руки», после других и с большим опозданием.

Почти аналогичная ситуация сложилась и в области региональной экономики. Ведь не секрет, что у истоков рассматриваемой науки стояли экономико-географы. Например, основоположника теории штандарта Альфреда Вебера многие (впрочем и на Западе) считают экономико-географом; именно он в начале XX века сделал одну из первых попыток определения экономической географии как науки, изучающей «теоретические основы экономических процессов в конкретном пространстве». А знаменитая книга его соотечественника Августа Лёша на русский язык переведена как «Географическое размещение хозяйства» (1959 г.). К этому следует, добавить, что У.Изард - создатель ассоциации региональной науки, организовал факультет региональной науки именно на базе географического факультета Пенсильванского университета (США) и возглавил его сам.

Ознакомление с историей экономико-географических идей наводит нас на мысль о том, что классически эта наука зарождалась в Западной Европе и, прежде всего, в Германии и во Франции. В первой больше развивалось размещенческое (экономическое), в второй - районное (собственно географическое) направление. Поэтому можно сказать, что из такого арифметического сочетания «Германия + Франция» слагается и экономическая география.

По видимому, немецкая школа оказала определенное влияние и на формирование экономической географии в России, особенно в Петербурге, а в Москве больше развивалось ее районное направление, чему в значительной степени способствовали труды К.И.Арсеньева и Н.Н.Баранского. Современная экономическая география как в

России (в бывшем СССР), так и в Узбекистане основывается, главным образом, на районной концепции. Но при этом не следует полностью отказываться от изучения проблем отдельных отраслей, что вело бы к ослаблению собственно экономической основы нашей науки. В то же время упор только на изучении районов иногда ведет к простой констатации фактов, «описательному» характеру исследований, за что нас часто обвиняют экономисты. Здесь, сохраняя приоритет районного подхода, целесообразным считается рациональное его сочетание с отраслевым анализом. Разумный переход от отраслевого анализа к районной характеристике и от последней - опять к отраслям хозяйства района на основе системно-структурной методологии повышает конструктивную значимость экономико-географических исследований.

Зимние месяцы в горных районах, высотой более 2000 м, а также с ветром более 5 м/с характеризуются холодным дискомфортным типом погоды – 2X и 3X.

Погода теплого сезона в Джунгарском Алатау характеризуется длительным периодом комфортных погод (июнь-сентябрь, особенно в дневные часы суток). Летний сезон начинается с третьей декады мая, когда средние суточные температуры переходят через 10°C. Заканчивается лето в конце первой декады сентября. Продолжительность сезона примерно 110 – 115 дней. Как сезон года, лето характерно самыми высокими температурами воздуха и почвы, наименьшей их межсуточной изменчивостью, относительной устойчивостью средних месячных температур воздуха, наименьшими значениями относительной влажности воздуха, наименьшими скоростями ветра, наибольшим развитием растительного покрова.

Анализ результатов оценки показывает, что в горах почти половина всех дней в году относится к неблагоприятным для рекреации. Особенно большое число неблагоприятных дней приходится на периоды межсезонья: март – апрель и ноябрь. В эти месяцы общее число дней с благоприятной погодой составляет от 5 до 10. Зимой в среднегорье комфортный период продолжается с декабря по февраль и составляет от 50 до 100 дней. Летом благоприятный период начинается с середины мая и продолжается до середины октября (приблизительно 120-130 дней). Жарких погод в среднегорной зоне вообще не наблюдается.

Сопоставление практики современного туристского использования горной части Джунгарского Алатау с результатами проведенного анализа погодных условий позволяет сделать следующие выводы.

Современное размещение туристских зон в Джунгарском Алатау в целом отвечает природноклиматической ценности различных его районов.

С медико-биологической точки зрения регион не имеет себе равных, что, в частности находит свое отражение в оценке отдельно летних и зимних видов отдыха. По зимним видам отдыха Джунгарский Алатау относится к благоприятным, а по летним – к наиболее благоприятным.

Наличие здесь благоприятных условий делает желательным более интенсивное, чем сейчас, развитие зимних видов туризма и отдыха, особенно в среднегорном поясе.

Наилучшим для летнего отдыха можно считать период с середины мая до середины августа. Весьма благоприятным для отдыха в горах является также сентябрь.

Таким образом, организация познавательного туризма в Джунгарском Алатау с точки зрения погодно-климатических условий возможна и целесообразна, что конкретным образом предполагает здесь организацию рекреационного региона не только республиканского, но и международного значения.

Литература

1. Кандрор И. С., Демина Д. М., Ратнер Е. М. Физиологические принципы санитарно-климатического районирования территории СССР. М., 1974.
2. Данилова Н. А. Климат и отдых в нашей стране. «Мысль», М., 1980.

М.Д.Мамадияров, А.Н.Пыхарев

**Международный гуманитарно-технический университет,
Южно-Казахстанский государственный университет**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ РЕСУРСОПОЛЬЗОВАНИЯ В РАЗВИТИИ
ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ТУРИЗМА В ЦЕНТРАЛЬНО-АЗИАТСКОМ РЕГИОНЕ**

По сложившимся условиям страны постсоветского пространства центрально-азиатского региона связывают общие исторические, природно-географические, культурные и экономические корни. Это и предопределяет необходимость регионального сотрудничества во всех сферах жизнедеятельности. В 2005 году Правительства Кыргызстана, Узбекистана и Казахстана получили грант от Глобального Экологического Фонда (ГЭФ) для регионального проекта по сохранению биоразнообразия, нацеленного на оказание поддержки уязвимой и уникальной биологической среде в регионе буферных зон заповедников Аксу-Джабаглы (Казахстан) и Чаткал (Узбекистан) Западного Тянь-Шаня и содействию восстановлению экосистем.

Из критериев оценки эффективности управления заповедников выделены такие критерии как: «Посетители», «Возможности посещения», «Экотуризм», «Возможности развития экотуризма», «Контакт менеджеров заповедников с туроператорами». Все они оцениваются от 0 до 3 баллов в зависимости от категории и статуса заповедника. На территориях заповедников Аксу-Джабаглы и Чаткал возможности посещения ограничены жестким охранным контролем и лишь посещения с научно-исследовательскими целями имеют место.

Вместе с тем на прилегающих территориях, в буферных зонах развитие экотуризма рассматривается как альтернатива хозяйственной деятельности жителей пилотных сел: Кашкасу и Балдабрэк (Казахстан), Бала Дала и Такаянчак (Узбекистан), Маданият, Урмарал и Кок-Таш (Кыргызстан). Однако как показывает ситуация администрации этих сел не готовы к реализации такой альтернативы. В связи с этим фактом перед учебными заведениями встает задача подготовки квалифицированных специалистов для приема экотуристов, обустройства «экологических троп» и развития экотуризма.

Исходя из того, что в современном понимании экологический туризм относится к группе видов природно-ориентированного туризма, имеющий своим основанием природу, включающий ознакомление с окружающей природной средой, ее объяснение и охрану - он должен быть научно-обоснованным, прогнозируемым и проектируемым.

Несмотря на то, что и отечественные исследователи, и иностранные эксперты оценивают экотуристский потенциал центрально-азиатского региона как чрезвычайно высокий, на этот счет не должно возникать иллюзий. Реальные ресурсы и пространство территорий, в пределах которых возможно быстрое и эффективное развитие экотуризма, отнюдь не безграничны и нуждаются в тщательной, надежной оценке. Эта оценка должна основываться на анализе фонового экологического состояния территорий и акваторий, на выявлении местных и локальных ареалов, привлекательных для организации экотуров и одновременно обладающих достаточной экологической устойчивостью, не говоря уже о таких важных аспектах экологической безопасности как качество питьевой воды и продуктов питания.

Чрезвычайно важный аспект развития экотуризма связан с разработкой его принципов и методов исследования и организации, адаптированных к современной экологической ситуации. В этом процессе целесообразно различать два аспекта.

Во-первых, развитие собственно экологических туров, ориентированных на прямое использование более или менее “дикой” природы как среды обитания туристов

и целей путешествия. Во-вторых, внедрение экологических технологий во все компоненты тура будь то трансфер, размещение, питание, экскурсия или что - либо иное.

Как и любые другие, ресурсы экотуризма неограничены. Они имеют определенный объем (потенциальный запас), время использования, условия эксплуатации и, естественно, стоимость. Следовательно, туристско-рекреационное ресурсосведение должно отражать следующие моменты: выявление, оценку, условия эксплуатации и охраны ресурсов экотуризма.

Для преодоления актуальных проблем в сфере экотуристского ресурсопользования предлагается сосредоточить усилия на решении следующих задач: создание региональных, тематических кадастров и баз данных по существующим и потенциальным ресурсам экологического туризма, а также по возможным инвестиционным проектам; разработка нормативно-правовых и экономических механизмов, обеспечивающих эффективное использование, охрану и воспроизводство ресурсов туризма; развитие некоторых перспективных и "ресурсомалоёмких" направлений туристско-рекреационной деятельности, в том числе, экскурсионно-краеведческих программ, экологического туризма, включающего учебно-познавательный и учебно-образовательный и научно-исследовательский его виды.

В целом, задачи развития экотуризма и освоения эколого-туристских ресурсов региона можно охарактеризовать следующим образом: надежная оценка экотуристского потенциала и реально доступных ресурсов; подготовка кадров; разработка методов экономической оценки экологических компонентов туристского продукта; реализация ряда "модельных" региональных пилот-проектов; создание нормативной базы в сфере экологического туризма (паспорта территорий и туристских предприятий, критерии сертификации и др.).

Литература

1. Программа действия для пилотных сел по сохранению биоразнообразия Западного Тянь-Шаня.- Информационный бюллетень/Дайджест.-№9.-С.7-16
2. Ердаuletов С.Р. География туризма.- Алматы, 2000.- С.155,176;

С.Б.Аббосов

Самарқанд Давлат университети

**ЌИЗИЛЌУМ ИЧКИ СУВЛАРИНИНГ ЧЎЛ ЛАНДШАФТЛАРИНИ
ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ**

Ички сувлар геосистемаларнинг мустикал компонентларидан бири бўлиб, улар ўз навбатида ҳар бир жойнинг тупроқ ва ўсимлик қопламига ҳамда улар билан узвий алоқада бўлган бошқа компонентларга бевосита ва билвосита таъсир этиб, ландшафтларнинг шаклланишида ва ривожланишида фаол иштирок этади. Бирок Турон пасттексислигининг аксарият регионларида гидрографик тўр яхши ривожланмаган ва ер ости сувлари ҳам катта чуқурликда ётади. Шунинг учун Қизилқумнинг ҳозирги ландшафтларини шаклланиши ва ривожланишида ер усти ва ер ости сувларининг бевосита таъсири сезиларли даражада эмас. Чунки бу регион иқлимнинг ниҳоят қуруқлиги, континенталлиги ва улкан пасттексислик марказида жойлашганлиги сабабли фаолият кўрсатувчи дарё ва сойлардан маҳрум. Шунинг учун ҳам Қизилқум чўлида ер усти ва ер ости сувлари таъсирида вужудга келган гидроген ёки гидроморф ландшафтлар – ўтлоқзорлар, қамишзорлар, ботқоқликлар деярли учрамайди. Аммо, бу ҳудудда гидрографик тўрнинг ривожланмаганлиги ва ер ости

сувларининг катта чуқурликда ётиши иқлим шароитини янада аридланишига сабаб бўлади, арид ландшафтларнинг шаклланишига ва ривожланишига имконият яратади.

Қизилқум жанубий қисми Зарафшон дарёсининг давоми бўлган ва шимоли-ғарбий йўналишда чўзилиб ётган қадимий Махандарё ўзани билан, шарқий қисми Сирдарёнинг кенглик бўйлаб чўзилган қадимий Дарёсой ўзани билан кесилган. Қадимий курук ўзанлар барханлар ва грядали қумлар билан ўралган. Баҳорнинг серёғин пайтларида Махандарё ва Дарёсой ўзанлари, Чуқурқўл, Маханқўл ва Парсонқўл ботиклари ёмғир суви билан тўлади. Лекин тўпланган ёмғир сувлари узок вақт сақланмай, тезда буғланиб ва ерга сингиб кетади. Махандарё ва Дарёсой водийлари ҳамда қўл ботиклари вақтинча бўлсада намлик билан таъминланганлиги сабабли улар калин юлғунзорлар билан қопланиб, юлғунли тўқай ландшафтларини ҳосил қилади. Қурук ўзанларда ва пастқам ботикларда шўрхок ва тақир ландшафтлар ҳам сезиларли даражада намоён бўлади.

Қизилқумнинг фақат қумли текисликлари ва берк ботикларигина эмас, балки унинг марказий қисмида жойлашган палеозой қолдиқ паст тоғлари ҳам сувсизлиги билан ажралиб туради. Бу қолдиқ тоғларда доимий оқар дарёлар ва сойлар умуман учрамайди. Лекин Томдитоғ, Бўкантоғ, Тўхтатоғ ва бошқа тоғларнинг этакларида босимли булоқ сувларини учратиш мумкин. Ер усти оқар сувлари паст тоғларда ва тоғ олди пролювиал текисликларда баҳорда кучли ёмғир ёққан пайтларда пайдо бўлиб, ёмғир тўхташи билан улар тезда ғойиб бўлади. Тоғолди текисликларининг куйи қисмидаги пастқам жойларда тўпланган қўлмак сувлар ўсимликларни ўсиши учун қулай шароит яратади. Бундай вужудга келган шароит фаслий эфемер характерга эга.

Қизилқум чўлида асосий сув манбаи бўлиб қадимдан ер ости сувлари хизмат қилади. Бу ерда яшайдиган аҳоли ҳам, чорва моллари ҳам кудуқ ва артезиан кудуқ сувлари билан таъминланади. Қизилқум чўли бўйлаб юзлаб қадимдан қазилган кудуқлар ва сўнги йилларда пармаланган артезиан кудуқлар тарқалган. Уларнинг чуқурлиги, сув билан тўлиши ва сув чиқариб бериши турли хил микдорий кўрсаткичларга эга. Қизилқумнинг эол қум текисликларида, палеозой паст тоғларида ва тоғ олди пролювиал текисликларнинг юқори қисмида грунт сувлари ер юзасидан жуда катта чуқурликда ётади. Масалан, Овминзатоғнинг шимоли-ғарбидаги қум массивлари ўртасида жойлашган Боштерак кудуғининг чуқурлиги 44 м ни, сув билан тўлиши 750 л/соатни ташкил этади. Суви чучук, салқин ва ичишга яроқли. Унга яқинроқ жойлашган Ялангқудуқнинг чуқурлиги 35 м га ва сув билан тўлиши 625 л/соатга тенг. Унинг суви ҳам чучук, мазали ва истеъмол қилиш учун яроқли.

Қизилқум палеозой паст тоғлари, эол қумли ва пролювиал текисликларга нисбатан берк оқмас ботикларида грунт сувлари ер юзасига анча яқин ётади. Масалан, шўрхок ботикда жойлашган Чакалак кудуғининг чуқурлиги 5 м ни ва сув билан тўлиши 210 л/соатни ташкил этади. Бу ерда пармаланган артезиан кудуғи эса соатига 520 литр сув чиқариб беради. Жангелдидан ғарб томондаги шўрхок ботикда ҳаракатдаги булоқ мавжуд бўлиб, у соатига 1250 литр сув етказиб беради. Сувнинг таъми тахир-шўр, ичимлик сув сифатида истеъмол қилишга яроқсиз. Маҳаллий аҳоли булоқ сувидан полиз экинларини ва чорва молларини суғоришда фойдаланади. Берк ботикларнинг айрим жойларида грунт сувлари ер юзасига жуда ҳам яқин жойлашган. Ана шундай жойда қазилган Тақирқудуқнинг чуқурлиги 3 м га ва сув билан тўлиши 200 л/сек га тенг. Бу кудуққа яқин жойлашган Қайишбулоқ ва Жоланчак булоқлари соатига мувофиқ равишда 500 ва 420 литрдан сув етказиб беради.

Қизилқумдаги берк ботиклар ичида Мингбулоқ ботиғи булоқларга ва артезиан кудуқларга бой. Қорахотин ва Оёқоғитма ботикларида секундига 8-12 литр сув чиқарадиган артезиан кудуқлари сувлари билан суғориладиган тажриба агроучасткалари барпо этилган. Ботикларнинг кўплаб участкаларидаги артезиан

кудуклардан оқиб ётган ортиқча сувлар тупроқларда шўрланиш ва ботқоқланиш жараёнини кучайтириб ўтлоқ, ботқоқ, ўтлоқ-ботқоқ, шўрхоқ-ўтлоқ ва шўрхоқ-ботқоқлик гидроморф ландшафт комплексларини вужудга келтирди. Шундай қилиб, Қизилқум чўлидаги булоқлар ва машиналар ёрдамида қазилган ўнлаб артезиан кудуклар атрофида кичик-кичик воҳалар вужудга келди ва ривожланди. Чўл воҳаларининг структураси асосан агро- ва селитеб ландшафтлардан таркиб топган. Уларнинг шаклланиши ва ривожланиши чўл шароитида бевосита ер ости сувлари билан чамбарчас боғлиқ. Келажакда Қизилқум худудида, айниқса унинг қумли текисликлари ва берк ботиқларида артезиан сувлари билан суғориладиган янги-янги чўл воҳаларини яратиш ва уларнинг ареалларини кенгайтириш имкониятлари мавжуд. Бунга гидрогеологлар томонидан кашф этилган ва катта миқдордаги захираларга эга бўлган ўнлаб ер ости чучук сув ҳавзалари асос бўлиб хизмат қилади. Кашф этилган сув ҳавзалари ер юзасидан 120-150 м дан 450-500 м гача бўлган чуқурликларда жойлашган.

Ю.И. Аҳмадалиев

**Фарғона Давлат университети
ҲУДУДНИНГ ТАБИЙ – АГРАР ИМКОНИЯТИ ВА
УНИ ЎРГАНИШ ЗАРУРИЯТИ**

Жаҳон қишлоқ хўжалигини юритиш тизими тезлик билан ўзгариб бормоқда, 80-йилларнинг ўрталарига келиб ютуқ деб баҳоланган ҳолатлар бугунги кунимизда ўзига хос муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ўша даврда қишлоқ хўжалигида моддий-техника таҳминотининг ортиб бориши тараққиётнинг бош кўрсаткичи сифатида баҳоланар эди. Бироқ бугунги кунда, бир фермер 80 кишини озиқ-овқат билан таҳминлаб, четга маҳсулот экспорт қилишга ҳам эришган Нидерландия, Буюк Британия, АҚШ каби мамлакатларда янги - маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган *ҳаражатларнинг* ортиб кетиши ва уларни қоплаш муаммоси келиб чиқмоқда.

Чет эллик эколог олимлар Ю.Одум, Д.Пиментал, Д.Берарди томонидан ишлаб чиқилган энергетик ёндашув концепцияси бўйича қишлоқ хўжалигига сарфланаётган антропоген энергетик ҳаражатлар маълум меҳёрий чегарадан ортмаслиги лозим, акс ҳолда уларнинг унумдорлик коэффиценти пасайиб, агрогеосистемада салбий оқибатларни келтириб чиқаради.(Одум Ю., 1986; FAO: production..., 1976; Pimentel D., Berardi G., Fast S., 1982). Мазкур олимлар тадқиқоти бўйича Мексика ва Филиппиндаги оддий, анҳанавий деҳқончилик тизими, энергетик нуқтаи назаридан, АҚШнинг юқори модернизациялашган қишлоқ хўжалигидан унумлироқдир.

Бундан ташқари, атроф-табiiй муҳитга кўрсатилган ҳар қандай таҳсир, жумладан, ердан фойдаланишдаги, икки томонлама тавсифга эга. Бир томондан, қисқа вақт давомида қақраб ётган чўлу-биёбонлар боғу бўстонга айланиб, кишиларга иқтисодий самара беради. Лекин, экологик қонуниятга кўра, иқтисодий самара олиш учун қилинадиган антропоген таҳсир натижасида атроф-муҳит қанча тез ўзгарса, қарама-қарши алоқа мезони бўйича, социал-экологик тизимда салбий оқибатлар ҳам шунча тез юз бериши мумкин (Реймерс., 1990). Бундай салбий ўзгаришларнинг асосий сабаби, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси билан табиий-ресурсли имконият ўртасидаги мутаносиблик қонуниятини бузилишидир.

Юқоридаги икки ҳолатдан келиб чиқиб, жаҳондаги илғор мамлакатларда қишлоқ хўжалигини юритишда асосий эҳтибор табиий-аграр имкониятдан тўлароқ фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги антропоген босими миқдорини камайитиришга қаратилмоқда.

Ҳозирда географик адабиётларда кўп ёритилган «sustainable development» ибораси ўзбек тилига «барқарор ривожланиш» деб таржима қилинмоқда. Бу ёндашувни қишлоқ

хўжалиги соҳасига тадбиқ этилиши натижасида *қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш концепцияси*-(sustainable agriculture) яратилди.(Altieti M.A., 1995; Francis C.A.,Madden J.P., 1995; O'Connell P.F., 1991).Бу концепциянинг муҳим жиҳати агроэкологик ҳолатни ҳаққоний баҳолаш орқали атроф муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги ресурсларини такрор ишлаб чиқариш, кимёвий моддаларни қўллашни оптималлаштириш ва ер фонди таркибини яхшилишга эришишдир. Концепцияда ишлаб чиқаришни жойлаштиришга, маҳаллий табиий ва социал-иқтисодий шароитдан келиб чиқиб, дифференциал (табақалаштирилган) ёндашув қўлланади. Табиатнинг «текин неҳматлари» дан (тупроқ, иқлим, сув, қуёш энергияси) янада унумлироқ фойдаланиш, техник ва биологик воситаларни такомиллаштириш орқали *камҳаражатли* ишлаб чиқаришни ташкил этиш назарда тутилади.

Худуднинг табиий аграр имконияти бу - ҳозирги ҳолатида ва келажакда иқтисодий, социал-экологик вазифаларни ҳал қилишда фойдаланиш имконияти бўлган, маҳлум сифат ва миқдор кўрсаткичларда ифодаланган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда қўлланадиган табиий шароит ва ресурслар мажмуасидир. Табиий ресурслар ва шароит қишлоқ хўжалигини ривожланиши ва жойлашишига чекловчи таҳсир кўрсатиши ҳам мумкин. Айрим чекловчи таҳсир кўрсатувчи омилларни (тупроқнинг сув, физик ва кимёвий хоссаларини) антропоген бошқариш ёки мақсад йўлида ўзгартириш мумкин бўлса, бошқаларини (иқлим, рельеф) бошқариш имкони йўқ. Бундан ташқари маҳлум ресурсни кам бўлиши етишмаслиги эмас, балки нормадан ортиқ бўлиши, концентрациясининг юқори бўлиши (сув, иссиқлик) қишлоқ хўжалигининг ривожлантиришни чеклаши мумкин. қишлоқ хўжалигининг маҳлум тармоғи масалан, яйлов чорвачилиги ёки лалмикор деҳқончилик учун қулай бўлган шароит, суғориб деҳқончилик қилишда мутлақо яроқсиз бўлиб чиқади. Шунинг учун ҳам табиий - аграр имкониятни баҳолаш қийин ва мураккаб масала ҳисобланиб, ҳар бир худудий объект ва қишлоқ хўжалиги тармоғи учун баҳолаш кўрсаткичлари ва услубиётини алоҳида ишлаб чиқиш талаб этилади.

Табиий - аграр имконият (ТАИ) кўп унсурли (компонентли) бўлиб, мураккаб таркибий тузилмага эга. қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини худудий табақаланишига таҳсир этувчи ТАИ унсурларини танлаб олиш тадқиқот мақсади ва худудий кўламига боғлиқ. Ер ресурслари, агроиқлим, гидрогеологик, геоморфологик кўрсаткичлар ТАИ нинг асосий унсурлари ҳисобланади.

Энг мураккаб услубий муаммолардан бири турли ўлчов бирликларида берилган ТАИ нинг баҳоловчи кўрсаткичларини жамлаш ва таққослашдир. Балл-индексли баҳолаш усули иқтисодий географик тадқиқотларда кенг қўлланади. Бунинг учун барча кўрсаткичлар баллга, даражага тортилади. Баллда ифодаланган кўрсаткичларни алоҳида ТАИ турлари бўйича натижаларини олиш учун нисбий баҳолаш шкаласи тузилади. Бундай шкалани тузишда регионал тамойилга амал қилинса, олинган натижалар ўрганилаётган худудда табиий - аграр имкониятдан фойдаланиш даражасини кўрсатади.

Ш.С.Закиров, Л.И.Солодкая, Г.Н.Трофимов, Ю.Г.Трофимова
Национальный университет Узбекистана
НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ ДРЕВНЕГО ЗЕМЛЕДЕЛИЯ В
СРЕДНЕЙ АЗИИ

Проблема изучения древнего земледелия – одна из важнейших проблем в древней истории региона. Именно на базе древнего орошения развивались древнейшие цивилизации мира.

Средняя Азия – один из древнейших районов высокой земледельческой культуры. Здесь, как и во всех странах Востока, находящихся в зоне сухого субтропического климата, «климатические условия и своеобразие поверхности... сделали систему искусственного орошения при помощи каналов и ирригационных сооружений основой восточного земледелия» [4].

В современных условиях более половины населения Земли обеспечивается продуктами, полученными за счет орошаемого земледелия, хотя в целом орошаемые земли занимают немногим больше десятой доли всех обрабатываемых земель. Средняя Азия наравне с Китаем, Египтом, Индией, Ираном и другими странами находится в зоне сухого субтропического климата. Со времен становления оседлого земледельческо-скотоводческого хозяйства в регионе развивается земледелие на основе естественного и искусственного орошения.

Одно из благоприятных по естественно-географическим условиям для развития земледелия мест является междуречье Амударьи и Сырдарьи. В разное время эта территория называлась по-разному – Бактрия, Мовароуннахар, Туркестан, Средняя и, наконец, Центральная Азия.

Сведения о развитии сельского хозяйства в древности можно найти в трудах выдающихся среднеазиатских ученых – ал-Беруни, ал-Омари, Махмуда Кашгари и др., а также в работах современных исследователей - С.П.Толстова, Е.Н.Массона, Г.Н.Лисицыной и многих других [1-4].

Можно выделить три основных этапа развития орошения в Средней Азии.

Первый период характеризуется орошением полей за счет естественных разливов относительно рек и за счет «лиманного» способа орошения. По мнению упомянутых авторов уже на этом периоде зарождаются начальные формы мелиоративных работ, т.к. необходимо было производить подчистку поливных участков от илов, приносимых реками и отвод излишков воды на пониженных участках полей (первые планировки полей). Возможно, что эти мероприятия позволяли, не только более рационально использовать воду, но и постепенно расширять площадь поливных земель. Однако, по мере расширения орошаемых площадей, выхода ранее использующихся участков за счет засоления, миграции русел рек и т.п. древний человек был вынужден отводить воду на достаточно значительные расстояния от русел рек. Появились первые небольшие каналы (арыки) и даже небольшие водоемы (древнее поселение Муллалитепе – юг Туркмении). Иная картина развития орошаемого земледелия прослеживается в Акчадарьинской и Присарыкамышской дельтах Амударьи. Прежде всего, нужно отметить, что здесь практически не обнаружено следов древнего орошения относящихся к эпохе неолита. По мнению С.П.Толстова [4] заселение Акчадарьинской и, по-видимому, Присарыкамышской дельт происходило, как правило, по границе с коренными песками, вне пределов непосредственного обводнения. Это и понятно, т.к. Амударья, обладавшая весьма неустойчивым режимом, затопляла большие дельтовые пространства. В принципе дельта представляла собой болотистую местность, заросшую тугайным лесом и камышами. Очевидно, земледелие в этих условиях практически невозможно.

Время первого сравнительно низкого уровня производительных сил первобытнообщинного строя – от неолита до поздней бронзы, т.е. с пятого тысячелетия до начала первого тысячелетия до н.э.

Второй этап развития орошаемого земледелия характеризуется уже переходом к приемам искусственного орошения. В это время создаются небольшие ирригационные системы с примитивными головными сооружениями. Возникают небольшие магистральные каналы, которые в античное время имеют достаточно «ветвистую»

форму. Время этого перехода относится к этапам разложения первобытнообщинного строя и созданию рабовладельческих государств (VI в. до н.э. до IV в н.э.).

На третьем этапе развития поливного земледелия идет освоение не только равнинных участков, но и предгорных районов. Здесь создаются так называемые “веерные” ирригационные системы за счет расчистки естественных проток в пределах конусов выноса рек, ведется прокладка непротяженных каналов, строятся примитивные головные сооружения каналов. В нижних течениях рек создаются мощные ирригационные системы с достаточно крупными, по тем временам магистральными каналами.

Как сооружение этих систем, так и поддержание их в рабочем состоянии требовало уже достаточно большой рабочей силы и возникновение их относится к эпохе феодализма (V-VII н.э.).

Особенно динамично, а порой трагично развивалось орошаемое земледелие в Средней Азии в средневековье. Наряду со строительством крупных плотин на реках и довольно протяженных и сильно разветвленных каналов происходит разрушение этих сооружений в период войн, восстановление оросительных систем и вновь запущенность их во время миграции населения или при изменении гидрографии района (флуктуация рек). Несомненно, что играло роль и засоление земель при малоэффективной системе сбросных коллекторов. Примечательно, что в средние века в отличие от античности, строятся каналы со значительной глубиной, в то время как ранее строились каналы, как правило, неглубокие, но широкие, т.к. берега их выполнялись в виде отсыпки господствующей над прилегающей местностью, углубление же были небольшими.

В средние века магистральные каналы античности подверглись существенной перестройке, но общее направление их, в основном, не менялось. Однако, если в эпоху архаического земледелия каналы следовали рисунку русловых гряд и были довольно извилистыми, то в средние века их трасса спрямлялась, на каналах возводились водорегулирующие сооружения, вся оросительная система приобретала стройность.

Сравнительные гидравлические характеристики и пропускная способность оросителей архаического и средневекового периодов по данным А.С.Кесь и др. приведены в (табл.).

С древних времен и практически до развитого средневековья участки поливных земель перемещались, что было связано, как с выходом орошаемых земель из строя за счет засоления почв, так и с перемещением гидрографической сети.

На ранних этапах развития поливного земледелия рукава и протоки дельт заносились речными наносами, мелели и пересыхали. Соответственно перемещались и возделываемые древними земледельцами участки.

На первых порах земледелия высевались, в основном, ячмень и пшеница – самые нетребовательные к увлажнению культуры. В дальнейшей сеялись бобовые, рис, огородные культуры, а еще позже технические культуры – лен, а затем и хлопок. Было известно и виноградарство.

Параллельно с развитием орошаемого земледелия, судя по остаткам костей животных, всегда присутствуют следы скотоводства. На ранних порах развития земледелия это, в основном, кости мелкого рогатого скота, позже и мелкого и крупного рогатого скота. В античные времена человек использует лошадь и верблюда. В остеологических находках еще довольно много костей диких животных, что говорит о значительной роли охоты. В развитое средневековье скотоводство играет подчиненную роль, а главная принадлежала поливному земледелию.

Таблица Сравнительные характеристики древних каналов

Канал	Основные размеры канала			Гидравлические показатели сечений каналов			Средняя скорость, м/с	Расход воды, м ³ /с
	i*	h, м	b, м	ω , м ²	R, м	C, м/с ^{1/2}		
Архаические времена								
Магистральный	0,0004	2,5	6,5	10,8	1,67	43,6	1,13	12,2
Средние века								
Магистральный	0,0004	3,0	10,0	20,0	2,00	44,9	1,27	25,4
Архаические времена								
Оросители I-го порядка	0,0004	1,4	2,2	2,0	0,93	39,0	0,75	1,5
Средние века								
Оросители I-го порядка	0,0004	1,4	3,0	4,8	0,93	39,0	0,75	3,6
Архаические времена								
Оросители II-го порядка	0,0004	0,6	1,0	0,4	0,40	34,3	0,43	0,17
Средние века								
Оросители II-го порядка	0,0004	0,8	1,4	0,7	0,53	36,0	0,52	0,37

*Средние значения уклонов дна каналов.

В период максимального развития орошения в низовьях Амударьи и Сырдарьи в XII-XIV вв. общая площадь ирригационных земель составляла около двух третей периода античности и равнялась 2,4 млн.га, 1,4 млн.га из которых составляли очаги устойчивого интенсивного орошения; площадь неустойчивого орошения равнялась примерно 1 млн.га. В низовьях Амударьи было орошено 1,2 млн.га (в том числе устойчивые очаги интенсивного орошения – около 0,7 млн.га; неустойчивого дельтового орошения – 0,5 млн.га). В низовьях Сырдарьи общая площадь земель, занятых под ирригацию, в период средневековья сократилась почти на 1 млн.га по сравнению с античным временем и равнялась 1,2 млн.га (в том числе устойчивые очаги интенсивного орошения – 700-800 тыс.га; неустойчивого дельтового орошения – 400-500 тыс.га). Процент использования земель в пределах культурных оазисов приближался к современному [4].

Литература

1. Кесь А.С., Костюченко В.П., Лисицына Г.Н. История заселения и древнее орошение Юго-Западной Туркмении.- М.: Наука, 1980.-124 с.
2. Лисицына Г.Н. Орошаемое земледелие эпохи энеолита на юге Туркмении.- М.: Наука, 1965.-165 с.
3. Масон М.Е. Древнее орошение Мисрианской равнины // В кн.: Земли древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного использования.- М.: Наука, 1969.-38-69 с.
4. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта.- М.: Изд-во Восточной литературы, 1962.-321 с.

К.М.Боймирзаев

Наманган Давлат университети

ВОҲА ЛАНДШАФТЛАРИНИ ТАСНИФЛАШ

Инсон хўжалик фаолияти туфайли вужудга келган антропоген ландшафтларни типлаштириш ва таснифлаш билан жуда кўп олимлар шуғулланганлар (Саушкин, 1946, 1951; Котельников, 1950; Мильков, 1964, 1973, 1983; Исаченко, 1959, 1977; Сочава, 1959; Ахтирцева ва Ахтирцев, 1959, 1962; Иогансен, 1970; Куракова, 1976; Рябчиков, 1972, 1976, 1990; Абдулқосимов, 1966, 1981; Жекулин, 1982, Граве, 1975; Виноградов, 1972; Арманд, 1975; Гвоздецкий, 1977; Николаев, 1973, 1979; Преображенский, 1984, 1988 ва бошқалар). Хорижий мамлакатларнинг олимлари А.С.Кострович (1970), Л.Бауэр ва Х.Вийничеклар (1971), Я.Демек (1977), Э.Нееф (1979) лар ҳам антропоген ландшафтларни таснифлаш билан шуғулланганлар. Антропоген ландшафтларни Ю.Г.Саушкин (1946, 1951) «маданий» ёки кишилар томонидан ўзгартирилган ландшафтлар деб қарайди. В.А.Котельников (1950) уларни ўзгармаган, кам ўзгарган, ўртача ўзгарган, кучли ўзгарган ва қайта яратилган ландшафтларга ажратади. Ф.Н.Мильков (1946) энг аввало қўриқ ҳолидаги (ўзлаштирилмаган) ва ҳозирги замон (ўзлаштирилган) ландшафтларни ажратади. А.Г.Исаченко (1965), Н.И.Ахтирцев (1960) ва Н.А.Иогансен (1970), Ф.А.Максютов (1977), В.С.Преображенский (1984, 1986) ишларида ҳам шунга ўхшаш таснифлашларни учратиш мумкин.

Ф.Н.Мильков (1973) антропоген ландшафтларни энг муҳим хусусиятига кўра ёки уларни хўжаликда фойдаланиш нуқтаи-назаридан бир неча хил гуруҳларга ажратиш лозим деб ҳисоблайди. Чунончи, антропоген ландшафтларни генезисига кўра техноген эксприватив, арацион, приоген, дигрессион комплексларга, хўжалик аҳамиятига кўра конструктив, ташландиқ ва бошқа комплексларга ажратади. Юқоридагидек таснифлаш Ўрта Осиё тоғ оралиғи ботиқларининг ландшафтларини типологик хариталаштириш ва комплекс табиий географик районлаштириш билан шуғулланган А.Абдулқосимов (1962, 1983, 1990, 1995, 2003,) ишларида мунтазам такомиллаштириб борилмоқда.

Ҳар бир воҳа ландшафт-типологик жиҳатдан ўз навбатида қишлоқ хўжалик, селитеб, сув хўжалиги, мунтазам ва бузилган синф гуруҳларига ажратилиши мумкин. (Мильков, 1973, Абдулқосимов, 1989).

Биз ҳам юқоридаги таснифлаш мезонига асосланиб Фарғона водийсидаги Сўх ва Чортоқсой ёйилмалари антропоген ландшафтларини қишлоқ хўжалик, селитеб, сув хўжалиги, мунтазам ва дегредациялашган ландшафт комплексларига ажратамиз. Қишлоқ хўжалик комплекслари дала ва боғ ландшафт типларига бўлинади. Селитеб комплекслари эса қишлоқ селитеб ва шаҳар селитеб типларига ажратилади. Сув хўжалиги комплексларини Сўх ва Чортоқсой ёйилмаларида барпо қилинган анҳорлар, сойлар, каналлар, ҳовузлар ва сув омборлари ташкил қилади. Мунтазам комплексларга электр, телефон линиялари ва йўллар (тип сифатида) киради. Дегредация комплекслари кенг маънодаги бузилган ландшафтлар бўлиб, уларга инсон фаолиятининг ландшафтга салбий таъсири оқибатида вужудга келган қайтадан шўрланган, шўрхоклашган, ботқоқлашган ерлар, карьерлар, антропоген жарликлар, ирригацион эрозия туфайли ишдан чиққан ерлар киради.

Юқоридаги ҳар бир синф гуруҳлари антропоген жой типларининг йиғиндисидан ташкил топган. Бинобарин, Ф.Н.Мильков (1973) ва А.Абдулқосимовларнинг (1989) фикрича, рельефнинг генетик типи антропоген жой типини ажратишда асосий мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Антропоген жой типлари ўз навбатида янада кичикроқ морфологик бирликлардан ташкил топади. Микрорельеф, тупроқ ва ундаги фарқлар, тупроқнинг

гранулометрик таркиби, агрокимёвий хусусиятлари, агроирригация ётқизикларнинг қалинлиги, сизот сувларининг сатҳи ва минераллашиш даражаси, оналик жинсининг характери каби комплекс омиллар эса кичикроқ морфологик бирликларни ажратиш учун муҳим мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Рельефнинг ҳолатига кўра воҳа жой типлари гуруҳи; 1) тоғ оралиғи ботиғи; 2) водий; 3) тоғ олди текислик; 4) текислик, тоғ-водий, тўқай, қайир усти террасаси, тоғ олди текислик ва терраса-чўл воҳалари, водий воҳалари, тўқай, қайирусти террасаси, дельта воҳалари, тоғ олди воҳалари, тоғ олди баланд текислик, тоғ олди паст текислик воҳаларига, чўл текислик воҳалари эса кумли чўл, гилли ва шўрҳок чўл воҳа ландшафтларига бўлинади (Абдулқосимов, 1991). Фарғона водийсидаги Сўх ва Чортоқсой ёйилмалари тоғоралиғи ботиқлари ландшафт зонасининг чўл (Сўх ёйилмаси) ландшафт типларига бўлинади. Ягона жой типига мансуб бўлган бу икки ёйилма тоғоралиғи ботиқларида барьер эффекти туфайли ландшафтларни зонал дифференцияланиши натижасида ландшафтларнинг иккита зонал типига, чўл ва чалачўл воҳа ландшафтларига бўлинади.

Биз юқорида таҳлил этган антропоген ландшафтларни типлаштириш ва таснифлаш тажрибаларига асосланиб, Фарғона водийсининг, жумладан Сўх ва Чортоқсой ёйилмаларининг воҳа ландшафтларини турли хил мақсадларга мувофиқлаштирилган ҳолда бир неча вариантларда таснифлаштирамиз.

Сўх ва Чортоқсой ёйилмаларидаги воҳа ландшафтлари турли хил гипсометрик баландликларда шаклланган ва жойлашган. Маълумки, ёйилмаларнинг баланд қисми 700 м дан бошланса, қуйи қисми 350 м гача пасайиб боради. Баландликнинг ўзгариши билан рельефнинг қиялиги, микрорельеф шакллари, микроиклим хусусиятлари, сизот сувларининг сатҳи, тупроқ хиллари, агроирригация ётқизикларининг қалинлиги, литологик жинсларнинг таркиби ўзгаради. Бундай ўзгаришлар воҳа ландшафтларининг барча компонентларида ўз аксини топган. Ана шундай фарқларни ҳисобга олиб Сўх ва Чортоқсой ёйилмаларидаги воҳа ландшафтларини қуйидаги учта гипсометрик гуруҳга бўламиз.

1. Ёйилманинг юқори қисмидаги воҳа ландшафт комплекслари.
2. Ёйилманинг ўрта қисмидаги воҳа ландшафт комплекслари.
3. Ёйилманинг қуйи қисмидаги воҳа ландшафт комплекслари.

Фарғона водийсининг воҳа ландшафтлари, умуман, барча антропоген тизимлари инсон хўжалик фаолияти таъсирида шаклланар экан, уларнинг яратилиши маълум даражада аҳолининг эҳтиёжини қондириш учун бир неча хил мақсадларни кўзда тутишни тақозо этади. Шунинг учун антропоген ландшафтларнинг мақсадга мувофиқ яратилишини ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, қуйидаги антропоген ландшафт типларига ажратамиз:

а) шаҳар селитеб ландшафт типи; б) қишлоқ селитеб ландшафт типи; в) суғориладиган агроландшафт типи; г) баҳорикор агроландшафт типи; д) боғ-воҳа ландшафт типи; е) антропоген ўрмон ландшафт типи; ё) ирригацион иншоотлар ландшафт типи;

ж) қадимий кўмилган шаҳар ландшафт типи; з) техноген саноат ландшафт типи; к) маданий яйлов ландшафт типи; л) йўл- техноген ландшафт типи кабилардир.

Воҳа ландшафтларининг асосий таркибий қисмини агроландшафтлар ташкил этади. Агроландшафтлар турлича гипсометрик баландликларда, хилма-хил микрорельеф шаклларида барпо этилган бўлиб, уларга сизот сувларининг таъсири ҳам турличадир. Бундан ташқари маданий ўсимликлар вегетация даврида бир неча бор сунъий суғориш йўли билан уларнинг ривожланиши таъминланади. Ёзнинг иссиқ ҳарорати эса намлик буғланиш жараёнини фаоллаштиради. Оқибатда агроландшафтларнинг ирригацион ётқизикларида ва тупроқ қопламида шўрланиш

жараёни содир бўлади. Бу жараён қадимий деҳқончилик давридан буён мавжуд бўлиб, суғориладиган ерлар турли хил даражада шўрланишга учраган. Бинобарин, Фарғона водийси воҳалари агроландшафтларининг шўрланганлик даражасини ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Шўрланмаган агроландшафтлар.
2. Кам шўрланган агроландшафтлар.
3. Ўртача шўрланган агроландшафтлар.
4. Кучли шўрланган агроландшафтлар.

А.Н.Низматов

**Ўзбекистон Миллий университети
ЯГОНА ГЕОГРАФИЯ-ЗАМОН ТАЛАБИ**

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз олдига миллий кадрларга асосланган ҳуқуқий демократик давлатни қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Унда ҳар бир фуқаро давлат тилига ҳурмат, Республика тарихига эъзоз ва ўз ватанига меҳр ила яшаш имконияти яратилди. Давлат тилини билмайдиган, унинг тарихи билан қизикмайдиган ёки ўз юрти ҳақидаги маълумотга эга бўлмаган инсонга қандай қилиб миллий истиқлол ғоясини сингдириш мумкин.

Миллий истиқлол ғоясига тегишли бўлган ушбу уч талабнинг охиригиси, бизнингча, География фани билан бевосита боғлиқдир. Чунки География, ўз мазмун ва моҳиятига кўра, табиат-жамият тизимида турган барча объектларнинг географик қобик доирасида даврийлик, ҳудудийлик ва комплекслик хусусиятларини очиқ беради. Айнан географиянинг предмети-муайян географик кенгликнинг, масалан Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг табиий шароити, табиий бойликлари ва ресурслари, геоэкологик ҳолати ва уни муҳофаза қилиш йўллари, аҳолисининг тарқалиш ва кўпайиш хусусиятлари, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлари, геосиёсий ҳолати, геокартографик ва геодезик жиҳатдан ифодаланиши ва баҳоланиши, гидрологик ва метеорологик кўрсаткичлари ҳамда унга оид таълим ва тарбия қабилар бўлиб ҳисобланади. Ўзингиз ўйлаб кўринг ўз ватани ёки яшаётган юрти ҳақидаги ушбу маълумотларга эга бўлмаган инсонда, тўғрироғи фуқарода, қандай қилиб миллий ғурур бўлиши мумкин.

Географияни Ўзбек тили ва Ўзбекистон тарихи каби давлатнинг таълим соҳаси сиёсатидаги фанлар ёки ўқув предметлари тоифасига олиб чиқилмаётганлигининг ҳам *объектив*, ҳам *субъектив сабаблари* мавжуд. Объективизм ёки субъективизм мақоламизда Географик таълим ва илм нуқтаи назардан қаралган. Субъектив сабаб бўлиб, менимча, Географияни ягона фанлар тизими сифатида қаралмаётганлиги ҳамда унинг фундаментал назарий асосларини замон талабига мослаб ишлаб чиқилмаётганлигидадир. Ҳуқуқ, иқтисод, тарих, физика каби фанлар тизимида бўлганидек Географияни «бошини қўшувчи» географик фанларга замин яратувчи «Умумий география», «География назарияси ва тарихи»га оид илмий, ўқув, ўқув-методик, ташкилий-бошқарув ишларни олиб борилмаётганлигидадир. Ҳанузгача Географиянинг назарий асосларидан бўлмиш, географик қобикнинг чегараси, фаннинг предмети, географик фанлар тизими, географияда фундаментал, амалий ва аралаш фанларнинг назарий асослари замон талабига мос равишда ишлаб чиқилмаган.

Объектив сабаблар бўлиб, *биринчидан*, Ўзбекистон мустақиллигини эътироф қилувчи сиёсий, ижтимоий, гуманитар, ҳуқуқий, иқтисодий фанларни жадал суратларда ривожланиб, аниқ ва, айниқса, табиий фанларни таълим ва илм соҳасидан «сиқиб чиқариши»га олиб келди. *Иккинчидан*, ўтиш даврида ва бозор муносабатларининг шаклланишида серҳаражатли, лекин бевосита ишлаб чиқариш

билан боғлиқ бўлмаган фанларни, хусусан географияни моддий ва молиявий таъминоти камайиб кетди. Бу ўринда ЎзР Фанлар Академиясига қачонлардир тўғридан тўғри бўйсинган География бўлимини қисқариб, ушбу Академия тизимидаги Сейсмология институти ҳузуридаги кичик бир бўлинмачага айланиб қолишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. **Учинчидан**, географик илм ва таълимни узвий боғланган собик иттифоқ тизимидан чиқиб, ханузгача муайян бир бирлаштирувчи тизимга кирмаганлигидадир. Катта имконият ва салоҳият орқали бирлашиб турган, деярли барча табиий географик комплексларни камраб олган СССР географиясидан Ўзбекистон географиясининг узилиб қолиши ва шаклланган бошқа Европа, Осиё ёки Америка тизимига қўшила олмади.

Юқорида айтиб ўтилдики, Географияни билмай туриб ўз юртига, ватанига бўлган меҳрни уйғотиб бўлмайди, деб. Хўш ушбу фан миллий ғурур «белбоғи» бўлиб қолиш учун нима қилмоқ керак? Аввалам бор, Географияни бундай даражага олиб келган объектив ва субъектив ҳолатларни ҳар томонламан анализ ва синтез қилиш лозим. Ушбу масала бўйича махсус маҳаллий, миллий, минтақавий ва глобал миқёсдаги анжуманлар-семинарлар, симпозиум ва конференциялар ўтказиш керак. Халқаро географлар Конгрессида барча географик муаммоларни рўйи-рост, очиғича муҳокама қилиб олиш ва тегишли тактик ва стратегик тадбирлар дастури ва режасини ишлаб чиқиш лозим. Географик фанларни «бошини қўшувчи» фан ва ўқув предметларини-Умумий география, География назарияси, География тарихига оид монография, тўплам, ўқув дарслиги ва методик қўлланмаларни яратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Умумий географияни табиатшунослар, биологлар, экологлар, иқтисодчилар, юристлар, геологлар, тарихчилар каби турдош фан мутахассислари, талабалари, магистрлари ва малака оширувчилари учун ҳам мўлжаллаб ёзиш даркор.

Миллий ва халқаро географик атлас, луғат, энциклопедия қайтадан, замон талабига мос равишда яратилиши зарур. Бозор муносабатларига ўтиб ораётган мамлакатларда, хусусан Ўзбекистонда халқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган ва уларга бевосита хизмат қиладиган амалий географик фанларни кучайтириш ёки тубдан ислох қилиш зарур.

Реклама ва тарғибот учун турли инфор­мацион махсус ёки оммабоп турдаги Географик журнал, газета, буклет, телекўрсатув, радиоэшиттирув, шоу-бизнес, кўргазма, викторина ва танловларни ташкил этиш ва уларнинг мунтазамлигини таъминлаш ўта муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг ҳаммаси Географияни янги ерларни очишга бағишланган фан ёки таълим соҳасидан, табиат ва жамият ўртасидаги уйғунликни биосферанинг энг фаол қатлами-геосферада ҳудудий, даврий ва комплекс жиҳатдан таъминловчи конструктив соҳага айланишига олиб келса, ажаб эмас.

К.А. Крахмаль, Х.Буриева, Д.Эльмурадова

Национальный университет Узбекистана

ИСТОРИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Историческая география на современном этапе развития исторической науки характеризуется своей комплексностью, масштабностью, неисчерпаемостью своей конкретики. Включает комплекс научных направлений изучающих характер формирования границ определенных историко-культурных регионов, и выбирается хронологический срез развития человеческого общества, определяется степень детализации процессов и явлений при поисках закономерностей. В данном случае многообразие исторических процессов ограничивается территориальным уровнем и хронологическими рамками Древней истории Узбекистана. Одной из основ изучения проблем исторической географии являются письменные источники. Однако в

последние годы важное значение приобретает и археологическая география. Комплексные исследования археологических памятников, в историко-культурных различных регионах, их хронологическое определение во взаимосвязи с данными письменных источников позволяют более точно локализовать определенные населенные пункты. В процессе работы над историческими источниками в историко-географическом исследовании применяется метод сравнительно сопоставительного анализа с привлечением данных географических карт, описания местностей и археологической географии. Это, в свою очередь, позволяет конкретизировать локализацию населенных пунктов, изучить места размещения географических и административно-политических границ. При данной постановке вопроса особое значение приобретают методы исследований исторической топографии населенных пунктов, изучающих их генезис и эволюцию, а также внутрисконструктурные изменения, происходившие на протяжении определенного исторического периода. Историческая география изучает также вопросы историко-экономического характера и проблемы этнической истории народов населявших изучаемый регион. В Узбекистане были начаты комплексные работы по созданию археологической карты республики. Проводились разведочно-рекогносцировочные исследования с фиксацией археологических и архитектурных памятников всех эпох и категорий: стоянки и местонахождения эпох каменного века, поселения, городища, города, могильники, горные выработки и т.д. с нанесением их на карту, составление планов, схем, сбора подъемного материала.

На основании проведенных работ формируются определенные представления о географии раннего обживания территории Узбекистана в эпоху каменного века. Наиболее древние памятники, этого периода сосредоточены на территории Южной Ферганы, на северных склонах Алайского хребта, в зоне Впадин сороковой параллели. Раннепалеолитические комплексы открыты также в бассейне реки Ангрен, в Бухарской и Навоинской областях. Проводятся изучения памятников эпох среднего палеолита с классификацией особенностей отдельных групп населения. В настоящее время выделяется ряд вариантов мустьерских памятников Узбекистана на основании локальных признаков приуроченных к определенным физико-географическим районам.

Изучение памятников эпохи мезолита на территории Узбекистана. позволяет наметить ряд типов индустрий приуроченных к определенным географическим областям. Наиболее полно, к настоящему времени изучено два варианта: ферганский - представленный стоянками ОбиширI-V и сурхандарьинским – стоянка Мачай.

Таким образом, выявленные стабильные исторически формирующиеся, объективно складывающиеся на протяжении длительного времени территориальные комплексы, которые возникли в эпохи раннего палеолита, прошли этапы зарождения, развития и распространения человеческих культур и ранних цивилизаций. Приобрели свои границы в ходе интенсивного общения этносов, народов, государств, культур, цивилизаций.

Х.А.Тойчиев, У.К.Абдуназаров, К.А.Крахмаль

Национальный университет Узбекистана

**ВОПРОСЫ ПОЭТАПНОГО РАЗВИТИЯ РЕЛЬЕФА ПРЕДГОРИЙ
УЗБЕКИСТАНА В АНТРОПОГЕНЕ**

Многолетние исследования проведенные в последние годы по изучению развития физико-географической среды на ранних этапах четвертичного периода на территории Узбекистана показывают необходимость в разработке картографической тематики, как теории обобщающей конкретные результаты. Это в свою очередь

обусловлено значительным расширением тематики, определенными изменениями в методологии современных исследований, которые позволяют ставить и решать новые историко-географические проблемы, сама постановка которых была для нас практически невозможной еще несколько лет назад. Кроме этого необходимо отметить, что уже накопившийся огромный фактический материал в области палеопочвоведения, тектоники, палеомагнетизма, палеоботаники, палеозоологии, археологии эпох раннего антропогена, геолого-геоморфологии требуется представить в более реальной перспективной форме. В связи с этим картографическая тематика рассматривается как средство построения новых более эффективных методов создания научной картины геологической истории, системы знаний по эволюционным изменениям природной среды, выявления законов ее строения и развития. В данной ситуации теория картографирования приобретает значение естественнонаучного построения фундаментального характера.

Для детального картографирования эволюционных изменений природной среды в четвертичном периоде наиболее сложным является вопрос временных подразделений антропогена и места положения нижней границы этой системы. Следует отметить особенности стратиграфического расчленения осадочных образований вообще, так как, геологический процесс непрерывен в своем историческом развитии и многогранен в проявлениях. Например эрозионным процессам в горах соответствуют накопления осадочного материала на прилегающих равнинах. При изменении условной аккумуляции в горных долинах может происходить углубление речной сети и образование речных террас или наоборот.

Не менее условные хроностратиграфические подразделения и на основе только биостратиграфического метода, так как смена видового состава органического мира происходит не мгновенно, а является длительным развивающимся процессом, обычно продолжающимся тысячелетия.

В палеографических и палеоэкономических исследованиях накоплен определенный опыт в изучении системы «человек - окружающая среда». Однако взаимоотношения древнейшего человека, как обитателя эпох раннечетвертичного периода и его природного окружения на отдельных этапах исторического развития и в различных областях региона было, несомненно различным.

До недавнего времени основные стратиграфические схемы антропогена и картирования четвертичных отложений были построены на палеоклиматическому принципу: смене ледниковых эпох межледниковыми. Поскольку авторы климатостратиграфических схем по-разному трактовали число оледенений и начала их наступления, соответственно и временные рубежи проводились на разных хронологических уровнях.

Учитывая недостатки существовавших схем, в качестве стратиграфической основы изучения антропогена используется трехчленная схема разработанная на основе систематизации геотектонических событий региона. Использование событий позволяющих определить начало и конец этапов развития, отражает один из главных принципов теоретической стратиграфии - принцип реальности и неповторимости стратиграфических подразделений. В данной схеме в качестве реальных стратиграфических подразделений приняты таксоны, предложенные Межведомственным стратиграфическим комитетом – комплексы, серии, свиты и подсвиты. Это придает стратиграфическим выводам высокую степень достоверности и точность, позволяет установить жесткую систему временных реперов.

Учитывая сложность тектонических процессов в регионе весь четвертичный период рассматривается как единый Тянь-шаньский орогенный комплекс. Внутри комплекса, на основании цикличности осадконакопления, выделены критические

периоды импульсного (катастрофического) развития неотектонических событий, которые способствовали за определенное время формированию мощной реперной толщи грубообломочного материала. Отложения, образовавшиеся в промежутке между этими периодами, выделены как серии. Внутри орогенного комплекса выделены серии, как раннетяньшанская - Q_I, поздне Тяньшанская - Q_{II}, и аральская Q_{III}. Внутри серий на основании комплекса геолого-геофизических данных выделены более дробные подразделения свиты.

Временный объем четвертичной системы региона определен на основании палеомагнитных и геохронологических данных, путем сопоставления с магнитогеохронологической шкалой А. Кокса. Установлена продолжительность раннетяньшанской эпохи 700 000 млн. лет, поздне Тяньшанской 690 тыс лет и аральской 10-15 тыс лет. Продолжительность всей четвертичной системы определяется 1,43 млн. лет.

В связи с этим, для историко-географического картирования природной среды эпох раннего антропогена разрабатываются хроностратиграфические основы базирующиеся на результатах датирования опорных разрезов Узбекистана палеомагнитным методом. Особенность хроностратиграфических исследований в процесс палеогеографических исследований является также более дифференцированный синтез ряда геологических, геолого-геоморфологических, историко-археологических и других данных. Это вполне логично, так как в предложенной стратиграфической схеме органически интегрируются и сливаются представления о различных, но взаимосвязанных аспектах многогранного процесса развития антропогеосферы Средней Азии на четвертичном этапе геологической истории.

В.П.Благовещенский, Т.С.Гуляева, О.В.Силина

Институт географии МОН РК

ОЦЕНКА АТТРАКТИВНОСТИ ЛАНДШАФТОВ ПРИ РЕКРЕАЦИОННОМ РАЙОНИРОВАНИИ ГОРНЫХ ТЕРРИТОРИЙ

Одним из очень важных рекреационных свойств ландшафтов является их внешняя привлекательность для посетителей. Это свойство можно назвать также эстетической ценностью. В зарубежной литературе обычно используется термин – аттрактивность. Это свойство ландшафтов не может быть выражено никакими физическими величинами или количественными показателями. Единственным мерилom является предпочтительность выбора отдыхающими. Несмотря на явную субъективность оценки аттрактивности ландшафтов, существует все же некоторые общие моменты, которые оцениваются одинаково большинством рекреантов.

Проблемы оценки эстетической ценности ландшафтов рассматривались, в частности, в работах [1-5]. Оценка ландшафтов респондентами проводится по категориям от «крайне притягательных» до «крайне непритягательных». Исследователи отмечают, что эстетическая ценность ландшафтов, определяемая специалистами по развитию территорий, часто не совпадает с ценностью их для посетителей.

Внешний облик ландшафта называется пейзажем. Посетитель ландшафта в первую очередь воспринимает его как пейзаж. Поэтому при оценке эстетической ценности ландшафтов необходимо исследовать именно свойства пейзажа. При этом эстетическая ценность может отличаться от рекреационной ценности местности.

Наиболее значимыми в формировании облика пейзажа элементами ландшафта являются рельеф и растительность. Значительно повышают эстетические свойства пейзажа водные объекты. Наиболее притягательными частями ландшафта являются краевые зоны и фокусные точки. Неосвоенные «девственные» территории обладают

особой притягательностью. Отталкивающий эффект производят однородные лесные насаждения, заболоченные низины, антропогенные бедленды.

В процессе исследования рекреационных ресурсов Джунгарского Алатау нами была выполнена оценка эстетической ценности ландшафтов. Канвой для выделения территориальных единиц послужила ландшафтная карта М 1:500 000, на которой выделено 247 видов ландшафтов. Все ландшафты были ранжированы по их аттрактивности и сгруппированы в 5 категорий, оцененных качественно и количественно (баллами):

- непривлекательные, 1 балл,
- мало привлекательные, 2 балла,
- относительно привлекательные, 3 балла,
- привлекательные, 4 балла,
- очень привлекательные, 5 баллов.

При оценке аттрактивности принимались во внимание основные пейзажеобразующие компоненты ландшафта: рельеф, растительность, водные объекты. Эстетические качества рельефа определялись его расчлененностью, разнообразием форм, наличием фокусных точек, обзорностью. В зависимости от вида растительности наиболее привлекательными являются лесные ландшафты, а наименее привлекательными полупустынные и пустынные. Из водных объектов наиболее ценными являются озера, водопады и реки.

Оценка аттрактивности проводилась с использованием топографических карт, аэрофотоснимков, наземных фотографий, карт расчлененности рельефа и растительности. Наиболее привлекательными были признаны лесные ландшафты с расчлененным рельефом, в которых есть крупные озера, водопады и реки. К привлекательными были отнесены лесные ландшафты со слабо расчлененным рельефом, а также безлесные высокогорные ландшафты с глубоко расчлененным рельефом и ледниками. Относительно привлекательными являются безлесные низкогорные ландшафты с кустарниковой растительностью, с глубоко расчлененным рельефом и внутригорные котловины с выровненным рельефом и степной растительностью, а также долины крупных рек, пересекающих низкогорную зону. Малопривлекательными являются низкогорные полупустынные ландшафты. К непривлекательным отнесены предгорные ландшафты с выровненным рельефом и пустынной растительностью. Внутри 5 выделенных категорий иногда удавалось выделить еще две подкатегории, когда соседние ландшафты, по всем критериям попадали под одну категорию, но при этом были явно не равноценны. При этом более ценному ландшафту добавлялось еще 0,5 балла. Таким образом, наиболее привлекательные ландшафты получали оценку 5,5 балла.

По результатам оценки была составлена карта аттрактивности пейзажей, на которой выделено 10 категорий пейзажной привлекательности ландшафтов.

В Джунгарском Алатау все привлекательные и очень привлекательные ландшафты расположены в пределах среднегорной и высокогорной зон. При этом наиболее привлекательные ландшафты сосредоточены в долинах крупных рек с широкими днищами и высокими склонами, покрытыми лесом. Основным эстетическим элементом ландшафтов высокогорной зоны являются ледники и скальные пики. Относительно привлекательные ландшафты расположены по периферии среднегорной зоны и во внутригорных котловинах. В низкогорной зоне расположены преимущественно мало привлекательные ландшафты. Наименьшей эстетической ценностью обладают ландшафты предгорных равнин.

Литература

1. Голд Дж. Психология и география. Основы поведенческой географии (пер. с англ.). М.: Прогресс. 1990. С. 211-224.
2. Иванов Д. А. Неизменные природные ландшафты Томской области как туристский ресурс для развития экологического туризма. Вестник Томского государственного университета. 2003, № 3. С. 88-89.
3. Калашникова О. В. Пейзажеобразующее значение элементов ландшафтной структуры. Вестник Томского государственного университета. 2003, № 3. С. 90-92.
4. Николаев. В. А. Феномен пейзажа. Вестник МГУ Сер. 5. География. 2002, № 6. с.12-18.
5. Тюменцева Е. М. Оценка эстетических ресурсов Тункинской котловины. Вестник Томского государственного университета. 2003, № 3. С. 110-112.

А.Р.Жумадилов

Казахстанский Национальный университет ОПЫТ ОРГАНИЗАЦИИ КОМБИНИРОВАННОГО ТУРА В ЦЕНТРАЛЬНОМ ТЯНЬ-ШАНЕ

Высокогорная зона Баянкольско-Хантенгрийской рекреационной местности, включающая территорию бассейнов рек Баянкол, Какпак, ледники Северный и Южный Иныльчек, исключительно богата альпинистско-туристскими ресурсами. Здесь, на стыке хребтов Кокшаал-тау, Меридионального, Сарыжас и Тенгри-Таг в приграничной зоне Казахстана, Кыргызстана и Китая находится серия труднодоступных вершин, превышающих пять, шесть и даже семь тысяч метров. Пики Мраморная стена (6400 м), Пржевальского (6400м), Шатра (6637м), Баянкол (5790м), Семенова (5816м) и ряд других вершин ежегодно привлекают сюда сотни любителей экстремальных видов туризма и альпинизма, а высшие точки Тянь-Шаня – пик Победы (7439м) и Казахстано-Хан-Тенгри (7010м) входят в число наиболее интересных для горовосходителей высшей квалификации. Только с ледника Северный Иныльчек на пик Хан-Тенгри проложено около десятка сложных маршрутов [2].

В среднем течении р. Каркара расположен международный альпинистский лагерь «Хан-Тенгри». На моренах ледников Северный и Южный Иныльчек в летний период базируется несколько высотных альпинистских лагерей.

Предлагаемый вниманию читателей тур был разработан в свое время директором МАЛ «Хан-Тенгри» К.Ш. Валиевым. По данному маршруту проходили туристы-клиенты ТОО МАЛ «Хан-Тенгри» из разных стран. В настоящей работе описан тур, осуществленный в 2004 году автором в качестве гида и переводчика с группой французских туристов от фирмы «Алибер» (Allibert).

Организация тура представляет собой весьма сложную задачу предполагает четкое взаимодействие всех задействованных служб и команд, причем ошибки в данном случае не допустимы. В работе принимает участие несколько видов автомобильного транспорта, лошади для перевозки грузов, команда носильщиков и обслуживающий персонал, имеется три стационарных базовых лагеря, один штурмовой лагерь, шесть раз используется вертолет, в том числе четыре раза для организации забросок. Обслуживание предполагает максимально возможный комфорт для клиентов: багаж переносится лошадьми или носильщиками, им предоставлены двухместные палатки, имеются палатка-столовая, палатка-кухня, тент-туалет, столы, стулья, в базовых лагерях – баня и другие удобства, приготовлением пищи занимается квалифицированный повар (в 2004г. – повар 5 разряда) с помощником, предоставляются услуги гида и переводчика.

Даты проведения тура: 1-23 августа.

Активная часть маршрута: 4-19 августа, протяженность свыше 160 км. Первая часть – трекинг, вторая – альпинистская. Перепад высот 3250 м (2200м - Каркара, 5450м - пик Карлытау). Название тура – Баянкольский трек. Фирмой «Алибер» назван «Высокогорная тропа Небесных гор» (La haute route des Monts Celestes). По пути из Алматы в базовый лагерь «Каркара» (330 км) совершается экскурсия в каньон Шарын.

Активная часть маршрута

1 день. «Каркара»: 42° 40', 49" с.ш., 79° 11', 54" в.д., 2226м. Переезд на автомобиле (4х4) 40км вверх по ущелью р.Каркара к слиянию рек Кокжар и Туз. По пути следования предусмотрено посещение юрт киргизских чабанов. 7.2 км пешком до лагеря 1 у р. Кокжар. С этого момента груз перевозится на лошадях. Лагерь 1: 42° 30', 57" с.ш., 79° 35', 44" в.д., 2955м, зона альпийских лугов.

2 день. Перевал Кубергенты (3500м). Радиальный выход с перевала на южную вершину. 42° 30', 45" с.ш., 79° 38', 42" в.д., 3718 м. Великолепная панорама Центрального Тянь-Шаня с пиками Хан-Тенгри, Нансена и др. Лагерь 1-2 – 24 км. Лагерь 2 на р.Туюк-Какпак: 42° 34', 41" с.ш., 79° 47', 41" в.д., 2620 м.

3 день. Перевал Безымянный и радиальный выход: 42° 34', 03" с.ш., 79° 48', 05" в.д., 3122м. Лагерь 2-3 – 7.2 км. Лагерь 3 на р.Улкен – Какпак в зоне хвойных лесов: 42° 33', 49" с.ш., 79° 50', 49" в.д., 2400м.

4 день. Перевал Караколь и радиальный выход: 42° 31', 54" с.ш., 79° 54', 23" в.д., 3748м. Лагерь 4 у озера Караколь в зоне альпийских лугов: 42° 30', 65" с.ш., 79° 54', 47" в.д., 3116 м. Лагерь 3-4 – 10 км.



Рис.1 Пики Хан-Тенгри и Семёнова с пер. Надежда

5 день. Перевал и радиальный выход к вершине: 42° 29',04" с.ш., 79° 55', 76" в.д., 3705 м. Лагерь 4-5 – 11 км. Лагерь 5 у озера Акколь в зоне альпийских лугов: 42° 29',35" с.ш., 79° 58', 12" в.д., 3128 м. Лагерь 5-6 – 15 км.

6 день. Перевал: 42° 27',64" с.ш., 79° 58', 34" в.д., 3850 м. Лагерь 6 на р. Ашутор в зоне альпийских лугов: 42° 25',38" с.ш., 80° 01', 20" в.д., 3115 м. Первая заброска вертолетом. Сюда доставлено дополнительное оборудование и команда носильщиков. Начиная с лагеря 6 грузы переносятся носильщиками, коноводы с лошадьми и лишним грузом отправляются обратно.

7 день. Лагерь 6-7 – 6 км. Лагерь 7 на морене ледника Надежда: 42° 22',55" с.ш., 80° 00', 93" в.д., 3620 м.

8 день. Ледник Надежда преодолевается по прямой линии от лагеря к перевалу, трещины отсутствуют. На перевале есть небольшое озеро. Перевал Надежда (рис. 1) и радиальный выход к вершине: 42° 22',31" с.ш., 79° 59', 55" в.д., 4100 м. Переход к лагерю 8 по правобережной морене ледника Семенова с выходом на ледник. Лагерь 7-8 – 8 км. Лагерь 8 на леднике Семенова: 42° 20',22" с.ш., 80° 01', 50" в.д., 3930 м. Вторая заброска вертолетом. Доставлено альпинистское снаряжение (кошки, обувь, дополнительные веревки, ледорубы, карабины, бахилы), газ, свежие продукты. Ледник Семенова (длина 18 км) закрыты, изобилует трещинами, покрыт глубоким снегом. После 11 утра передвижение весьма затруднительно, поэтому выход необходимо совершить не позднее 3-4 часов ночи. От лагеря вверх вечером надо заранее разметить начало маршрута с помощью туров. Передвижение осуществляется в связках, у всех должны быть фонари, бахилы и теплые альпинистские двойные ботинки. Крутизна поверхности ледника – до 30°.

9 день. День перехода к лагерю 9 – один из лучших дней маршрута. Вид северных склонов окружающих вершин (Хан-Тенгри, Мраморная Стена, Семенова и др.) великолепием. Перевал Семенова: 42° 20',22" с.ш., 80° 04', 97" в.д., 4372 м расположен на леднике. Спуск к лагерю 9 после выхода с ледника – по левобережной морене. Лагерь 8-9 – 12 км. Лагерь 9 на левобережной морене ледника Семенова: 42° 20',06" с.ш., 80° 07', 46" в.д., 4070 м.

10 день. Спуск к базовому лагерю «Баянкол» у подножья Мраморной Стены. Баянкол и его приток необходимо преодолеть рано утром, т.к. после обеда это становится чрезвычайно трудной и опасной задачей. Лагерь 9-10 – 8.2 км. Лагерь 10 расположен на правом берегу реки в зоне альпийских лугов ниже двух ледниковых языков: 42° 20',83" с.ш., 80° 12', 06" в.д., 3230 м.

11 день. Радиальный выход к Китайскому перевалу: 42° 19',93" с.ш., 80° 15', 47" в.д., 4043 м и к вершине Узловая: 42° 19',68" с.ш., 80° 15', 93" в.д., 4334 м. Отсюда открывается панорама китайской части Тянь-Шаня, Мраморной Стены и др. вершин. Пройденное за день расстояние – 15 км.

12 день. Перелет в базовый лагерь «Северный Иньльчек»: 42° 15',09" с.ш., 80° 09', 67" в.д., 4038 м. Лагерь находится на правобережной морене ледника. Отсюда совершаются восхождения на Хан-Тенгри и др. вершины. С этого момента начинается альпинистская часть маршрута. Теперь восхождением руководят высококвалифицированные альпинисты. В 2004г. это был знаменитый альпинист Ю.М. Моисеев.

13 день. Путь к пику Карлытау начинается с движения по леднику Северный Иньльчек. Далее – преодоление сераков в кошках, после чего крутой взлет около 600 м. После этого необходимо преодолеть ледяную стенку высотой около 30-40 м. Страховка через ледовые крючья и ледорубы. Переход по левому борту ледника с преодолением сераков и трещин. Передвижение осуществляется в связках. Штурмовой лагерь находится на леднике у подножья Карлытау напротив пика Хан-Тенгри: 42°

16',32" с.ш., 80° 13', 25" в.д., 4850 м, т.е. выше Монблана. Сюда предварительно доставлено вертолетом необходимое снаряжение: высотные палатки, палатка-столовая, газ, продукты. Температура в палатке в 5 часов утра минус 12° С.

14 день. Передвижение по леднику в связках, в кошках и с ледорубами. Выход на вершинное ребро, покрытое глубоким снегом. Вершина Карлытау: 42° 16',86" с.ш., 80° 13', 82" в.д., 5450 м. С вершины открывается замечательный вид: в непосредственной близости находятся пики Мраморная Стена, Казахстан, немного дальше – Хан-Тенгри, Баянкол, долина Баянкола, ледник Северный Иныльчек и др.

15 день. Спуск с вершины – по пути к подъему. Перелет в базовый лагерь Каркара и переезд в Алматы на автобусе.

Сведения о путешествии

Географические координаты и абсолютные высоты измерены с помощью GPS. Количество клиентов 11, в том числе тур-лидер – высококвалифицированный гид (ранг «Guide de Haute montagnes»).

Команда: гид-переводчик, сирдар, три портера, повар, помощник повара, 2 коновода, 20 носильщиков, в т.ч. 2 сирдара, 2 гида-альпиниста. Использовано 9 лошадей. Транспорт: автобус, автомобиль высокой проходимости, 6 раз – вертолет.

Снаряжение: трекинговые палатки, кухня, столовая, тент-туалет, высотные палатки, столы, стулья, ледорубы, веревки и др. альпинистское снаряжение, теплые вещи и медикаменты.

«Изюминки» этого путешествия:

- красивейшие пейзажи;
- отсутствие больших технических сложностей, постепенная акклиматизация (способ «зубья пилы»);
- восхождение на пятитысячник;
- полеты на вертолете в окружении высочайших вершин и ледников;
- знакомство с местными видами флоры (тянь-шанская ель, арча туркестанская, ирисы, аконит, горечавки, сиббальдия, татарник, соснорея и др.) и фауны (сурки, улары, горный козел, архар, сокол-балобан).

Дополнительные сведения:

- клиенты должны быть в хорошей физической форме;
- вес багажа клиента, переносимый носильщиками или лошадьми, не должен превышать 15 кг. Превышение веса оплачивается отдельно;
- клиенты должны иметь казахстанскую визу. Кроме того, короткий отрезок пути проходят по территории Кыргызстана. При необходимости виза оформляется на месте;
- в случае прохождения групп туристов по частным или охраняемым территориям, а также через КПП, турфирма снабжает гида соответствующими письмами и многочисленными копиями документов и списков групп.

Литература

1. Гвоздецкий Н.А., Голубчиков Ю.Н. Горы. – М.: Мысль, 1987.
2. Попов В.И., Гуляева Т.С. и др. Рекреационная оценка горных территорий Казахстана.- Алматы: Институт географии, 2003.
3. www.allibert-trekking.com

Н.И. Сабитова, О.Ш. Рўзиқулова

Ўзбекистон Миллий университети

ЗАРАФШОН ДАРЁ ҲАВЗАСИ ГЕОСИСТЕМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУПРОҚ-МЕЛИОРАТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

Табиий географиянинг тадқиқот йўналишларидан бири – геотизимлар ва уларни чегарасини илмий жиҳатдан асослаш масаласидир. Биз ҳам тадқиқот объекти сифатида геотизимларни ажратган ҳолда, уларнинг компонентларини (рельеф, сув, тупроқ ва ҳоказо) вақт ва маконда ўзгариш хусусиятларини ўрганишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйдик. Мелиоратив географияга тааллуқли муаммони ечиш, геосистемани ташкил қилган тупроқдаги сувларнинг динамик ҳаракати, кимёвий элементлар, туз сифатини вақт ва маконда ўзгариш қонуниятини аниқлашдан иборат.

Маълумки, геотизим – географик қобик компонентларининг ўзаро боғлиқ ва бир-бирига таъсир кўрсатадиган бир бутун табиий ҳудудий бирлик, географик мажмуалардир. Ҳозирги кунда геотизим тушунчасига олимларнинг қарашлари турлича. Биринчи томон вакиллари геотизим – оқим йўналишига мос жойлашган табиий географик жараён, деб ҳисоблашса (Ретейом, 1970; Арманд, 1968; Дяконов, 1973 ва бошқалар), кейинчилари, анъанавий, табиий географик комплексларни тушунади (Сочава, 1978; Исаченко, 1980 ва бошқалар).

Биз биринчи илмий йўналиш хулосаларига асосланиб, тадқиқот объекти-Зарафшон дарё ҳавзасини бир бутун геотизим деб олдик. Илмий изланишларимизнинг вазибаларидан бири дарёнинг ўрта ва қуйи оқимида жойлашган геотизимларнинг географик жараёнлар таъсирида табақаланиш қонуниятларини ўрганган ҳолда, чегараларини картографик моделда кўрсатишдан иборат. Ажратилган чегара доирасида маълум жараёнларни маконда ривожланиши, сифат ва миқдор ўзгариш сабабларини очиб бериш долзарб масалалардан биридир. Зарафшон ҳавзаси геотизимларини табақаланишида морфологик бирликларнинг геометрик шаклларига алоҳида эътибор берамиз. Сабаби, энергия ва модда кескин алмашинуви кичик геотизимлар чегарасида содир бўлади, ривожланади. Кичик геотизимларнинг мелиоратив ҳолати шу ернинг рельефи, тупроғи, ер усти ва ер ости сувларининг минерал таркиби, ер юзасига нисбатан жойлашиши, ўсимлик турлари кабиларга боғлиқ. Геотизимларнинг чегарасини аниқлаш ва сувда эриган тузларнинг тупроқда тўпланиш сабаблари, геоморфологик шакллар доирасида таҳлил қилинди. Геотизим тушунчасининг назарий асослари яратилганига бир неча йил вақт ўтган бўлсада, локал геотизимларни чегаралаш масаласи ўз ечимини топгани йўқ. Шу сабабли тадқиқот объектида табиий географиянинг назарий асосларига амал қилган ҳолда, геотизимларнинг қўллаб чегараларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Ажратилган чегара доирасида кичик геотизимлар тупроқларининг мелиоратив ҳолатини ўргандик.

Мавжуд адабиётлар ва дала ландшафт тадқиқотлари асосида рельеф пластикаси усулини қўллаб (Метод пластики рельефа... 1987), Зарафшон дарё ҳавзаси геотизимларининг мелиоратив картасини туздик. Рельеф пластикаси картаси билвосита, ер усти ва ер ости сувлар оқими, кичик геосистемаларнинг геометрик структураси ҳақида ва умумий ҳолатини тасвирловчи ботиқ ва кавариқ шаклларни ўзида мужассамлаштирган. Улар тупроқда туз тўпланиш қонуниятларини аниқлашда ва ландшафт-мелиоратив карталарни тузишда асос бўлиб хизмат қилди. Тизимли усул ландшафт шўрланиш сабабларини аниқлаган ҳолда, ҳар бир ажратилган геосистемани мелиоратив ҳолатини баҳолашга имкон беради.

Дала тадқиқот ишлари ана шу ажратилган геотизимлар асосида олиб борилди. Ҳар бир геотизимда таянч шохобчалар оқимнинг ўрта ва қуйи қисмида жойлаштирилди. Инсонларнинг табиатга таъсирини ортиши билан суғориладиган ерлар

транспирациясининг динамик ўзгариши, коллектор-зовур ва суғориш сувлари сифати, суғориш мелиорацияси кўрсаткичларини таҳлил қилдик. Геосистемаларнинг мелиоратив ҳолатини аниқлаш мақсадида 600 дан ортиқ тупроқ, сизот сувлари ва коллектор-зовур сувлари намуналари олинди ҳамда Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот давлат институтининг аналитик марказида таҳлил қилинди. Сувларни таҳлил қилишда сувда эриган тузлар I ва II-сувли сўрим, қуруқ қолдиқ усулларидан фойдаланиб, тузларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди. Натижада ҳар бир геотизим тупроқларининг ўсимликлар ўсиб ривожланиши учун қулай бўлган юза қисмидаги (0-1, 1-2 ва 0-2 метр) туз миқдори аниқланди. Оқим бўйича гипсометрик юқори жойлашган ҳудудлардан, пастки ҳудудларга маълум қонуниятлар асосида тузларни ортиб бориши аниқланди. Кўрсаткичларнинг ортиб бориши айниқса, геосистема тупроқларининг устки ҳайдалма қатламларига хос. Олинган натижалар асосида геотизимлар ҳозирги мелиоратив ҳолати таҳлил қилинди ва карталаштирилди. Биз геосистеманинг табақаланиш хусусиятига мос ҳолатда картада тупроқ шўрланишини карбонат, сульфат ва хлорид-сульфат, сульфат-хлоридли зона чегараларини ажратдик (Сабитова, Ахмедов, 2005).

Тадқиқот натижалари келгуси изланишларимизда геосистемаларнинг мелиоратив ҳолатини илмий асосланган ҳолда баҳолаш ва башоратлашга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арманд Д.Л. Физическая география в наши дни. М., Знание, 1968.
2. Ретеюм А.Ю. К определению содержания понятия “геосистема”. В кн.: Гвоздецкий Н.А., Геренчук К.И. и др. Состояние и задачи физической географии. - Материалы V съезда географического общества СССР, Л., 1970.
3. Дьяконов К.Н. О соотношении понятий географический ландшафт, геохимический ландшафт и геосистема. -В кн.: Методы прикладной и региональной физической географии. М., 1973.
4. Сочава В.Б. Введение в учение о геосистемах. Новосибирск: Наука, 1978.
5. Исаченко А.Г. Методы прикладных ландшафтных исследований. Л., 1980.
6. Метод пластики рельефа в тематическом картографировании. Пущино, ОНТИ, НЦБИ, 1987.
7. Зокиров Ш.С. Кичик ҳудудлар табиий географияси. “Университет”, Тошкент-1999.
8. Сабитова Н.И., Ахмедов А.У. Системный анализ в изучении мелиоративного состояния почв (На примере бассейна р.Зарафшан). Ўзбекистон тупроқшунослар ва агрокимёгарлар жамиятининг IV курултойи материаллари, Тошкент 2005.

Г.Х.Муратова

Самарқанд Давлат университети

МОЛГУЗАР ТИЗМАСИ РЕКРЕАЦИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА Фойдаланиш масалалари

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон рекреацион ресурсларга бой мамлакат ҳисобланади. Айниқса давлатимизнинг мустақиллик йилларида тез суратларда ривожланиши, ишлаб чиқариш жараёнларининг жадаллашиши, шаҳар аҳолисининг ортиб бориши, аҳоли турмуш даражаси, маданий савиясининг ўсиши ва бошқа омиллар фаол дам олишга ва саёҳатга бўлган эҳтиёжни оширади. Дастлаб республикамизда 1960 йил 19 февралда сайр-саёҳат (турист- экскурсия) бошқармаси ташкил этилди. Санаторий-профилакторийлар, курортлар, дам олиш уйлари, саёҳатчилар учун меҳмонхоналар, оромгоҳлар қурилиши кенг кўламда олиб борилди.

Ўзбекистонда даволаш-соғломлаштириш муассасаларининг географик жиҳатдан ўрганиш муаммоси, яъни рекреация масалалари (иқлим, минерал сувлари, шифобахш балчиқ ва бошқалар) иқтисодий омиллар мажмуасини ҳисобга олиб ҳал қилинади. Соғломлаштириш муассасаларининг ҳудудларда тарқалиши, рекреация омили ва ресурсларини аҳолини жойлашишига, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига боғлиқ ҳолда ташкил қилинади. Шу боис Ўзбекистон ҳозирги вақтда рекреацион район ва кичик районларга бўлиб ўрганилмоқда. Бу эса дам олиш уйлари, санаторий – курортлар, саёҳат ва спорт–соғломлаштириш муассасаларини қуришни режалаштиришда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Молгузар тизмасининг тоғ ва тоғолди ҳудудлари рекреацион муассасаларни қуриш учун қулай эмас. Шунинг учун ҳам бундай муассасаларни қуришда жойнинг шу мақсадда фойдаланишга яроқлилигини аниқлаш борасидаги текширишларнинг илмий асосланган хулосаси талаб қилинади.

Молгузар тоғ тизмаси рекреация омилларига ва иқтисодий имкониятларга эга бўлиб, бу муассасаларни кенгайтириш ва янгиларини қуриш учун жуда қулайдир. Туркистон тоғи шимолий ёнбағри ва унинг тармоқларида юз минглаб одамлар ҳордик чиқара оладиган оромгоҳлар вужудга келтиришга имкон беради.

Молгузар тоғ тизмаси тоғ туризми ва маданий курортлар, санаторийлар, оромгоҳлар вужудга келтириш учун катта имкониятларга эга. Молгузар тоғ тизмаси табиий шароитининг ранг–баранглиги, чалачўл иқлимининг текислик ва қолдик тоғлардан, Туркистон тоғидаги арчазорлар ва нивал минтақалар (қор ва музликлар) зоналаригача ўзгариши, Жиззах вилояти марказининг Тошкент, Янгиер, Самарқанд каби саноат марказлари билан темир йўл, автомобил, ҳаво йўллари орқали боғланганлиги бу ерда туризмни ва курорт марказларини вужудга келтиришга ва ривожлантиришга имкон беради. Шундай экан, нима сабабдан ҳудудда тоғ туризми ва курорт хўжалигини ривожлантиришга эътибор берилмайди деган савол туғилади.

Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш рекреация инфратузилмаси ёки ижтимоий-иқтисодий, техник омилларга боғлиқ. Молгузар тизмаси рекреацион имкониятларини қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин.

А) Энг қулай ҳудудлар Молгузар тизмасининг ўртача баланд тоғларининг (1200-2200 м) ва намликнинг (25-30%) меъёрдалиги билан ажралиб турувчи ҳудуди.

Бу ер ўсимлик ресурсларига арчазорлар, ёнғоқзорлар ва б. бой. Айниқса гидрография сув ресурслари ҳудудга ўзгача чирой бахш этади. Тоғларда сайёҳлик объектлари кўплаб учрайди. Бу ерда қисқа ва узоқ муддатли дам олиш, сайёҳлик, турли касалликларни даволаш, спорт ўйинларини ташкил қилиш имкониятлари катта.

В) Кам қулай ҳудудлар паст тоғлар (800-1200), адирлар ва текисликларнинг кўпгина қисмларини ўз ичига олади. Бу жойларда табиий омилларнинг баъзилари қулайлик даражасининг пастлиги билан ажралиб туради. Рельефда жарларнинг мавжудлиги рекреация имкониятларини камайтиради. Сув тармоқлари кам, ўсимлик дунёсига бой эмас. Бу ҳудудларда қисқа муддатли дам олиш (бахор ойлари)ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

С) Ноқулай ҳудудларга текисликларнинг каттагина қисми, адирлар, тоғларнинг қояли ёнбағрлари киради. Ўсимликларга камбағал (асосан, эфемер ва эфемероидлар). Рельефида баланд тоғлар, тоғларда дарёлар ва сойлар, жарлик ва ўпирилмалар кўплаб учрайди. Бу ҳудудда баҳорги ойларда қисқа муддатли дам олиш ва саёҳатлар ташкил қилиш имкониятлари мавжуд.

Демак, ҳар бир дам олиш тури учун маълум табиий ресурсларни ҳисобга олиш рекреация мажмуаси ёки муассасини ихтисослашувини аниқлашга имкон беради. Булар дам олувчиларнинг эҳтиёжи ва талабларига биноан мажмуа хусусиятларини баҳолашда катта аҳамиятга эга. Бу эса рекреация тизимларини ташкил қилишда қўл келади.

В.А.Рафиқов

**ЎзРФА Сейсмология институти География бўлими
ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ ҚУРИГАН ҚИСМИ:
МУАММО, ЕЧИМЛАР ВА ТАКЛИФЛАР**

Орол денгизи–ноёб улкан кўл, Ўрта Осиёдаги йирик чўллар Қорақум, Қизилқум, Устюрт, Катта ва Кичик Бўрсик, Оролбўйи Қорақумлари оралиғида жойлашган. У Амударё ва Сирдарё суви ҳисобига эрамиздан аввалги 1 минингчи йилнинг биринчи ярмидан бери мавжуд. 1961 йилдан эътиборан Ўрта Осиёда суғоришнинг тез суръатларда ривожланиши муносабати билан унга қуйилаётган сув ҳажми йилдан йилга камайиб борди, баъзан (2000 ва 2001 йиллар) сув мутлақо қуйилмади. Табиий буғланишнинг мунтазам давом этиши туфайли унинг сатҳи фалокатли тарзда тушиб бориши кузатилди. 2004 йил охирида унинг сатҳи 28.5 м (1961 йилда 53 м) мутлақ баландликда бўлганлиги қайд этилди. Бунинг оқибатида унинг 45 минг км² қисми қуриб, қуруқликка айланди.

Янгитдан вужудга келган континентал қуруқлик табиий муҳитнинг типик чўл хусусиятларга эгаллиги ва унинг атрофдаги қум-шўрхок ландшафтларидан деярли фарқ қилмаслиги билан ажралиб туради. Денгиз сувининг ҳар йили туб қирғоқдан маълум масофага чекиниши ва тубидаги ётқизикларнинг литологик таркибига кўра шамолнинг рельеф ҳосил қилувчи фаолияти натижасида ўтган 45 йил мобайнида унинг ер усти тузилиши мураккаблашиб борди. Вужудга келаётган янги табиий комплекслар структураси, динамикаси ва уларнинг ривожланиш йўналишлари ҳамда истиқболдаги ўзгаришлари денгиз тубидаги ётқизиклар таркиби, гидрогеологик режим, тупроқларнинг вужудга келиши, тараққиёти ва туз режими, ўсимликларнинг фаолияти ва сукцессияси, улар негизида ландшафтларнинг тадрижий ўзгаришлари ва тараққиёти Оролнинг қуриган қисмини синчиклаб ўрганишни тақозо этади.

Олигоценнинг охирида Турон плитасининг шарқий ҳудудлари секин-аста кўтарилиб, қуруқликка айланган ва денудация жараёнлари кучаяди. Миоценда Оролбўйи ва Қизилқум ўрнида пасттекислик таркиб топади.

Аниқланишича, Орол чўкмасининг вужудга келиши плиоценда содир бўла бошлаган. У тектоник, дефляция, суффозия-карст жараёнларнинг таъсири натижасида вужудга келган бўлиши эҳтимол қилинади. Оқчағилдан олдинроқ ҳудуднинг умумий кўтарилиши туфайли аввал тўпланган ётқизиклар кучли эрозияга берилиши натижасида улар бутунлай ювилади. Бунда сарматнинг юмшоқ (бўш) терриген аллювиал-дельтали ётқизиклари деярли тўлиғи билан йўқолган. Бу мураккаб жараёнда шимоли-шарқда ҳозирги Аральск шаҳридан бошлаб то жануби-ғарбда Сарикамишнинг жанубий соҳилигача бўлган ҳудудда улкан эрозион ботик таркиб топган (Рубанов ва бошқ., 1987).

Орол чўкмасининг илк бор сув билан тўлиши юқори плиоценда рўй берган (Кесь, 1969), ўшанда Каспийнинг оқчағил трансгрессияси Турон пасттекислигининг катта қисмини босган. Бу воқелик Оролбўйидаги Қушхонатов ва Белтов баландликларидаги оқчағилнинг қушхонатов (қалинлиги 60 м), денгизкўл (70-80 м) ва зoir кўл-денгиз ётқизикларидан иборат бўлган свиталар асосида тасдиқланиши мумкин. Апшерон эпохаси (плиоцен) да Сарикамиш-Орол чўкмалари яна Каспий трансгрессияси билан қопланади. Орол чўкмасида қум-гил ётқизиклари вужудга келади, уларда денгиз чиғаноқлари мавжуд. Денгизнинг шимолий туб қирғоғида бу ётқизиклар 54-62 м мутлақ баландликда тарқалган.

Амударё ётқизиклари билан Сарикамиш, Хоразм ва Оқчадарё ботикларини тўлиши натижасида юқори тўртламчи давр (голоцен) да Сарикамишбўйи ва Оқчадарё дельталари, эрамиздан аввалги 1 минингчи йилнинг биринчи ярмида Оролбўйи

(хозирги Амударё) ва Сирдарё дельталари вужудга келган ва Амударё билан Сирдарё Оролга қуйила бошлаган. Эрамиздан аввалги 1 минингчи йилнинг ўрталарида Орол денгизида энг баланд трансгрессия юз берган, унинг кўл-денгиз ётқизиклари 58-59 м мутлақ баландликда учрайди ва у қадимги орол террасаси билан машхур. Эрамиздан олдинги VII-IV асрларда янги орол трансгрессияси содир бўлган. Ўшанда денгиз сатҳи 54,5 м мутлақ баландликкача кўтарилган ва Орол тарихида янги орол террасаси билан таникли. Орол денгизининг жанубий қисми Амударё ётқизиклари билан банд ва кўпинча авандельта деб ҳам айтилади.

И.В.Рубанов ва унинг ҳаммуалиф (1987) ларининг таъкидлашича, Орол денгизи тубининг ётқизиклари турли механик таркибдаги қумдан тортиб гилгача мавжуд. Қумлар дельта ва қирғоқ ётқизиклари, алевроитлар дарё фаолияти, гил ва мергел денгиз (марказий қисмда) иши билан боғлиқ. Катта ҳамда Кичик денгизнинг марказий ва ғарбий чуқур (Устюрт чинки яқинида) қисмларида карбонатли гиллар тарқалган, қирғоққа яқин ҳудудларда улар турли механик таркибдаги алевроитлар билан ўралган. Туб қирғоққа яқин ҳудудлар турли механик таркибдаги қум ётқизиклар билан банд. Айниқса, шарқий қирғоққа яқин жойлар ва Лазарев-Возрождения ороллари (Архангельский марзаси) атрофи қалин қумлардан иборат. Дельта ва денгиз ётқизиклари остида палеогеннинг денгиз трансгрессиясида вужудга келган гил, қум, мергел қатламлари ётади, улар бўр даврининг терриген жинслари устида тарқалган.

Денгизнинг қуриган қисмида табиий комплексларни вужудга келиши, динамикаси ва таракқиёти Қуёш радиацияси, грунт сувлари режими ва тупроқнинг сув-туз мароми, ўсимликлар сукцессияси, табиий жараёнларнинг ривожланиши ва бошқа омилларга боғлиқ. Аввало қуриган тубнинг табиий нишаблик бўйича грунт сувларини ер ости оқими ва унинг Орол сатҳини тушиб бориши натижасида борган сари чуқурлашиши оқибатида тупроқнинг сув-туз режимини ўзгариши табиий комплексларни вужудга келиши ва шаклланишига жиддий таъсир этиши аниқланган. Эндиликда денгиз сатҳининг 20 м дан зиёд пасайиши туфайли 60-70 –йилларда сувдан ҳалос бўлган қисмларида (49-53 м мутлақ баландлик) грунт сувлари юзаси 7-10 м дан кўпроқ чуқурлашди. Бинобарин, автоморф шароитнинг барқарор мавжудлиги тупроқларнинг табиий шўрсизланиш вазиятда шаклланишига таъсир этиши туфайли шўрланган тупроқлар ва шўрхоқлар 90-йиллардаёқ қолдиқ шўрхоқларга айланди. Бу минтақада асосан эол қум рельеф шакллари ривожланган. 80-йилларнинг биринчи ярмида сувдан озод бўлган қисмларда (42-49 м) аввалги типик шўрхоқлар ҳам қолдиқ шўрхоқларга айланган ва механик таркиби оғир бўлган тупроқларда тақирли тупроқ белгилари намоён бўла бошлади, шуни ҳисобга олиб бу тупроқларни тақирсимон қолдиқ шўрхоқлар деб ҳисоблаш мумкин, лекин эволюцион жараён давом этмоқда.

80-йилларнинг иккинчи ярмида денгиз суви чекинган минтақалар (39-42 м) да грунт сувлари сатҳининг 7 м дан қуйига пасайиши туфайли типик шўрхоқлар қолдиқ шўрхоқларга айланиш босқичига кирган. 90-йиллар арафасида денгизнинг қуриган қисми (37-39 м) грунт сувлари сатҳининг 5-7 м да мавжуд бўлиши шўрхоқларнинг фаоллик хусусиятини йўқота бошлашидан дарак беради, бинобарин уларда туз тўпланиш хусусияти сусая бошлаган. 90-йилларда сувдан ҳоли бўла бошлаган қуриган қисмда (32-37 м) грунт сувлари сатҳи 0-5 м да жойлашганлиги сабабли тупроқларда туз тўпланиши фаол давом этмоқда. Денгиз қирғоғидан 0,5-0,8 км масофада қуруқлик ичкариси томон маршли шўрхоқлар ривожланган.

Грунт сувлари сатҳининг жойлашуви, минераллашув даражаси, тупроқ тури ва унинг туз режимига боғлиқ ҳолда ўсимлик қоплами ривожланган. Эол қум рельефи мавжуд бўлган минтақада қора саксовул, черкез, юлғун ва бир йиллик шўралар тарқалган. Тақирсимон қолдиқ шўрхоқлар минтақасида юлғун, сарисазан, бир йиллик шўралар; қолдиқ шўрхоқлар минтақасида қорабароқ, юлғун, бир йиллик шўралар;

типик шўрхоқлар минтақасида юлғун, қорабароқ, кермек, бир йилик шўралар; ўтлоқ шўрхоқларда бир йиллик шўралар, маршли минтақада ўсимлик мутлақо йўқ.

Тупроқ шўрланиши даражаси билан ўсимлик тури орасида яқиндан боғлиқлик мавжуд. Ўта шўр тупроқда қорабароқ, шўрхоқда юлғун, сарисазан, бир йиллик шўралар, шўр тупроқда кермек, қора саксовул, турли ўтлар вегетацияси кузатилади. Шунинг учун ҳам туб қирғоқдан то денгиз қирғоғигача тупроқ ва ўсимликларнинг, шунингдек грунт сувлари режимини маълум минтақалар бўйича жойлашуви аниқланган. Туб қирғоқдан бошлаб денгиз маркази томон унинг тубида ётқизикларнинг механик таркиби оғирлашиб боради (йирик–ўрта-майда донали кумлар, алеврит, кумли гил-гил, мергел). Шунга мувофиқ грунт сувларининг ер ости оқими секинлашиб боради, марказий қисмида оқим деярли кузатилмайди, шунинг учун уларнинг минераллашув даражаси туб қирғоқ яқинида ҳар литр сувда ўртача 20-25 г бўлса, ўтлоқ минтақада 80-100 г ва ундан зиёд. Шунга мувофиқ тупроқ шўрланиши ҳам ўзгариб боради: эол кум минтақада чўл кум тупроқлари турли даражада шўрланган, шўрхоқлар минтақасида қолдиқ шўрхоқлар юқори қатламда туз куйи томон бироз ювилган, типик шўрхоқларда юқори қатламда туз миқдори 3-15, баъзан 25-40 фоизни ташкил қилади, ўтлоқ минтақада туз миқдори 10-20, маршли шўрхоқларда 4-8 фоизга боради. Айрим чуқурроқ ботикларда, хусусан Оқпетки (аввалги архипелаг) даги қўлтиқларда грунт сувлари минераллашуви 400-500 г, шўрхоқдаги туз миқдори 100 фоиз атрофида. Тузнинг кўплигидан кумли ётқизикларда ҳам шўрхоқ вужудга келган.

Рельеф ҳосил қилувчи омиллар–дефляция, эрозия, аккумулятив жараёнлар денгизнинг қуриган қисмида энг фаол ҳаракат қилади. Шўрхоқнинг юқори қатламини қуриши билан шамол фаолиятига берила бошлайди, туб қирғоққа туташган кумли минтақа ва Архангельский марзасида Қизилкумдагидек типик эол рельеф шакллари таркиб топган, бу ҳудудларда бархан ва дўнг кумлар ҳуқумрон, уларга туташган қолдиқ шўрхоқларда бута олди фитоген кумлар кенг тарқалган. Жойларда дефляция ботиклари барханлар яқинида умумий мажмуа ҳосил қилган. Қолдиқ шўрхоқларда дефляция ва аккумуляция шаклланиш, шўрсизланаётган ва қуриётган кум ётқизикларида дефляция кучайиш босқичида фаоллашмоқда. Типик шўрхоқларда дефляция эндигина жонлана бошлайди, бунда кавариқ рельефдаги бўрсилдоқ сульфатли тузлар шамол таъсирида тўзиш босқичига кирган. Ўтлоқ шўрхоқлар дефляцияга намлиги туфайли берилмайди. Маршли минтақада денгиз сувнинг тошиши ва қайтиши жараёнида, айниқса кейингисининг катта тезликда бўлиши натижасида тупроқ ўйила бошлайди ва баъзан росмана ариқсимон ботиклар таркиб топади. Демак, рельеф шакллари ва уларни вужудга келтирувчи омиллар ҳам маълум минтақалар бўйича жойлашган.

Юқоридаги табиий комплекслар вужудга келтирувчи ўзгарувчан табиий муҳитни таҳлил қилиш натижасига кўра денгизнинг қуриб бораётган қисмида турли даражада шаклланаётган ва вужудга келаётган ландшафтлар тизимларини ажратиш мумкин бўлади. Бунда шундай табиий қонуният мавжуд, яъни туб қирғоқдан бошлаб ичкари томон ландшафтларнинг гидроморфли (гидрогаломорфли) хусусияти ортиб боради. Бинобарин, туб қирғоқдан бошлаб элювиал, яримгидроморф ва гидроморф ландшафт гуруҳлари маълум минтақалар бўйича жойлашади. Бу ҳодиса ландшафтларнинг шаклланиши, ривожланиши ва жойлашувида маълум тартиб ёки табиий қонуният мавжудлиги сезилиб туради.

Туб қирғоқ яқинидаги аввалги пляж ва қирғоқ бўйи сувлар эгаллаган минтақа (53-49 м) денгиз тубининг ёнбағри бўлган. Орол чекиниши натижасида унинг остидаги сувдан холи бўлган кумлар дефляция фаолияти туфайли эол аккумулятив рельеф шакллари вужудга келтиришга берилди. Бу минтақадаги типик дўнг-бархан рельеф турлари эндиликда тўла ривожланиш босқичига етган ва шамол таъсирида улар асосида

марзали кум рельеф шакллари таркиб топиши йўналишида эволюцион тараққиёт белгилари мавжуд. Минтақадаги эол ландшафтлар турини ривожланиш босқичига кўра етарли даражада вужудга келган табиий комплекслар деб баҳолаш мумкин, чунки кейинги босқични амалга ошиши учун нисбатан жуда узок муддат зарур бўлади.

Автоморф ландшафт шароити йўналишида ривожланиш босқичига ўтган қолдик шўрхоқлар ландшафтлар тури эгаллаган минтақа (49-37 м) грунт сувлари сатҳининг муттасил тушиб бориши туфайли тезкор тараққиёт босқичини ўтамоқда. Бу минтақада барча компонентлар тезкор ривожланиш босқичида бўлганликлари туфайли уларнинг табиий хусусиятлари йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда, айниқса, грунт сувлари режими, тупроқнинг физик ва кимёвий хусусиятлари, ўсимлик ассоциациялари сукцессияси, рельеф шароитлари, табиий жараёнлар динамикаси ва улар асосида ландшафтнинг морфологик қисмларини вужудга келиши, динамикаси ва шаклланиши содир бўлмоқда. Бу босқич минтақада типик тақирли тупроқ (агарда тупроқнинг механик таркиби оғир бўлган тақдирда) ёки хақиқий эол кум рельеф шакллари (агарда кум ётқизиклари ҳукумрон бўлса) дан иборат табиат комплекслари бунёд бўлганга қадар давом этиши мумкин. Шуларни эътиборга олган ҳолда бу минтақа ландшафтлар турини шаклланётган ёки ривожланиш босқичини ўтаётган гуруҳга киритиш мумкин.

Типик шўрхоқлар ривожланаётган минтақа ландшафтлар тури энг ёш бўлиб, 90-йилларда таркиб топа бошлаган. Бу минтақа ландшафтларининг табиий хусусиятлари эндигина такомиллашиб бормоқда, грунт сувлари режими, тупроқнинг физик ва кимёвий хусусиятлари шаклланмоқда, қатқалоқ, бўрсилдоқ, ўтлоқ, нам, ботқоқ шўрхоқлар ва шўрларнинг туз режими, гидроморфли хоссалари, гумус тўпланиши ва бошқа биокимёвий жараёнлар ривожланиши туфайли арид комплекслар белгилари таркиб топмоқда. Рельеф ҳосил қилувчи омиллар таъсирида денгиз тубининг бирламчи юзаси кучли ўзгаришларга учрамоқда, чунончи дефляция, суффозия ва эрозия натижасида рельефнинг ўйдим-чуқурлиги таркиб топмоқда. Ўз навбатида бу жараёнда ландшафтнинг морфологик қисмлари мураккабланимоқда.

Типик шўрхоқлар минтақасида улар таркибида тузнинг ҳаддан ташқари мўл (15-25, баъзан 35 фоиз) бўлишлиги оқибатида ва грунт сувлари минераллашув даражасининг юқорилиги (ҳар литр сувда 40-60, баъзан 80 г ва ундан зиёд) туфайли бир йиллик шўраларнинг ҳам вегетацияси мураккабланимоқда, шунинг учун ҳам ўсимлик жуда сийрак, ёки умуман йўқ. 90-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб денгиз сувидан ҳоли бўлаётган Орол тубида ўсимлик деярли ўсмаётганлиги қайд этилмоқда. Бундан кейинги йилларда унинг чекиниши натижасида янги очиладиган тубида ўсимлик мутлақо ўсмаслиги мумкин, чунки шўрхоқлар усти оппоқ туз билан қопланиш босқичи бошланмоқда. Типик шўрхоқлар минтақаси ландшафтларини ривожланиш даражаси жиҳатдан дастлабки вужудга келаётган табиий комплекслар гуруҳига киритиш мумкин.

Орол денгизининг тақдири Амударё ва Сирдарёдан келадиган сув миқдорига боғлиқ. 2000 йилдан бошлаб дарёлардан келаётган сув ҳажмининг кескин камайиб кетиши унинг сатҳини фалокатли тушиб кетишига олиб келди. Орол сатҳининг 28,5 м (2004 йил, сентябр) мутлақ баландликка тушиши натижасида Катта денгиз Архангельский марзаси бўйича икки қисмга ажралди: Устюрт платосининг шарқий чинкига туташган камбар акваторияда нисбатан чуқур (денгиз сатҳидан минус 16 м пастда) ғарбий қисм ва саёз шарқий қисм таркиб топди. Бу вазиятда ғарбий қисм узок вақт кичик шўр кўл вазифасини ўтайди, шарқий қисм тобора шўрланиб бориши ва буғланишга сарф бўлиши натижасида секинлик билан қуриб, улкан шўр-кўлга айланади. Бунда марказий қисмда саёз ўта намोकбли кўл ва унинг атрофида улкан шўр таркиб топади. Шўр атрофида маълум минтақалар бўйича кучли шўрланган шўрхоқлар (аваллига ботқоқли, билқиллама, ундан кейинги минтақада нам, сўнгра қатқалоқ

шўрхоқлар минтақаси вужудга келади. Демак, истиқболда Катта денгизнинг шарқий қисмида гидрогаломорфли континентал ва ғарбий қисмда акваториал ландшафтлар таркиб топиши башорат қилинмоқда.

И.В.Рубанов (1984) нинг ҳисоб-китобига кўра, Катта денгиз сувининг минераллашув даражаси ҳар литрда 120 г дан ошганда қишда мирабилит тузлари таркиб топа бошлайди, шўрлик 320-425 г га етганда ош тузи билан астраханит тузи мажмуа ҳолда вужудга келади. Денгиз сувида эриган ҳолда 6 млрд т ош тузи мавжудлигини эътиборга олинса, келажакда улкан туз кони вужудга келиши муқаррар.

Юқоридагиларни таҳлил қилиб, қуйидаги умумий хулосага келиш мумкин, яъни денгизнинг қуриши натижасида унинг ўрнида улкан кум-шўр-шўрхоқли ландшафтлар мажмуасидан иборат типик чўл таркиб топади. Бу чўлни Оролқум деб аташ мақсадга мувофиқ.

Денгизнинг қуриган қисми катта туз макони ҳисобланиши туфайли атроф муҳитга жиддий хавф туғдиради, шамол айниқса, сульфат тузларни тўзатиши натижасида Оролбўйига туз ёғини ёғилмоқда, ҳисоб-китобларга кўра Мўйноқ кенглигида ҳар га майдонга 1000 кг, Нукус кенглигида эса 150 кг гача тузли чанг тушади. Тузли чанг ва тузларни кўтарилиши, қумларни кўчиб юришини тўхтатиш, хусусан қумларни Амударё ва Сирдарё дельталарига бостириб киришини олдини олиш мақсадида уларни мустаҳкамлаш, туз тўзиши мумкин бўлган жойларни шамолга берилишини олдини олиш учун маълум тадбирларни қўллаш амалий аҳамият касб этади. Бу борада фитомелиорация тадбири яхши самара бериши аниқланган. Эол рельефи мавжуд бўлган минтақаларда псаммофитларни экиш билан қумларни мустаҳкамлаш борасида ҳозирда яхши натижаларга эришилмоқда.

Денгизнинг қуриган қисми-Ўзбекистон ҳудудида ҳар йили камида 25 минг га майдонга қора саксовул, қандим, черкез, юлғун ва бошқа буталар кўчатлари экилмоқда. 80-йилларда экилган кўчатлар анча йирик бўлиб қумларни мустаҳкамлашдаги хизматлари катта майдонларда яхши сезилиб турибди. Ҳудди шундай усулни қолдиқ шўрхоқларда ҳам маҳаллий рельеф хусусиятларини эътиборга олиб экишни ташкил қилиш самара бериши мумкин, бунда асосан галофитлар (қора саксовул, юлғун, қорабарок) ўстириш мумкин бўлади.

А.А.Ҳамидов, З.Аманбаева

**Фарғна Давлат университети, Тошкент Давлат Педагогика университети
ЛАНДШАФТЛАРНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ЎЗARO ТаЪсир Ҳамда
АЛОҚАДОРЛИКЛАРИДА Ҳайвонларнинг Роли**

Ландшафтларини ўрганишга бағишланган илмий ишларнинг аксариятида ландшафтларнинг ҳайвонот компонентининг номлари санаб ўтилади ҳолос. Ландшафтлар ҳайвонот оламини табиий географик таҳлил қилиш масалалари ҳали тўлиқ ишланмаган. Айниқса ландшафтнинг ички ва ташқи ўзаро таъсир ҳамда алоқадорликларини ўрганишда ҳайвонларнинг родини аниқлаш қанчалик муҳим бўлмасин, тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолаберган. (Ш.С.Зокиров,1999) Бошқа ландшафт компонентлари сингари ҳайвонот олами ҳам яруслилик бўйича пастдан юқорига томон ўзгариб боради.

Фарғона водийсида ҳам бир нечта, чўл, адир, тоғ ва яйлов каби яруслилик минтақаларини ажратиш мумкин.

Чўл минтақаси ҳайвонот олами ҳам ички ландшафт кўринишларида бир-бирдан фарқ қилади. Масалан: тупроқли чўллар яшаш шароити жиҳатидан қумли чўллардан фарқ қилади, бу ерда қумдагидек ер остига осонгина ғойиб бўлиш имконияти йўқ. Кўпчилик ҳайвонларнинг ҳаёти тупроқли чўлларда ер қазувчи ҳайвонларнинг ва баъзи

хашоратларнинг ини билан узвий боғланган. Юмронқозик ва дала сичқонлари ин куради, уларнинг инларини калтакесаклар, куртлар, каналар бошқа хайвон ва хашоратлар эгаллаб олади. Шунингдек, тупроқли чўллар ўсимликхўр чумолилар ва термитларнинг инларини кўплиги билан тавсифланади. Чигирткаларнинг уруғ қўйиши учун кумли чўлларга нисбатан тупроқли чўллар қулай шароитга эга.

Гилли (тупроқли) чўл ландшафтлари айниқса туёқли хайвонларнинг тез ҳаракат қилиш учун қулайдир, лекин Фарғона водийсидаги чўл ландшафтларда айтарлик туёқли хайвонлар қолмади (яйратиб боқиладиган уй хайвонларини ҳисобга олмаса). Гилли чўл ландшафтлар ҳудудида тошлоқ майдонлар ҳам бўлиб, бу ерда айниқса хашоратларнинг кўпайиши учун қулайдир. Масалан, Сўх, конуссимон ёйилмасининг ўрта бўғинлари умуртқасиз хайвонлар, кундузи тошларнинг остига яшириниб яшайди. Калтакесаклар, чаён, ҳар хил куртлар ҳам ҳаётини кўп қисмини тошлар остида ўтказишади.

Фарғона водийси ҳудудида тақирлар катта майдонларни эгалламайди. Вақтинчалик тақирларда юқори ўсимликлар учрамаганлиги учун ўз-ўзидан хайвонот дунёси ҳам жуда камбағал, боғловчи звено йўқ, фақат термитлар, калтакесакларни баъзи турлари, қўнғизларнинг бир неча тури ҳамда чумолиларни учратиш мумкин. Улар ҳам тақирларда доимий яшамайдилар, зуқа ахтариб кириб қолган бўлишлари ҳам мумкин. Бундан ташқари улар чўл ландшафтига жуда мослашган бўлиб хайвонот оламининг эвритерм турларига хосдир.

Лёссли эфемерли чўл ландшафтларида чигирткалар жуда кўпчиликни ташкил этади. Бундай шароитда чигиртка ва ҳаттоки чумоли ва бошқа хил хашоратлар учун озуқа занжири тўлиқ циклда давом этади.

Сирдарё водийлари ва тўқайзорлари ҳар ҳолда хайвонот оламига бойроқ. Бу тўқайларда тўнғиз, чиябўри каби сут эмизувчилардан ташқари кўршапалаклар, ўнлаб кушларнинг тури, какликлар, ўрдак, ғоз ва тустовуқлар яшайди.

Тўқай ландшафтларида ландшафт компонентларининг бошқа турлари сингари хайвонот компонентининг ҳар ҳолда турларини кўп бўлиши биринчи навбатда қулай табиий шароит бўлса, иккинчи навбатда антропоген таъсирнинг бу занжирга ҳали тўлиқ шикаст етказмаганлигидан бўлса керак. Тўқай ландшафтларида яшовчи хайвонларнинг яшаш шароити жуда кам ўзгаради, шунинг учун бу ердаги маромийлик издан чиқса ўзига хос ҳолатлар юз бериши мумкин. Бу ердаги кўпгина хайвонлар, ўсимликлар ва микроорганизмлар рН даги энг кичкина ўзгаришларга ҳам жуда сезувчандир, яъни толерантлик (лимитловчи омил) қонунига бўйсинади. Лекин ҳар қандай ландшафт кўринишларида хайвонот компоненти ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан бошқа компонентлардан ажралиб туради ва бир вақтнинг ўзида ўзаро боғлангандир. Биз бу ерда ландшафт компонентлари орасида қайси бири кучли ёки кучсиз, етакчи ёки кейинги даражада эканлиги ҳақида фикр юритмоқчи эмасмиз, лекин бу масала тўғрисида ҳам қарашлар бор, масалан Н.А. Солнцев (1960) ландшафтнинг ўсимлик ва хайвонот компонентини учинчи даражали ёки кучсиз деб ҳисоблайди.

Хайвонот қайси ландшафт тури таркибида фаолият кўрсатмасин уларнинг ҳар бир тури озуқа таркибини аниқ танлай олади. (Ландшафт компонентлари ичида хайвонот тури у хайвон ўтхўрми ёки гўштхўрми барибир озиқланиш маҳсулотларини кўп ёки оз ёки бўлмаса умуман йўқлиги билан ундаги иштирокини аниқлаш мумкин). Хайвоннинг ҳар бир тури ўзича озуқа сифатига талабчандир. Хайвонлар орасида ўсимлик ва жониворларнинг бир тури (монофаглар), кўп турлари (полифаглар), шунингдек, озуқаларнинг кўп ёки озроқ чегараланган хиллари (кенг ёки тор олифаглар) билан овқатланадиганлари бор.

Хайвонлар ўртасидаги муносабатларнинг энг кенг тарқалгани бу вахшийлик, яъни бир тур иккинчисини билвосита ва бавосита таъқиб этади. Бу таъқиб ҳудуд учун

ёки озикланиш учун бўлади албатта. Яъни масалан, улар бир хил ландшафт тури таркибида яшасалар ҳам ўсимлик билан озикланувчи туёқлиларни вахший ҳайвонлар, хашоратларни кушлар, майда балиқларни йирик балиқлар еб қўядилар. Вахшийлик чўл ландшафтларида ҳаёт кечирувчи умуртқасиз ҳайвонлар орасида ҳам кузатилади. Вахший хашоратлар, чувалчанглар, моллюскалар, энг оддий вахший бактериялар мавжуддир.

Ҳар қандай ландшафт тури таркибида яшовчи ҳайвонлар орасидаги муносабатларда яна бир шакл текинхўр ҳам мавжуддир. Энг одатдаги ҳолатда текинхўрлик организм доимий равишда бошқа ҳайвоннинг танасида яшайди. Бу текинхўр организмлар билан асосан кушлар озикланади.

Яна бир ҳолат ҳайвонлар ва ўсимликлар (қайси ландшафт турида бўлишидан қатъий назар) ўртасидаги муносабат яна ҳам мураккаб ва ҳилма-ҳил бўлиши мумкин. Бу икки ландшафт компоненти бир-бирига нисбатан чанглатувчи, уруғ ташувчи, шунингдек касаллик тарқатувчи, ташувчиси сифатида бўлиши мумкин.

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, агар гап ҳайвонларни ландшафтни ички ва ташқи таъсир алоқаларидаги роли ҳақида кетадиган бўлса улар текинхўрми, вахшийми, зоофаг ва фитофагми ўз хўжайинларига ва қурбонларига нисбатан муҳит омиллари ҳисобланади, ўз навбатида озуқа ўсимликлари улар учун муҳит омиллари, уларга экологик токча элементлари ҳисобланади. Демак, экологияда тутган ўрнига кўра уларнинг ҳаммаси экотизимнинг бир-бирига ўзаро керак бўладиган элементларидир. Уларнинг ўзаро таъсири жараёнида табиий танланиш ва мослашиш, мувофиқлашиш ўзгарувчанлик, яъни энг муҳим эволюцион жараёнлар амалга ошади.

Т.Абдрахмонов, З.А.Жаббаров, Э.М.Хушвақтов, Б.Х.Хушвақтов

Ўзбекистон Миллий университети

**МИНГБУЛОҚ НЕФТ КЕНИ АТРОФИДАГИ СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ
МИКРОБИОЛОГИК ХУСУСИЯТИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ФЙДАЛАНИШ
МАСАЛАЛАРИ**

Бизга маълумки, республикамизда мавжуд сув ресурслари ҳар тамонлама миқдор жихатдан ҳисоблидир, ҳатто сув танқислиги охириги йилларда муаммо даражасига кўтарилди. Бунга ер шари бўйича ҳароратнинг кўтарилиши, суғориладиган ерларнинг кенгайиши (сув омборлар сонининг ортиши, шўр ювиш ишларининг кўпайиши) ва халқ хўжалигида сувга эҳтиёжнинг ортиши сабаб бўлмоқда.

Ҳар соҳада сувнинг миқдори билан бир қаторда унинг сифати (кимёвий таркибининг ўзгариши) муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирга келиб дунё сув ресурсларининг қарийб барчаси кимёвий жихатдан ўзгаришга учраган, бунга бир қатор омиллар: саноат корхоналарининг (металлургия, қоғоз ва енгил саноат корхоналари, тоғ-кон комбинати, нефтни қайта ишлаш заводлари ва х) фаолияти ҳамда улар билан боғлиқ жараёнлар сабаб бўлмоқда. [1,2,3.]

Ҳусусан республиканинг асосий сув манбаи Сирдарё дарёсининг Мингбулоқ нефт кени худудига яқин қисми ва шу худуд ер ости ва ер усти сувлари ҳамда тупроқ қоплами маълум даражада нефт углеводородлари билан ифлосланган.[4]. Нефт углеводородларининг бу захарли таъсири суғорма дехкончиликда фойдаланиладиган сувларнинг микробиологик хусусиятларига таъсир этган. Тадқиқотлар давомида нефт кенига нисбатан 100, 200, 800, 1500, 5000, 8000, 12000, ва 20000 метр узоқликдан олинган сув намуналари (фаслар бўйича) микробиологик таҳлил қилинди. Тадқиқот натижаларига кўра улардаги умумий микроорганизмлар миқдори 100 м.- 2×10^3 , 200 м.- $2,4 \times 10^3$, 800 м.- $2,5 \times 10^3$, 1500 м.- $3,1 \times 10^3$, 5000 м.- $1,7 \times 10^5$, 12000 м.- $1,5 \times 10^5$ (хуж/1мл сувда) миқдорида микроорганизмлар борлиги аниқланди. Бундан кўринадики

Мингбулок нефт кони атрофидаги сув ресурсларининг микробиологик хусусияти табиий холига нисбатан ўзгарган. Республикамиз сув ресурсларининг экологик тоза холида сақлаш ва айрим сув манбаларини тозалашнинг биологик ечимлари топилган. Жумладан Республикамизнинг бир қатор вилоятларида нефт углеводородлари билан ифлосланган сув ресурсларини тозалашда қўлланиладиган микроорганизмлар (нефт парчаловчи бактерия штаммлари) ва сув ўтларинг самараси жуда юқоридир.

Адабиётлар

1. Миронов О.Г. Взаимодействие морских организмов с нефтяными углеводородами.-Л.: Гидрометиздат, 1985.С.128-135.
2. Суртко Л.Ф., Финкельштейн З.И., Баскунов Б.П. и др. // Утилизация нефти в почве и воде микробными клетками. // Микробиология, 1995. Т.64, №3. С.393-398.
3. Квасников Е.И., Ключникова Т.М. Микроорганизмы-деструкторы нефти в водных бассейнах.-К.: Наукова думка, 1981. С.131.
4. Абдрахмонов Т.А., Жаббаров З.А., Хушвактов Э.М. Влияние загрязнений почв нефтью и нефтепродуктами на её микрофлору. // Материалы IV съезда почвоведов и агрохимиков Узбекистана. Ташкент. 2005. С. 208-209.

А.А.Ҳамидов, К.Жўраева

Фарғона Давлат университети, Фарғона Политехника институти ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК АҲАМИЯТИ

Фарғона водийси мураккаб ландшафт структурага эга, у тоғлар орасида ўзига хос улкан (78,9 минг км кв) ва бетакрор ботиқ. Ундаги чўл, адир, тоғ ва яйлов каби баландлик минтақаларида турли табиий ва табиий – антропоген ландшафтлар таркиб топган. Мавжуд табиий ресурслардан қадимдан фойдаланиб келиниши, аҳолининг ниҳоятда зичлиги, ишлаб чиқариш корхоналарининг кўплиги табиий муҳитнинг жиддий ўзгаришига олиб келган. Табиий муҳитнинг ўзгариши ва экологик вазиятнинг жиддийлашуви унинг географик ўрни, ўзига хос табиий, тупроқ-иклим шароитлари ва омиллари, мавжуд ҳудудий ва маҳаллий табиий қонун ҳамда қонуниятлар, табиий комплексларнинг барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги, аҳоли хўжалик фаолиятининг характери, ишлаб чиқаришнинг ривожланиш хусусиятлари каби бир неча бошқа белгилар билан тавсифланади. Фарғона водийсининг атрофлари баланд тоғ тизмалари билан ўралганлиги унинг кўпгина ўзига хос индивидуал, маҳаллий ҳислатларини белгилайди. Бу борада, айниқса тоғлардан кўплаб сойларнинг оқиб тушиши, уларнинг конус ёйилмаларда табиий ва техноген моддаларнинг аккумуляциясига сабаб бўлади. Грунт сувлари оқимининг ёнбағирларда ер бетига яқин қатламлардан оқиб ўтиши туфайли турли моддаларни эритиб тузлар, оғир металл ионлари, нефт маҳсулотлари, пестицидлар, минерал ўғитлар, ювувчи моддалар, саноат, транспорт, қурилиш коммунал хизмат чиқиндилари ва бошқалар билан тўйинади. Бинобарин, конус ёйилмалари нафақат тузлар, шунингдек, техноген чиқиндиларнинг тўпланадиган макони, уларнинг бир қисми ер ости оқими билан аллювиал –пролювиал текислик-Марказий Фарғонага ўтиши кузатилади. Ҳудуднинг метеорологик шароитларининг ўзига хослиги, яъни ҳавонинг, айниқса ёзда турғунлиги туфайли унда чиқиндиларнинг тарқалиши сустлашади, буни аҳоли яшаш жойларида яхши сезиш мумкин. Тадқиқотлар натижасида шу ҳолат маълум бўлдики ҳавонинг ифлосланиши ғарбдан-шарққа ва шимолдан жанубга томон ортиб борар экан. Агар атмосфера таркибида ифлос моддалар жуда кўпайиб кетса ўз-ўзидан уларнинг ҳудуд бўйлаб айланма ҳаракатини амалга ошиши муқаррардир.

1-жадвал

Фарғона vodiёсидa шакллaнгaн геoэкологик муaммoлaрнинг дaврлaргa бўлиниши

I-дaвр 1960-1980 йиллaр ичaчa		II-дaвр 1980 йиллaр		III-дaвр 1980 йиллaрдaн хoзиргич кунлaргачa		
1	Агроф-мухитни ифлoслaниши билaн боғлиқ геoэкологик муaммoлaр кузaтилмaйдиги.	1	Агроф-мухит билaн боғлиқ геoэкологик муaммoлaр ўзининг биринчи стaдиясигa кириб бoрткaн.	1	Агроф-мухит билaн боғлиқ геoэкологик муaммoлaр ўзининг кулминацион нуктaсигa чиқкaн.	
2	Табиатта антропоген тaъсирнинг турлaри тўлaқoқли жaлб климaтaгaн.	2	Қишлоқ хўжaлиқ билaн боғлиқ мaсaлaлaрни хaл қилиш жaрaёиндa: а) тaбiiй лaндшaфтлaрни мaйдoни кaмaйтaн б) суьвгa бўлгaн эхтиёж oшгaн. в) сугoривaдигaн ерлaрдa тупрoқлaрнинг сaлбий тoмoнгa ўзгaриши сезилмa бошлaгaн. г) кaтгa мaйдoнлaрдa ерлaрни ўзлaштиривиши мунoсaбaти билaн тaбiiй хoлдa ўсуьвчи ўсимликлaр вa яшoвчи хайвoнлaрнинг aрeaллaри кичкaрткaн.	2	Атмосфера хaвoси ифлoслaнгaн	
3	Монокультурани амaлтa oширивиш учун кaтгa микёсдaги рeжaлaр тузилгaн.	3	Вoдiiй хуьудидa курилгaн кўшaб килмe кoржoнaлaри хaмдa бошкa кoржoнaлaр хуьудaтмосфера хaвoсини ифлoслaш стaдиясигa ўтгaн.	3	Суглaр ифлoслaнгaн.	
4	Агроф-мухиттa ўз тaъсирни кўрсaтaдигaн ишлaб чиқaриш-лaрни курилшo йиқилaри ишлaб чиқилиб, курилши ишлaри амaлтa oширилгaн.	4	Ахoлини сонининг oшиб бoриши билaн боғлиқ муaммoлaр сeкин-aстa тaрқиб тoпa бoшлaгaн вa бoшк.	4	Тупрoқлaр дeгрaдaциясигa юкoри стaдиягa куьaрилгaн.	
5	Хуьудидa ахoлини сонини oшиб бoриши кузaтилгaн. Лeкин буни сaлбий oқибaтлaрини бaшoрaти килинмaгaн.			5	Тaбiiй лaндшaфтлaрни мaйдoни кичкaриб, тoвлaрни кўшaб хисoблaгaндa 40% агрофидa кoшкaн.	
6	Қишлоқ хўжaлиқиги, сaнoaт, ирригaция, ишлoшлaрни курилш жaдaл сурьвaшлaр билaн амaлтa oширилгaн вa бoшк.			6	Ўсимлик вa хайвoнлaрнинг тaбiiй хoлдa яшaшигa иккoният 20% агрофидa қилгaн.	
				7	Антропоген oмлaтининг фaсияти oқибaтидa эрозия турлaригa кeч иккoниятлaр oчиб бeрилгaн.	
				8	Шaхaрлaрдa, сaнoaт, тaнcпoрт, курилши, кoммунaл хизмaтлaрнинг бeсaмaрa ишлaши oхир oқибaт килшлaр сaлoмaтлaригa тaъсир кўрсaтa бoшлaди. 1995 йиллaрдaн сўнг булгa элeктрoмaгнит ифлoслaниш хaм кўшaди. вa бoшк	

Юқорида келтирилган баъзи бир фикр мулоҳазалардан келиб чиқилгани ҳолда Фарғона водийсидаги барча олиб борилган тадқиқотларнинг геоэкологик аҳамиятини ҳамда уларнинг натижаларини бир нечта жадвалларда беришга жазм қилдик. Жумладан, 1-жадвал водий ҳудудда шаклланган геоэкологик муаммоларни даврларга бўлиш масаласига бағишланган. Геоэкологик муаммоларни даврларга бўлишда ҳудудда табиатга таъсирларни ошиб боришини асос қилиб олдик.

2-жадвал ҳудудда таркиб топган геоэкологик муаммолар ва уларнинг ечимига оид концепциялар (ғоялар, қарашлар) бўлиб, уни ишлаб чиқишда илмий адабиётлар, йўналиш мутахассилари томонидан тайёрланган мақолалар, материаллар чуқур таҳлил қилинди ва айрим хулосаларга келинди. Фарғона водийсида олиб борилган ҳамда олиб борилаётган табиий географик, геоэкологик тадқиқотлар ва улар натижасида юзага келган концепцияларнинг аҳамияти, устиворлиги, биринчи навбатда уларнинг илмий ва амалий жиҳатдан ҳаётийлиги билан белгиланади. Улар қачонки, тадбиқ этилсагина табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан рационал фойдаланишдаги геоэкологик аҳамияти ортиб боради.

2-жадвал

Фарғона водийсидаги геоэкологик муаммолар ва уларнинг ечимига оид концепциялар

№	Геоэкологик муаммолар	Геоэкологик муаммоларни ечимига оид концепциялар
1	2	3
1	Атмосфера бўйича: А) Дефляция жараёнлари содир бўладиган типик ҳудуд. Б) Шимолда, шимолий, жанубда, жанубий, ғарбида шарқий йўналишдаги шамоллар эсади. Бу шамоллар атомсферага кўтарилган моддаларни бутун ҳудуд бўйича тўшайди. В) Атмосфера ҳавосини ифлосланишида барча ишлаб чиқариш корхоналарининг роли мавжуд. Г) Метеорологик шароитларининг ўзига хослиги ёзда ҳавонинг турғунлиги туфайли чиқиндиларнинг тарқалиши сустлашади.	Ихота ўрмонзорларни ташкил этиш, Санитар-химоя зоналарини ташкил этиш, ишлаб чиқариш корхоналарини янги технологиялар асосида реконструкция қилиш, дудбўронларга филтёрловчи мосламалар ўрнатиш.
2	Ер ости ва ер усти сувлари бўйича: А) Тоғ ёнбағирларидан кўплаб сойларнинг оқиб тушиши конус ёйилмаларидан табиий ва техноген моддаларнинг аккумуляциясига сабаб бўлади. Б) Ҳудудда ҳар йили 25,7 км куб сув вужудга келади. Шундан истеъмолга қайтиб келмайдигани 7,5-8 км куб В) Грунт сувлари оқимининг ёнбағирларнинг ер бетига яқин қатламлардан оқиб ўтиши туфайли кўплаб турли хил эритмалар билан тўйинади. Г) Ер ости сувларининг ифлосланишида кимёвий ифлосланиш устивор	Саноат корхоналари томонидан ер ости сувларининг ифлосланишини олдини олиш учун энг аввало тоғ жинсларини геологик-геоморфологик ҳамда тупроқ-грунт шароитига эътибор бериш лозим. Водий ҳудудини ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланишида 2 та манба устивор. - Антропоген омил - Рельеф хусусияти
3	Тупроқлар бўйича: А) Тупроққа тушган пестицидлар, оғир металллар, нефть маҳсулотлари ва бошқа моддалар зовур сувлари билан эриган ҳолда четга чиқиши аниқланган. Бу ходиса туфайли Мирзачўл ва қуйи Сирдарёда экинларни суғориши жараёнида тупроқда туз тўпланиши ривожланади. Б) Шўрлашишга, ботқоқлашишга, эрозия турларига мойиллик мавжуд.	Ҳудуддаги тупроқларнинг ифлосланишида саноат ишлаб чиқаришини роли жуда катта. Суғорма дехкончилик ҳудудларида ерларни суғоришда энг прогрессив методлардан фойдаланишга эришиш керак. Акс ҳолда автоморф ҳолатлар ўрнида гидроморф ҳолатлар вужудга келади.
4	Текислик қисмлари бўйича: А) Табиий географик хусусиятлари ва мелиоратив ҳолатига биноан текислик минтақаси ва конус ёйилмаларининг этаклари тупроқ шўрланиши ва бошқа жараёнларга жуда мойил. Б) Текисликлар антропоген таъсирга учраган асосий минтақа ҳисобланади.	Ишлаб чиқариш айланмасига тортилган асосий ҳудуд бўлиб, бу ерда маданий, табиий антропоген ландшафтларни оптимал ҳолатда сақлашга максимал даражада эришиш лозим.

1	2	3
5	Ўсимлик ва ҳайвонот олами бўйича: Текислик, адир, ва паст тоғларда дехқончилик ва чорвачилик кўп вақтларда буён ривожлантирилиши оқибатида табиий ҳайвон ва ўсимлик олами жуда камайиб кетган ёки яшаш формаси ўзгарган.	Худудда баландлик минтақалари бўйича ўсимлик ва ҳайвонот оламини намуна сифатида сақлаб қолиш учун микро- кўриқхоналар, агрофитоценозлар ташкил этиш керак.
6	Тўқай зоналари бўйича: Туқай сийрак ўрмонлари Сирдарё бўйларида майда участкалардагина сақланиб қолган. Уларни майдони водий ҳудудида 2 минг гектар атрофида	Катта сойлар, каналлар, коллектор-зовур тизимларини қирғоқларига дарахт кўчатларни ўтқизиш имкониятлари мавжуд. Тўқай ўсимликларидан инсонларни фойдаланишларига чек қўйилиши керак.
7	Адир зоналарини ўзлаштириш бўйича: А) Адирларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмай, ўзлаштирилиши натижасида катта майдонларда туپроқ ювилиши, жар эрозияси, суффозия ўралари, карст ҳодисалари, ўпирилиш, шўрлашиш ва бошқа жараёнлар таркиб топган. Б) Эрозия жараёнлари содир бўладиган типик худуд. В) Паст тоғлар ва адирларда сел, дўл ва жала тарзида тушадиган ёгин – сочин ҳукмрон.	Адирларни ўзлаштиришда илмий асосланган ҳулосаларга таянилиши лозим. Адирларда ва паст тоғларда селхоналар ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки водий ҳудуди ҳар қандай эрозияга мойил.
8	Суғорма дехқончилик худудлари бўйича: А) Коллектор тармоқларидан чиқиб кетаётган туз миқдори қиримга нисбатан миқдор жиҳатдан зиёд. Б) Коллектор -зовур сувлари Сирдарёга ташланади натижада дарё суви ифлосланади. Шурлиги бир неча баробарга кўпайди. Наманганда 0,60-0,63 г/л, Келесда 1,6-1,8 г/л	Суғорма дехқончилик худудларида дехқончиликдан чиққан ташлама сувларни Сирдарёга ташлашдан олдин тозалаш, бунинг учун тозалаш иншоотларини қуриш даркор.
9	Табиий бойликлар бўйича: А) Қазилма бойликлари саноат хом-ашёси вазифасини бажаради, бироқ ишлаб чиқаришдан чиққан техноген чиқиндилар ботикнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг асосий қисмининг шу жойда тўпланишига олиб келади. Б) Саноат ва транспортнинг ривожланганлиги туфайли табиий муҳитни техноген чиқиндилар билан тўйинишига сабаб бўлади. В) Жанубий тоғ ён- бағирлардаги – Новқат-Қадамжой-Хайдаркон рангли металллар ва радиактив моддалар минтақаси тоғ ер ости сувларининг ифлосланишида фаол омил бўлиб қолмоқда. Г) Қувасой-Фарғона-Марғилон-Қўқон худудларида таркиб топаётган грунт сувларида оғир металллар салмоғининг кўплиги аниқланган.	Табиий бойликлардан фойдаланишда (уни қазиб олиш, транспортировка қилиш, бойитиш, қайта ишлаш ва бошқ) ниҳоятда омилқорлик билан иш юртиш лозим. Чунки қазилма бойликлардан экстенсив фойдаланиш худудни рельеф нуқтаи назардан келиб чиқилган ҳолда ўзига ҳослиги моддаларни марказга томон ҳаракатига имконият яратади.
10	Саноат корхоналарнинг жойлашуви бўйича: Водий шаҳарларида жойлашган барча саноат тугунлари худудни минтақа тарзида ўраб туради ва турли чиқиндилар билан ифлослайди. Бу чиқиндиларни четга чиқиб кетиши жуда мураккаб.	Саноат корхоналарни жойлаштиришда табиий ва антропоген, ижтимоий омилларни тўлиқ ҳисобга олиш талаб этилади.

Ю.Б.Рахматов, Б.С.Уринов, И.Ю.Рахматов,

Навоий Давлат Педагогика институти

**ҚИЗИЛҚУМ ҚЎРИҚХОНАСИ ТЎҚАЙЗОРЛАРИ БИОЦЕНОЗЛАРИДАГИ РЎЙ
БЕРГАН ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА**

Қизилқум қўриқхонаси ўзининг табиий, иқтисодий-ижтимоий хусусиятларига кўра ажралиб турадиган нодир худуддир. Бу худуд табиатан бир бутун бўлиб, сиёсий-маъмурий жиҳатдан асосан Бухоро ва Хоразм вилоятларига тегишлидир.

Бугунги кун фан-техника ривожини инсониятни табиатга таъсир кўрсатувчи кудратли омилга айлантириб юбордики, оқибатда табиатнинг эталон участкалари туғрисидаги фикрлар нисбий характерга эга бўлиб қолмоқда. Ўтган асрнинг биринчи ярмида Амударё бўйида Қизилқум қўриқхонасида ястаниб ётган, қалинлигидан инсон қадам қўяолмайдиган тўқайзорлар ҳозирги кунда бир мунча сийраклашиб, ингичка тортиб қолган. Бунинг устига Амударё сувининг қайта тақсимланиши, Аму-Бухоро машина канали 1-2 навбати, Бош Қорақум канали ҳамда Туямуйин сув омборининг қўрилиши ишга тушиши дарёнинг гидрологик режимини тубдан ўзгартириб юборди ва Орол денгизи деградациясини бир мунча тезлаштирди. Бундай ҳолат дарё атрофидаги экологик вазиятга таъсир кўрсатиб, Қизилқум қўриқхонаси ҳудудида ва унга ёндош жойларда унинг биоценозларида маълум ўзгаришлар содир қилди.

Мақолада келтирилган материаллар дарё оқими бўйича Чоржўйдан қўйида жойлашган Қизилқум қўриқхонаси ҳудудида 1973-2004 йилларда ўтказилган дала кузатувларига асосланади.

Ўтган асрнинг 70-йилларида дарё сувининг сатҳи бирмунча стабил бўлиб, унда баржалар доимий ҳаракатланар, халқ хўжалиги юқларини ташир эди. Аммо 80-йиллардан бошлаб дарёнинг ўрта оқимида сувнинг камайиб қолиши, 90-йилларга келиб эса Туямуйин сув омбори ишга тушиши билан унинг таъсирида бўлган оқим масофаларида сув сатҳининг боҳор-ёз ойларида баъзан кескин кўтарилиб кетиши Қизилқум қўриқхонасидаги тўқайзорлар фитоценозларига жиддий таъсир кўрсатди. Айниқса 1992, 1993, 1996 ва 1998 йиллар сув сатҳи май ойида кўтарилиб, июлнинг охиригача қарийб бир зайилда турди. Шу йиллари дарё бўйидаги тўқайзорлар жазирама иссиқ мавсумида икки ойдан кўпроқ 1,5 метр қалинликдаги сув ичида қолди. Сув кўтарилиши даврида жуда кўплаб дарахт ва буталарни, шунингдек гишшалар орасида яшовчи майда ҳайвонларни ўз қаърига тортиб кетди, ерда тухум қуювчи қушларнинг уялари бузилди, полопонлари нобуд бўлди, кўпгина йирик ҳайвонлар бундай экологик «дискомфорт» таъсирида ўзларининг сеvimли масканларини ташлаб кетдилар.

Амударёнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўз оқими йўлини ўзгартириб туришидир. Сув режимининг бир текис бўлмаслиги унинг оқим йўлини тез-тез ўзгартиришга олиб келди, оқибатда у гоҳ чап гоҳ ўнг қирғоқларини ювиб, тескари қирғоқни ташлаб кетди. Натижада бу ерда тўқайзорлар биоценозларининг Ўрта Осиёга хос бўлган шаклланиши ва ривожланишининг туртга босқичи яққол намоён бўлди.

Биринчи босқич 2-3 йил бўлиб, сув ташлаб кетган қирғоқ аллювиал ётқизикларида дастлаб ўтчил, кейинчалик бута ва дарахт ўсимликлари пайдо бўлади. Бундай жойларнинг биоценозлари шаклланишида намсевар майда ҳайвонлар ва суволди қушлари кўпроқ иштирок этади.

Иккинчи босқич тўқайзор ривожланишининг 4-5 йиллари бўлиб, ўсимликлар қоплами қалинлашади ва 2-3 м баландликка етади. Асосий фитоэлементлар қамиш ва сариққамиш, шунингдек толчин, ёввойи жийда ва озроқ туронгилдан ташкил топади. Бу даврдаги тўқайзор буғу ва тўнғиз каби йирик ҳайвонларнинг озуқа маскани ҳисобланади, қушлардан кулбука, ботқоқлик буктаргиси, қирғовул, сувтовуқ, қорабошли жиблажибон ва бошқаларни жалб қилади.

Учинчи босқич тўқайзор шаклланишининг 15-йилигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда дарахтлар бўй чўзиб, ўтчил ўсимлик ва бўталар улар тагида қолиб кетадилар. Уларнинг баъзилари (қамиш, сариққамиш, лўх, тамарс ва чингил) ҳалок бўлабошласа, бошқалари (ширинмия, кандир ва ломонос) яхши ривожланади. Бундай тўқайзорлар биоценозларида йирик ҳайвонлардан буғу ва тўнғиз, қушлардан кўккўтон, кваква, Осиё гуррага; какку, тўқай булбули ва бошқалар иштирок этадилар.

Кейинги, тўртинчи босқич тўқайзор ривожланишининг 15-йилидан кейинги даври бўлиб, бунда дарахтларнинг ўсиши ниҳоясига етади, улар ўзларининг шо-

шаббаси билан бир-бирига улашиб кетиб, ним қоронғи қалин ўрмонни ҳосил қилади. Дарахтлар остидаги барча утчил ва бута ўсимликлар қуриб битади. Кейинроқ дарахтлар кексайиб, қурий бошлайди, яъни бу даврда тўқайзор биоценозлари ўзларининг экологик сукцессиясига эришади. Тўқайзорларнинг бундай ерлари йирик ҳайвонлар учун дам олиш маскани, дендрофил қушлар учун сеvimли уя қуйиш жойлари ҳисобланади, дарахтларнинг заифлашиши бу ерларга қизилиштонни жалб қилади. Дарахтларнинг заифлашиб халок бўлиши билан улар остига ёруғлик кўпроқ тушади ва бу яна утчил ўамда бута ўсимликларининг ривожланишига туртки бўлади. Аммо юқори яруснинг ожизлигидан ерга тобора кўпроқ етиб келаётган куёш радиацияси ердаги намликни бўғлатиб, тупрокни қуритади ва ялонғич тақирлар ҳосил бўлишига олиб келади. Бундай жойларда янги аллювиал ёткизликлар пайдо бўлган тақдирда тўқайзор шаклланиши қайта бошланади.

Қизилқум кўриқхонаси ва унинг атрофида ўсадиган тўқайзорларни муҳофаза қилиш, уларнинг сонини кўпайтириш, ареалларини кенгайтириш муҳим вазифалардан биридир. Шу боис бу ишни амалга оширишда нафақат кўриқхона ходимлари, маҳаллий аҳоли, табиатни муҳофаза қилиш ходимлари, илмий-тадқиқотчилар айниқса, илмий-амалий тажрибаларга таянган ҳолда ўқитувчи-мураббийлар кумагида мактаб, касб-хунар коллежлари ҳамда лицей ўқувчиларини жалб қилиниш мақсадга мувофиқдир.

Ю.Б.Рахматов, Х.В.Салимов, Б.С.Уринов, И.Ю.Рахматов
Навоий Давлат Педагогика институти, Навоий Кончилик институти
НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ТУПРОҚ ДЕГРАДАЦИЯСИ ВА УНИНГ
МУҲОФАЗАСИ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада Навоий вилояти тупроқларининг экологик ҳолати кейинги йилларда ёмонлашиб бораётганлиги ва бунинг сабаблари кўрсатилиб, тупрокни шўрланишдан сақлаш чоралари, кимёвий захарлар билан тўйинган майдонлардан фойдаланишнинг тирик организмлар учун безарар усули туғрисида фикр юрғизилади.

Фан-техника ривожланган ҳозирги даврда ҳам тупроқ инсонни барча табиий неъматлар билан таъсинловчи ягона манба бўлиб қолмоқда. Замонамизнинг глобал экологик масалаларидан бири тупрокни чўлланишдан сақлаш бўлса, уни баъзи регионларда шўрланишдан муҳофаза қилиш ҳам муҳим экологик вазифалар қаторидан ўрин олган. Бу айниқса Орол денгизи чекинишининг экологик оқибатлари таъсирида бўлган районларда алоҳида аҳамиятга эга. Навоий вилояти ана шундай худудлар қаторига киради. Вилоятнинг умумий ер майдони 10937 минг гектар бўлиб, шундан 120 минг гектари суғориладиган ерлар, 10 млн гектарга яқин майдон эса яйловлардир. Вилоят Марказий Қизилқумда жойлашган ва асосан чўл омилларининг таъсирида бўлганлиги учун унинг суғориладиган тупроқларига шамол эрозияси доимий хавф солиб туради.

Навоий вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси маълумотларига қура¹ вилоятнинг суғориладиган ерлари учта экологик зонага бўлинади: 1) Конимех, Нурота туманлари ва Зарафшон шахри-умумий майдони 2243 мингга, шундай суғориладиган ерлар 9,9 минг га; 2) Қизилтепа, Томди, Учқудуқ ва Хатирчи туманлари – умумий майдони 8437 минг га, шундай суғориладиган ерлар 67,9 минг га; 3) Навоий, Навбахор туманлари ва Навоий шахри-умумий майдони 257,4 минг га, шундан суғориладиган ерлар 46,3 минг га. Юқорида келтирилган зоналардан охиргисида экологик вазият ўта

¹ И. Нуралиев, У. К. Нуралиев, Б. Ким, Х. Бакаев-деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш. Навоий, 2002й.

ноқулай бўлиб, саноат чиқиндилари бутун атроф муҳитга, шу жумладан тупроққа таъсири кучли.

Саноат корхоналаридан хавога чиқарилаётган қаттиқ зарра, газ ва айзрозол ҳолидаги агентлар очиқ сув хавзаларига ҳамда ерга чўкиб, муҳитнинг ифлосланишини сезиларли даражада кучайтирган, тупроқнинг бирламчи шўрланишини оширган. Вилоятнинг турли ҳудудларида тупроқнинг шўрланиш даражаси турлича. Хатирчи, Навоий ва Навбахор туманлари тўпроғи кам шўрланган ҳисобланиб, ер ости сувлари 1,5-10,0 м чуқурликда жойлашган.

Аммо шунга қарамай, бу туманларда ҳам, бошққлари сингари, хлорли ва сульфатли кучли ҳамда ўта кучли шўрланган майдонлар мавжуд. Бундай майдонлар, масалан, Навбахор туманида 1800 га (7,2%), Қизилтепа туманида 2820 га (8,2%) ва Навоий туманида 1377,3 га ни ташкил қилади. Тупроқнинг бирламчи шўрланиши асосида камроқ хаводан ёғиладиган тузлар ва кўпроқ суғоришда фойдаланиладиган сув таркиби ётса, унинг иккиламчи шўрланиши асосида сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши ётади. Индустирил ривожланиш ва урбанизация жараёнининг кейинги йилларидаги тезлашуви оқибатида вилоятни сув билан таъминловчи ягона манба бўлган Зарафшон дарёсига турли чиқиндиларнинг ташланиши кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунда дарёга вилоятнинг элликдан ортиқ манбаларидан ифлос оқавалар ташланмоқда. Бунда, айниқса «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси (20673 м³/сек) ва Навоий ГРЭС (570818 м³/сек) ларнинг хиссаси катта. Сув тозалаш иншоотларидан шартли тозаланиб ва хлорланиб юборилган бундай сувлар ерларни хлорли тузлар билан шўрланишга олиб келмоқда. Текширишларнинг кўрсатишича, 1995-2004 йиллар давомида дарё суви таркибида хлоридлар 76,46 мг/л дан 119 мг/л га ва сульфатлар 437 мг/л дан 760 мг/л га ошган. Хулоса қилиб айтганда вилоятда кузатилаётган тупроқ экологик ҳолатининг ёмонлашишида ҳар иккала хил шўрланишнинг ҳам жиддий урни бор. Бунинг устига тупроқнинг техноген ифлосланиши, турли пестцидлар билан захарланиши каби ҳолатлар ҳам кузатилади. 2003 йил маълумотларига кўра Навоий шаҳри хавосида аммиак миқдори миёридан икки баробар юқори. Бу ўз навбатида тупроқни ортиқча азот билан захарлайди. Тупроқни шўрланишдан сақлаш учун агромегиорация ишларини тўлиқ бажариш, зовурлар ва тик кудуқлар ишини кескин яхшилаш лозим.

Қишлоқ хўжалик зараркундаларига қарши курашиш мақсадида муқаддам Иттифоқ даврида вилоятнинг 226,99 гектар майдони муваққат аэродромларга ажратилган бўлиб, бу ерларнинг тўпроғи турли захарли химикатларга тўйинган. Шунинг учун ҳам бу ерларни ўрмон хўжалигига бериб, уларда фақат манзарали ва химоя дарахтларини ўтказиш зарур.

Текширишлар кўрсатишича, кейинги йилларда вилоятнинг барча ҳудудларида ер ости сувлари сатҳи кўтарилмоқда. Масалан, Хатирчи, Қизилтепа, қимсан Нурота туманлари ҳудудларида ер ости сувларининг сатҳи олдинги йиллари нисбатан анча юқорига кўтарилган. Бундан ташқари, «Ижанд» ж/х да (Навбахор тумани) ер ости сувлари сатҳи 1996-2004 йиллар орасида 1,0 м га, бошқа хўжаликларда 0,5-0,7 м га кўтарилган, «Гигант» ва «Жамбул» хўжаликларида эса улар 1,0-1,5 м чуқурликка келиб қолган. Бундай ҳолат иккиламчи шўрланишни тезлаштирмоқда. Бундай ноқулай экологик вазият айниқса, Зарафшон дарёсига яқин жойлашган майдонларда ҳам анча кучли. Масалан, «Нарпай» ж/х да кейинги йигирма йил орасида сизор сувлар сатҳи 2,3-2,5 м га кўтарилди. (1980 йилларда 5-6 м чуқурликда жойлашган). Бунинг олдини олиш мақсадида тезлик билан мавжуд зовурларни тозалаш ҳисобига ташлама сувларни Орол денгизи томон қазилган Шурдарё орқали оқизишни йўлга қўйиш чораларини ишлаб чиқиш лозим. Акс ҳолда бу жараён бугунгидан ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Х.Вахобов, О.Мирзамаҳмудов, М.Ҳайитова
Тошкент Давлат Педагогика университети,
Наманган Давлат университети
ШИМОЛИЙ ФАРҶОНА АДирЛАРИНИНГ
ТАБИИЙ-ТЕХНОГЕН ГЕОТИЗИМЛАРИ

Шимолий Фарғона адирларининг ландшафт-экологик шароити шаклланишида табиий-техноген геотизимларнинг ривожланиши муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, уларга агрокомплекслар, саноат, гидротехник, селитеб ва йўл комплексларини киритиш мумкин (1- расм).

Агрокомплекслар						Гидротехник комплекслар		Саноат комплекслари				Селитеб комплекслар		Йўл комплекслари				
Пахтачилик	Дончилик	Боғдорчилик	Сабзавотчилик	Узумчилик	Чорвачилик	Сув омборлари	Каналлар	Пахта тозалаш	Енгил саноат	Озиқ-овқат	Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	Химия саноати	Шаҳар	Қишлоқ	Темир йўл	Қувар йўллари	Автомобиль йўли	Тупрокли йўллар

1-расм. Шимолий Фарғона адирларининг табиий-техноген тизимлари.

Вилоятнинг асосий пахта майдонларини ўз ичига олган адирларда, Поп адирларидан ташқари шарқдаги барча адир суғориш манбалари билан боғлиқ бўлган майдонларида пахтачилик яхши ривожланган. Жумладан: Уйчи адирларида (Катта Наманган канали билан боғлиқ), Чортоқ адирларида (Қорасув, Чортоқсой ва Чортоқ сув омбори билан боғлиқ), Янгиқўрғон адирларида (Подшоота ва Чинач сойлари билан боғлиқ), Косонсой адирларида (Косонсой ва Олабуқа сойлари билан боғлиқ), Тўрақўрғон адирларида (шу сойлар ва КНК билан боғлиқ), Чуст адирларида (Ғовасой, КНК, ШФК билан боғлиқ), Поп адирларида (Чодаксой билан боғлиқ бўлган кичик майдонларда) ривожланган.

Дончилик эса пахтачилик билан боғлиқ бўлган майдонларда ва лалми, лалми ҳайдалма ерларда ривожланган. Ана шундай лалмикор дончилик майдонлари Поп адирларининг пастки қисмида, Чуст адирларида адирорти қия текисликларида, Тўрақўрғон шаҳрининг шимоли-ғарбида, Косонсой адирларидаги Қўқумбой жанубида, Янгиқўрғон адирларида, Исковот, Қорачашўркент қишлоқлари ғарбида, Чортоқ адирларида эса Пешқўрғон қишлоғининг шимоли-шарқида жойлашган.

Боғдорчилик ва узумчилик кўпроқ адирларнинг шимолий ва шарқий қисмларида ривожланган. Улар асосан табиий шароитлари ноқулайроқ, камсув, тошлоқ бўлган худудларда жойлашган.

Сабзавотчилик Косонсой, Янгиқўрғон ва Чортоқ адирларида: Косонсой адирларининг Қўқумбой қишлоғида, Янгиқўрғон адирларининг шимолий қисмларида, Чортоқ адирларининг шимоли-шарқида, яъни Алихон қишлоғи атрофларида ривожланган.

Чорвачилик адирларнинг яйловлари учун хос бўлиб, улар иккита тармоқдан: гўшт-жун ва гўшт-сут йўналишларидан иборат. Чорвачилик майдонларига адирларнинг шарқидаги Қирғизистон чегарасидаги худудлар, Косонсой шаҳар марказидан шарқдаги Янгиқўрғон чегарасидаги майдонлар, Чуст адирларининг Косонсой ва Тўрақўрғон чегарасидаги вертикал жойлашган худудлар, Чуст адирларининг Савбузган

қишлоқлари, Поп юкори адирларининг деярли барчаси ва қишлоқ атрофидаги кичик майдонлар киради.

Вилоят адирларининг гидротехник комплекслари ҳудуд бўйича нотекис тақсимланган. Бу эса бошқа табиий-техноген геотизимларнинг ҳудудий жойлашувига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Жумладан: адирларда Чортоқ, Эскиер, Ертикан, Олмасой, Жулайсой ва Сарваксой сув омборлари, Чортоқсой, Подшоотасой, Чинач, Косонсой, Сумсар, Ғовасой ва Чодаксой сойлари ҳамда КНК ва ШФКлари мавжуд. Адирларнинг шарқий қисмларида гидротехник комплексларнинг салмоғи кўпчиликти ташкил қилади. Бу эса қишлоқ хўжалигини экстенсив ривожлантиришга имкон беради.

Аديرларнинг саноат комплекслари асосан адирларнинг хом ашёларини қайта ишлашга ихтисослашган. Масалан: пахта тозалаш Чуст, Косонсой ва Чортоқда, енгил саноат Янгикўрғондан ташқари Поп, Чуст, Тўрақўрғон, Косонсой ва Чортоқда, озиқ-овқат саноати Поп, Чуст, Тўрақўрғон ва Чортоқда, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш Чуст, Тўрақўрғон ва Чортоқда, кимё саноати Поп адирларда ривожланган.

Аديرларнинг селитеб комплекслари адирорти, адиролди текисликлари ва адироралиғи ботикларида жойлашган. Чортоқ ва Поп селитеб комплекслари адиролди текисликларида, Чуст, Янгикўрғон ва Косонсой селитеб комплекслари адироралиғи ботикларида жойлашган бўлса, Варзик, Оғасарой, Исковот, Пешқўрғон селитеб комплекслари эса асосан адирорти текисликларида жойлашган.

Наманган вилояти адирлари йўл комплексларини асосан автомобиль йўллари ташкил этади. Улар селитеб комплексларни бир-бирлари билан боғлайди. Адирларни ғарбий қисмидан (жануби-ғарбдан шимоли-ғарбга томон) давлат аҳамиятига эга бўлган йўл кесиб ўтади. Қолган йўллар маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқларни шаҳар марказлари билан улайди.

Демак, адирларнинг ландшафт-экологик шароити таркиб топишида турли хўжалик тармоқларининг ўрни бекиёсдир. Шимолий Фарғона адирларида саноатга нисбатан қишлоқ хўжалик, яъни суғорма деҳқончилик яхши ривожланганлиги туфайли ландшафт-экологик шароитига қишлоқ хўжалик тармоқ таркибининг таъсири кўпроқдир.

Аديرларнинг гидротехник ва йўл комплекслари ҳудуд бўйича нотекис тақсимланиб, кўпроқ пастки адир ландшафт-экологик шароитини бузмоқда.

Аديرлар ландшафт-экологик шароитининг таркиб топишида муҳим бўлган селитеб комплекслар тупроқ ва ўсимликларнинг дегредацияга тортилганлиги кўринишларида намоён бўлиб, улар адир ораликларида ва олди текисликларида кузатилмоқда.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, адирларнинг асосий суғорма деҳқончилик майдонлари бўлмиш пастки адирларда мураккаб ландшафт-экологик шароит вужудга келган бўлиб, уларнинг табиатидан ва табиий ресурсларидан фойдаланишда эҳтиёткорлик чораларига амал қилиш бугунги куннинг энг асосий вазифаларидандир.

О.Мирзамаҳмудов

Наманган Давлат универистети
ШИМОЛИЙ ФАРҒОНА АДИРЛАРИНИНГ
ГИДРОИҚЛИМИЙ МУҲИТИ

Наманган вилояти адирлари иқлимий шароитига кўра мўътадил иқлим минтақасининг чала-чўл иқлим типига киради. Унинг иқлими географик жойлашуви, рельефи, атмосфера циркуляцияси, Куёш радиацияси, шамоллар ва антропоген омилларга боғлиқ ҳолда вужудга келган.

Вилоят адирлари атмосфера хавосининг ўртача йиллик ҳарорати $13,5^{\circ}$ - 12° - 11° С ли изотермалар орасида жойлашган (Ўзбекистон иқлим картаси, 1982, 66-67-б.). Энг юқори ҳарорат 41° С, паст ҳарорат -31° С дир.

Адирларда адиролди текисликлари, баланд адирлар ва адирорти иқлим типларини ажратиш мумкин. Ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати денгиз сатҳидан 450-500 м баландликларда $13,5^{\circ}$ С ни, 600-900 м баландликларда $12,5^{\circ}$ С ни ва 1000-1500 м баландликларда эса $7,5^{\circ}$ С ни ташкил қилади.

Адирларнинг иклими геоморфологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Яъни, денгиз сатҳидан 1000-1500 м баландликлардаги юқори адирларда мусбат ҳароратлар йиғиндиси $4100-4300^{\circ}$ С, қишнинг ўртача ҳарорати $0,5-6,5^{\circ}$ С, ёзнинг ўртача ҳарорати $25,2-26^{\circ}$ С дир. Паст адирларда (400-900м) мусбат ҳароратлар йиғиндиси $4400-4900^{\circ}$ С, қиш ойининг ўртача ҳарорати $0,2-2,4^{\circ}$ С, ёзнинг ўртача ҳарорати $27-29^{\circ}$ С ни ташкил этади.

Адирлар ҳудудида ёғин миқдори булутли кунлар, рельеф ва йил фаслларига боғлиқ. Булутли кунлар бир йилда пастки адирларда 79 кун, баланд адирларда ва адирортида 103 кундан иборат бўлса, булутсиз кунлар эса пастки адирларда 132,5 кун, баланд адир ва адирортида 97 кунни ташкил этади. Денгиз сатҳидан 450-1000 м баландликдаги пастки адирларда йиллик ёғин миқдори 200-250 мм га ва 1000-1500 м баландликдаги юқори адирларда 300-450 мм гача боради.

Қор қопламанинг қалинлиги ҳам паст адирлардан баланд адирлар йўналиши бўйлаб ортиб боради. Масалан, паст адирларда қор қопламанинг қалинлиги 16 см бўлса, юқори адирларда 20 см дан ортиқдир.

Вилоят адирлари йил фасллари бўйича турли йўналишдаги шамоллар таъсирида бўлади. Январда 50-60% шамоллар шарқдан, 30% шимолдан, июлда ҳам худди шундай бўлса-да, лекин баҳор (апрел) ойида 40-50% шарқдан, 30%, шимолдан, 20-30%, жануби-ғарбдан эсади.

Биринчи совуқ тушиш даври юқори адирларда октябр ойининг тўртинчи ҳафтасига тўғри келса, паст адирларда эса ноябр ойининг иккинчи ҳафтасига тўғри келади.

Адирларда совуқ уриш жараёнлари асосан биринчи совуқ тушишига ва қишки ҳаво циркуляцияларига боғлиқдир. Шу билан бирга, бир қатор вегетация даврини тугатмаган ўсимлик турларини биринчи совуқ уради. Қишки ҳаво ҳаракатлари шимолий тоғлардан жанубга, текисликларга эсувчи ҳамда водийнинг шарқидан ғарбига (Далварзин дарвозасига) эсувчи шамоллар қишки тиним давридаги ўсимликларни иккинчи бор совуқ уришига сабаб бўлади.

Адир қатор тепаларида ер ости сувларининг юзаси 15-20 м чуқурликда жойлашган. Адир ораликлари текисликларида рельефнинг қиялигига 2-3 м дан 5-10 м гача ер юзасидан пастда жойлашган. Шунингдек, адиролди текисликларининг юқори қисмларида ва конуссимон ёйилмаларнинг юқори қисмларида ер ости сувлари 10-15 м пастда ётади. Ёйилмаларнинг ўрта қисмларида эса ер ости сувларининг юзаси анча юқори кўтарилади ва 5-8 м ни ташкил этади. Ёйилмаларнинг чекка қисмларида ва ёйилмалараро пасттекисликларида сизот сувлари ер юзасига жуда яқин. Ҳатто улар айрим жойларда 0,5-1 м чуқурликда бўлиб, бу ҳол тупроқларнинг қайта шўрланишига ва ботқоқланишига олиб келади.

Сув сатҳининг энг паст даври октябрь-декабрь ойларида, ер ости юзасига яқин жойлашган вақти март-июн ойларида кузатилади.

Қишлоқ хўжалик ландшафтларини суғориш кенг йўлга қўйилган даврларда ёйилмаларнинг чекка қисмида, ёйилмалараро пастликларда сизот сувларининг меъёри суғориб деҳқончилик қилинаётган массивларнинг ер ости сувлари меъеридан фарк қилади.

Оқин сувлар кўпайишининг максимал даври қиш-баҳор ойларига тўғри келади. Ўсимликларнинг вегетация даврида бу сувлар суғориш учун ишлатилиши туфайли сизот сувларининг максимал сатҳи қиш-баҳор ва ёз даврига, минимали эса куз фаслига тўғри келади (сув сатҳининг ўзгариш амплитудаси 0,5-2 м.). Сизот сувларининг минераллашиш даражаси 1-2 г/л дан 10-12 г/л гача ўзгариб туради.

Адирларнинг ер усти сувларига каналлар, сув омборлари, сойлар ва мавсумий сойлар, ариқлар киради. Каналларнинг асосий ўсми пастки адирларнинг жануби-шарқидан жануби-ғарбига томон йўналган. Сув омборлари эса асосан пастки адирларда жойлашган. Сойлар бўлса адирларнинг шимолидан жанубига тармоқланади. Ер усти сувлари адирларнинг асосий суғориш манбалари ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосланиб, қуйидагича хулосага келиш мумкин: Шимолий Фарғона адирларининг гидроиқлимий муҳитининг юзага келишида антропоген омил муҳим ҳисобланади. Шу боис, гидроиқлимий муҳитнинг инсон таъсирида ўзгариши қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

- адирларни ўзлаштириш ва гидротехник иншоотлар қуриш;
- ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши ва минераллашиш даражасининг ортиши;
- табиий намликнинг ортиши ва ҳудудлар бўйича нотекис тақсимланиши.

Булар эса адирлар ландшафт-экологик шароитига салбий таъсир этиб, бузилган ландшафтлар вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан адирларда суғорма деҳқончилик иншоотлари ва майдонларини ташкил этишда илмий асосланган гидромелиоратив режаларга таяниш лозим.

А.Назаров, Х.Умаров

Наманган Давлат университети

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШДА МАЖМУАЛИ ВА ТАРИХИЙ -ГЕНЕТИК ЁНДАШУВЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Кишилиқ жамиятининг жадал тараққиёти, ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз ўсиши ва аҳоли сонининг муттасил ортиб бораётганлиги табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг тобора жиддийлашувига олиб келмоқда. Табиат ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш табиий ва антропоген жараёнларнинг динамикаси, ландшафтлар ва уларнинг ҳолати, барқарорлиги, ўзгариши ва ривожланиш йўналиши тўғрисидаги ахборотлар, шунингдек, асосий назарий ҳамда методологик билимларга эга бўлишни тақозо этади. Шунингдек, табиатдан фойдаланиш жараёни аввало мураккаблиги, мажмуалилиги, вақт ва маконда ўзгарувчанлиги туфайли унинг илмий ёндашувлари ҳам хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Тадқиқот объектининг мураккаблиқ ва ўзгарувчанлиқ хусусиятларини эътиборга олган ҳолда мажмуали ҳамда тарихий-генетик ёндашувларни қўллаш катта амалий аҳамият касб этади.

Мажмуали ёндашув ҳудудда табиий ресурслардан бир бутун ҳолда фойдаланишни назарда тутаяди. Аниқланишича, ер билан сув ўртасида боғлиқлик жуда яқин бўлганлиги боис керакли ресурс турларидан омилкорлик билан фойдаланиш яхши натижа беради. Бу тамойилнинг бузилиши катта ҳажмда исрофгарчиликка олиб келади. Шунингдек, маъдан конларидан фойдаланиш, фойдали қазилмалар таркибидаги барча зарурий элементларни ажратиб олиш мажмуали ёндашувнинг қанчалиқ фойдали эканлигидан дарак беради. Бу борада ер ресурсларидан мажмуали фойдаланиш ҳамма жиҳатдан, хусусан иқтисодий жиҳатдан зарур. Ер ресурсларидан уларнинг аниқ табиий шароитларини эътиборга олган ҳолда экинларни жойлаштириш, айниқса, район планировкаси тартиб-қоидаларига риоя қилиш мажмуали фойдаланиш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Фарғона водийси ҳудудий комплекс-

ларини бир-биридан умуман ажратиб бўлмаганидек, унинг табиати ва ресурсларидан фойдаланишда ҳам мажмуалиликка қатъий амал қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки, ер ресурсларидан фойдаланиш сув ресурслари ҳажми билан чамбарчас боғлиқ. Сув ресурслари ўз навбатида тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавосини ўзгариб боришида маълум роль ўйнайди.

Наманган вилоятининг геоморфологик тузилишига мувофиқ ландшафт-экологик муаммолар ҳам қуйидан юқорига текислик, адирлик, адирорти, тоғолди ва тоғ ландшафтларида содир бўлаётган турли ўзгаришлар мажмуали равишда эканлиги ўтказилган тадқиқотларда аниқланди. Масалан, адирлар дарё ва сой водийлари билан кучли парчаланган. Вақти-вақти билан бўлиб турадиган сел ҳодисалари туфайли адирларда кўплаб жар тармоқлари ҳосил бўлган. Адирларнинг ўзлаштирилиши муносабати билан улар ҳозирги пайтда вилоятнинг асосий ер фонди ҳисобланиб суғорма деҳқончилик қиладиган ерларнинг 70%ни ташкил этади. Вилоят адирларида пайдо бўлган ва бўлаётган жарлар, суффозион ўралар, сурилмалар, тупроқ эрозияси, органик дунёсининг камбағаллашиб бориши, шўрланишни кучайиши каби мураккаб жараёнлар кўзга ташланади.

Адирларни суғорма деҳқончилик мақсадида ўзлаштириш жараёнида маълум табиий компонентларнинг ўзгариши геоэкологик муҳитнинг ижобий ёки салбий томонга ўзгаришига, бу эса такрорланиш ёки такрорланмаслик хусусиятига эга эканлигини ҳисобга олиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва келажак авлод учун сақлаб қолиш каби масалалар долзарблиги билан ажралиб туради.

Тарихий-генетик ёндашув ҳудудда табиатдан фойдаланиш жараёнини тарихий аспектда тадқиқот қилинишини тақозо этади. Бундан маълум ландшафтларда инсон табиий ресурсларни фойдаланиш муомаласига киритиш жараёнини узоқ тарихий даврлардан бошлаб ўрганиш билан табиатдан фойдаланиш турларини аниқлаш мумкин бўлади. Бунда суғорма ва лалми деҳқончилик, яйлов чорвачилиги ва маъданларни ишга солишнинг бошланиш вақтлари ва тарихий йиллар давомида маълум ривожланиш босқичлари аниқланади. Масалан, вилоятда суғорма деҳқончилик ва унинг асосий экин турлари пахта, ғалла, мевачилик, ем-хашак етиштириш муддатлари аниқланади. Бу ёндашув ҳудудда тарихий даврлардан то шу кунгача табиатдан фойдаланиш йўналишининг асосий босқичларини аниқлашга имкон беради.

Наманган вилояти табиатидан фойдаланишнинг экологик-географик асосларини ишлаб чиқишда ер-сув, ўсимлик, ҳайвонот дунёси каби табиий ресурсларнинг инсон хўжалик фаолиятига тортилиши узоқ тарихий йилларни ўз ичига олади. Айниқса, бу соҳада А.Абдулқосимов (1989, 2002) олиб борган тадқиқотлар Ўрта Осиё воҳа ландшафтларининг ареалларини майда масштабда картасини, Фарғона водийсида жойлашган воҳаларнинг йирик масштабда ландшафт-типологик картасини тузишга муваффақ бўлганлиги диққатга сазовордир. Чунки, бу карта-схемаларда муаллиф воҳа ландшафтларининг шаклланишини тарихий-генетик ёндашув асосида тадқиқ этиб, уларнинг шаклланиш марказларини ҳам аниқлаган.

Мутахассисларнинг кўрсатишича, воҳаларда минг йиллар давомида суғориб деҳқончилик қилиниши натижасида вужудга келган агроирригацион ётқизикларнинг ҳосил бўлиши, хусусият-лари, уларнинг ландшафт мажмуалари шаклланишидаги ўрни, хилма-хил таркибий тузилишга эга эканлиги, деҳқончиликни ривожлантириш ва ҳосилдорликни оширишда катта аҳамият касб этади (Мақсудов, Боймирзаев, 1990, 1994, 1995). Тупроқда инсон хўжалик фаолияти қанчалик узоқ давом этган бўлса, агроирригацион ётқизикларнинг қалинлиги ҳам шунчалик ортиб боради. Ўрта Осиёда муттасил суғориладиган деҳқончилик билан шуғул-ланилиши натижасида бир йилда ўртача 0,5-1,0 мм қалинликда агроирригацион ётқизиклар тўпланганлиги аниқланган. Демак, сурункасига минг йил давомида деҳқончилик қилинган тақдирда тупроқда

қарийб бир метр калинликда агроирригацион ётқизиқ ҳосил бўлади.

Бундай ётқизиқлар Наманган вилоятининг суғориладиган ҳудудларида ҳам кенг тарқалган. Улар айниқса, дарё ва сойликлар ҳосил қилган ёйилмаларда тупрок таркибини яхшилади, табиий комплексларнинг ўзгариб бориши ва улар ўрнида маданий ландшафтлар пайдо бўлиши ҳамда жойнинг геоэкологик муҳитини оптималлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги илмий ёндашувлар таҳлилидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, табиатдан фойдаланишда аниқ табиий шароит ва хўжалик юритишни ҳисобга олган ҳолда тегишли ёндашувни қўллагандагина кўзланган самарага эришиш мумкин бўлади. Баъзида ҳудуднинг мураккаблик даражасига қараб икки ёки ундан ортиқ ёндашувни тадбиқ этиш ҳам амалий аҳамият касб этади. Илмий ёндашувларни қўллаш негизида эса ҳудуднинг аниқ структурали динамик ҳолати ҳал қилувчи мезон ҳисобланади.

Н.Шомуратова

Ўзбекистон Миллий университети

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

2002 йил Канаданинг Квебек шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон экотуризм саммитида қабул қилинган “Квебек декларацияси”нинг асосий принципларидан бири “саёҳат қилинаётган минтақанинг табиий ва маданий меросини туристларга тушунтириш”. Чунки туристик объект сифатида нафақат тарихий ва маданий мерос, балки табиати гўзал ландшафтлар, ноёб рельеф шакллари, геологик топилмалар, эндемик кўринишдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бўлиши ҳам мумкин. Лекин уларнинг “туристик имкониятлари” қай даражада, атроф табиий муҳит ҳолати экотуризмни ривожлантиришга қандай ҳисса қўша олади, географик фанлар, хусусан, табиий география бу ўринда нима қилмоғи керак, деган бир қатор ўринли саволлар туради.

Биз биламизки экотуризм бугунги кунда туристик бозорнинг 10% дан ортиғини эгаллаб олди [1]. Дунё бўйича унинг ривожланиш суръати умумий туризмга нисбатан 2-3 баробар жадалроқдир. Экологик туризм бошқа туризм турларига нисбатан арзонроқ ва экологик жиҳатдан эса фойдалироқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам экотуризмнинг барча жиҳатларини, хусусан табиий географик томонларини атрофлича тадқиқ қилиш замон талабидир.

Экотуризм янги фан тармоғи сифатида ўзига хос қандай илмий асосларга эга [2]. Лекин *экотуризмни табиий географик жиҳатлари ҳали тадқиқот объекти сифатида қаралмаган* эди.

Табиий география Географик қобикининг табиий таркиби ва унинг таркибий қисмларини [3], аниқроғи, умумий табиий географиянинг [4] ички тузилмаларини ўрганадиган табиатшуносликка оид фанларнинг муҳим тармоғи ҳисобланади. Географик фанлар Географик қобикни бир бутунлигича (Умумий Ер билими, Географик қобик назарияси), регионал бўлинмалар ёки табиий географик таксономик бирликларга ажратган ҳолда (Регионал табиий география, Ландшафтшунослик) хусусий томонлари-табиат компонентларини инобатга олган тарзда (Геоморфология, Қуруқлик гидрологияси) тадқиқ қилади ва унга оид билимларни беради.

Географик қобикни геоэкологлар [5] энг фаол биосфера қатлами, деб ҳам атайдилар. Ернинг Географик қобиги, унинг юқори ва қуйи қатлам чегаралари масалалари ханузгача жумбоқли муаммо ҳисобланади [6]. Табиий географлар томонидан умумэътироф қилинган назарий билимлар асосида [7] *географик қобикдан экотуризм мақсадларида фойдаланиш туфайли юзага келадиган табиий географик қонуниятлар ва қоидаларга ўз тадқиқотларимизни қаратишимиз лозим*. Улар

қуйидагилардан иборат: 1) табиий равишда бетўхтов кечаётган модда ва энергиянинг катта алмашинувига; 2) табиий географик жараён ва ҳодисаларнинг ритмиклик, яъни муайян муддатларга такрорланиб туришига; 3) экзоген ва эндоген жараёнларнинг Географик қобикнинг ягона тизимли ривожланишига; 4) Ер шакли ва Қуёш энергиясининг сайёрамиз юзаси бўйича тақсимланишига; 5) Фавқулдда тарзда содир бўладиган жараён ва ҳодисаларга туристик фаолият таъсирининг назарий ва амалий томонларини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Регионал бўлинма ёки таксономик бирликларга ажратган ҳолда экотуризмни табиий географик жиҳатдан тадқиқ қилиши муайян табиий географик комплекслар доирасида олиб борилиши, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда тадқиқотлар маълум бир маъмурий-сиёсий бирликлар билан чегараланадиган ва ўзига хос ҳам табиий, ҳам туристик аҳамиятга эга бўлган ҳудудлар Марказий Осиё, Узоқ Шарқ, Яқин Шарқ, Жанубий-Шарқий Осиё, Кариб денгизи ҳавзаси, Ғарбий Европа, Шарқий Европа, Шимолий Америка, Жанубий Америка ва ҳ.к. танланади. Бундай тадқиқот объектини танлашга мутахассислар томонидан эътироз билдирилиши мумкин. Нима учун тадқиқотлар маъмурий-сиёсий чегаралар бўйича олиб борилиши лозим? Чунки экотуризм бевосита амалиёт, яъни туризм индустрияси билан боғлиқ бўлган фан тармоғи ҳисобланади ва олинган назарий билимларни амалиётга қўллаш нуқтаи назаридан қаралмоғи керак. Афсуски, экотуризмга оид тавсияларни ҳозирча муайян маъмурий ёки сиёсий чегаралар доирасида қўллаш мумкин, холос. Унда ягона регионал геотизимда кечаётган барча табиий географик ҳодиса ва жараёнлар (катта ва кичик модда ва энергия алмашинувига сабаб бўлувчи атмосфера циркуляцияси, намлик айланиши, рельеф ўзгариши, нураш ва тупроқларнинг шаклланиш жараёнлари, об-ҳаво ва иқлимнинг даврий ўзгаришлари, табиат компонентлари орасидаги боғлиқлик ва ўзаро таъсир даражасини ўзгариши, ўсимлик ва ҳайвонот оламини эволюцион ривожланиш хусусиятларига таъсири ва ҳ.к.) комплекс геоэкологик жиҳатдан таҳлил қилинади ва унга оид илмий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Ундан ташқари, илмий изланишлар муайян *табиий географик таксономик бирликлар* асосида олиб борилиши ҳам мумкин. Масалан, минтақа пояси, китъа, материк, область, провинция, округ, ландшафт, жой, урочиша, фация даражасида. Бундай таксономик бирликларга ажратиш ҳам ҳанузгача ягона бир таснифланиш асосида олиб борилмайди [8]. Лекин ушбу табиий бўлинишлар маъмурий-сиёсий бўлинмалардан фарқ қилади ва том маънода табиий географик тадқиқотлар жумласига киради. Уларда катта табиий географик комплекслар (минтақа-округ) даражасидаги экотуризмнинг табиий географик хусусиятларини давлатлараро миқёсда ёки ихтисослаштирилган халқаро ташкилотлар томонидан олиб бориш мумкин бўлган илмий изланишлар тоифасига киритиш мумкин. Кичик табиий географик комплекслар (ландшафт-фация) даражасидаги илмий изланишларни миллий ва ёки маҳаллий миқёсда олиб бориш имконияти бор, албатта.

Экотуризмнинг хусусий табиий географик жиҳатлари маълум бир табиат компонентлари (иқлим, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ер усти сувлари, рельефи ва атроф муҳит) ҳолатига сайёҳлик қилишнинг таъсирини атрофлича ўрганиш киради. Бу ўринда табиат компонентларининг экотуризм натижасида ўзгариши, ривожланиши ва такомиллашишини аниқлаш, баҳолаш, назоратлаш ва мониторингини олиб бориш, таснифлаш, башоратлаш, оптималлаштириш, жавобгарлигини белгилаш, ҳуқуқий мақомини аниқлаш, бошқариш, районлаштириш каби тадқиқотларни ўтказиш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шодиметов Ю, Доклад в рамках “Дня экологического туризма” Ташкентской международной туристической ярмарки.-Т., 28.09.05г.

2. Нигматов А., Шомуротова Н. Экологик туризм-янги фан соҳаси // Ж.Ўзбекистон экологик ахборотномаси. 6-сон, 2004. 17-19 б.
3. Зокиров Ш. Табиий география. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-сон. 2004, 213-б.
4. Голубчик М.М., Евдокимов С.П. География. Учебник для экологов и природопользователей. –М.: Аспект пресс, 2003.-С.7.
5. Нигматов А.Н. География фанининг истикболи ва унда табиий географиянинг туган ўрни // Ж.Ўзбекистон география жамияти ахборотномаси. 4-сон, 2004. 17-21 б.
6. Гвоздецкий Н.А. Основные проблемы физической географии. М.: Высшая школа, 1979.-222 с.
7. Фуломов П. Географик қобик. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-сон. 2001.-625 б.
8. Табиий ва иқтисодий географик районлаштиришнинг долзарб муаммолари. –Т.: ЎЗМУ нашриёти, 2004.

*Б.А.Бахритдинов, А.К.Уразбаев, М.А.Рахмонкулов,
Н.Т.Зиямухамедов, М.А.Алиева*

**ЎР ФА Сейсмология институти География бўлими
ДЕЛЬТА ГЕОТИЗИМЛАРИНИНГ ТАБИЙ-МЕЛИОРАТИВ ШАРОИТИНИ
БАҲОЛАШДА ҲАВЗАВИЙ УСУЛНИНГ ҚўЛЛЕНИШИ**

Табиий география фанида тараққий этиб келаётган тизимли усул сўнгги йилларда амалиётда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу усулнинг мелиоратив географияда ва мелиорацияда қўлланилиши объектни тизим деб қарашни тақазо этади. Ана шунга асосан биз ҳам дельта геотизимларида жойлашган суғориладиган ҳудудларни ўзига хос структурага эга бўлган ва бошқа жойларда учрамайдиган табиий-географик бутунлик деб қарадик.

Дельта геотизимларидаги суғориладиган ҳудудлар ҳар хил геологик ёшдаги кичик дельталарнинг йиғиндисидан иборат. Бундай кичик дельталарнинг «дарахтсимон» шакллари маълум бир структурани ҳосил қилади ва табиий-мелиоратив шароитни белгилашда асосий омил ҳисобланади. Ана шунинг учун кичик дельталарнинг геологик ёшини билган ҳолда литологиясини ўрганиш, ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Сабаби ётқизикларнинг механик таркиби табиий-мелиоратив шароитни белгилашда катта аҳамиятга эга. Олиб борилган дала ишларига асосланган ҳолда шуни таъкидлаб ўтмоғимиз лозимки, ҳар хил ёшдаги Эркиндарё, Чўртанбой, Раушан ва бошқа кичик дельталарда тупроқларнинг механик таркиби ўзига хос тузилишга эга. Масалан Орол денгизига яқин жойлашган кичик дельталарнинг механик таркиби Нукус шаҳри атрофидаги кичик дельталарнинг (Ульдарё, Қизкеткен-Чимбой ва бошқалар) литологиясидан тубдан фарқ қилади. Тупроқларнинг литологияси хилма-хил бўлганлиги учун ҳам табиий-мелиоратив шароит турличадир.

Амударё ҳозирги дельтасининг кичик дельталардан ташкил топишини ишботлашда рельеф пластикаси усули ва аэрометодларнинг роли катта. Рельеф пластикаси усулида ҳар бир объектнинг структураси ўрганилади ва картада ифодаланади. Шунинг учун ҳам кичик дельталарнинг «дарахтсимон» структураси ўзига хос шакл бўлиб, бошқа ҳудудларда учрамайди.

Кичик дельталарнинг йиғиндиси суғориладиган ҳудудларда коллектор-зовур ҳавзаларини ҳосил қилади. Ҳозирги вақтда тизимли усулнинг икки кўриниши бўлиб, шулардан бири функционал бутунликдир. Коллектор-зовур ҳавзаларининг асосий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Амударё ҳозирги дельтасини бир неча ҳавзаларга ажратдик. Ҳудудларни коллектор-зовур ҳавзаларига табақаланиши, бу ҳавзаларни

табией-географик жихатдан ўрганганда асосан академик Б.Б. Полинов ишлаб чиққан ландшафт-геокимёвий усуллари қўлланилади.

Табий-мелиоратив шароитни ўрганиш ва унинг коллектор-зовур ҳавзасида тизимли тузилишини баҳолаш рельеф пластикаси усулининг назарий ғояси асосида олиб борилади. Коллектор-зовур ҳавзалари суғориладиган ҳудудларда учрайдиган ягона функционал-бутун геотизимдир. Унинг бутунлигини вужудга келишида ер усти сув оқимлари катта рол уйнайди. Бошқача қилиб айтганда ер усти сув оқими тизим ҳосил қилувчи омиллардан биридир. Коллектор-зовур ҳавзаларининг ўзига хос ички тузилиши ва ландшафтларнинг морфологик структурасининг шаклланиши ер усти сув оқимлари билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ландшафтларнинг морфологик структураси ва коллектор-зовур ҳавзаларининг ички тузилиши тизим ҳосил қилувчи оқимларнинг йўналишини аниқ тасвирлайди. Шуларни эътиборга олган ҳолда И.Н. Степанов дельтада тарқалган тупроқлар билан ер усти сув оқимлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганишга катта эътибор берган. Бундан шу нарса кўриниб турибдики, кейинги йилларда яна ер усти сув оқимларининг ролини ўрганишга катта эътибор берилмоқда, яъни бунда тизимли усулнинг ғояси асосий ўринни эгаллайди.

Функционал-бутунлик усул географик йўналишдаги фанларда маълум бир мустаҳкам ўринга эга. Коллектор-зовур ҳавзаларининг функционал-бутунлик сифатида ўрганиш суғориладиган ҳудудларда табиий-мелиоратив шароитнинг тизимли тузилишини баҳолашга асос бўла олади. Функционал-бутунлик усулининг ижобий томони шундаки, коллектор-зовур ҳавзалари яққол чегарага эга бўлади ва қуйидаги тизимларни ўрганишга асос яратади: гидрологик тизимлар (ирригация-мелиорация тармоқлари, ер усти ва ер ости сувларининг боғлиқлиги ва бошқалар), геоморфологик тизимлар (баландлик ва пастлик рельеф шакллариининг кетма-кетлиги, ер усти шакллариининг тартиблиги ва бошқалар) ва тупроқ тизимлари (тупроқларнинг рельеф шакли билан боғлиқлиги, тупроқ ҳосил бўлишида ва ривожланишида рельефнинг роли ва бошқалар). Шу билан бир қаторда рельеф пластикаси усулининг ютуқлари тизимли ва тематик хариталаштиришда ҳам қўлланилмоқда.

Амударё ҳозирги дельтасининг функционал-бутунлик усулига биноан коллектор-зовур ҳавзаларига табақаланиши функционал усулининг хилма-хил, ҳам назарий, ҳам амалий вазифаларни ҳал қилишда қўлланилишига асос бўла олади. Шулар қаторига ер-сув бойликларидан унумли фойдаланиш, суғориладиган массивларни ҳавзалар бўйича табиий-мелиоратив районлаштириш, ирригация-мелиорация тармоқларини қуриш ва қайта таъмирлаш киради. Шундай қилиб, ер ресурсларини баҳолашда коллектор-зовурларнинг функционал-бутунлигига алоҳида эътибор бериш лозим, сабаб ландшафтларнинг табиий-мелиоратив хусусияти коллектор-зовур эгаллаган ҳудудда маълум бир тартиб асосида ҳавзанинг юқори қисмидан қуйи қисмигача ва ўзан олди баландлигидан то энг паст жойгача тизимли ўзгаради.

А.К. Уразбаев

**ЎР ФА Секйсмология институти География бўлими
ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯДАГИ ИЛМИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ВА УЛАРНИНГ
РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ**

Тизимли усул XX-чи асрнинг 60-йилларидан бошлаб табиий география фанида қўлланила бошланди. Бу усулнинг қўлланилиши шубҳасиз академик В.Б. Сочава номи билан боғлиқдир. У ўзининг «Геотизимлар таълимотига кириш» (1978) номли машҳур асарида шундай деб ёзади: «Ҳозирги табиий географиянинг асосий моҳияти бўлган геотизим ҳақидаги таълимотни тан олиш ҳеч қандай шубҳа ва иккиланишни туғдириши

керак эмас, у фанимизнинг келажакдаги тараққийини қонунга мувофиқ бутунлай таъминлай олади».

Илмий билим бир қанча алоҳида ғоя ва усуллардан иборат бўлиб, улар умумий назарияга ва методологияга бирлашадилар. Баъзи ҳолларда, алоҳида олимларнинг илмий мулоҳазалари тўлиқ маънода назария деб аташ мумкин бўлган, мувофиқлаштирилган ва кўпчилик тан оладиган қарашлар тизимини бирданга ташкил қилавермайди. Лекин шунга қарамай, мавжуд назария ва усуллар ўртасида муҳим тавофуқлар бўлсада, уларни дастлабки мантикий –фалсафий асосларининг ва методологик ишланмаларининг умумийлиги бирлаштириб туради. Бундай умумий хусусиятга эга бўлган «назариялар» ансамбли учун америкалик олим Т.Кун (1977) «парадигма» атамасини таклиф этади.

Парадигма – бу назарий ва методологик ишланмаларнинг мажмуаси бўлиб, фан тараққийининг у ёки бу босқичида олиб борилаётган аниқ тадқиқотлардаги илмий фикрлаш ва амалиётнинг умумийлигини билдиради. Одатда парадигма олимларнинг кўпчилигини ўзига жалб этган назарий қоидаларга асосланган бўлади.

Парадигмаларнинг ўзига хослиги шундан иборатки, «бир хил парадигмаларга асосланган олимлар, уларнинг назарий ишланмалари илмий амалиётнинг бир хил қоида ва мезонларига таянадилар». Бундан шу маъно келиб чиқадики, парадигма тушунчасига фақат илмий назарияларнинг ўзи кириб қолмай, балки далиллар йиғиш усули, уларни таснифлаш, айрим ва умумий масалаларни ечиш, яъни бутун методология киради. Бундан ташқари, маълум бир назария ва усуллардан фойдаланиш олимларга, бирон бир парадигмага амал қилишни, маълумотларнинг амалий қўлланилиш йўлини ва ундан кейин эса бутун илмий фаолиятини бағишлашни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам, парадигмани «илмий фаолиятнинг турғун схемаси» деб таърифлаш мумкин, бу фикрни кўпгина олимларнинг гуруҳи қўллаб-қувватлайди (Хаччет, Чарли, 1971).

Парадигмалар фан ютуқлари етуқлик даражасига етганида пайдо бўлади. Олим назарияни ишлаб чиқиш пайтида «ўзининг бутун билим соҳасини, дастлабки принципларидан бошлаб қайтадан кўриб чиқмайди» (Кун, 1977). Фаннинг маълум бир босқичида тўпланган маълумотлар ва шу маълумотлар асосида ишлаб чиқилган назариялар кўпайиб шу даражага етадики, бу даврда хилма-хил маълумотларга асосланган назарий қарашлар ўртасида «илмий кураш» даври бошланади. Бу кураш парадигма тарафдорларининг хилма-хиллигида ўз аксини топади. В.Н. Солнцев (1978) табиий географиядаги мавжуд бўлган бундай «илмий курашларни» ҳар томонлама кўриб чиқиб тўртта парадигмани ажратади:

1. Геокомпонентли; 2. Геокомплексли; 3. Геоструктурали; 4. Экологик. Ҳар бир парадигма мураккаб тузилишга эга бўлган ландшафт билан «муроса» қилиш натижасидир. Бу муросанинг моҳиятини аниқлаш ҳар бир парадигманинг назария ва усулларини тўғри баҳолашга ёрдам беради. Илмий парадигмаларнинг бундай хилма-хиллигини кўриб чиқиш табиий географиянинг мустаҳкам умумий назариясини ишлаб чиқишга ёрдам бериши лозим, бу назария эса табиий географларнинг табиий муҳитни режали ўзгартиришда ва ресурслардан тўғри фойдаланишда ўзининг амалий натижасини кўрсатиши лозим (Герасимов, 1976).

Парадигмаларни таҳлили шу нарсани кўрсатиб турибдики, ҳозирги вақтда табиий географияда асосан геокомплексли ва геоструктурали парадигмалар қўлланилиб, ривожланиб ва тараққий этиб бормоқда. Баъзи ҳолларда геокомплексли парадигма геоструктурали парадигманинг ўзи, айрим мутахассислар эса улар ўртасига бир хиллик белгисини қўйишга ҳаракат қилдилар. Ҳақиқатда эса геокомплексли ва геоструктурали парадигмалар ўртасида фарқлар мавжуд. Геокомплексли парадигма асосий мақсад геокомпонентлар (тупроқ, ўсимлик, рельеф ва бошқалар) ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш ётади. Геоструктурали парадигмада эса асосий мақсад

элементлар ўртасидаги муносабатни ўрганиш ётади. Структура доимо муносабатни тақазо қилади, оддий синф шу ҳолича структурага эга эмас (Б.Рассел). Бошқача сўз билан айтганда, элементларнинг ўзаро муносабати шу объектга хос бўлган структурани ҳосил қилади. Мисол учун, Амударё ҳозирги дельтасининг элементлари умумий йиғиндиси кичик дельталарнинг «дарахтсимон» структурасини ҳосил қилади (Уразбаев, 2002). Ана шунинг учун ҳам бу икки парадигмалар ўзларининг мақсад ва вазибалари билан яқин бўлишига қарамай улар бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Ҳар бир парадигманинг мустақкам ривожланиши ва таракқиёти учун маълум бир катта илмий асар бўлмоғи лозим. Шундай асарлар қаторига В.Б. Сочаванинг «Геотизимлар таълимотига кириш» китоби қиради. Бу асар ҳақиқатан ҳам геоструктурали парадигмани қўллаб-қувватлайдиган олимлар учун дастур ҳисобланади. Шундай қилиб, геоструктурали парадигмада асосида элементлар ўртасидаги муносабатни таҳлил қилган ҳолда, ҳар бир тизимнинг ўзига хослигини исботлаш ётади.

Адабиётлар

1. Герасимов И.П. Конструктивная география. М.: 1976.
2. Кун Т. Структура научных революций. М.: 1977.
3. Солнцев В.Н. Физико-географические парадигмы. «Известия АН РАН, сер.геогр.», 1978, №1.
4. Сочава В.Б. Введение в учение о геосистемах. Новосибирск, 1978.
5. Уразбаев А.К. Системное организация природно-мелиоративных условий современной дельты Амударьи. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора географических наук, Ташкент, 2002.

Б.Халилова

Тошкент Давлат Педагогика университети ДЕЛЬТА ГЕОТИЗИМЛАРИ ТУПРОҚ ҚОПЛАМИНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА УНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

Тупроқшунослик фанида тизимли йўналишнинг вужудга келиши билан тупроқлар қопламининг структураси таълимоти яратилди. Тупроқшунос олимлар доимо тупроқлар қоплами структурасини рельеф билан боғланган ҳолда ўргандилар. Аммо XX-асрнинг иккинчи ярмида баъзи тупроқшунослар рельеф структурасига етарли аҳамият бермай қўйдилар.

Тупроқ қоплами структураси ҳақидаги таълимотнинг вужудга келиши ва ривожланиши В.Р. Волобуев, М.А. Глазовская, В.М. Фридланд ва И.Н. Степанов номлари билан боғланган. Дельта геотизимларининг тупроқ қоплами структурасини таҳлил қиладиган бўлсак бу ҳудудларда тупроқлар фақатгина рельеф элементлари билан боғланиб қолмасдан, балки кичик дельталарнинг «дарахтсимон» структураси билан ҳам боғланган. Шу сабабли биз дельта геотизимлари тупроқлар қоплами структурасини ўрганганда рельеф билан тупроқлар структураси боғлиқлигига катта аҳамият бердик. Бизга адабиётлардан маълумки, Қуйи Амударё табиий географик районининг тупроқлар қоплами структураси Амударё сувининг иши натижасида дельта юзасида вужудга келган геометрик шакллар билан боғланган.

Қуйи Амударё табиий географик районида жойлашган учта дельта: Сарикамиш, Ақчадарё ва Оролбўйи дельталари ўзларининг тупроқлар қоплами структуралари билан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Ақчадарё дельтасининг бошланғич қисмида тақирсимон, ўтлоқ-тақирли, ўзан бўйи ўтлоқ-тақирли-тўқай тупроқлари тарқалган бўлса, ўрта қисмида асосан тақир тупроқлари устунлик қилади. Дельтанинг қуйи

қисмида эса тақирсимон, қум-ўтлоқ, шўрхоқлар тарқалган. Ақчадарё дельтасидаги тупроқ қопламининг структураси асосан Ақчадарё дельтасининг умумий «дарахтсимон» шакли билан боғлиқ. Беруний, Тўрткўл ва Эллиқкальба туманларида эса дельтанинг структураси ўзгача бўлиб, у «ёйилма» шаклидадир. Энг қуйи қисмида у кичик дельталардан иборат «умумий дарахтсимон» шаклига эгадир.

Сариқамиш дельтасининг бошланғич қисми асосан Хоразм вилоятида жойлашган бўлиб, у бир неча кичик дельталардан ташкил топган. Сариқамиш дельтасининг қуйи қисмидаги баъзи бир кичик дельталар Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманида жойлашган. Шундай дельталардан бири «Қиятжарган»дир. Умуман олганда Сариқамиш дельтасида тақирли тупроқлар Ақчадарё дельтасига нисбатан кам тарқалган.

Оролбўйи, яъни Амударё ҳозирги дельтаси тупроқлар қоплами структураси ўзига хос тузилишга эга. Дельтанинг юқори қисмларида асосан суғориладиган ўтлоқ тупроқлар тарқалган бўлса, ўрта ва қуйи қисмларида ўтлоқ-тақирли-тўқай, ўтлоқ-тақирли, ўтлоқ ва шўрхоқлар тарқалган. Бу тупроқлар кичик дельталарнинг (Эркиндарё, Шўртанбой, Улдарё ва бошқалар) «дарахтсимон» шакллар билан боғланган. Суғорилмайдиган худудларнинг тупроқлар қоплами структурасини ўрганган пайтда асосий эътибор кичик дельталарнинг «дарахтсимон» шаклларига қаратилиши лозим. Суғориладиган худудларда эса коллектор-зовурларнинг ҳавзасига қаратилиши керак. Бизга маълумки, коллектор-зовур ҳавзалари ўз навбатида кичик дельталарнинг мажмуасидан иборат. Шунинг учун ҳам тупроқлар қоплами структурасини ўрганганда, рельеф типларининг вужудга келиши тараққиётига ҳам катта эътибор бериш керак.

Тупроқ қоплами структурасини ўрганиш вақтида рельеф пластикасининг назариясига ва шу усул асосида яратилган рельеф карталарига катта эътибор қаратмоқ лозим. Бу карталарда маълум бир рельеф типларининг тарқалиш худудлари билан биргаликда уларнинг геометрик шакллари ҳам кўрсатилади. Юқорида айтиб ўтилган Сариқамиш, Ақчадарё ва Оролбўйи дельталарининг умумий шакллари бир-бирига яқин бўлса ҳам, уларнинг структуралари, яъни «кичик дельталарнинг» нисбатлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам бу дельталардаги тупроқ типларининг жойланиш структуралари худуднинг ўзига хос «Педотизимини» ҳосил қилади. Маълум бир жойни тупроқ тизимини, яъни «Педотизимини» ўрганишда ана шу худуднинг рельеф пластикаси картаси катта аҳамиятга эга. Шундай қилиб тупроқлар қоплами структурасини ўрганганда тупроқшунослик фанидаги тизимли усулнинг назариясига катта эътибор бериш керак. Бу назариянинг вужудга келишида В.В. Докучаев ишлаб чиққан қонуниятлар билан бир қаторда умумий методологик қонуниятларнинг роли ҳам каттадир.

А.Н.Низматов, Р.Ибрагимова

Ўзбекистон Миллий университети

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Барқарор ривожланиш – бу кишилиқ жамиятини омон қолиш ва яшаб кетиш модели. Бу модел Саёрамизда юзага келган табиат-инсон-жамият тизимидаги асосий муаммоларни кишилиқ жамиятининг барча фаолияти билан комплекс равишда ҳал этишнинг янги йўлларини излаб топишга ундамоқда. Барқарор ривожланишнинг замонавий концепцияси атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ижтимоий ва иқтисодий муаммолар билан биргаликда ҳал этишга чақиради. Маҳаллий, миллий, минтақавий ва глобал миқёсдаги бошқарув-хўжалиқ фаолиятини такомиллаштиришни назарда тутди.

Шундай қилиб **барқарор ривожланиш** уч муаммони, яъни **экологик, иқтисодий ва ижтимоий характердаги долзарб масалаларни** биргаликда ҳал этишга чақирмоқда. Бунинг учаласи ҳам **бевосита география билан боғлиқ ҳолдаги назарий ва амалий изланишларни олиб боришни тақазо қилади**. Чунки, **биринчидан**, инсонларнинг барча турдаги экологик, иқтисодий ва ижтимоий фаолияти бевосита **Ернинг географик қобилиги доирасида** содир бўлади. **Иккинчидан**, кишиларнинг барча фаолият турлари бўйича муаммоларни **комплекс равишда** ҳал этишга ундайди. **Учинчидан**, Ер юзасининг барча минтақаларида бир хилда эмас, яъни **ҳудудий фарқланиш хусусиятига** эга. **Тўртинчидан**, барқарор ривожланиш ғояси ҳам, унинг амалда тадбиқ этилиши ҳам қотиб қолган догма эмас, яъни вақт давомида турли кўриниш, даража, шакл ва моҳият касб этади [1], яъни **даврийдир**.

Барқарор ривожланиш концепцияси экологик муаммоларнинг ечими давлат (масалан, Ўзбекистон) ёки бирон бир давлатлар (масалан, “катта саккизлик“) фаолиятига бевосита боғлиқ эмас. Бу ўринда Президентимиз И. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеяси 48,50 ва 55 сессияларидаги маърузасида айтганидек, “. . . ушбу муаммо нафақат Ўрта Осиё давлатларининг, балки бутун дунё ҳамжамятининг “чуқур табиий дардидир” [2], чунки Орол инқирози курраи заминда экологик хавфсизликни кескинлатади ва шунинг учун ҳам глобал характерга эгадир. Бу муаммога таълуқли бўлган ҳар бир фан соҳаси албатта ўз изланиш объектини мазкур масаланинг ечимини топишга қаратмоғи лозим.

БМТнинг Рио-92 конференциясида қабул қилинган “Атроф муҳит муҳофазаси ва ривожланишга доир декларация”сининг янги барқарор ривожланиш концепциясидан келиб чиққан тарзда биз унинг географик, хусусан табиий географик жиҳатларини тадқиқ қилишда қўйидаги асосий қоидаларни назарда тутмоғимизни тавсия этилади:

-давлатларнинг табиий ресурслардан фойдаланиши ўзга давлат ва минтақаларнинг атроф табиий муҳитига зарар қилмаслиги;

-барқарор ривожланишда атроф муҳит муҳофазаси тараққиёт жараёнининг бир қисми ҳисобланилади ва ундан ажралган тарзда муҳокама қилинмаслиги;

-ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётида турган давлатларда экологик муаммоларни бирламчи масалалар туркимига киритилиши, шунинг учун ҳам уларда табиий ресурсларни конзервация қилувчи(захираловчи) хўжалик тармоқларини ривожлантириш;

-давлатлар Ер экотизимларини сақлаш, муҳофаза қилиш ҳамда унинг тозаллиги ва бутунлигини тиклаш мақсадида глобал миқёсдаги шерикчилик руҳида ҳамкорлик қилишлари;

-табиий хом ашёни ишлаб чиқариш, қазиб олиш ва қайта ишлаш илмий жиҳатдан аосланган бўлиши ва ушбу жараёнларда илғор технологияларни қўллаши;

-экологик оқибатларни баҳолаш ваколатли миллий органлар томонидан тасдиқланиши.

Юқорида келтирилган экологик принциплар географик ва айникса табиий географик принципларга монанддир. Йоханнесбург-2002 йилда қабул қилинган “XXI аср кун тартибини амалга ошириш” режаси ҳудудий, даврий ва комплекс нуқтаи назардан қуйидаги муаммоларни ҳал этишга ундайди: атмосфера ҳавосининг муҳофазаси; Ер ресурсларидан фойдаланишга комплекс ёндашиш; ўрмонсизланиш жараёнини олдини олиш; қурғоқчилик ва чўлланиш жараёнларини олдини олиш; тоғ экотизимларининг муҳофазаси; қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳит; биологик хилма-хилликни сақлаш; биотехнологияларнинг экологик хавфсиз даражада ишлатиш; сув экотизимларининг муҳофазаси; чучук сувдан оқилана фойдаланиш; хавфли чиқиндиларни четлаштириш; қаттиқ чиқиндиларни четлаштириш ва оқава сувларни тозалаш; радиоктив чиқиндиларни четлатиш [3].

Мазкур соҳада Ўзбекистонда ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда, лекин улар минтақада, хусусан мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг географик жиҳатларини ҳар томонлама тадқиқ этишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нигматов А., Пардаев Ғ. Экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланиш.-Т., 2005.- 96 б.
2. Экология ва ҳаёт. Президент Ислон Каримов асарларида экология масалаларининг ёритилиши Т.: Ўзбекистон, 2002.-128 б.
3. Итоги Всемирного саммита по устойчивому развитию / Ж. Экология и устойчивое развитие. №10. 2002.- С.2-9.

А.Н.Ғаппаров, С.Хусанова

Жиззах Давлат Педагогика институти ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ РЕКРЕАЦИЯРЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Инсоннинг хўжалик фаолияти табиатдаги мавжуд ресурслар билан боғлиқдир. Ресурс тушунчаси кенг қамровли бўлиб, инсон улардан турли мақсадларда фойдаланади. Инсон фаолиятида муҳим рол ўйновчи ресурслар қаторига рекреацион ресурслар ҳам киради. Рекреацион ресурслар деганда инсоннинг дам олиши, даволаниши, эстетик тарбияси, жисмоний ва руҳий чиниқиши учун хизмат қилувчи ресурслар тушунилади. Бундай ресурслар икки хил бўлиб, биринчиси, инсон томонидан яратилган-антропоген рекреацион ресурслар ва иккинчиси, табиий ҳолдаги хушхаво, хушманзара, инсонга эстетик завқ берувчи жойлар, табиий объектлар киради.

Жаҳон миқёсида рекреацион ресурслардан инсон манфаатлари йўлида фойдаланиш кенг йўлга қўйилган ва кундан-кунга аҳамияти ортиб бормоқда.

Жиззах вилояти республикаимизда рекреацион ресурсларнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Буни табиий рекреацион ресурсларнинг хилма-хиллигида кўришимиз мумкин. Айниқса, табиий рекреацион бойликларга эга бўлган вилоятнинг Баҳмал, Зомин, Жиззах, Ғаллаорол ва Фориш туманларининг тоғ ва тоғолди ҳудудларининг манзараси, қулай иқлимий шароити ва хушхаволиги билан инсон саломатлиги учун фойдалилиги ҳамда эстетик аҳамияти билан ажралиб туради. Бундай имкониятлардан фойдаланиш мақсадида туманлар ҳудудида кўрикхона, болалар оромгоҳлари, санаторийлар қурилган. Зомин ва Баҳмал туманларида мавжуд республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган санаторий ва болалар оромгоҳлари буларга мисол бўлади.

Мамлакат аҳолиси сонининг ортиб бориши, урбанизация жараёнининг жадаллашиши, саноат тармоқларининг ривожланиши, шунингдек, иқтисодий ўсиш, аҳоли турмуш шароитининг яшиланиб бориши аҳолининг рекреацион ресурслардан фойдаланишга бўлган талабини оширади. Шунингдек, рекреация тизими ҳозирги вақтда иқтисодий фойда келтирувчи соҳага айланиб бормоқда. Ўзбекистон ҳудудида, хусусан, Жиззах вилоятида бу соҳанинг ривожланиши учун барча имкониятлар мавжуд, бинобарин яқин келажакда йирик рекреацион зоналар вужудга келтирилиши мумкин. Буни ҳисобга олиб, рекреация объектларининг сонини кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш билан бирга бу объектларни муҳофаза қилиш, табиий ресурсларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик чораларни ишлаб чиқиш зарурдир.

Ҳудудий рекреацион тизимларни вужудга келтиришда масалага илмий ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

А.Зокиров ва К.Ҳотамовлар республикамиз рекреацион ҳудудларини таксономик бирликлар: табиий рекреацион ўлка (Ўзбекистон Республикаси); табиий рекреацион район (Фарғона); табиий рекреацион микрорайон (Чимён) ларга ажратади ва схематик равишда республика бўйича (табиий районлардан келиб чиқиб) ҳисоблайди. Ушбу схемада Жиззах вилояти умумий тарзда Чирчиқ-Мирзачўл рекреацион районига киритилган.

Шуни ҳисобга олиб вилоятнинг рекреацион микрорайонларини қуйидагича қайд этиш мумкин:

Жиззах вилояти рекреацион объектлари

№	Рекреацион микрорайонлар	Масканлар: (дам олиш уйлари, пиёда, отда, велосипедда сайр қилиш жойлари ва сув ҳавзалари)
1	Зомин	Ўзбекистон миллий боғи, Ўрикисой, Сура.
2	Бахмал	«Дўлана», Новқа (Новқа ота), Ўсмаг ота, Мўғол, Қирққишлоқ, Жўмжўмсой, Учқиз(Узунбулоқ).
3	Ғаллаорол	Ғаллаорол, Қўйтош, Садир Ваққос.
4	Фориш	Осмонсой, Учма, Совурбек довони, Қарабдол.
5	Жиззах	Уобсой, Кўрпасой, Учқиз, Ровотсой, Амир Темур дарвозаси ва бошқалар.
6.	Арнасой	Арнасой кўллари мажмуи: Тузкон, Айдаркўл.

Юқорида кўрсатилган жойларнинг ҳар бири ўзига хос экологик шароитга эга. Ушбу ҳудудларда рекреацион тизимни вужудга келтириш учун бу жойлардаги экологик вазиятни ҳар томонлама ўрганиш, табиий ресурсларига баҳо бериш лозим. Шундан сўнг, бу жойлар табиатини муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, ҳар қандай дам олиш ёки бошқа турдаги зоналарда табиат турли равишдаги ўзгаришларга дуч келади. Бу тадбирларни жойлар рельефи, сувлари, иқлим шароити, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини илмий тарзда ўрганиб чиқиб белгилаш зарур. Шунингдек, бунёд этилиши кўзда тутилаётган объектлар характеридан келиб чиқиб, табиий муҳит муҳофаза чоралари белгиланади.

Дам олиш зоналарида кишиларнинг атроф-муҳитга доимий таъсирини кўзда тутиб, оқар сувлар, дарахтлар, ҳайвонот оламини муҳофаза қилишга доир тартиб-қоидалар белгиланиши шарт. Туристлик саёҳатлар ўтказиладиган ҳудудларда туристлар ҳаракатланадиган сўкмоқларнинг ҳудуддаги мавжуд табиий объектларга зарар етказмайдиган жойлардан ўтказилиши, мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, катта йўллар ёқасидаги объектларга йўловчилар томонидан таъсир этилишини чекловчи қоидалар амалга кириши зарур. Хусусан, тоғли ҳудудлардан ўтган автомобил йўллари ёқасидаги қоялар, тошларга турли ёзувлар ёзиш, тошларнинг кўчириб кетилиши каби ҳолатлар шу пайтгача назорат қилинмай келингани ачинарли ҳолдир. Сув ҳавзаларига чиқиндилар ташланиши, дарахтларнинг кесилишини қатъий назорат остига олиниши ҳам ҳозирги кунда жуда долзарб масала ҳисобланади.

Рекреацион ресурсларга энг катта зарар етказувчи омил бу – маҳаллий аҳолининг хўжалик фаолиятидир. Албатта бу фаолиятни чеклаб бўлмайди. Аммо аҳолига тегишли чорва молларининг, айниқса, тоғли ҳудудлардаги рекреацион аҳамиятга эга, лекин ҳали бу соҳада фойдаланилмай турган жойларга етказётган салбий таъсири жуда катта.

Биобарин, бу омилларни ҳар томонлама ўрганиб, Жиззах вилоятидаги рекреацион ресурслардан тўла фойдаланадиган вақтлар келгунча бу ресурсларни муҳофаза қилиш масаласини ҳал қилиш чораларини кўриш муҳимдир. Чунки, табиий рекреацион аҳамиятга эга жойларнинг экологик шароитини ўрганиб чиқиб, уни муҳофаза қилиш чораларини кўрмасдан туриб, аҳолига хизмат қилдиришга сафарбар этилса, қайтариб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган рекреацион объектларни муҳофаза қилиш учун биринчи навбатда, умумий тарзда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим.

- Худудларнинг айна вақтдаги экологик шароитини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, илмий таҳлил қилиш ва баҳо бериш.

- Олинган натижалар асосида биринчи навбатда кўриладиган ресурслар муҳофазасига доир амалий чора ҳамда қоидаларни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўлланишини таъминлаш.

- Жойлардаги маҳаллий аҳолини табиий рекреацион аҳамиятга эга бўлган объектларни асраб-авайлаш ишларига жалб қилиш.

- Вилоятда рекреацион ресурслар муҳофазаси билан шуғулланувчи эркин жамиятлар тузиш ва уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

Бундай ишлар келажакда вилоят худудида рекреацион туризмни ривожлантириш, вилоятни республикадаги ривожланган худудга айлантириш учун тайёргарликнинг бошланишидир. Зеро, экологик вазиятнинг доимий назорат остида бўлиши, табиий худудлар муҳофазаси, ўлка табиатини келажак авлодга гўзал, табиий ҳолда етказиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Ю.Қ.Усмонов, Х.Избасоров, Н.Умиров, А.Ж.Усмонов

Жиззах Давлат Педагогика институти

ЭКОСИСТЕМНИ ТУПРОҚЛАР БОНИТЕТИГА ҚАРАБ ЭКОЛОГИК РАЙОНЛАШТИРИШ

Мавжуд экологик районлаштиришларнинг бирортаси ҳам тўлақонли, организмларга таъсир қилувчи омил ва муҳитнинг ҳамма жihatларини ўз ичига олмаган, шунинг учун ҳам экологик районлаштиришда бир қатор камчиликлар ва кўзга яққол ташланадиган нуқсонлар мавжуд. Шунинг учун ҳам бу соҳада чуқур фундаментал тадқиқотлар олиб бориш ва организмларга таъсир қилувчи барча омил ва муҳитга мослаб экологик районлаштириш экология фанининг энг муҳим, долзарб муоммосига айланган.

Табиий муҳитни регионал классификациялаш, экосистеманинг биологик маҳсулдорлиги ва биоценознинг куёш энергиясини қандай даражада ўзлаштиришига боғлаб экологик районлаштириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Экосистемани мана шу кўрсаткичлар бўйича классификациялаш фанда шу пайтгача мавжуд бўлган барча классификациялашдан бир қатор афзалликлари билан фарқ қилади.

Ўзбекистон республикасида тупроқ унумдорлиги бўйича бонитет кўрсаткичини тўлиқ ишлаб чиқиш шу бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифасидир.

Ботаникларни табиий географик районнинг биологик маҳсулдорлиги қизиқтирса, табиий географларни ва ландшафтшуносларни, жойнинг географик ўрни ва муҳити қизиқтиради. Мана шу икки кўрсаткичга тупроқ бонитетини киритсак ва биргаликда таҳлил қилсак минтақаларни экологик районлаштириш осон ва қулай кечган бўлур эди. Бу соҳада биринчи қадам биологик маҳсулдорлиги юқори бўлган ёки жойнинг биогеоценотик қоплами юқори бўлган худудларни чегаралаб, 100 балли худудга киритиш лозим. Бундай жойларда органик модданинг ҳосил бўлиши юқори даражада, куёш энергияси кимёвий реакция оқибатида тўлалигича тупроқ муҳитида иккиламчи кўриниш сифатида тўпланади, атмосферага эркин кислороднинг ажралиб чиқиши бошқа худудлардан кескин фарқ қилади.

Текширишлар шуни кўрсатадики, тупроқ бонитети 100 балли бўлган худидларда биологик махсулдорлик табиий шароитда ҳам 50 ц/га дан юқори органик модда ҳосил бўлар экан. Бундай худудларда экологик қонуниятлар албатта абиотик омиллардан устун туради ва худуднинг биогеоценотик муҳитини белгилайди.

З.Тошбоев, К.Қурбонов

Жиззах Давлат Педагогика институти
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИНИНГ
МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ

Минтақа шароитидан келиб айтадиган бўлсак, умумий майдони 21,9 минг км² бўлган Жиззах вилоятининг ер фондини ташкил қилган 2117,8 минг га ердан 300,5 минг гектари суғориладиган ерлар ҳисобланади.

Кейинги вақтларда вилоят худудидаги суғориладиган ерларнинг бир қанча омиллар таъсирида шўрланиши ва иккиламчи шўрланиши кузатилмоқда.

Вилоятнинг асосий суғорилиб пахта экиладиган худудларида ер ости сувларининг ҳаракати яхши эмас, суғориш давомида уларнинг сатҳи кўтарилади ва тупроқда туз тўплана бошлайди. Бунинг олдини олиш учун горизонтал ва тик зовурлар қурилган.

Сўнгги йилларда вилоятда шўрланган ерларни яхшилаш мақсадида гидромелиорация ишларини олиб бориш бир мунча яхши йўлга қўйилмоқда. Бу борада вилоятда 2004 йилда мавжуд бўлган 301,018 минг.га суғориладиган ер майдонининг мелиоратив ҳолатини аниқлаш учун сизот сувларининг ўртача сатҳи, сизот сувларининг шўрланиши (минераллашуви) ҳамда тупроқ шўрланиши даражаси ўрганиб чиқилиб, жамланган кадастр кўрсаткичлари аниқланди.

Вилоятдаги суғориладиган ерларнинг дренаж тармоқлари билан таъминланган қисми 257,868 минг.га, шундан 234,50 минг.га ёпиқ дренаж билан таъминланган.

Вилоят бўйича 2004 йили суғориш мавсумида суғорма ер майдонларидаги сизот сувларининг чуқурлиги 0-1,5 м. гача бўлган майдонлар 974 га, 1,5-2,0м. Гача бўлган майдонлар 6318 га, 2,0-3,0м.гача бўлган майдонлар 237705 га, 3-5 м гача бўлган майдонлар 37524 га, 5 м дан пастдаги майдонлар 23452 га ни ташкил этган. Сизот сувларининг сатҳи бўйича 0-2 м гача бўлган майдонлар 8288 га бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилдаги 383 га – гектар кам демакдир.

Вилоятда суғориладиган ер майдонларида сизот сувлари кўтарилган майдонларнинг ўтган йилдагидан оз миқдорда бўлса ҳам камайишини мелиоратив тадбирлар бўйича ишларнинг ҳар йилдагидан анчагина кенг кўламда бажарилиши натижаси, дейиш мумкин.

Вилоят бўйича суғориладиган ер майдонларида сизот сувларининг минераллашуви даражаси бўйича тақсимланишига келганда 1 г/л гача бўлган майдонлар 42288 га ни ташкил этади. Бу ўтган йилдагига деярли тенг демакдир. 1-3 г/л гача бўлган майдонлар 104134 га бўлиб, 3 г/л дан юқори бўлган майдонлар 154596 га ташкил этган. Вилоят бўйича сизот сувларининг минераллашув даражаси деярли ўтган йилдаги кўрсаткичларга яқин бўлганлиги кузатилган. Вилоят суғориладиган ер майдонларидаги тупроқ қатламининг шўрланиш даражаси бўйича тақсимланишида шўрланмаган майдонлар 46033 га, кучсиз шўрланган майдонлар 148988 га, ўртача шўрланган майдонлар 98530 га, кучли шўрланган майдонлар 7690 га ни ташкил этган.

Жиззах вилоятидаги суғориладиган майдонларнинг тупроқ шўрланиш даражаси тўғрисида 01.X.2004 йилги маълумот

Туманлар номи	Тупроқ шўрланишини аниқлаш учун қамраб олинган майдон га	Тупроқ шўрланиш даражаси бўйича			
		Шўрланмаган майдон га	Кучсиз шўрланган майдон га	Ўртача шўрланган майдон га	Кучли шўрланган майдон га
Арнасой	33635	980	12262	18383	2010
Бахмал	12385	12385	-	-	-
Ғаллаорол	12066	12066	-	-	-
Жиззах	35005	3438	28577	2850	140
Дўстлик	36038	560	24433	10605	440
Зомин	36530	9045	15995	10015	1475
Зарбдор	36224	465	21341	12523	1895
Зафаробод	29270	835	16946	10489	1000
Мирзачўл	33052	-	13251	19371	430
Пахтакор	28838	330	14711	13497	300
Фориш	2724	455	1472	797	-
Янгиобод	5474	5474	-	-	-
Туман бўйича	301241	46033	148988	98530	7690

Вилоят бўйича суғориладиган ер майдонларидаги тупроқ қатламининг шўрланиш даражаси деярли ўзгармаганлиги кузатишга эришилган. Шундай бўлишига қарамастан туманлар бўйича таҳлил қилинганда Арнасой туманида ўртача шўрланган майдонлар 5970 га, кучли шўрланган майдон эса 90 га, Пахтакор туманида ўртача шўрланган ерлар 1540 га, Дўстлик туманида кучли шўрланган ерлар 180 га, Зомин туманида кучли шўрланган майдонлар 45 гектар га ўтган йилдагидан кўпайганлиги кузатишга эришилган. Шунингдек, Мирзачўл тумани суғориладиган ерлари деярли барчаси турли даражада шўрланган. Бу ҳудуд Сирдарёнинг қадимги ўзани ҳисобланиб, ер ости сизот сувларининг горизонтал ҳаракати яхши таъминланмаган. Мелоратив тадбирлар қониқарли аҳволда олиб борилмаганлигидан далолат беради. Бахмал ва Ғаллаорол туманларида эса суғориладиган ерлар деярли умуман шўрланмаган. Бунинг сабаби ер ости сизот сувлари горизонтал ҳаракати яхши таъминланган. Вилоят бўйича суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини сизот сувларининг сатҳи ва тупроқ шўрланиш даражаси бўйича баҳолаганимизда яхши ерлар 45915 га, қониқарли ҳолатдаги ерлар 240461 га, қониқарсиз ерлар эса 14642 га ни ташкил этади.

2004 йилда мелиоратив ҳолати қониқарли ерлар 2003 йилдагига нисбатан 1580 га гектар камайди. Бунга асосан тупроғи шўрланган ерларда шўр ювиш ишларинининг ҳар йилгидан сифатли ва кўпроқ бажарилганлиги, шунингдек, нормал ишлатилишининг имкони бўлмаган, ёпиқ зовурларнинг очиб ташланганлиги, нормал ишламаётган ёпиқ - ётиқ дренажларнинг ювилганлиги ва ички хўжалик зовурларини механизмлар ёрдамида тозалаш ишларининг кўпайтирилганлиги сабаблидир. Энди ушбу суғориладиган ерларнинг шўрланишига таъсир кўрсатувчи яна бошқа омилларга эътибор қаратадиган бўлсак, собиқ Иттифоқ даврида битта экин турини экиб, унинг ҳосилдорлигини минерал ўғитлар ҳисобига оширилиб келинган. Шунингдек, суғориш агротехникаси ва ерга ишлов беришда нотўғри иш юритилиши суғорув иншоатларининг носозлиги, ётиқ ёпиқ дренаж қувурларининг ёз вақтида тозаланмаслиги туфайли шўрланган майдонлар сатҳи ошиб борган.

Мустақиллик йилларида ер эгаллиги давлат мулкидан дехкон-фермерларга ижарага берилиши туфайли ерга ишлов бериш бир мунча ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки ҳудудда ер ости сизот сувлари ҳисобига Айдаркўл тизими сув сатҳи кўтарилиб бораётган бир вақтда, гидромелиоратив тадбирларни илмий асосда амалга ошириш самаралироқдир.

Ҳосилдорликни асосан маҳаллий органик ўғитлар ҳисобига ҳамда алмашлаб экишни такомиллаштириш ҳисобига оширилганда тупроқнинг устки гумус қатлами қалинлашиб, унумдорлик ошади.

А.Н.Ғаннаров

Жиззах Давлат Педагогика институти

ТАБИЙ ЛАНДШАФТЛАР МУҲОФАЗАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бугунги кунда давлат аҳамиятига эга бўлган масалалардан бири табиат муҳофазасидир. Бу борада кўплаб таклифлар, лойиҳалар келтирилган ва амалга оширилмоқда. Чунки табиий ландшафтларни муҳофаза қилиш, улардаги мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, ўлка табиатининг бетакрор хусусиятларини сақлаб қолиш ва келажак авлодга қолдириш имконини беради.

Маълумки, ўлкамизда табиат муҳофазасини ташкил қилиш заминда кўриқхоналар, буюртмалар ва шу каби муайян ҳудудлар учун хос тадбирлар қўлланилади. Айни вақтда кўплаб шундай ҳудудлар ушбу вазифани бажариб келмоқда. Лекин табиат муҳофазаси деганда фақат алоҳида аҳамиятга эга бўлган табиат комплексларини асраб-авайлаш тушунчаси бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Бу ўринда табиат ва табиий ландшафтларни муҳофаза қилиш бўйича дунёдаги бошқа мамлакатлар тажрибасига назар солиш ўринлидир. Аввало, табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи томонидан қабул қилинган муҳофаза қилинувчи табиий ҳудудлар таснифномасини кўриб чиқайлик. Бундай ҳудудлар 8 та категорияга бўлинади. Қуйида уларнинг номланиши ва шунга мос равишда мақсад ва вазифаларини келтирилади:

Муҳофаза қилинувчи ҳудуднинг номланиши	Мақсад ва вазифалари
I Илмий резерват. Махсус муҳофаза резервати.	Табиий ҳамжамиятлардаги табиий эволюцион жараёнларни, ҳайвон ва ўсимлик турларини илмий мақсадларда ва табиий муҳитни кузатиш мақсадларида кўриқлаш, организмлар генофондининг ривожланишини муҳофаза қилиш.
II. Миллий парк	Табиатнинг бетакрор намуналари ва биотик ҳамжамиятларини, генетик ресурсларини, йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвон турларини, биосферанинг мутаносиб ва ранг-баранглиги учун асраш, табиий ва диққатга сазовор ҳудудларни илмий, маърифий ва рекреацион мақсадларда муҳофаза қилиш.
III. Табиат ёдгорлиги	Миллий аҳамиятга эга бўлган табиат объектларини маърифат, фан ва ижтимоий манфаатлар учун муҳофаза қилиш.

<p>IV. Табиий резерват. Бошқарилувчи табиий резерватлар, фаунистик резерват ва б.</p>	<p>Турлар, биотик хамжамиятлар, ландшафтлар, манзилгоҳларни мавжуд ҳолда илмий ва маърифий мақсадларда асраш.</p>
<p>V. Муҳофаза қилинувчи ландшафт</p>	<p>Инсон ва табиат ўртасидаги мутаносиб муносабатларни сақлаш, минтақа аҳолисининг турмуш тарзини (табиий ресурслардан фойдаланишнинг анъанавий турларини) ва минтақа иқтисодий потенциалини сақлаган ҳолда туризм ва дам олишни ривожлантириш.</p>
<p>VI. Заҳирадаги ерлар. Ресурслар резервати</p>	<p>Фойдаланиш йўналиши аниқлангунга қадар ерларни ва табиий ресурсларни хўжалик эксплуатациясидан холи қилиш.</p>
<p>VII. Табиий биотик ҳудуд</p>	<p>Аҳолининг маданий анъаналари ва турмуш тарзини сақлаш.</p>
<p>VIII. Кўп томонлама фойдаланиладиган ерлар.</p>	<p>Ижтимоий- иқтисодий ва маданий мақсадларда ерлар ва табиий ресурслар (сув, ўрмон, фаунистик, ўтлоқ, рекреацион ва х.к.) махсулдорлигини сақлаб қолиш.</p>

Юқорида келтирилган муҳофаза қилиш ва фойдаланиш мақсадлари аниқ бўлган категорияларни ўлкамиз табиатини муҳофаза қилиш учун ҳудудлар табиий хусусиятларига мос равишда тадқиқ этилиши, ўлкамиздаги табиий ландшафтлар муҳофазасини тўғри ташкил қилиш имкониятини беради. Бунинг учун ўлкамиздаги диққатга молик ва хўжаликда фойдаланилаётган барча ҳудудларнинг комплекс мониторинги ташкил қилиниши зарур бўлади. Мониторинг натижалари ҳулосасига кўра ландшафтлар муҳофазасини қай тарзда муҳофаза қилиниши белгиланиши ва коидалар, мақсад, вазифаларига оғишмай амал қилиниши мақсадга мувофиқ иш бўлар эди.

П.О. Саидов

Ўзбекистон Миллий университети ЗАМОНАВИЙ ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯНИНГ МУАММОЛАРИ

XXI асрга келиб деярли барча фанлар замонавийлик нуқтаи назаридан янгидан-янги вазифаларни ўз олдига қўймоқда, табиий география ҳам бундан мустасно эмас. Замонавий табиий географиянинг муаммолари қаторида биринчилардан бўлиб унинг ўрганиш объекти ҳисобланган географик қобик чегараларининг ноаниқлиги (тўғрироғи қарашларнинг турфа хиллиги), тадқиқот усуллари ва услубларининг тўхтовсиз такомиллашиб бораётганлиги, географик терминологиядаги чалкашликлар (бир хил объектни турли хил номлар билан ифодаланиши), табиий географик тадқиқотлар назарияси ва методологиясини шаклантиришга уринишларнинг кўплиги аммо, умумэътироф этилмаганлиги, табиий географиянинг дифференциаллашуви ҳамда тармоқ табиий географик фанларнинг географик асослардан узоклашуви (океанология,...), конструктив (амалий, фойдали) табиий географиянинг шаклантириш муаммолари ҳамда табиий географиянинг келажак истиқболларини белгилаш каби муаммолар қаторига Ўзбекистон учун хос бўлган бу борадаги тадқиқотларнинг ниҳоятда камлигини айтиб ўтиш ўринли.

Демак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, табиий географик тадқиқотлар назарияси билан шуғулланишга эҳтиёж бор. Ушбу масалалар умумий географиянинг бошқа фанлар ўртасидаги ўрнини

аниқлаштиришдан ҳамда уни фундаментал фанми ёки амалийми эканлиги аниқлаштиришдан бошламоқ лозим. Мазкур масалалар орасида яна бир муаммо - конструктив табиий географияни шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган мунозаралар мақоламизда кенгрок ўрин олгандир.

Кўпчилик олимлар фундаментал фанлар қаторига асосан тадқиқот усуллари нисбатан кенгрок қўлланиладиган фанларни киритишади. Географиянинг фалсафий масалалари билан шуғулланган олимлардан бири В.С.Лямин¹ географияни фундаментал фан, деб атаб уни қуйидагича исботлашга ҳаракат қилади. *Биринчидан*, фанлар асосан икки қисмга бўлинади: назарий (фундаментал) ва амалий. Назарий фанлар табиат ва жамиятда содир бўладиган жараён ва ҳодисаларнинг қонун ва қонуниятларини, турли тадқиқот объектларининг функциялари ва ривожланиш хусусиятларини ўрганса, амалий фанлар бу қонунларни қўллаш усулларини ишлаб чиқади. Фундаменталликнинг қирраси сифатида бу ерда турли объектларни тадқиқ қилишнинг назарий даражаси чиқади.

Фундаменталликни бундай ифодаси географияни кимё ёки физика каби фундаментал фан деб ҳисоблашга асос бўлади. *Иккинчидан*, фундаменталлик унинг моддий ишлаб чиқаришдаги аҳамияти билан белгиланади ва бу ҳолда тарихий аҳамият касб этади. Вақт ўтиши билан етакчи фундаментал фанлар қаторига илгари жамият ҳаёти учун унчалик аҳамиятли бўлмаган у ёки бу фан кириши мумкин. Бизнинг фикримизча эса табиий география худди ана шу нуқтаи назардан қараганда энг актуал фан ҳисобланади. Чунки, илмий-техника ривожланган, табиий жараёнлар инсоният ҳаётида муҳим аҳамият касб этган бир даврда, ресурслар тақчиллиги борган сари сезилаётган, табиий ҳалокатлар ўз вайронкорлиги билан инсонлар ҳаётига тажовуз қилаётган, инсониятнинг юз йиллар давомида яратган маданий бойликларини йўққа чиқараётган ХХІ асрда географияни, хусусан табиий географияни географик қобик доирасида содир бўлаётган жараён ва ҳодисаларнинг туб моҳиятини, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларни мазмунан очиб берадиган фундаментал фанлар қаторига ҳеч қандай иккиланишларсиз киритиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиёт:

1. В.С.Лямин. Философские вопросы географии. Изд. Московского университета. 1989.

М.Ж.Матчанов

Ўзбекистон Миллий университети ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ЖИХАТДАН ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Президенти И.Каримов,-«...ҳозирги кун давлатлар ва халқларнинг барқарорлигини таъминлаш учун янгича ёндошувлар излаб топишни, ХХІ аср арафасида хавфсизликни янгича моделларини ишлаб чиқишни тобора қаттиқ талаб қилмоқда»¹,-деган фикрларида миллий хавфсизликка алоҳида эътибор қаратади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам хавфсизлик тушунчасини таҳлил қилганда у атроф муҳит хавфсизлигига элтади ёки уни ўрнини экологик хавфсизлик олади². Экологик хавфсизликка эса мураккаб табиий географик жараён сифатида қараш лозим. Экологик хавф, уни келтириб чиқарувчи омилларга боғлиқ ҳолда, бир хил типологик ландшафтлар доирасида табиий географик қонуниятларга боғлиқ равишда турли даражада намоён бўлади. Бундан ташқари экологик хавф келиб чиқиши ёки экологик хавфсизликни таъминлаш ҳудудий (маҳаллий, миллий, регионал ва глобал) жиҳатдан

хам фарқланади. Н.Ф. Реймерс «экологик хавфсизликни глобал, регионал, маҳаллий ва шартли чегарада, шу ўринда давлатлараро чегарада ва ҳоҳланган бўлинмаларда қараб чиқиш мумкин. Фактик жиҳатдан у геосистемаларда (экосистемаларда) турли-хил иерархик даражада-биогеоценоздан (агро-урбоценоз) бутун биосферагача характерланади»³, деб ҳисоблайди. Л.А. Муравьянинг фикрича, глобал даражада экологик хавфсизлик бутун биосфера ва унинг таркибий қисмлари, регионал даражада-йирик географик ва иқтисодий зоналар, баъзан бир қанча мамлакатлар ҳудуди, маҳаллий даражада эса район, шаҳар, химия заводи... микёсида кўриб чиқилади⁴. Унинг бу фикрида экологик хавфсизлик ҳам иқтисодий, ҳам табиий географик таксономик бирликлар даражасида кўрсатилган. Биз экологик хавфсизликни ҳудудий хусусиятларини табиий географик жиҳатдан қуйидаги таксономик бирликларда кўриб чиқиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Маҳаллий даражада экологик хавфсизлик кичик табиий географик ўлкалар (округ, воҳа, водий ва ҳ.к.), кичик табиат комплекслари (ўрмон, қўл ва ҳ.к.) микёсида кўриб чиқилади. Маҳаллий даражадаги экологик хавфли вазиятлар водийларда азоналлик, воҳаларда зоналлик қонуниятлари таъсирида содир бўлади.

Ҳозирда экологик хавфли вазиятларни янги кўринишлари (*экологик терроризм, химиявий ва биологик терроризм, экоцид*) вужудга келмоқда⁵. Буларнинг таъсири муайян давлат, жамият ёки миллатнинг ҳаётий ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Бундай ҳолларда экологик хавфсизликни *миллий даражада* табиий географик нуқтаи назардан кўриб чиқиш ҳам муҳим аҳамиятга эга деб ўйлаймиз. *Миллий даражада* экологик хавфсизлик муайян давлатларда экотизимлар барқарорлигини таъминлаш бўлиб кичик табиат комплекслари-табиий географик зоналар микёсида ўрганилади.

Регионал даражада экологик хавфсизлик муайян минтақаларда экотизимлар барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган тадбирлар тизимини ўз ичига олиб, йирик табиат комплекслари, табиат зоналари, иқлим минтақалари, қитъа ёки материклар доирасида кўриб чиқилади. Баъзан экологик хавфли вазият муайян табиий географик ўлкада аммо, бир қанча давлатлар ҳудудида юзага келади. Хавф манбаси бир давлат ҳудудида бўлиб, табиий географик қонуниятлар таъсирида иккинчи бир давлатда кучли даражада намоён бўлади. Регионал экологик хавфсизликни таъминлашда табиий географик қонуниятларни ҳисобга олган ҳолда давлатлараро тадбирлар тизимини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Глобал даражада экологик хавфсизлик Ер юзасида экотизимлар барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган жаҳон ҳамжамиятининг фаолияти бўлиб, бутун географик қобик ва унинг таркибий сфералари таҳлил қилинади. Глобал микёсда бошқаришнинг асл моҳияти-биосферадаги организмлар мувозанатини таъминловчи атроф табиий муҳитни қайта тиклаш табиий механизмини сақлашдир.

Экологик хавфсизлик турли фан соҳалари томонидан тадқиқ қилинмасин хавфли вазиятлар содир бўлиши учун географик қобик макон вазифасини бажаради. Хавф кўлами табиий географик қонуниятлар таъсирида муайян ҳудудий бирликлар доирасидан чиқиб кетади. Бу эса экологик хавфсизликни таъминлашда бирламчи босқич уни табиий географик жиҳатдан кўриб чиқиш зарурияти мавжудлигини кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда замонавий табиий географиянинг вазифалари қаторида экологик хавфсизликни таъминлашни кўрсатиш асослидир деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1997.-6, 76.
2. Renat Perelet. Environmental Security Study. Institute for Systems Analysis Russian Academy of Sciences. <http://www.acunu.org/index.html>
3. Реймерс. Н.Ф. Природопользование. Словарь-справочник. –М.: Мысль, 1990.

4. Муравья Л.А. Экология и безопасность жизнедеятельности.-М.: ЮНИТИ, 2002.-128-130 с.

5. Соседова Ю.Е., Захаров А.В. «Экоцид в массиве уголовно-экологического законодательства: проблемы квалификации». fumana@mail.ru. Федоров А. «Трансформация терроризма. Супертерроризм» 2004. <http://www/carnegi.ru/ru/news/reports/67537.htm>

Ш.Пўлатов, А.Расулов

Тошкент Давлат Педагогика университети
АГРОЛАНДШАФТЛАР МАҲСУЛДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ АСОСЛАРИ

Қишлоқ хўжалик ерларини ландшафт-экологик нуқтаи назардан баҳолаш ҳозирги вақтда табиий муҳит ривожланишида, замонавий йўналишларини англашда муҳим аҳамият касб этади. Бундай ёндошувда ўрганилаётган объектнинг регионал хусусиятлари, геологик, геоморфологик асослари, агроиклим ва сув ресурсларидан фойдаланиш, тупроқ-ўсимлик қопламанинг зоналлик қонуниятига кўра таҳлил этилади ва баҳоланади.

Шундагина, ўрганилаётган объект ерининг яроқлилиқ даражасини баҳолашда яхлит ва системали натижаларга эришиш мумкин.

Мирзачўл шароитида ердан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш жараёни ўзига хос ва мураккаб. Хайдаладиган ерларда тупроқнинг дегумификация жараёнида, чириш, минераллашиш, гумус миқдорининг камайиши ва унинг сифатининг ўзгариши ҳолатлари юзага чиқади. Бу ўз навбатида, бу жараёнга қарши чораларни қўллашни талаб қилади.

Худудий баҳолаш табиий омилларнинг таҳлиliga боғлиқ бўлиб, каналлар ва гидротехник иншоотларнинг техник ҳолатини, қолаверса, ландшафтлардан фойдаланишда юз берадиган ноқулай иккиламчи жараёнларни ҳам ҳисобга олишни тақазо этади. Ернинг мелиоратив ҳолатини белгилайдиган кўплаб ва турли характердаги табиий омилларни баҳолаш лозим. Бу омилларга рельеф, грунт, тупроқ грунтнинг гидрогеологик ҳолати ва туз-сув режими киради.

Суғориладиган ерларда табиий компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги бузилганлиги боис, табиий мелиоратив комплекслар айрим ҳолларда табиий бўлинишларга тўғри келмайди. Суғориладиган ерларда грунт сувлари юқори қатламларда жойлашганлигидан уларнинг минераллашуви ва тупроқнинг сув-туз режими турлича бўлади.

Бу ўз навбатида бошқа табиий элементларга таъсир этади. Бу жараённи ойдinлаштириш мақсадида, худуднинг ландшафт картасидан ташқари, йирик масшабли геоморфологик, гидрогеологик, тупроқ-мелиоратив, инженер-геологик ва бошқа синтетик карталар маълумотларига таяниш лозим.

Мирзачўл шароитида табиий – мелиоратив комплексларни 3 гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Суғориш талаб этмайдиган;
2. Мунтазам суғориш учун яроқсиз;
3. Суғориш талаб этадиган ва суғоришга яроқли.

Ушбу гуруҳлаш метеорологик-геоморфологик принципларга, хусусан, табиий – географик ва мелиоратив жараёнлар динамикаси ва уларнинг антропоген ва техноген омиллар таъсири остида ривожланишига асосланади.

Суғориш талаб этмайдиган худудларга ўта нам ўтлоқ – тўқайли сегмент поймалар, ботқоқли ва қамишзорли аллювиал ўтлоқли тупроқлар, ажриқли қирғоқ олди

тўқайлари, ботқоқзорлар, эски кўл ва шўрхок илли-ботқоқли паст террасали ботиклар ва ажриқли, қамишли, торфли тупроқлар киради.

Мирзачўл шароитида қишлоқ хўжалик ерларини мунтазам суғориш учун унинг анчагина худуди ярқисиз ҳисобланади. Буларга шўрхок сув оқмайдиган ботиклар, кучли емирилган терраса қисмлари, тупроқ қатлами кам ривожланган тоғолди делювиаль-пролювиал қисмларга ажратилган шлейф худудлари кириб, бу табиий-мелиоратив комплекслар қулай вегетация шароитларидан холи ҳисобланади.

Суғориш учун ярқисиз худудларга қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришга қулай табиий комплекслар киради. Бу ерлар ўзлаштириш ва мелиоратив ҳолатига кўра турлича мураккаблик даражасига эгадурлар.

Турлича табиий шароит ўз навбатида турли хил инженерлик иншоотларини тақазо этади. Айниқса бу ҳол қишлоқ хўжалигида анча сезилади. Қишлоқ хўжалигидан фарқли ўлароқ, қурилиш соҳасида лойиҳа ишларининг кўп босқичлилиги, вақт омили, кўп сонли динамик ҳолатлар, кўп ҳажмли капитал маблағлар каби омиллар муҳим саналади. Бироқ худуднинг қишлоқ хўжалиги учун баҳолаш бирмунча мураккаб. Бунда нафақат қишлоқ хўжалик тармоқлари, балки унинг йўналишларини ҳам ҳисобга олиш муҳим. Масалан, худуднинг дехқончилик учун ўзлаштиришда маълум экин турлари, айрим ҳолларда унинг навини ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Чунки маълум экин тури ва унинг нави табиий шароитларга ўзига хос талаблар қўяди.

Табиий шароитларни иқтисодий баҳолашда уларнинг у ёки бу ишлаб чиқариш учун самарали ёки самарасизлигини аниқлашнинг сўмларда ифодаланган қиймати муҳим ҳисобланади. (Н. Баранский 1960). Бунда у ёки бу ландшафт маълум қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун ярқисиз ёки ярқисиз, ундан сўнг, унинг қулай ва қулай эмаслиги ҳақида ҳулосалар берилиши мақсадга мувафиқ. Ландшафтларни баҳолашда қишлоқ хўжалик фаолиятининг қайси соҳаси табиий шароитларга қандай талаблар қўйилишини ўрганиш ҳам диққатга сазовар. Агрогеографик тадқиқотлар соҳасида эрозия жараёнлари ривожланган худудларда бу омилга таъсир этувчи рельефни, иқлим ва худуддан қишлоқ хўжалик фойдаланиш характерини баҳолаш зарур бўлади. (С.И. Сильвестров, 1965).

Чордара сув омборининг тўлдирилиши Арнасой ботиғининг тошиши, Айдар кўлнинг ҳосил бўлиши Мирзачўл шимоли ва ғарбининг табиий – мелиоратив комплексларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Чордара сув омбори 5,7 млрд.м³ сувни ўзига сиғдиради. Майдони 1000 км² ни ташкил этади. Бу ўз навбатида Мирзачўл табиати ва хўжалигига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир этади. Сув омбори Сирдарё ҳавзаси худудида кўпчилик ер массивларини қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш имконини беради, Мирзачўлнинг янги ва эски суғориладиган худудларида сув билан таъминланишни яхшилайти, Қизилқумда 4 млн. гектардан зиёд майдонда яйловларни сув билан таъминлайди.

Шунинг билан бирга, сув омбори ўзининг атрофида, хусусан, Мирзачўлнинг шимоли-ғарбида ердан фойдаланишда бир қатор салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Чунончи, қирғоқ атрофи худудларда намликнинг ошиб кетиши, қирғоқларнинг емирилиши, қияликларнинг сурилиши ва шу кабилар.

Грунт сувларини кўтарилиши тупроқнинг шўрланишига олиб келмоқда. Буларнинг барчаси сув омбори атрофида ернинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашувига олиб келмоқда. Оқибатда тупроқнинг сув-туз режими интенсив тарзда сув омбори атрофининг 3-4 км масофасида ўзгариб бормоқда. Бу жараённи секинлатиш ва барҳам бериш мақсадида сув омбори қирғоқларининг 1-3 км атрофида икки ёки уч қаторли вертикал дренажлар барпо этиш ва бошқа хил гидро-мелиоратив қурилмалар, хусусан, 5-6 метр чуқурликда ётқизилган коллекторлар ёрдамида ортикча намликнинг йиғиб олиш ишларини ташкиллаштириш муҳим.

Мирзачўлни ўзлаштириш ва суғориш ишлари тажрибаси ердан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланишда ўзлаштириладиган ҳудудларнинг табиий мелиоратив ҳолатини чуқур ўрганишни, ернинг мелиоратив ҳолатини аниқлайдиган табиий омил ва компонентларнинг аналитик карталарини тузишни тақозо этиди. Қолаверса Мирзачўл шароитида кўриқ ерларнинг ўзлаштириш ишларида, энг аввало, гидромелиоратив иншоотлар қурилишини амалга ошириш, суғориладиган ерлар планировкаси, тупрок қопламанинг талаб этиладиган чуқурлигигача капитал яхоблаш; ирригацион канал ва суғориш участкалари орқали инфильтрация муаммоларини хал этиш; ҳудуднинг табиий – мелиоратив ҳолатига кўра тегишли дренаж типларини жорий этиш; суғориладиган ерларни ишлатишда ҳудуднинг табиий мелиоратив ҳолатига мувофиқ келадиган суғориш режимига риоя этиш тақозо этилади.

М.Раимов

**Тошкент Давлат Педагогика университети
ТОШКЕНТ ШАҲРИ ГЕОЭКОЛОГИК ҲОЛАТИНИНГ
ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ**

XX асрнинг иккинчи ярмидан инсоният олдида жуда кўп ҳамда мураккаб муаммолар вужудга кела бошлади. Бутун дунёни камраб олаётган ҳамда инсониятнинг бугунги куни ва келажигига хавф солаётган глобал муаммолардан бири экологик муаммодир.

Ҳозирги вақтга келиб Тошкент шаҳри экологик жиҳатдан ифлосланиш даражаси юқори бўлган шаҳарлар қаторига киради. Бунга эса шаҳар ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналари, транспорт воситаларининг ҳаддан зиёд кўпайиб кетиши, аҳоли сонини ортиб бориши, зичлиги, экологик инфраструктуранинг заиф ривожланганлиги сабабчидир.

Мавжуд манбалардан маълум бўлишича, Тошкент шаҳрининг экологик ҳолати 1960-йилгача нормал ҳолатда бўлган. Чунки, у вақтларда кўпчилик иншоотлар бир қаватли бўлиб, уларнинг атрофини яшил зоналар ўраб турган. Ирригация тармоқлари яхши ривожланган ва ариқларда истеъмол учун яроқли сувлар оққан. Шаҳар ҳудуди ва четларида ахлат уюмлари тўпланиб ётмаган. Бу шундан далолат берадики, аҳолининг экологик маданияти юқори бўлган. Соғлом ижтимоий муҳит шаҳарнинг табиий техноген экотизимини бир меъёردа ушлаб туришга ёрдам берган.

1966 йилда бўлиб ўтган Тошкент зилзиласи туфайли шаҳар бутунлай қайта қурилди. Шаҳарни қуриш учун собиқ Иттифоқнинг барча ҳудудларидан кўплаб турли хил миллат вакиллари кириб келди. Бунинг натижасида аҳоли сони ортиб борди. Аҳоли сонининг ҳаддан зиёд кўпайиши, айрим ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг жойлашганлиги, ишлаб чиқариш қувватини ошиши шаҳарни экотизим мувозанатини бузилишига олиб келди.

Кейинги йилларда Тошкент шаҳрида экологик муаммоларнинг чуқурлашувига қуруқ иқлим ҳам сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқариш тармоқларининг ҳамда транспорт воситаларининг ҳаддан зиёд ошиб бориши сабабли, атмосферанинг ифлосланиш даражаси ортиб бормоқда.

Қуриқликда яшовчи тирик организмлар учун энг аввало хаво зарурдир. Шаҳарда хавони энг кўп заҳарлаётган манбалардан бири автомобиль транспорти ҳисобланади. Мавжуд автомашиналар нормадан ортиқча заҳарли газларни чиқариб ташламоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, автомобиль газининг таркибида 200 хилдан ортиқ зарарли моддалар бор.

Ўзбекистон гидрометеорология хизмати марказининг 2005 йил октябр ойи маълумотида кўра, Тошкент шаҳри атмосфера хавоси таркибидаги зарарли

аралашмаларнинг максимал концентрациялари қуйидагиларни кўрсатди. Рухсат этилган меъёрнинг максимал қиймати (мг.куб м.): чанг-0,5, олтингугурт кўшокиди-0,5, азот кўшокиди-0,08, карбон оксиди-5, фенол-0,01 га тенг. Бироқ, назоратдаги ингредиентлар концентрациясининг ўртача миқдори октябр ойида қуйидагиларни ташкил этди: чанг 0,3-2,3 мг.куб м., карбон оксиди 0,4-0,9 мг.куб м., олтингугурт кўшокиди 0,3-0,8 мг.куб м., фенол 0,4-1,1 мг.куб м.

Тошкент шаҳрини метеорологик шароити шаҳар ҳаво ҳавзасида зарарли моддаларни тез тарқалиб кетишига имконият бермайди. Рухсат этилган меъёрнинг максимал қиймати (РЭМ) дан юқори бир кеча – кундузлик концентрациялар сони умумий кузатишлар сонига нисбатан юқори бўлди, бу эса атмосферанинг ифлосланишини паст тагмиқдор даражасига мос келади. Умуман, Тошкент шаҳрини об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3%ни ташкил этди.

Шаҳар ҳудудида бўлган сув ресурсларига техноген таъсир ҳам ошиб бормоқда. Шу билан бирга сувни ичимлик ва техник хожатларга ишлатиш ортиб бормоқда. Тошкент шаҳар ҳудудидаги сувларнинг ифлосланиши асосан ишлаб чиқариш ва маиший чиқиндилар ҳисобига содир бўлмоқда.

Тошкент шаҳрининг ҳудуди инсонлар тарафидан катта ўзгаришларга дучор бўлмоқда. Унинг табиий ландшафти, релефининг ўзгариши, гидрологик тармоғининг ўзгариб кетишига сабаб бўлмоқда. Шаҳар ҳудуди автотранспорт чиқинди газлари билан заҳарланиши бўйича юқори ўринда туради.

Шаҳар экотизимининг бузилиши аҳолининг касалланиш кўрсаткичи ошиб боришига олиб келади. Нафас йўллари, аллергия, онкологик ва ошқозон-ичак касалликлари ошиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Шунинг билан бирга ёш болалар орасида вирусли гепатит билан касалланиш ошган. Тошкент шаҳри ҳудудида касб касалликлари миқдори республика кўрсаткичидан 3 баробардан ортиқ. Тошкент шаҳри атрофидаги ҳудудларда пахта ва каноп каби техник экинлари етиштирилади. Уларнинг етиштирилишида заҳарли кимёвий воситалар ишлатилади. Улар ҳам шаҳар атрофи ва ўзида экотизимнинг бузилишига олиб келади. Умуман, Тошкент шаҳрида мураккаб экологик вазият юзага келган.

Тошкент шаҳрида урбанизациянинг ортиб бориши ва унинг оқибатида юзага келаётган иқтисодий муаммолар социал-экологик муаммоларга айланиб бораёпти.

Н.Р.Алимқулов

Тошкент Давлат Педагогика университети
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЛАНДШАФТ-ЭКОЛОГИК ШАРОИТИНИ
ЎРГАНИШНИНГ АСОСИЙ ИЛМИЙ НАТИЖАЛАРИ

Вилоят табиий географик шароитининг алоҳида таркиблари (компонентлари) ва умумий хусусиятлари ҳамда ландшафт-экологик шароити қатор олимлар томонидан ўрганилган ва муҳим илмий амалий натижалар олинган.

Вилоятнинг геологик тузилиши А.П.Марковский (1937), М.М.Посохова (1953), И.Х.Ҳамрабоев (1958), Г.А.Мавлонов (1958), В.А.Молодцов (1958), А.А.Юрьев (1962), Я.Б.Айсанова (1972)лар томонидан ўрганилган. Вилоятнинг тектоник тузилишини турли объектлар бўйича олимлар тадқиқ қилган бўлиб, Олой - Туркистон тоғ тизимида кирувчи вилоятнинг тоғли минтақаларини О.А.Рыжков (1962), А.А.Юрьев (1967), Ш.Д.Давлатов (1971)лар, Зомин, Молгузар ва Чумқортоғнинг структура элементларини О.А.Рыжков (1962), М.М.Посохова (1963), Т.Х.Дикенштейн (1963)лар, Нурота тоғлари Ш.Д.Давлатов (1971), Мирзачўл текисликлари, Нурота тизмасининг шимолидаги тоғ олди қисмлари О.А.Рыжков (1962)лар томонидан ўрганилган.

Вилоятнинг рельеф тузилиши М.А.Марковский (1937), М.М.Посохова (1951), А.А.Юрьев (1957,1962), О.А.Рыжков (1962)лар, тоғли ва тоғ оралиқ водийлари И.П.Герасимов (1937), Ю.А.Скворцов (1950), В.Ф.Ғафуров (1968)лар, Сангзор-Нурота водийси Н.А.Лосев (1957) ва бошқалар тамонидан ўрганиб чиқилган.

Вилоятнинг геоморфологик тузилишини Н.В.Васильковский (1935), Ю.А.Скворцов (1939), А.В.Ветров (1951), Н.А.Лосев (1957), В.И.Кучеряев (1970) лар тадқиқ қилишган.

Вилоятнинг иқлими А.А.Скворцов (1928), Б.А.Айзенштат (1952, 1958), Н.В.Смирнов (1953), Б.А.Алисов (1956), Л.Н.Бабушкин (1961), Е.Н.Балишев (1963)лар тамонидан, тупроқ ҳарорати Б.А.Айзенштат (1958), Б.Н.Балашев (1960), А.В.Хисамов (1965)лар, буғланишни Л.А.Молчанов (1960), Л.Н.Бабушкин (1959,1964, 1965)лар, халқ хўжалиги тармоқларининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи иқлим омиллари Е.Н.Балишев (1960), О.М.Челпанова (1963) лар тамонидан ўрганилган.

Н.А.Кенесарин (1959), А.Ф.Сляднева, К.Г.Ғаниева (1965), Х.Т.Тўлаганов (1971), А.Саидов, О.Ҳазратқулов (1974), Н.Б.Горелкин, А.М.Никитин (1976), В.Г.Бондарчук, А.Рафиқов (1976)лар вилоятнинг ер усти сувларини, А.И.Шевченко (1957), Борисов, С.М.Мирзаев (1971)лар вилоятнинг ер ости сувларини ўрганган. Туркистон тизмасининг шимолий қисмидаги грунт сувлари Х.Т.Тўлаганов (1971), Сангзор дарёсининг аллювиал текисликларидаги грунт сувлари А.С.Ҳасанов (1960,1968), Х.Т.Тўлаганов (1969), ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиш даражаси, аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиш муаммолари Р.Эшонқулов, М.Позиллов, А.Т.Норов, У.Холбоев (2004) лар тамонидан тўлиқ тадқиқ қилинган.

Вилоятнинг тупроқ қатлами М.А.Панков (1962), М.А.Риш (1965), А.З.Генусов, Б.В.Горбунов, Н.В.Кимберг (1982)лар, шўрхокли ботиклар ва Қизилкумнинг вилоят худудидаги тупроқлари А.Н.Розанов (1948) М.А.Панков (1962)лар; тоғ олди текисликлар тупроқлари М.А.Панков (1962); баланд тоғ олди текисликлари ва Сангзор дарёсининг юқори терассалари тупроқлари Н.В.Кимберг (1938), Г.А.Лавронов (1959), О.А.Рыжков (1959), А.Саидов (1972), О.Комилов (1976)лар, Сангзор дарёси қуйи терассалари тупроқлари О.А.Рыжков (1959); паст тоғлар тупроқлари Н.А.Буцков, Н.Т.Муравьева (1965)лар; тоғли худудлардаги дарёлар ҳавзаси тупроқлари Н.В.Кимберг (1938), Ю.А.Ливировский (1949), Г.И.Ройченко (1960), М.М.Абдуллаев (1965)лар; тоғларнинг сувайирғич қисмларининг денудацион кўтарилмаларидаги тупроқлар Н.А.Буцков, Н.Т.Муравьева (1965), М.Маҳмудов (1962) лар тамонидан ўрганилган. Л.А.Алибеков, С.А.Нишонов (1978) тамонидан вилоят тупроқларининг тўла тавсифи берилган. Улар тамонидан қуйидаги тупроқ турлари ажратилган: шўрхок ботиклар тупроғи; тоғ олди ясси текислик тупроқлари; баланд тоғ олди текисликлари ва Сангзор дарёсининг юқори ва қуйи терассалари тупроқлари; паст тоғларнинг тўқ бўз тупроқлари; ўртача баландликдаги кучли парчаланган тик ёнбағирли тоғларнинг жигарранг тупроқлари; сув айирғичлардаги оч-қўнғир тупроқлар. Шунингдек, Жиззах вилоятининг тупроқлари В.Е.Сектименко, А.Ж.Исмонов (2005), вилоятнинг суғориладиган тупроқларнинг сув-физик ва технологик хоссалари Р.Қурвонтоев (2005), вилоятнинг суғориладиган тупроқларининг кимёвий ҳолати, физик кимёвий хоссалари ва уларни суғориладиган деҳқончилик таъсирида ўзгариши М.М.Тошқўзиёв, Э.А.Зиямухамедов, А.Ахатов (2005), вилоят тупроқларининг мелиоратив ҳолати А.У.Ахмедов, С.А.Абдуллаев, Ғ.Т.Парпиев (2005), вилоят суғориладиган тупроқларида озуқа элементларининг миқдори ва уни тупроқ шароитига боғлиқ ҳолда ўзгариши Ж.Сатторов, А.А.Каримбердиева (2005), вилоятнинг асосий суғориладиган тупроқлари ва унда етиштирилаётган ғўза таркибидаги кальций ва магнийнинг ўзгариши Ё.Қулмуродова (2005), вилоятнинг суғориладиган тупроқлардаги поллютантлар миқдори Х.Т.Рискиева, М.Мирсодиқов (2005), вилоятнинг суғориладиган тупроқларининг сифат

бахоси Р.Қ.Қўзиев, А.Ю.Йўлдошев, Ш.М.Бобомуродов, Н.Ю.Абдурахмонов (2005) лар томонидан ўрганилган.

Вилоятнинг ўсимлик дунёси М.Г.Попов (1960), А.Д.Ли (1965), И.Ф.Момотов (1965), П.К.Зокиров (1969,1971), Е.М.Демурина (1975) лар томонидан тадқиқ қилинган. Ўсимлик қоплами Л.А.Алибеков, С.А.Нишонов (1978)лар томонидан ҳам тўла ўрганилган ва уларнинг ҳудудий тавсифи берилган.

Вилоятнинг ҳайвонот дунёси қуйидаги олимлар томонидан ўрганилган: шўрхокли текисликлар ва Қизилқум чўлининг ҳайвонот дунёси Павленко (1962), тоғ олди чўлли минтақаларнинг ҳайвонот дунёси Яхонтев, Давлетшин (1962), Сангзор дарёси ҳавзаси ҳайвонот дунёси Г.И.Ишунин, Х.С.Салихбоев (1963)лар томонидан ўрганган.

Вилоятнинг ландшафтларини ўрганишга Н.А.Гвоздецкий (1963, 1971, 1973) Л.А.Алибеков, С.А.Нишонов (1978), П.Баратов (1996), А.Рафиқов (2003) ва бошқалар ҳисса қўшганлар.

Ер ости ва ер усти сувлари ва уларнинг муҳофазаси Л.А.Алибеков, С.А.Нишонов (1978), Р.Эшонқулов, М.Позилов, А.Т.Норов, У.Холбоев (2004) лар томонидан тўлиқ ўрганиб чиқилган.

З.Бекманова

Тошкент Давлат Педагогика университети

ҚОРАҚОЛПОҒИСТОННИНГ ЛАНДШАФТ – ЭКОЛОГИК ШАРОИТИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИ

Қорақолпоғистон ландшафтларини ўрганиш XX асрнинг иккинчи яримидан бошлаб ривожланди. Ҳудуд ландшафтлари, экологик шароитини ўрганиш мақсадида олиб борилган изланишлардан диққатга сазоворлари В.В. Фёдоров, Л.Н.Никифоров, Л.А.Гибет, О.Н.Казакова, В.И. Лимарьёв. Н.А.Когай, Л.Н.Бабушкин, В.А.Попов, И.П.Герасимов, Н.Ф.Глазовский, А.А.Рафиқов. А.Ўразбоевларнинг илмий изланишларидир.

1950 йилларда В.В. Фёдоров Қуйи Амударёни агромелиоратив жихатдан районлаштиради. У бу ҳудудни икки ландшафт турига ажратади. Булар: Орол бўйи дельтаси ва Ақчадарё дельтаси билан бирга Хоразм воҳаси.

1956 йилда Л.Н.Никифоров ва Л.А.Гибетлар Амударё дельтасининг овчилик ерларини ўрганишади ва бу ҳудудларда хариталаштириш ишларни амалга оширишади. Улар бу ҳудудни 75 та урочищега ажратишган. О.Н.Казакова (1960) эса битта ландшафт тури сифатида қарайди. Лекин у Амударё бўйида 7 та урочище типини ажратади. О.Н. Казакова Орол бўйи қирғоқларида 7-та ландшафт типини, Орол денгизи қирғоқларида иш олиб борган В.И. Лимарьёв бу ҳудудда 6-та ландшафт типини ажратади.В.И. Лимарьёв Амударё дельтасини эса О.Н.Казакова каби битта ландшафт типи деб қарайди. В.П.Костин (1962) эса Амударё дельтасида 4-та ландшафт типини ажратган.

Л.Н.Бабушкин, А.Н. Когайларнинг (1964г) монографиясида Қорақолпоғистон Устюрт ва Қуйи Амударё округларига ажратилади. Улар бу округларнинг географик хусусиятларига таъриф бериш билан бирга ландшафтлари тўғрисида ҳам маълумотлар беришган. Уларнинг фикрига кўра, Устюртдаги ландшафтларнинг ривожланиши қаттиқ иқлимий шароитда рўй берган. Қуйи Амударё ландшафтларини эса келиб чиқишига кўра автоморф , гидроморф ландшафтлар деб қарашади.

Н.А.Когай ва Ш.С. Зокиров (1983) Амударё дельтасида 14-та ландшафт типини кўрсатишади ва шу билан бирга ландшафтлар динамикасини ҳам кўриб чиқишади.

В.А.Поповнинг Амударё дельтаси ландшафтларини ўрганишдаги роли ниҳоятда катта. У ландшафтларни тадқиқ қилиш тарихида биринчи марта, уларни морфологик

даражада, яъни фация, урочище, жой даражасида ўрганишга ҳаракат қилган. В.А.Попов дельтада олиб борган тадқиқотлари натижасида “Проблема Арала и ландшафты дельты Амударьи” (1990) монографиясини ёзади. Монографияда ландшафт морфологик тузилишининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар, ландшафтлар динамикаси тўғрисида маълумотлар берган.

Инсоннинг атроф муҳитга таъсири геосистемаларда турли даражадаги ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Инсонларнинг хўжалик фаолияти таъсирида ўзгарган ландшафтлар, ландшафтларга инсонларнинг таъсир даражаларини ўрганиш ва баҳолаш борасида худудда бир қатор олимлар изланишлар олиб боришган. И.П.Герасимов, Н.Ф.Глазовский, А.А.Рафиқов. А.Ўразбоевларнинг ишлари диққатга сазовардир

Н.Ф.Глазовскийнинг “Проблема Аральского моря» (1969) монографиясида дельтада атроф муҳитнинг ўзгариши тўғрисида маълумотлар берилган.

1976-1980 йилларда академик И.П.Герасимов раҳбарлигида инсоннинг атроф муҳитга таъсирини ўрганиш мақсадида изланишлар олиб борилди. Орол денгизининг қуриш сабаблари, денгиз сатҳи пасайишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини баҳолаш, бу салбий оқибатларга қарши чора тадбирлар кўриш каби денгизнинг қуриши билан боғлиқ бўлган бир қанча муаммолар ўрганилди. Шунингдек, фақат денгизнинг қуриши билан боғлиқ салбий оқибатлар эмас, балки уни сақлаб қолиш имкониятлари тўғрисида ҳам фикрлар билдирилди. Орол бўйидаги экосистемаларнинг ва табиий шароитнинг ўзгариши бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Амударё қуйи қисмида табиий шароитнинг ўзгариши ва денгизнинг қуриши тўғрисида А.А.Рафиқов ва Г.Ф.Тетюхин «Снижение уровня Аральского моря» (1981) китобида маълумотлар беришган.

З.М. Акрамов, А.А. Рафиқовларнинг «Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря» (1990) монографиясида Орол денгизининг 1961 йилгача бўлган даврдаги гидрологик ҳолати, унинг экологик ва ижтимоий –иқтисодий аҳамияти каби маълумотлар билан бирга, Орол денгизи қуриши натижасида геосистемаларда рўй бераётган ўзгаришлар тўғрисида ҳам маълумотлар беришган.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. В.А. Попов «Проблема Аральского моря и ландшафты дельты Амударьи». Ташкент: Фан, 1990, 112 стр.
2. З.М. Акрамов., А.А. Рафиқов. «Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря». Ред. Н.А. Криваносова. – Т.: Мехнат, 1989- 144стр.
- 3.Л.Н.Бабушкин., А.Н.Когай «Вопросы географического районирования Средней Азии и Узбекистана» 1964.
4. А.А. Рафиқов., Г.Ф. Тетюхин. «Снижение уровня Аральского моря» Ташкент, «Фан», 1981.

А.Н.Низматов, Л.А.Тўхтаева

Ўзбекистон Миллий университети

МУРУНТОВ КЕНИ РЕЛЬЕФИНИ ГЕОГРАФИК ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Мустақил Ўзбекистон Республикаси иқтисодий салоҳиятини белгилаб берувчи икки халқ хўжалиги тармоғи, яъни аграр ва тоғ-кон саноати унинг «устуни» вазифасини ўтайди. Бу иккала соҳа республика молиявий потенциалининг 70 фоизини, меҳнатга яроқли аҳолининг эса 60 фоизидан ортиғини иш билан таъминлайди. Лекин, мутахассисларнинг хисобларига кўра¹ айнан ушбу хўжалик тармоқлари атроф табиий

мухит ҳолатига энг кўп таъсир қилаётган экан. Шунинг учун ҳам ушбу соҳаларни эко-геоморфологик жиҳатдан баҳолаш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот мақсадимиз - Ўзбекистон тоғ-кон саноатининг етакчи корхоналаридан бири Навоий тоғ-кон металлургия комбинатига тегишли бўлган Мурунгов конида техноген рельеф шакллари пайдо бўлиши ва ривожланишини замонавий географик инфор­мацион технологиялар(ГИТ)дан фойдаланган тарзда баҳолаш. Умумий географик тадқиқотлар кўла­мида ГИТдан фойдаланиш аксарият ҳолларда геоморфологик нуқтаи назардан қаралмоқда². Чунки Ер юзаси рельеф шакллари­нинг худудий тарқалиши ва уларнинг даврий ўзгаришларини баҳолашда ушбу замонавий технология жуда кўл келмоқда. ГИТ масофадан туриб зондлаш ва унинг рақамли маълумотлари асосида турли хил картографик, технологик ва дастурий-инфор­мацион ишларни олиб бориш имкониятини бермоқда.

Тадқиқот объектини ГИТ асосида баҳолаш бизларга Мурунгов конида юзага келаётган рельеф шакллари­ни фазовий географик моделини яратишда жуда кўл келади. Бу усул рельеф шакллари­га тегишли бўлган уч ўлчамли фазовий кўринишдаги рақамли маълумотларни олиш ва конга тегишли бўлган юзанинг картларини тузишда хизмат қилади. Олинган маълумотлар Мурунгов рангли метал конида юзага келаётган кўйидаги рельеф шакллари­ни сон ва сифат жиҳатдан баҳолашга имкон яратди.

Аввалам бор, Мурунгов конининг ўзига тегишли бўлган кучли парчаланган ва тубдан техноген ўзгарган рельеф шакли ажратиб олинди. Ҳозирги кунда унинг майдони 1210 гектарга тенг бўлиб, унда экзоген жараёнлардан кўчки, чуқурлатма эрозия, сурилма, чўкиш кабилар U-симон кўринишдаги техноген мезорельефни микрорельеф даражасида шаклланишига олиб келмоқда. Умумий кон майдонининг 60 фоизини ташкил қилган *ўрта даражада техноген ўзгарган* рельеф шакллари - терриконлар «ой ландшафти» кўринишига эга бўлиб, уларда геодинамик жараёнлардан дефляция, гравитацион ҳаракатлар натижасида юзага келган сурилмалар, оқма ва вақтинча оқар сувларнинг иш фаолияти натижасида юзага келган эрозион «қувирлар» микрорельеф шакллари­ни ривожлантирмоқда. Юқорида айтиб ўтилган икки техноген рельеф шакллари оралиғида ташландиқ оқава сувлар туфайли юзага келаётган ва нисбатан кам парчаланган эрозион-аккумулятив жараёнларга тегишли, динамик нуқтаи назардан эса фаол экзоген жараёнлар табиий-антропоген рельеф кўринишлари 156 гектар ер майдонида учрайди. Буларнинг барчаси Мурунгов кони худудидаги техноген ландшафтларнинг геоэкологик тоифадаги чора-тадбирлар кўламини маҳаллий рельеф шароити нақтаи назардан ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Национальный доклад «О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан».- Т.: Госкомприрода, 1998.-103 с.

2. Востокова Е.А. и др. Экологическое картографирование на основе космической информации. – М: Недра. 1988. – 223 с.

Ш.М.Шарипов

Ўзбекистон Миллий университети

ИНСОНЛАРНИНГ ТАБИАТГА НИСБАТАН МУНОСАБАТ ШАКЛЛАРИ ВА ДАВРЛАРИНИ АЖРАТИШ

Бугунги кунга келиб инсоннинг табиатга таъсири жуда ҳам ортиб кетдики, минг йиллар давомида барқарор бўлган экологик мувозанат ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб бузила бошлади ва турли хил экологик муаммолар келиб чиқмоқда. Шу

боисдан турли фан ва соҳа вакиллари ўз мақсадларидан келиб чиқиб, ушбу муносабатни турли шакл ва даврларга ажратиб тадқиқ этмоқдалар, шу жумладан географлар ҳам.

Кўпгина географлар (В.В. Докучаев, М.И. Будико, А.Г.Исаченко, В.С. Преображенский, Ф.Н.Мильков, А.А. Рафиқов, П.Н.Фулумов, А.Н.Ниғматов ва бошқалар) ушбу муносабатни тадқиқ этишган. Уларнинг кўпчилиги муносабат шакллари ва даврларини ажратишда К.Маркс томонидан таклиф этилган даврларни асос қилиб олишган. К.Маркснинг ушбу ижтимоий – иқтисодий формацияси жамият тараққиёти тарихини даврларга ажратишда жамиятнинг табиатга нисбатан муносабатини эмас, балки ишлаб чиқариш муносабатларини ривожланиши асосида ишлаб чиқилган тарихий материализм формуласидир, яъни “Технократик концепция”дир. (Горелов А.А. 2002).


Бизнингча, юқоридаги кўпчилик олимлар ажратган даврларда яъни ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг алмашилишида инсонларнинг табиатга нисбатан муносабати ҳар доим ҳам ўзгаргани йўқ. Шу нуқтаи назардан ушбу даврларни ажратишда А.Н.Ниғматовнинг (2004 й.) фикрига қўшилган ҳолда 5 та даврни ажратдик. Адабиётларга таянган ҳолда ушбу муносабат шакллари ва давом этган даврларини қуйидагича белгиладик:

1. Оддий муносабат шакли. Бундан 3,5 миллион йил илгари пайтдан - мил. ав. 12-минг йилликгача .
2. Оддий – иқтисодий муносабат шакли. Мил.ав. 12- минг йилликдан милоднинг XIX асрини бошларигача .
3. Иқтисодий муносабат шакли. XIX асрнинг бошларидан 1960 – йилларгача.
4. Иқтисодий - экологик муносабат шакли. 1960 йиллардан ҳозирги кунгача.
5. Экологик муносабат шакли. Тахминан XXI аср 2-ярмидан.

Табиатга таъсир борган сари кучли бўлиб, даврлар бўйича тез ўсиб бормоқда, бунга албатта меҳнат қуролининг такомиллашиши, аҳоли сонининг тез ўсиши, даврларнинг борган сари қисқариши ва ер юзасининг ўзгармас эканлиги сабаб бўлади. Юқоридаги даврларда инсонларнинг геосистемаларга таъсир даражасининг ортиб бориши график орқали ифодаланади:

$$A=KД^2 ;$$

T – таъсир; A- аҳоли сони; Д – даврлар; K- $\frac{1}{149,2 \text{ млн. кв. км}}$ ўзгармас сон.



1-жадвалдан ва тўпланган маълумотлардан фойдаланиб юқоридаги даврлар бўйича инсонларнинг табиатга, тўғрироғи табиат компонентларига таъсирининг

Ўзгариб бориши Ўзбекистоннинг 1:5000000 масштабдаги картасида кўрсатилади. Ўзбекистоннинг табиий географик округларига бир жойга тегишли диаграммалар ва сифатли ранг усулида таъсирнинг ўзгариб бориши берилди:

Табиат компонентларига таъсирнинг ортиб бориши

Табиат компонентлари	Даврлар				
	Оддий	Оддий-иктисодий	Иқтисодий	Иқтисодий-экологик	Экологик
Рельеф		1	2	4	5
Тоғ жинслари		1	2	3	5
Тупроқ		1	3	4	5
Ўсимлик	1	2	3	4	5
Ҳайвонлар	1	2	3	5	5
Иқлим			3	3	5
Сув		1	3	4	5

1-кучсиз; 2-кучли; 3-жуда кучли; 4-жуда кучли, лекин тежамкор; 5-қайта тиклаш, муҳофаза қилиш.



7 хил рангда табиат компонентлари ифодаланиб, 1-жадвалдаги маълумотлар тегишли рангларга қўйилади.

Адабиётлар

1. Арустамов Э.А. Природопользование. М., «Дашков и К», 2002 г., 276 стр.
2. Горелов А.А. Экология. М., «Юрайт», 2002 г., 312 стр.
3. Мильков Ф.Н. Общее землеведение. М., «Высшая школа» 1990 г., 335 стр.
4. Ниғматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳукуқи., Т., «ТДЮИ», 2004 й. 320 б.
5. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар. Т., «Ўқитувчи», 1997 й., 117 б.
6. «Ўзбекистон тарихи» Т., «ЎАЖБНТ» маркази, 2003 й., 675 бет.

Р.Юсунов

**Ўзбекистон Миллий университети
ЭКЗОГЕН ЖАРАЁНЛАРНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ТАРИХИДАН**

Ер юзаси рельефини ва у билан боғлиқ табиий комплексларни ўзгартирувчи иккита реал куч мавжуд. Булардан бири *эндоген* ва иккинчиси *экзоген* кучлардир. Экзоген жараёнлар(ЭЖ)ни ҳаракатга келтирувчи манба куёш энергияси билан гравитация ҳодисасидир. ЭЖнинг сув оқими билан боғлиқлиги ҳақидаги илмий таълимотни ватандошимиз Абу Райҳон Беруний яратган¹. У Амударё ва Сирдарёнинг сув оқими таъсирида Қорақум ва Қизилқум чўллари, Турон пасттекислиги худудлари пайдо бўлганлигини айтган. Абу Райҳон Беруний дарёдаги чўкинди ётқизикнинг катталиги шу дарёдаги сув оқимининг тезлигига тўғри пропорционал эканлигини исботлади ва унинг математик ифодасини ишлаб чиқди. Бу ғоя кейинчалик фанда *Беруний қонуни* деб аталадиган бўлди. Қонуннинг математик ифодаси

$$V_k \sqrt{15qd + 6q} \text{ (мм/сек)}$$

кўринишига эга. Бу ерда V–сув оқимининг тезлиги, q–оқим тезлигининг кучайиши, d–заррачалар диаметри (мм ҳисобида). Ҳозиргача ушбу формула ўз кучини фанда йўқотгани йўқ.

Доимий ва вақтинча оқар сувларнинг ювилиш ва емирилиш жараёнларини юзага келтиришдаги аҳамиятига илк бор В.В.Докучаев¹ илмий жиҳатдан ёндашиб, у қадимги (сой ва дарё водийлари) даврларда чизикли емирилиш эволюциясининг назарий хулосаларини илгари сурди. В.А.Кипрянов, И.К.Леваковский, П.А.Костичев, С.С.Соболевлар эса жарларнинг ўсиши унинг ўзанига нисбатан қарама-қарши томон кечишини исботлаб берадилар².

Ўзбекистон ҳудудида П.Н.Ғуломов³ ЭЖ бўйича районлаштириш схемасини Қуйи Зарафшон водийси мисолида ишлаб чиқди. Ю.А.Мешеряков⁴ эса ЭЖнинг кечуви зоналлик қонуниятларига, яъни жойнинг иқлим шароити-радиация баланси, намланиши, атмосфера ҳавоси циркуляцияси, иқлимий биокимёвий жараёнларга тўғри пропорционал эканлигини исботлаб берди.

Р.А.Ниязов бошчилигида⁵ сурилма, сел ҳодисаларининг содир бўлиш омиллари ва олдини олиш чора-тадбирларига оид илмий тадқиқотлар олиб борилди. Улар Ўрта Осиёда ЭЖ тарқалиш қонуниятларига кўра регионал аҳамият касб этишини исботлаб беришди.

Бизнинг тадқиқотларимиздан шу нарса маълум бўлдики⁷ ЭЖдан сурилмаларнинг 50%, эрозион ҳодисаларнинг 70 % дан ортиғи, чўкиш ва ўпирилишларнинг 90%, сел ҳодисаларининг ўртача 7% турли хўжалик объектларини қуриш ва фойдаланиш даврида содир бўлар экан. Тоғли ҳудудларда Уларнинг асосий қисми хўжалик объектларига боғланган тарзда кечмоқда

В.Б.Гуссак, Х.М. Маҳсудов, А.Н. Нигматовлар тупроқ эрозиясига оид 18 та диагностик белгилар уларни тўлиқ таснифлаш учун асос бўла олишини исботлаб беришди⁷.

Геоморфологик комиссиянинг ЭЖга бағишланган бир қатор мажлисларида (Киев, 1968; Қозон, 1978, 1988) унинг геодинамикаси, атроф-муҳит муносабатини миқдорий таҳлиллаш, баҳолаш, бошқариш методлари ва башоратлаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди: ЭЖ ни регионал ва глобал миқёсда умумлаштириш ва таҳлил қилиш; ЭЖни қайд қилиш (инвентаризациялаш) ва каталогларини тузиш ишларида сифат тавсифларнинг устуворлигини таъкидлаш; миқдорий кўрсаткичларни замонавий жиҳозлар билан аниқ ўлчаш; ЭЖни ҳосил қилувчи омилларнинг назария ва методологиясини янада ривожлантиришга эришиш⁸.

Хулоса қилганда ЭЖ гарчанд табиий географик жараёнлар туркумига кирсада, уларни тадқиқ қилиш ва унга оид қонуниятларни очиб беришда барча табиий фанлар вакиллари катта хисса қўшганлар. Лекин унинг ечилмаган масалалари жуда кўп ва у ҳақда барқарор ривожланиш концепциясига тегишли бўлган барча халқаро анжуманларда таъкидлаб ўтилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Докучаев В.В. Способы образования речных долин Европейской России /Избр. труды.- М.-Л.; Изд-во АН СССР, 1949.- 322 с.

2. Соболев С.С. Развитие эрозионных процессов на территории Европейской части СССР и борьба с ними. . Т.1.- М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1948. 305 с; Т.2.-М.: Изд-во АН СССР, 1960.

3. Гуломов П.Н. Опыт классификации физико-географических процессов для целей сельского хозяйства.//Известия. Узб геогр. о-ва. -Т., «Фан», 1968, С.120-124.

4. Мешеряков Ю.А. О теории экзогенных процессов // Современные экзогенные процессы рельефообразования. -М.: «Наука» 1970 С. 15-23.

5. Ниязов Р.А., Мирасламов М.М., Пушкаренко В.П., Саидова С.Р. Экзогенные процессы и обоснование защиты горных территорий Узбекистана. –Т., «Фан». 1986. -

134 с.; Экзогенные процессы и обоснование защиты горных территорий Узбекистана. Т., Фан, 1986, 134 с.

6. Юсупов Р. Табиий географик жараёнларни ўрганишда тизимли ёндошув.//Географик экология ва табиатдан фойдаланиш муаммолари. (илмий тезислар). -Т., 1999. ТошДУ. Б.28-30.

7. Нигматов А.Н. Овражная эрозия и техногенно-нарушенные земли Узбекистана: экологические, сельскохозяйственные и правовые аспекты их мелиорации и рекультивации.-Т.:Академия МВД РУз, 1996.-138 с.

8. Экзогенные процессы и окружающая среда.- М.: Наука, 1990,- 233 с.

А.Б.Искендеров, М.Я.Раджапов, Д.К.Низекеев

Нукус Давлат Педагогика институти

МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАРНИ ИНЖЕНЕР-ГЕОГРАФИК ЖИХАТДАН БАҲОЛАШ МУАММОСИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Назарий ва методологик инженерлик-географик тадқиқотлар техноген ландшафтшунослик соҳасида янги илмий-йўналиш ҳисобланади. Бир шаклдан бошқа шаклга ўтадиган ландшафтларда ва жараёнларда шаклландиган техноген ландшафтлар ажралмайдиган бир-бирига боғлиқ ўзига хос тузилишга, миқдорга ва хусусиятга эга литогенлик асосдаги ландшафтлар билан боғлиқ бўлади. Тоғжинсларининг кўринишдаги миқдорини, ҳолатини ва хусусиятининг ўзгариш қонуниятларини ўрганиш ва литогенлик асосдаги тузилишига эга ландшафтларнинг шароитининг шаклланиши ҳар хил турдаги техноген ландшафтларни инженерлик географик жиҳатдан рухсат этилган ҳолда шакллантириш муҳим. Шунинг учун ушбу литогенлик асосдаги ландшафтларни ўрганиш учун тадқиқот ишларини кенгайтириб чуқурлаштириш зарур. Фойдаланиш учун муҳим услубларни такомиллаштириш асосида янги асбоб-жиҳозлар яратиш ва литогенлик асосдаги ландшафтларни ўрганиш услуб ва усулларини мукамаллаштириш керак. Инженерлик геологияда, грунт механикасида, тоғ-геомеханикасида, қурилиш механикасида қўллаган услублар ишлаб чиқилган усулларни ўрганиш, табиий оқмонларни баҳолаш ва башорат қилишни халқ хўжалигининг ҳар хил соҳаларига мослашган ҳолда ўрганиш муҳим. Ушбу услублардан инженерлик география фанида фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистонда амалий ва инженерлик географиясини вужудга келиши ва ривожланишига А.А.Рафиков (1970, 1984, 1995), Х. Вахобов (1997, 1998, 1999, 2001, 2003), Абдулқосимов А.(1966), Акрамов З.М. (1965, 1973), Пославская О.Ю. (1981), Бабушкин Л.Н. ва Когай Н.А. (1964), Ғуломов П.Н. (1982), Алибеков Л.(1993), Нигматов А.Н.(1994) ва б. ҳисса қушишди. Мазкур олимларнинг ишлари туфайли Ўзбекистонда мелиоратив география (Рафиков ва бошқалар), антропоген ландшафтшунослик (Абдулқосимов ва бошқалар), геоэкология (Акрамов, Рафиков, Когай, Бабушкин, Пославская, Нигматов, Ғуломов, Нишоннов, Алибеков, Максудов, Зокиров, Уразбаев, Собитова ва бошқалар) ва тоғ-кон ландшафтшунослиги (Вахобов) янада ривожланди.

Ҳар хил лойиҳаларни экспертиза қилиш табиий географиядаги инженерлик йўналишининг бир соҳаси ҳисобланади (Космачев, 1978. Зконкова). Инженерлик услублар билан қайта ишлаб башорат қилиш табиий географиядаги энг оз сонли ишланган ишлар билан боғлиқ бўлади.

Ландшафтларнинг ўзгаришларини аниқлаш ва литогенлик асосидаги ландшафтларда янги техноген ландшафтлар шаклланиши учун чегарасидаги табиий-механик таркибининг ўзгаришини ўрганиш зарур.

Янги табиий-техноген системалардаги ландшафтларнинг ўзгаришида ва шаклланишида алоҳида қатламдаги литогенлик асосдаги ландшафтлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ҳар йили 100 млн. Т. Га яқин ҳар хил чиқиндилар вужудга келади. Уларнинг умумий ҳажми 2-млрд.т.ни ташкил этади. Шунинг катта қисми (1.3-млрд.т.) тоғ бойитиш ва қайта ишлаш мажмуаларига тўғри келади.

Инженер-географик башоратлашни техноген ландшафтшунослимда қуйидаги йўналишларда амалга оширмақ керак:

-тоғ саноат қатламлари ва ландшафтларининг шакллаишини башорат қилиш. Ушбу тип башорати сифатли ва сифатли-санокли хусусиятидаги ташишга боғлиқ, асосий анализ конни ўзгартириш босқичида, менерал хомашёни ўндириш ва қайта ишлаш ҳажмида кузатилади;

-ландшафтлар барқарорлигини башоратлаш ишлари услубларида қиялик барқарорлик ҳисоби асосан инженерлик иншоотларда бўлади;

-функционал тоғ-саноат ландшафтлари башоратланганда, башорат вақтида функционал ва бир шаклдан бошқа шаклга ушбу ландшафтлар ўзгаради.

Т.И.Рахимов

**Тошкент вилоят Давлат Педагогика институти
АНГРЕН АТРОФИДАГИ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ҲОДИСАЛАР**

Сурилма ҳодисалари Ангрэн шаҳри атрофида яъни Охангарон дарёсининг чап қирғоғи худудида кўп кузатилади. Бунинг яққол мисоли 1991 йил 4 май кундан Жигаристон сурилмасидир. Бунинг оқибатида бир неча ўнлаб ховли-жой, ва одамлар тупроқ остида қолиб кетди.

Сурилмаларнинг ҳосил бўлишида ўша жойнинг қандай тоғ жинслардан тузилганлиги, уларнинг қалинлиги, намланиш даражаси, ёнбағирликларнинг қиялиги ва бошқалар муҳим рол ўйнайди. Ангрэн атрофидаги сурилмалар тўғрисида 1987 йил феврал ойидаги «Комсомольская Правда» газетасида каттагина мақола ёзилган. Ҳозирги пайтда жуда катта хавф туғдираётган сурилма Турк сув омборининг чап соҳилида, улар 300-400 метр узунликда зина шаклини ҳосил қилиб пастга йўналган. Ҳар қайси зина ораси 3-4 метрни ташкил қилади. Навгарзон сойининг ҳар икки томонида ҳам сурилма ҳодисалари кузатилади.

Сурилма ҳодисалари тез-тез бўлиб турадиган жойлардан аҳоли вақтинчалик (март, апрел ва май ойларида) кўчирилади. Айрим қишлоқ аҳолиси хавфсиз жойларга кўчирилган. Масалан, 2004 йил 1 январь маълумотида кўра Ангрэн яқинидаги Чиноқ (Оқтош); Аччиксой, Обжарсой, Гушсой атрофидаги 14та қишлоқ аҳолиси кўчирилган.

Табиий географик ҳодисалар бўлиш хавфи бор ҳудудда жойлашган қуйидаги жойлар доимо фавқулотда ҳолатни олдини олиш бўлимининг қаттиқ назоратига олинган: Охангарон дарёсининг чап қирғоғидаги «Стрельцова» номли болаларни соғломлаштириш лагери, Лашкерак сойининг чап қирғоғидаги «Ўзбеккабел»га қарашли «Гулистон» дам олиш зонаси, Лашкерак сойининг ўнг қирғоғидаги «Ўзбеккўмир»га қарашли «Коинот» болаларини соғломлаштириш лагери, Жиблонсойнинг чап қирғоғидаги «Нуробод нон»га қарашли «Айриқия» дам олиш зонаси.

Тошкент- Ўш катта автомобил йўлининг қуйидаги масофаларида сурилма ҳодисалари кузатилади. Масалан, йўллар 120 километрида 150 метрли жойи, 123 километрида 50 метрли жойи, қуйидаги масофаларида эса сурилиш ва қулай ҳодисалари содир бўлиши мумкин. Буларга йўллар 117,7, 119,6, 120,4, 120,5, 120,6, 122,123, 130,1, 140,3, 143,5, 50 (метрли жойлари), 121,5 (150 метрли масофаси), 124,2 ва

128 (30 метрли) ҳамда 129,5 километрида (40 метрли масофасида) километрли қисмларида. Ангрэн-Навгарзон автомобиль йўлининг 4 километрида (200 метрли) ва 5 километрида (50 метрли жойи). Ангрэн-Нишбош автомобил йўлидаги электр тармоғи яқинда 30 метрли масофа.

Ангрэн-«Еростигаз» станцияси йўлининг Загазонсой ирмоғида 50 метрли, Ангрэн-Қатағон автомобил йўлининг 15 километрида 50 метрли, Ангрэн-Янғобод автомобил йўлининг охириги қисмида 30 метрли, Ангрэн-Кўчбулоқ автомобил йўлининг Қорақишлоқ участкасида 10 метрли масофалари ҳам кузатилади.

Энг хавфли сурилма ҳодисалари бўлиши мумкин жойлар: Турк сув омборининг Тешиктош участкаси, Каолин (гилмоя) қазиб олинган кони атрофи, Ангрэн кўмир конининг 3-чи участкаси ва шимолий қисми, Навгарзон участкаси Кўчбулоқ олтин кони, Жигаристон ва Нишбош сел омборлари ва бошқалар.

Сурилма тарқалган ҳудудларининг тупроқ қатламининг пастки қисмида оҳақтошли ва шағалли қатламлар жойлашган. Сурилмалар фаоллашган йиллари бир неча метрга етади, бу атмосфера ёғанларининг миқторига боғлиқ. Агар иқлимшуносларнинг маълумотларига қарасак, сурилмаларнинг фаоллашган йиллари ёғингарчилик кўп бўлган даврларга тўғри келати. Қирғоқчилик йилларида сурилма ҳодисалари кузатилмаган. Ангрэн шаҳар фавқулодда ҳолат бўлимининг маълумотида қараганда баланд қисмларда сурилма ҳодисалари кузатилиши мумкин. Бу ҳудудлар фавқулодда ҳолат вазирлигига қарашли кутқарувчилар назоратидадир.

Турк сув омборининг чап соҳилидаги кўчклар сурилиб пастга тушгудек бўлса, сув ўтадиган тунелни бекитиши мумкин ва қолган жойларда катта массаларнинг тушиши ҳисобига сув омборидаги сув сатҳи кескин кўтарилиб кетиши ва унинг оқибатида катта хавф туғилади: жумладан кўмиркон дарёнинг эски ўзанида жойлашган, уни сув босиши мумкин. 1959 йилдаги сув тошқини натижасида йиллик кўмир қазиниш деярли 2 баробарга камайган.

Ҳозирги кунда Ангрэн кўмир кони 9 шахтасининг устки қисмидан пастга қараб тоғ жинслари сурилмоқда, буни очик кўмир кони атрофидан кузатилса яққол кўринади, улар 4-5 зина шаклини олган бўлиб, орасидаги масофа 15-20 метрли ташкил этади.

Сурилмаларни олдини олиш учун Оҳонгарон ўрмон хўжалиги техникалари ёрдамида сурилиши мумкин бўлган жойларда зина(терраса)лар ҳосил қилиниб, мевали ва манзарали дарахтлар: олча, олма, ёнғоқ, қарағай, тоғ арчаси ва шу шароитда тез ўсадиган дарахтларни экиш тавсия этилади. Табиий жараёнлар бўладиган жойларда чорва молларини боқиш, айниқса баҳор ойларида қатъиян тақиқланиши лозим. Сурилма кузатиладиган жойларга кўмир кони чиқиндиларини ташлаш ҳам тақиқланиши лозим. Бунинг ўрнига кўмир қазиб олинган майдонларга чиқиндилар ташланиб, қайта тўлдирилса, яъни рекультивация қилинса кўчкларни олди олинган ва сунъий сув ҳавзаси ҳосил бўлишини олди олинган бўлади. Жигаристон аҳолиси яшайдиган қисмга яқин бўлган чуқурликлар биринчи навбатда тўлдирилиши ва мустаҳкамланиши керак, акс ҳолда кўмир конининг шарқий томонидаги автомобиль йўли ва унга яқин бўлган хўжаликлар катта зарар кўради, инсонларни ҳаёти хавф остида бўлади.

Агар суралма натижасида Турк сув омборидаги сув сатҳи кўтарилса, дамба бузилиб кўмир кони қисқа вақтда сунъий кўлга айланиши мумкин, бу эса халқ хўжалигига катта зарар етказди, кўмир қазиниш ишлари тўхтади, кон ичидаги кўплаб асбоб-ускуналар йўқ бўлади. Ангрэн Республикамиздага етакчи кўмир билан таъминловчи (96%) шаҳар, шунинг учун ҳам табиий ҳодисаларни олдини олиш энг долзарб муаммо.

Намгарчилик кўп бўладиган йиллари табиий жараёнларга алоҳида эътибор бериш керак, акс ҳолда халқ хўжалигига ва аҳолига катта зарар бўлади.

Р.Баллиева, М.Турсынов, Я.Матякубова
Каракалпакский Государственный университет
ЭТНОГЕОГРАФИЧЕСКИЙ ПОДХОД В ГЕОГРАФИИ

Чтобы решать проблемы духовного нравственного возрождения общества, воспитания молодого поколения на основе гармонизации исторических национальных и общечеловеческих ценностей, надо обратить внимание на гуманизацию школьного образования. Гуманизация представляет собой ключевой элемент нового педагогического мышления, радикально видоизменяющий саму суть учебного процесса. Принцип гуманизации исходит из признания личности каждого ученика высшей социальной ценностью. Он предполагает создание благоприятных условий для становления гражданина с высокими нравственными и интеллектуальными качествами.

С гуманизацией тесно связана и гуманитаризация общего образования. Под гуманитаризацией нередко понимают увеличение доли предметов гуманитарного цикла в учебном плане школы. Однако это только внешнее отражение существа дела, поскольку по сути гуманитаризация обеспечивает осуществление повышенного интереса новой школы к мировой истории, к духовной и материальной культуре, к человеческим ценностям-словом, к очеловеченной картине мира.

Настоящее время география, особенно школьная география разделена на два главные направления: экономическая и физическая география. В связи с этим география отошла от гуманитаризации.

Гуманизация в школьной географии, по сути, это целое новое мировоззрение, утверждающее ценности, общечеловеческого, общекультурного достоинства и рассматривающее в первую очередь жизнь людей и их общественные отношения.

Географическая наука должна развиваться своеобразным естественно-гуманитарным путем. В географии природа должна рассматриваться не сама по себе, а только в отношении человека, через его быт, уклад, и духовный мир. Настоящее время физическая география изучает-географическую оболочку как целое, исследует её общие закономерности и особенности дифференциации на природные комплексы, которые формировались в процессе её развития.

Экономическая география изучает пространственную организацию общества, размещение общественного производства, расселение, региональные различия в социально-экономическом развитии и др.

В области физической географии гуманизация не должна рассматривать природу как “вещь в себе” или только как ресурсной базы экономики. Природа должна быть рассмотрена как среда становления и обитания человечества. Перенести акценты исследования на роль природных объектов, зональности, поясности, стихийных бедствий в формировании общественной мозаики мира. Поэтому вынести новые сюжеты, например, соотношение ландшафта и образа жизни, роль великих рек в формировании очагов цивилизации, объединяющее и разъединяющее людей значение природных объектов, национальные характеры и т.п.

В экономической географии гуманизация должна отказать от сугубо производственного толкования предмета, отход от вульгарных представлений о населении лишь как о трудовом ресурсе и массе потребителей промышленной продукции и продовольствия. Должны быть включены география культур и религий, этническая и историческая география, объединенные в общецивилизационном региональном синтезе. Весь процесс развития гуманизации в географии следует начинать с использования комплексного этногеографического подхода.

Для этого надо создать и развивать этногеографию в региональном синтезе, на примере Республики Каракалпакстан.

-Изучать особенности расселения в прошлом и настоящем для определения их этнических границ, динамики и численности населения.

-Рассмотреть природопользование и этнокультурные особенности народов данного региона.

С.Абдусатторов, А.Мадрахимов,

А.Жабборов, Д.Махкамов, А.Ниғматов

Тошкент Давлат Юридик институти, Ўзбекистон Миллий университети
ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР ИСЛОҲАТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистан Республикасининг мустақиллиги алваламбор унинг бой табиат компонентлари, хусусан ерларни ўзи мустақил равишда тасарруф қилиш ҳуқуқида намоён бўлди. Эндиликда у 44.8 млн. га ер фондини миллий қонунчилик асосида муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий тартибга сола бошлади. Ушбу ҳуқуқ Республикамиз учун мустақилликдан аввал қабул қилинган илк миллий қонунчилик манбалари - Тил ва Мулк тўғрисидаги қонунлар билан бир қаторда, 1990 йил 20 июнда қабул қилинган «Ер тўғрисида»ги қонундан бошланган. Шундан хулоса қилиш мумкинки, табиий бойликлар ҳар бир давлатнинг мустақилликни ифода этувчи энг муҳим элементлардан ҳисобланади [1].

Нима учун табиий заҳиралар, жумладан ерга бунчалик катта эътибор берилмоқда? Чунки Ўзбекистонда ер ва айниқса, унумдор тупроқли ерлар жуда чеклангандир. Мана холос, дейиши мумкин масалани чуқур англамаган кишилар, ахир ер майдони Ўзбекистонда Буюк Британиядан икки баробар, Голландиядан 10 баробар, Бельгиядан 15 баробар кўп-ку! 44,9 миллион гектарга тенг бўлган ер кенгликларимизнинг 44,5 млн. гектари унинг қуруқлик қисмидан иборат-ку! Шундайлик-ка шундай, аммо, Республикамиз давлат ер фондининг 5/3 қисми сахро ва чўлли ландшафтлардан, 5/1 қисми геоморфологик жиҳатдан ноқулай бўлган тоғу-тошлардан иборат. Диёримизнинг фақатгина 10/1 қисми инсон яшаши учун қулай шароитдаги ерлардан, тўғрироғи тупроқлардан иборат [2].

Тупроқ – ер сўзининг синоними, аммо айнан ўзи эмас. Чунки тупроқ тошли, қумли, сувли ерлардан фарқли унумдорлик хусусиятига эга. Айнан ана шу унумдорлик бизни тўйинтиради ва боқади. У саноат учун хом-ашё етказиб беради. Тупроқ унумдорлигининг фойдали хусусиятларини тўлақонли намоён бўлишида намлик ва иссиқлик жуда катта аҳамият касб этади. Масалан, мўътадил иқлимда тарқалган энг унумли қора тупроқларда буғдойдан 20-25 ц/гача ҳосил олинади [3]. Унумдорлик кўрсаткичлари бўйича ундан бир неча баробар паст бўлган бизда энг кўп тарқалган бўз (сур) тупроқларда ҳосилдорлик икки ва ундан ҳам кўпроқдир. Бунинг сабаби иссиқликдадир. Аммо, бўз (сур) тупроқларда намлик етишмайди, яъни суғормасдан туриб юқори ҳосил олишнинг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик товар маҳсулотининг 95 фоизи айнан сунъий намлаш даражасига эга бўлган суғорма-обикор ерлардан олинади.

Ўзбекистонда суғориб деҳқончилик қилса бўладиган тупроқларнинг умумий майдони 7,4 млн. гектар атрофида. Ўзир унинг 4,3 млн. гектари суғорилади, холос. Қолган 3,1 млн. гектари эса чўл-сахро ва тоғли ҳудудларда, яъни ўзлаштириши қийин бўлган ерлардадир. Фан ва техника ривожланган XXI асда буни ҳам иложи бордир, дейиш мумкин. Афсуски унинг иложи доимо ҳам топилмайди, чунки суғориш учун керак бўладиган чучук сув муаммоси бизларга доимо тўсқинлик қилади.

Мамлакатимизда кейинги ўн йил мобайнида аҳоли сони 4-4,5 млн. кишига кўпайди ва 26 млн.дан ошиб кетди. Суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерлар миқдори эса кейинги 15-20 йил ичида деярли ўзгаргани йўқ. Ватанимиз – аграр

республика. Аграр соҳа республикаимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизидан ортиғини, валюта тушумининг 55 фоизини, товар айланувининг 60 фоизга яқинини беради. Қишлоқда меҳнатга яроқли аҳолининг 44 фоизи истиқомат қилади. Ўайдалиб деҳқончилик қилинадиган экин майдонларини жон бошига тақсимлайдиган бўлсак биз МДЎ республикаларининг орасида охириларида биримиз, яъни ҳар биримиз учун бор йўғи 0,16 гектар атрофида экин майдони тўғри келади [4].

Хўш жуда чекланган экин майдонларидан ва, айниқса, суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш учун нима қилмоқ керак? Аввало Ўзбекистонда ерга нисбатан муносабатларни қайтадан кўриб чиқиш ва халқ хўжалигини барча соҳаларида тегишли эволюцион тарздаги ўзгартиришларни йўлга қўйиш керак бўлади. Масалан:

√ Табиатни муҳофаза қилиш ёки экологик соҳада. Барча ер тоифалари ва ер участкаларини экологик-географик жиҳатдан оптималлаштириш йўллари қайта кўриб чиқиш. Унинг учун ерларни сон ва сифат баҳосини аниқлаш, оператив геоэкологик назоратини (жумладан, мониторингини) олиб бориш, ерга оид экологик ҳуқуқбузарликларнинг муқаррарлигини таъминлаш тизимини яратиш ҳамда амалий механизмни шакллантириш.

√ Иқтисодий соҳада. Тупроқларнинг унумдорлик кўрсаткичларини кўтариш мақсадида катта сарф-харажатли мелиоратив ва рекультиватив ишларни олиб бориш талаб этилади. Буни эса махсус «Ер жамғармаси» ёки «Ер фонди»ни ташкил этиш орқали амалга ошириш мумкин. Жамғарма маблағи нафақат ички молиявий захиралардан, балки мақсадли йўналтирилган ташқи инвестициялардан иборат бўлмоғи лозим. Ер қонунчилигини бузиш бўйича бюджетга тушаётган молиявий жарималарнинг 60 фоизи айнан «Ер фонди»га тушиши даркор. Чунки ер қонунбузарлари ўз қилмишлари орқали биринчи навбатда «Она ер»га, тўғрироғи тупроққа зарар келтирадилар ва шунинг учун ҳам мазкур жарималар, аввало, тегишли зарарни қоплашга йўналтирилиши лозим бўлади. Давлатнинг дотациялаш ва кредитлаш сиёсати айнан ерга “юз тутуши“ мақсадга мувофиқдир. Ташқи иқтисодий алоқалар ва қишлоқ хўжалик товар маҳсулотларини олди-сотди(реализация) қилиш кенг тармоқланган хизмат кўрсатишга асосланган бўлмоғи лозим, яъни “бир деҳқонга уч хизматкор” принципида иш юритмоқ мақсадга мувофиқдир. Қишлоқда хизмат кўрсатишни хом-ашёни қайта ишлай ва кам чиқитли технологияларини жорий қила оладиган кичик ва ўрта бизнес соҳибларига топшириш даркор. Бундай тажриба Голландия ва Франция давлатларининг аграр соҳа мажмуасида жуда ибратли даражада йўлга қўйилган.

√ Ҳуқуқий соҳада. Конституциямизнинг 55-моддасида ер билан бир қаторда тупроқни алоҳида бир табиий заҳира, тўғрироғи табиий “бойлик” сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир. Нима учунлигини биз юқорида ер билан тупроқни фарқлашда кўрсатиб ўтдик. Унинг асосида 1997 йилдан буён миллий қонунчиликда ўз ўрнини топа олмаяпган «Тупроқ унумдорлиги тўғрисида»ги қонунни Олий Мажлиснинг қуйи палатаси муҳокамасига киритиш лозим. Ерга оид мулкый характерга эга бўлган муносабатларни, яъни уни эгаллаш, фойдаланиш, тасарруфлаш, жумладан ижаралаш ҳуқуқини ўрнатишда тупроқнинг сон ва сифат кўрсаткичларини инobatга олиш зарур. Унумдор, яъни ўта қимматли суғориладиган ерларни фақатгина қишлоқ хўжалик мақсадларидаги тоифада ушлаб туриш ва деҳқончиликка ихтисослашган фермерчиликни ривожлантиришга бериш давлатимизнинг фермерчилик соҳасидаги сиёсатига мос тушади.

Ер қонунчилигида бонитет баҳоси 30 баллдан кам бўлган суғорма ерларни аҳоли пунктлари ва унинг атрофини ноқишлоқ хўжалик мақсадларида ишлатиш, меҳнат ресурслари кам бўлган ерларда эса бирламчи кредитлаш ва дотациялаш объекти сифатида қармоқ лозим. Чунки суғориладиган ерларимизни ярмидан кўпи турли

даражада шўрланган, 5/1 эрозияга учраган (ювилган ёки емирилган), 12/1 техноген бузилган, қолган қисми эса экологик жихатдан ифлослангандир. Бундай ерларни «қайта жонлаштириш» ва улардан фойда олиш жуда қийин ва серҳаражатли тадбирлар кўламига киради.

Ер қонунчилигида кишлоқ хўжалик субъектлари учун балл бонитети паст кўрсаткичларга эга бўлган ер участкаларидан (30 дан кам бўлса) ер солиғига тортилмаслик муддатини «ушбу ерлардан фойда олиш муддатига қадар», деб белгиланиши лозим. Чунки, бизларга маълумки⁵, табиий ва техноген бузилган ерларнинг «ўзлаштириш муддати», яъни фермерларнинг тубдан мелиорация ва рекультивация қилиш учун ишлатган маблағларини қоплаш ва даромад олишни бошлаш муддати, 3 йилдан то 25 йилгача давом этиши мумкин. Бундай ҳуқуқий норма фермерларни яхши ер қидириб юришга, кадастр баҳосини камайтиришга бўлган «ноконуний» ҳаракати ёки интилишини камайтиради. Уларда ўз ерини қайта тиклашга бўлган ватанпарварлик ҳиссини уйғотишга, олиб келса ажаб эмас. Муайян ерларнинг ўзлаштириш муддати бўйича йўриқнома, тавсиянома ва методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш, сўнгра уларга асосан махсус комиссиялар, аниқроғи мутахассислар фаолиятини амлага ошириш орқали ҳулосалаш лозим.

√ Ташкилий-хўжалик соҳасида. Ерларни диагностика қиладиган («қасалини аниқлайдиган») ва тез ёрдам кўрсатишни таъминлайдиган - «Агродоктор», «Ер тез ёрдами», «Ер доктори» каби фирмаларни тузиш ва уларни керакли моддий-техника (масалан, махсус жиҳозланган машиналар ва алоқа воситалари), айниқса, мутахассислар билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур фирмаларни ташкил этиш ва фаолиятини юрғатишни бошлашда давлат бош ислоҳатчи бўлиши (масалан, уларни солиқ ва тўловлардан маълум муддатга озод қилиши ҳамда уларга имтиёзли кредитларни бериши, уларни оммавий ахборот виситаларида кенг тарғиб қилиши), кейинчалик эса мустақил хўжалик шартномалари асосида иш юритувчи субъектларга айлантириши лозим.

Ер назоратида умумиктисодий, умумсиёсий ва умумэкологик аҳамиятга молик бўлмаган ер участкаларини ўзини ўзи бошқарадиган уюшма ва нодавлат нотижорат ташкилотларига бошқариш ва назорат қилиш учун топшириш фуқаролик жамиятининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

√ Таълим соҳасида. Ер тузиш, кадастрлаш, экспертизалаш, назоратлашнинг ягона тизимини амалга оширишга кодир бўлган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш лозим.

Ерга нисбатан турли мулкчиликни юзага келиши билан боғлиқ бўлган шартномавий муносабатларни юридик жихатдан тартибга солиш. Лўнда қилиб айтганда, кишлоқда юридик хизматни йўлга қўювчи агроюристларни тайёрлаш замон талабидир. Унинг учун ҳуқуқшунослик институтлари ёки махсус ноюридик олий ўқув юртларида агроюристларни тайёрловчи бўлинмаларни очиш ва уларда икки (ер ва қонунчилик) соҳасини яхши биладиган ва уларни уйғунлаштира оладиган мутахассисларни етиштириб чиқаришни йўлга қўйиш (масалан, АҚШда бўлгани каби соҳавий юристларни икки босқичли ўқитиш тизимини жорий қилиш). Мазкур масала бўйича махсус давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ қилиш механизмни яратиш керак.

Мақтабларда ва мактабдан ташқари таълимда «Тупроқ - бизнинг бойлигимиз», «Он замин сенинг ихтиёрингда» каби ўқув предметлар, тўғараклар ва клубларни очиш ва уларни тегишли давлат стандартлари, дастур ва режалар ҳамда ўқув-амалий қўлланмалар билан таъминлаш аграр Республикамининг ўзига хос жабҳаларидан бўлиб қолмоғи лозим.

√ Маънавий - маърифий соҳада. «Ер бебаҳо бойлигимиз», «Ери бойнинг – эли бой», «Ер ризку - рўзимиз» деган мавзуларда махсус конкурслар, викториналар, кўрсатувлар, эшиттиришлар ва рукинларни ташкил этиш. Уларга нафақат ўзимизни балки шу соҳадаги етук мутахассисларни чет эллардан кўпроқ жалб қилиш. Ривожланган аграр мамлакатлардан ер муҳофазаси ва ундан самарали фойдаланишга доир кўрсатув ва репортажларни тайёрлаш ҳамда улар билан тажриба алмашишни кўллаб-қуватлаш, адабиёт ва санъат кунлари каби «бобо деҳқон кунлари» рўқинидаги халқаро учрашувларни давлат миқёсида олиб бориш лозим.

«Ер кўшиғи», «Ер тарихи», «Ер фалсафаси», «Ер дарди» мавзуидаги шоу-дастур, учрашув, кўргазма, конференция, концерт, мулоқат ва, ҳаттоки, лотореалар ўйинини уюштириш ўз она еримизга бўлган меҳрни орттиради. Қадимги зардуштийларда бўлгани каби ерни муқаддас инъомга айлантиришга ҳизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Ер табиий тизимлардаги энг муҳим компонент экан, уларни муҳофаза қилиш, унинг инсон учун фойдали бўлган хусусиятларидан тўғри фойдаланиш, бузилган ерларни қайта тиклаш замон талаби ҳисобланади. Ер, хусусан тупроқ оллоҳни бизларга тортиқ қилган неъмат. Ушбу неъмат инсонларнинг нафақат ишлаб чиқариш воситаси, балки яшаш макони ҳамдир. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз «Ери бойнинг – эли бой», биз олимларда эса «Тупроғи бойнинг-эли бой» деб, бежиз айтилмаган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нигматов А. Ер қонунчилиги ва тупроқ унумдорлиги // Аграр қонунчиликни ривожлантириш муаммолари.-Т.:ТДЮИ нашриёти, 2003. 57-62-б
2. Каримов И.А. Деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи.-Т.:Ўзбекистон, 1994.- 72 б.
3. Закиров Т.С. Культура земледелия в орошаемых условиях Узбекистана.-Т.:Узбекистан, 1979.-239 с.
4. Нигматов А. Ер ҳуқуқи. – Т.: ТИУ нашриёти, 2001.- 224 б.
5. Нигматов А.Н.Овражная эрозия и техногенно-нарушенные земли Узбекистана: экологические, сельскохозяйственные и правовые аспекты их мелиорации и рекультивации.- Т.:Академия МВД, 1996.-138с.

А.Зайнутдинов, А.Исроилов

Ўзбекистон Миллий университети

ЛЁСС ҲОСИЛ БЎЛИШИНING ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

Лёсс-сирғиш, майда заррали бўшоқ тоғ жинси. Ўзбек тилида лёсс “соз тупроқ” деб аталади.

Лёсснинг Ғ.О. Мовлонов (1958 йил) ажратган 11 та белгилари бор, агар бу белгилардан бирортаси бўлмаса, у лёссимон тоғ жинси бўлади.

Лёсс ва лёссимон тоғ жинслари тўртламчи давр материк ётқизиқлари ичида энг кенг тарқалган тоғ жинсларидан бўлиб, улар ер юзасининг 2,5% майдонини қоплаб ётади.

Ғ.О.Мовлонов (1958) Ўрта Осиё худуди учун лёсс ва лёссимон тоғ жинсларини генетик келиб чиқишига қараб қуйидаги турларга бўлади:

I. Лёсс тоғ жинслари гуруҳи: 1. Эол; 2. Пролювиал;

II. Лёссимон тоғ жинслари гуруҳи: 1. Эол (деградацияланган эол лёсси); 2. Пролювиал; 3. Делювиал; 4. Аллювиал; 5. Эльювиал; 6. Музлик (морена); 7. Флювогляциал; 8. Кўл.

Лёсс ва лёссимон тоғ жинсларининг келиб чиқиши ҳозиргача ўз исботини топгани йўқ. Уларнинг келиб чиқиши ҳақида турли хил гипотезалар бор. Масалан,

Л.С.Берг (1916) “Лёсс-курукликдаги, сувдаги майда зарралаи чўкиндиларнинг континентал иқлим шароитида нураши ва тупроққа айланиши натижасида вужудга келган”-деб ҳисобласа, В.А.Обручев (1929 й) лёссларни шамолнинг иши натижасида ҳосил бўлган деб ҳисоблайди. Ю.А.Скворцов (1943 й) лёссни дарё олиб келган ётқириклар натижасида ҳосил бўлган дейди. Н.П.Васильковский (1940 й) эса лёссни музлик даврининг куруқ ва совуқ иқлим шароитида вужудга келган муз ётқириклари деб ҳисоблайди. Ғ.О.Мавлонов лёссни кўп хусусиятли генетик тўртламчи давр ётқирикларидан ҳосил бўлган деб ҳисоблайди.

Лёсс ва лёссимон тоғ жинсларининг ҳосил бўлишида ҳам иссиқ, ҳам совуқ иқлимий шароит актив иштирок этган.

Бизнинг фикримизча, лёсснинг дарё билан боғлиқ аллювиал гипотезаси унчалик тўғри эмас. Аллювиал ётқирикларнинг таъсирида, дарё оқими сувнинг миқдорига боғлиқ ҳолда маълум баландликда оқади. Сув кўпайиб, тошганда, пастки қайир, баъзи йиллари хаддан ташқари кўп ёмғир ёғганда, юқори қайир ҳосил бўлади. Қайир усти террасаларига энди ҳеч қачон дарё суви таъсир қилмайди. Сарғиш-Бўз рангдаги “соз тупроқ” лар қайир усти террасаларида сувдан юқорига чиқиб, доимий оқар сув таъсир қилмайдиган баъзи юзаларда, шамол олиб келган чанглар натижасида, юзанинг ёшига боғлиқ ҳолда, қалинлиги кўпайиб борган. Дарё яқинидаги тоғ ва тоғ олди текисликларидаги қайир устида ҳеч қачон “соз тупроқ” ни кўрмайсиз, баъзи ерларда юпка ҳолда майда тоғ жинслар, кум ва кумоқ жинслар тошлар устини беркитиб ётади. Мирзачўл комплексига қарашли юзаларда лёсс йўқ бўлиб, юқоридаги лёсс майдонидан ювилган делювиал ва пролювиал лёссимон тоғ жинслари қоплаб ётади.

Ҳозирги вақтда лёсс ва лёссимон тоғ жинслари Қуёш нурига тескари ёнбағирларда, қор йилнинг узок вақтида аста-секин эрийдиган шимолий ёнбағирда ҳосил бўлмоқда. Орографик ва кара типидеги, ёзда ҳам сақланадиган қор юзаларда бир неча мм қалинликда чангни кўриш мумкин. Шимолий ёнбағирда ҳосил бўлган сурилма деворларига қарасангиз, сурилма узилиши деворида лёсс ва лёссимон тоғ жинслари тагидаги неоген ётқирикларини кўрпа кўринишида сой яқинигича беркитиб ётади. Лёсс тоғ жинси ичидаги қадимги тупроқ қаватлари иқлимни маълум вақтда ўзгарганини кўрсатади. Шимолий экспозициядаги қор узок туриши, орографик ва кара қорлари атрофида ҳосил бўлаётган лёсс ва лёссимон тоғ жинслари-қадимги муз босиши даврида мироиқлим анча совуқ ва қорли бўлганлигидан дарак беради. Бу жараён ўрта плейстоцендан буён (500 минг йил ичида) давом этиб келган. Ўрта плейстоценда Евросиё материгининг шимоли-ғарбидаги музлик (Днепр музлиги) энг кенгайган вақт бўлиб, бу ҳудудларнинг 14 млн км² қисми музлик билан қопланиб ётган. Унинг жанубий чегараси Днепр дарёсининг қуйи қисмидаги Днепропетровек шаҳригача етиб келган. Атлантика океани устидан доимий эсадиган ва ёзда кучаядиган, Воейков ўқи ҳосил қилган Ғарбий шамоллар, бу музлик таъсирида ҳозирги эсадиган чегарасидан 10-30⁰ жанубга чекинган. Музлик устида ҳосил бўладиган юқори босим, ғарбий шамолларнинг музликнинг жануброғидан ўтишига сабабчи бўлган. Бунинг натижасида иқлим минтақаларининг чегараси ҳам жанубга сурилган. Днепр ва Валдай музликларнинг палеотемператураси музлик чегарасининг обляция қисмида, ёзда 0⁰ С бўлган ерларда ҳозир Қ 16, Қ 18⁰ С эканлиги, қишда қадимги музлик чегарасида палеотемпература -16, -26⁰ С гача паст бўлган. Музлик атрофидан ўтиб келган ғарбий шамолар бизнинг ҳисоблашимизга кўра, қиш ва ёз ойларида ҳаво ҳароратини ўртача 8⁰-14⁰ С гача пасайтирган. Ёғин айниқса қорни антициклон оқимлардаги адвектив совуқлик таъсирида бир неча баробар кўпайтирган. Бунинг натижасида Тяньшан ва Помир тоғ тизмаларининг ғарбий ёнбағирларига кўп ёғин келтирган. Кўп миқдорда қор ёғиши натижасида тоғ-водий музликлари майдони ҳам кенгайиб борган. Тоғ-водий музликларининг ҳозирги баландлиги 1000-2000 м пастда бўлган. Уларнинг охири

чегараси Майдонтол ва Ойгаинг кўшилган ерида 1200 м да, Асқарсойда 1600 м мутлок баландликда учрайди.

Қадимги музлик чекинганда у ўзидан морена ётқизиқларини қолдирган. Морена ётқизиғи тарқалган ерларда, зона ҳолда, унинг чекаси шамол морена ётқизиғидан учраган майда заррачаларнинг оғир қисмидан кумли (зандра) майдонлар, майда заррачалар етиб борган ерларда чанглар қор ва қалин ўтлар устида тўпланиб, натижада лёсс ва лёссимон тоғ жинсларидан иборат жинслари зонаси ҳосил бўлган.

Ўрта плейстоценда муз чегараси ҳозиргидан 2000 м пастдалиги, қадимги температура ҳозиргидан 10, Q_{12}^0 га паст бўлганлигини кўрсатади.

Ўрта Осиёда ўрта плейстоценда тоғ олдида ҳосил бўлган кум, лёсс ва лёссимон тоғ жинслари аниқ чегарага эга бўлган зоналикка эгадир.

Лёсс тоғ жинсларининг тоғ олди ҳудудида бундай аниқ чегара ҳосил қилишига ва чекка қисмида қалинлигини кўплигига қорнинг узок туриши билан боғлиқдир. Ҳозиргига нисбатан ёзги ҳароратни 8-12⁰ С пастлигини ғарбий шамоллар қадимги музликлар адвектив совуқликлар олиб келиб тоғ олдида қорни ҳозиргига нисбатан совуқ даврда 4-5 ой узок туришини келтириб чиқаради. Қорни совуқ даврда узок туришига тоғдаги тоғ-водий музликлар ва қорлардан тушадиган совуқ ҳаволар ҳам таъсир кўрсатган. Тоғ олдида қорни узок туриши қуйидаги у билан боғлиқ жараёнларни келтириб чиқарган. Қор юзаси чанг тўпланиш объекти бўлган. Бундай ҳаво 5 000 000 минг йилдан-10 минг йилгача бўлиши 1 мм дан чанг тўпланса, 50 метрни ташкил қилади. Совуқ иқлимий шароит қор эригандан кейин тупроқда намни кўп тўплаган. Намни кўплиги совуқ иқлим билан боғлиқ бўлишига олиб келган. Ҳароратга боғлиқ тупроқда кальций карбонат ($CaCO_3$) кўплаб тўпланган. Ҳосил бўлган нураш пўсти бу даврда бўз рангда бўлгандир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Берг Л.С., О происхождение лесса, Известия Русск. Географ. Об-ва, Т.ЛП, вып. VIII, 1916.
2. Васильковский Н.П., Репников М.П., тектоника и сейсмичность северо-восточной части Ташкентского района, УзФАН, Ташкент, 1940.
3. Мавлянов Г.О., Генетические типы лёссов и лёссовидных пород центральной и южной частей Средней Азии и их инженерно-геологические свойства, изд. АН УзССР, Ташкент, 1958.
4. Обручев В.А., К вопросу о происхождение лёсса, известия Томского технического ин-та, вып, 33, 1911.
5. Обручев В.А., Проблемы лёсса, Природа, Л., 1929, №2.
6. Скворцов Ю.А., Молодые тектонические движения Западного Тяньшаня и связанные с ними оледенения, Уч. записки САИГИМС, №4, Ташкент, 1960.

А.М.Очилов

Самарқанд Давлат университети

ТАБИАТ ВА УНИНГ БОЙЛИКЛАРИНИ КОМПЛЕКС ГЕОГРАФИК ЎРГАНИЛИШИ – ҲУДУДДА ФАН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ҳар бир ҳудуднинг комплекс географик ўрганилиши унинг келгусидаги тараққиётида жуда муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги пайтда тадқиқотларда комплекс географик усулнинг кенг қўлланилиши ижобий натижага олиб келади. Бу усул ишлаб чиқариш кучлари ва воситаларидан унумли фойдаланиш имкониятини беради.

География фанида ҳудудни комплекс табиий географик ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Бу усулнинг дастлабки куртаклари рус олими

М.В.Ломоносов, немис олими А.Гумбольдт асарларида учраган бўлса ҳам XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб рус табиатшунослари П.П.Семёнов-Тянь-Шанский, Н.А.Северцов, А.П.Федченко, А.Н.Краснов ва бошқаларнинг илмий текширишларида қўлланилган эди. XX асрнинг сўнгги чорагида эса рус тупроқшуноси В.В.Докучаев тупроқни жойнинг геологик тузилиши, ер юзаси иклими, сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан узвий боғланишда эканлигини амалиётда исбот этди.

Маълумки, географик комплексда унинг қисмлари (компонентлари) ўзгариши билан бутун геокомплекс тизимида сон ва сифат ўзгаришлари юз беради. Худудларни комплекс (табиий ва иқтисодий географик) ўрганилиши собиқ иттифоқ худудида ўтган асрнинг 30-йилларида кенг қўлланила бошланди. Бу усулнинг тармоқлар бўйича айрим йўналишлар бўйича олиб бориладиган тадқиқотлардан фарқи шундаки, комплекс табиий ва иқтисодий географик тадқиқотлар даврида худуд табиати, аҳолиси ва ресурслари ҳақида чуқур хулосалар қилинади, ҳодиса ва жараёнлар ҳар томонлама таҳлил қилиниб, аниқ фикрга келинади.

Собиқ Иттифоқ даврида Ўрта Осиёга бошқа худудлар қаторида Тожиқ-Помир, Қирғизистон, Туркменистон, Қорақум комплекс экспедициялари уюштирилди. Кейинчалик Устюрт, Қизилқум, Қарши чўлларида комплекс географик хусусиятга эга бўлган экспедициялар ташкил этилди. Бу муҳим экспедициялар турли катталиқдаги майдонларнинг табиати, бойликлари ва иқтисодиёти ҳақида қимматли маълумотлар тўплади. Айниқса, худудларнинг аҳолиси (сони, зичлиги, этник таркиби ва х.к.) ва унинг машғулотида оид аниқ маълумотлар жуда муҳим эди.

Комплекс географик тадқиқотлар Тошкент, Самарқанд, Москва, Ленинград (Санкт-Петербург), Киев ва бошқа университетлар ҳамда Фанлар Академияси томонидан амалга оширилди. Ўрта Осиё худудида 1928 йилда биринчи марта Тожиқ-Помир экспедиция ходимлари томонидан айрим жойлар самолётдан туриб суратга туширилди. Ўлкага уюштирилган кўпгина комплекс географик ва тармоқ экспедицияларга россиялик географ академиклар Л.С.Берг, И.П.Герасимов, С.В.Калесник, К.К.Марков, профессорлар Н.А.Гвоздецкий, М.А.Глазовская, Т.В.Звонкова, М.П.Петров, Б.А.Фёдорович, И.С.Щукин ҳамда кўп йиллар Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Тошкент миллий университетда ишлаган профессор Н.Л.Корженевский ўзларининг беминнат ёрдами беришди. Олиб борилган комплекс географик тадқиқотларда маҳаллий университетларнинг олимлари геолог академик Х.Абдуллаев, географ профессорлар Л.Н.Бабушкин, Н.Долимов, Н.А.Когай, З.Акрамов, Ю.А.Скворцов, Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, Р.Раҳимбеков ва бошқаларнинг хизматлари каттадир. Улар ўз тадқиқотларида синалган услуб-комплекс географик услубни қўллашди. Шунинг натижасида Ўрта Осиёнинг геологик тузилиши, ер юзаси, иклими, ер усти ва ер ости сувлари, тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда фойдали қазилмалари ҳақида батафсил аниқ маълумотлар пайдо бўлди, йирик, ўрта миқёсдаги карталар яратилди. Ўлка тарихида биринчи марта комплекс табиий ва иқтисодий географик районлаштириш ўтказилди. География соҳасидаги бу муваффақиятлар кейинчалик Ўзбекистон республикасининг равнақи учун жуда фойдали иш бўлди. Табиатшунос олимларнинг далада олиб борган илмий ишлари натижасида кўплаб мақолалар, монографиялар ва бошқа китоблар нашр этилди. Шу билан бирга биз XX асрнинг сўнгги чорагида экспедициялар ташкил этишда бир мунча сусайишни кузатамиз, лекин айрим тармоқ фанлари иқлимшунослик, гидрологик, гляциологик кузатиш анча дуруст олиб борилди. Худудлар табиатини география фанлари тизимида ўрганганимизда ҳам геокомплекс қисмларининг бир-бири билан узвий алоқада ва таъсирда эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда 30-40 йил ичида инсоннинг табиатга салбий таъсири натижасида шамол, сув эрозияси, ерларнинг шўрланиши, ўсимликлар

қопламининг сийраклашиши геоэкологик ҳолатни кескинлаштирди. Баъзи ҳудудларда илгари ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой бўлган ерлар эндиликда яланғочлашиб қолмоқда. Илгари турли ўтлар (чим, лолақизғалдоқ, кўнғирбош, чучмома ва х.к.) ўсган Қарши чўлида нотўғри суғориш оқибатида шўрланган ерларда шўра, қамиш, юлғун ва шўрни севувчи ўсимликлар ўсмоқда, ерлар яроксиз ҳолга келмоқда. Бундан кескин геоэкологик ҳолатда бўлган жойларни айрим тармоқ тадқиқотлар билан оптимал ҳолатга келтириб бўлмайди. Бунинг учун чуқур географик таҳлил ва сўнгра олиб борилган тадқиқотларга асосланган илмий синтез ёрдамида ҳал этиш мумкин. Бугунги кунда республикада комплекс географик тадқиқотларни ташкил этувчи ва бошқариб боровчи идора керак. Бизнингча, Ўзбекистон Фанлар Академияси қошида бу ишларни амалга ошириш учун ҳуқуқий асосга эга бўлган География бўлимини қайта тиклаш мақсадга мувофиқдир. Бундай илмий географик тадқиқотларни уюштирувчи ва координация қилувчи идора ва ташкилотлар Қозоғистон, Туркменистон ва Кавказорти республикаларида мавжуд.

Ш.Ш.Шожалилов, И.Абдуллаев

Тошкент Ислон университети

ОҲАНГАРОН ВОДИЙСИ ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ ТАБИИЙ ИФЛОСЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Ландшафтлар табиий омиллар таъсирида мунтазам ўзгариб ва шаклланиб туради. Табиий омиллар ички ва ташқи гуруҳларга бўлинади. Ички омилларга турли хил фойдали қазилмаларни ҳосил бўлиш жараёнлари, тектоник жараёнлар ва бошқалар киради. Ташқи омилларга нураш, сурилма ва кўчқилар, селлар, тошқинлар киради.

Ички жараёнлар таъсирида водийда жуда кўп фойдали қазилма конлари ҳосил бўлган. Улар ландшафтларни турли металллар билан ифлосланиш манбалари бўлиб ҳисобланади.

Ангрен саноат райони ҳудудида қуйидаги фойдали қазилма конлари мавжуд: Ангрен кўмир кони, Кўчбулоқ, Қизилолмасой олтин конлари, Янгиобод ва Наугарзан кони, Облиқ ва Жигаристон қурулиш хомашёси конлари ва бошқалар.

Тектоник ҳаракатлар натижасида рудали фойдали қазилмалар ҳосил бўлган. Тектоник ёриқлар ва майдаланган зонларда ландшафтларни оғир металллар билан ифлосланиш атрофидаги ҳудудларга нисбатан юқори даражада.

Ангрен кўмирининг таркибида рангли, камёб ва тарқоқ элементлар миқдори юқори даражада, уларнинг айримлари саноат аҳамиятига эга. Масалан, кўмирнинг айрим қатламларида германий элементининг миқдори анча юқори даражада. Бундан ташқари кўмир таркибида молибден ва вольфрам кўмир қатламлари уран билан бойиган ва юқори радиактивликлар эга. Мазкур металлларнинг ҳаммаси кўмир ёқилгандан сўнг кул таркибига ўтади ва атрофидаги ландшафтларга тарқалади.

Ангрен-Олмалиқ саноат райони Қурама металлогеник зонаси доирасида жойлашган. Мазкур зона учун мис минераллашиш жараёни хос ҳисобланади. Шунинг учун бу ерда 70 дан ортиқ мис конлари ва мис намоён бўлган жойлар мавжуд. Уларнинг асосий қисми Олмалиқ атрофида жойлашган. Шунинг учун Олмалиқ атрофида ландшафтлар кўпроқ мис, кўрғошин ва рух билан кўпроқ ифлосланади.

Демак, ландшафтлар ички кучлар таъсирида асосан оғир металллар билан ифлосланар экан.

Ландшафтлар ташқи кучлар таъсирида қуйидаги омиллар таъсирида ифлосланади ва ўзгаради; нураш, сурилма ва ўпирилмалар, оқар сувлар, селлар, тошқинлар.

Нураш энг кенг тарқалган табиий географик жараён ҳисобланади. Нураш жараёни натижасида тоғ жинслари емирилади ва улар таркибидаги металллар аста-секин

ландшафтлар таркибий қисмларига (тупроқ, сув, ҳаво, ўсимлик) аралашиб уларни ифлослайди ва экологик шароитни ёмонлашувига олиб келади. Нураш натижасида рангли металлларга бой бўлган жойларда (Олмалиқ атрофларида) ландшафтларни оғир металллар билан ифлосланиши юқори даражада бўлади. Нураш жараёни кўпроқ Қурама ва Чотқол тизамларининг ўрта ва юқори қисмларида кўпроқ тарқалган.

Оқар сувлар ва улар туфайли содир бўладиган селлар ва тошқинлар ҳам ландшафтларни механик ва химик ифлосланишида катта аҳамиятга эга. Баланд тоғлардан оқиб тушадиган сойлар мазкур жойларда тарқалган турли хил модда ва элементларни ювиб олиб тушади. Бу эса сувларни табиий ифлосланишини кучайтириб юборади. Сел ва тошқинлар натижасида ҳам ландшафтларни механик ва химик ифлосланишига олиб келади. Сел водийдаги бор нарсаларни асосий дарёга оқизиб келиб ташлайди. Тошқинлар натижасида ҳам ландшафтларни ифлосланиши маълум худудларда содир бўлади.

Ландшафтларни ифлосланиши ва ўзгариши сурилма ва ўпирилмалар таъсирида содир бўлади. Мазкур районда сурилмалар жуда кенг тарқалган. Сурилмалар тоғ ёнбағирларининг лёсс, гил ва бошқа тоғ жинсларида кўпроқ содир бўлади. Сурилмалар ландшафтларда инқилобий ўзгаришларни келтириб чиқаради. Қисқа вақт давомида ландшафтларнинг морфологик тузилиши ўзгариб кетади ва тамоман янги сурилма ландшафтлари вужудга келади.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш микёси, ҳажми, чуқурлиги ва тезлигининг ошиб бориши шу жойларда табиий географик ва геологик шароитларнинг кескин ўзгаришига олиб келади. Бу жуда катта моддий ва маънавий зарар келтирадиган ҳамда экологик шароитни ёмонлашувига олиб келадиган турли катталиқдаги ва ҳажмдаги сурилмаларнинг ҳосил бўлишига имконият туғдиради.

Сурилмаларнинг ҳосил бўлиши жойларнинг геологик тузилишига тектоник ёриқларнинг бор ёки йўқлигига, ер ости сувларига, тоғ жинсларининг физик-механик ва химик хусусиятларига, ёнбағирларнинг қиялигига, конларнинг қайси усулда қазиб олинишига, чуқурлигига, майдонига ва микёсига боғлиқ. Шулар асосида сурилмалар турли микёсларда, чуқурликда ва катталиқда, ҳамда маълум бир тоғ жинсларида ҳосил бўлади.

Ўрта Осиёда тоғ-кон саноати ривожланган худудларда қайси тоғ жинсларида ҳосил бўлишига кўра сурилмалар қуйидаги турларга бўлинади:

- лёсс ва лёссимон жинсларда ҳосил бўладиган сурилмалар ҳажми бир неча минг куб м дан 200-250 минг куб м гача. Тезлиги жуда юқори, бирданига ва тўсатдан сурилиб тушади. Шунинг учун бу сурилмалар жуда ҳам хавфли;

- деллювиал шағал тошларда ҳосил бўладиган сурилмалар. Щажми бир неча минг куб м дан 800-900 минг куб м гача, жуда секин, бир неча ўн йиллар давомида сурилиши мумкин, қалинлиги 50-60 м дан 100-150 м гача;

- қаттиқ қояли тоғ жинсларида ҳосил бўладиган сурилмалар. Кучли zilзила, портлаш ёки ер ости сувлари сатҳини бирданига кўтарилиш натижасида тектоник ёриқлар ёки тектоник ҳаракатлар натижасида майдаланиб кетган тоғ жинслари тарқалган жойларда содир бўлади;

- гидротермал ўзгарган тоғ жинсларида содир бўладиган сурилмалар;

Фойдали қазилмаларни очик ёки ёпиқ усулда қазиб олишда сурилмалар турли хил сабаблар таъсирида юзага келади. Очик усулда қазиб олишда сурилмалар қуйидаги шароитларда ҳосил бўлади:

- ёнбағирларнинг пастки қисмини очик усулда қазиб олишда кесилиши натижасида ҳосил бўладиган сурилмалар. Бунга Тегенек кўмири конида содир бўлган сурилмалар мисол бўла олади. Коннинг чуқурлиги 200 м. Кон ҳавзасининг юқори қисмидаги супачалари ва деворлари тоғ ёнбағрига туташиб кетган. Кон тепасидаги

ёнбағирда унча катта бўлмаган, тўртламчи даврининг шағал тошлари билан тўлган эрозион ботикликда сурилма ҳосил бўлган. Шағал тошлар остида юра даврининг кумтошлари ва гиллари жойлашган. Сурилма кон ҳавзасининг юқори икки супчасини ҳам ўз ичига олган. Тоғ ёнбағридаги ёриқлар сурилманинг чегаралари ҳисобланади. Ер ости сувлари шағал тошлардан ўтиб, юра даврининг сув ўтказмайдиган гиллари устида ҳаракат қилади, натижада гилларнинг намланиши туфайли сурилиш чизиги ҳосил бўлган. Эрозион ботик ер ости сувларини бошқа жойларга нисбатан тезроқ ва кўпроқ тўпланишига сабаб бўлган. Сурилмаларнинг қалинлиги юқори қисмида 30 м., ўрта қисмида 40 м ва қуйи қисмида 25 м, ҳажми 600-700 минг куб. Кон ҳавзасининг жануби-шарқий қисмида худди шунга ўхшаган сурилмалар натижасида маълум муддатга кўмир қазиб олиш ишлари тўхтаб қолган.

- кучли ёғинлар таъсирида ҳосил бўладиган сурилмалар. Бу ерда ёғинлар асосий сабаб ва туртки бўлиб хизмат қилади. Бунга мисол қилиб Жигаристон «куйган жинс»лар кони ҳавзасида ва унга туташган ёнбағирда ҳосил бўлган сурилмани келтириш мумкин. Сурилма 1969 йилда ёғингарчилик энг кўп бўлган йили лёсс ва лёссимон ҳамда деллювиал шағал тошларда содир бўлган. Янги сурилма асосий коннинг таъсирида 1971 йилда палеоген даврининг гилли тоғ жинсларида содир бўлган. Бу сурилмалар натижасида Жигаристон кони ёпилган ва ҳозиргача қайта очилмаган;

- Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишлари тамоман тўхтатилгандан кейин ер ости сувлари сатҳининг бирданига кўтарилиши натижасида содир бўладиган сурилмалар. Бунга қўрғошин ва Апартак конлари ҳавзасида палеозой даврининг қаттиқ қояли тоғ жинсларида ва юра даврининг гилларида содир бўлган сурилмалар мисол бўлади;

- Кон ҳавзалари деворларининг қиялигини ҳаддан ташқари юқорилиги, ер ости ва усти сувларининг йўналишининг ва сатҳини ўзгариши ҳамда номустаҳкам тоғ жинсларининг очилиб қолиши натижасида содир бўладиган сурилмалар. Бунга мисол бўлиб Ангрэн ва Олмалиқ кўмир конларидаги сурилмаларни келтириш мумкин. Улар натижасида кўмир қазиб чиқариш айрим йиллари кескин камайиб кетган. Масалан, Ангрэн кўмир кони очик ҳавзасида содир бўлган ва ҳажми 6 млн куб м бўлган сурилма кўмир қазиб олишни бир неча йил давомида йилига 500 минг т гача камайишига олиб келган.

Конларни ёпиқ усулда қазиб олишга сурилмалар қуйидаги шароитларда ҳосил бўлади:

- ер ости лахмларига кириш майдон чегарани тайёрлаш пайтида табиий географик шароитни ўзгариши туфайли содир бўладиган сурилмалар. Бунга Шорғун кўмир конининг Руганрихта қисмида ер ости лахмига кириш майдончасини тайёрлашда оҳақтошлардан тузилган антиклинал бурилманинг бир қанотини пастки қисми қирқилган. Натижада оҳақтошлар ва уларни устидаги деллювиаль тоғ жинслари сурилиб тушиб, лаҳм эшигини тўсиб қўйган. Шу туфайли ишлар бир неча ойга тўхтаб қолган;

- ер остида кўмирни қазиб олиш жараёнида тоғ жинсларининг секин-аста силжиши натижасида содир бўладиган сурилмалар. Кўкёнғок, Сулюкта ва Ангрэндаги янги шахтада содир бўлган сурилмалар;

- ер остида кўмирни юзага айлантириш жараёнида ер ости бўшлиқларининг ҳосил бўлиши ва унинг натижасида катта майдонда тоғ ёнбағирларининг мустаҳкамлигининг камайиши туфайли содир бўладиган улкан сурилмалар. Бунга Ангрэн кўмирни ер остида газга айлантириш станциясида содир бўлган Отчасой сурилмаси мисол бўлади. Сурилма 1973-74 йилларда содир бўлган ва ҳозир ҳам сурилмоқда. Сурилма

натижасида 20 минг кишилик Тешик-тош қишлоғи бутунлай бузилиб кетди, аҳолиси бутунлай бошқа жойга кўчирилди;

- нокерак тоғ жинслари тўкилган жойларда ҳосил бўлган сурилмалар. Шажми унча катта эмас. Бунга Каузай ва Кўкёнғоқ конларида содир бўлган сурилмалар киради.

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ И СОЦИАЛЬНАЯ ГЕОГРАФИЯ В XXI ВЕКЕ

З.К. Калиаскарова

Казахский Национальный университет имени аль-Фараби К ВОПРОСУ О ПРОБЛЕМАХ РАЗВИТИЯ НЕФТЕГАЗОХИМИЧЕСКОГО КОМПЛЕКСА РЕСПУБЛИКИ КАЗАХСТАН

В мае 2003 года была утверждена Стратегия индустриально-инновационного развития Республики Казахстан на 2003-2015 годы. Эта Стратегия была разработана в целях обеспечения устойчивого развития страны на основе диверсификации и модернизации экономики, создания условий для производства конкурентных видов продукции и роста экспорта. Ее реализация должна способствовать развитию нефтеперерабатывающего сектора страны, в том числе увеличению степени переработки нефти, повышению номенклатуры производимых нефтепродуктов.

В связи с этим одним из основных движущих "локомотивов" развития индустрии является освоение казахстанского сектора Каспийского моря (КСКМ), в котором, по предварительным оценкам, общие запасы углеводородов составляют 8,0 млрд т и который, как ожидается, обеспечит наиболее значительный прирост добычи углеводородов в Казахстане.

Развитие добычи углеводородов на Каспии будет способствовать становлению отечественной сырьевой базы для нефтегазохимического комплекса страны.

В настоящее время в республике действуют 3 нефтеперерабатывающих и 4 газоперерабатывающих завода. Атырауский нефтеперерабатывающий завод (АНПЗ), годовая мощность 4,5 млн. тонн в год. Глубина переработки 54,9 %. Павлодарский НПЗ – самое мощное по производительности нефтеперерабатывающее предприятие в Казахстане, полностью зависящее, однако, от импорта российской нефти. Завод перерабатывает малосернистую нефть в количестве 7,5 млн т в год. Глубина переработки 82%. Шымкентский НПЗ является вторым по производительности перерабатывающим заводом в Казахстане. Мощность завода - 6 млн т нефти в год. Глубина переработки 54,9 %.

Из четырех газоперерабатывающих заводов Казахстана, находящихся в эксплуатации, только Казахский газоперерабатывающий завод (г. Жанаозен) является чисто газоперерабатывающим заводом. Мощность по приёму газа составляет 3,0 млрд м³ в год. Жанажолский газоперерабатывающий завод в Актюбинской области с 1984 г перерабатывает сернистый попутный нефтяной газ одноименного месторождения и имеет мощность по подготовке нефти 2 млн т в год, по подготовке газа 0,8 млрд м³ в год. Карашыганакский комплекс перерабатывает местный высокосернистый конденсат (4-5% сероводорода в газе, 5-8 % в конденсате). На месторождении Тенгиз с 1991 г действует Тенгизский газоперерабатывающий завод /1/.

Данные выработки нефтепродуктов НПЗ говорят о том, что рост добычи нефти обратно пропорционален ее переработке. Если в 1994 году казахстанские НПЗ вырабатывали 11 млн т нефтепродуктов в год, то в 2000 г эта цифра составляла 6,3 млн т /4/. В настоящее время суммарная всех мощность НПЗ загружена лишь на 1/3, что, несомненно, сказывается на дефиците нефтепродуктов на внутреннем рынке /2/.

Суммарная мощность казахстанских нефтеперерабатывающих заводов при стабильной и бесперебойной работе может покрыть все потребности страны в нефтепродукции. Так, например, суммарных производственных мощностей отечественных НПЗ достаточно для переработки до 18-20 млн т нефти в год и выработки более 10 млн т автомобильного и дизельного топлива. По данным МЭМР

РК, для обеспечения потребностей республики нефтепродуктами отечественного производства достаточна загрузка всех трех НПЗ нефтью в объеме не менее 9,5 млн т в год /2/.

Высокие мировые цены на нефть и проводимая в республике налоговая политика сделали поставку сырой нефти на отечественные НПЗ нерентабельной: в этом случае добывающие компании «теряют» до 60-70 % прибыли /3/. Ситуацию осложняет неразвитая система нефтепроводов для доставки сырой нефти внутренним потребителям. В результате на НПЗ происходит хроническое снижение объемов переработки нефти, усугубляемое устаревшими технологиями, низкой глубиной переработки нефти и, как результат невысоким качеством продукции. Низкая загруженность казахстанских заводов увеличивает удельные затраты на переработку. Все это приводит к тому, что стоимость переработки нефти достигает 30 % от стоимости конечного продукта (за рубежом эти затраты вдвое меньше). Нефтедобывающие компании Казахстана, максимально используя сложившиеся высокие цены на нефть, делают ставку на экспорт и быстрый оборот средств от ее непосредственной продажи. Экспортная ориентация нефтедобывающих компаний приводит к дефициту и высокой цене нефтепродуктов на внутреннем рынке. К тому же поставка сырой нефти за рубеж и лишь затем ее продукции на внутренний рынок ведет к экономической и оборонной угрозе /2/.

В сложившейся ситуации правительство пытается найти выход путем организации широкого импорта нефтепродуктов. Следует отметить, что импортеры (в отличие от отечественных производителей) не оплачивают акцизных сборов и других платежей в бюджет, что ведет к неконкурентоспособности продукции отечественных НПЗ на внутреннем рынке /3/.

Правительство также разрабатывает годовые планы по загрузке всех трех НПЗ в соответствии с потребностями республики, но большая разница экспортных и внутренних цен на нефть вызывает сбои и нестабильность по времени и объему в поставках сырья на НПЗ.

Немного улучшила положение с поставками сырья на НПЗ вертикальная интеграция нефтеперерабатывающих заводов Республики с нефтедобывающими компаниями, что также позволит реализовать планы по модернизации этих заводов.

Также для улучшения ситуации в соответствии со Стратегией вблизи промышленной зоны Кашаганского месторождения с привлечением крупных инвесторов планируется строительство нефтехимического комплекса по переработке попутного природного газа. Комплекс позволит получать широкую гамму жидких компонентов и первичных нефтехимических продуктов и на их основе пластические массы и эластомеры.

Для решения этой проблемы, прежде всего, необходимо снижение тарифов на транспортировку нефти по внутренним трубопроводам и железной дороге, а также кардинальное снижение акцизов на производство нефтепродуктов /2/.

Проблемы безопасности, имеющие глобальный социальный характер, наиболее ярко проявились в нефтеперерабатывающей отрасли. К началу 1999 года человечество сожгло около 90 млрд т нефти. Решение этой проблемы требует в первую очередь углубленной переработки сырья, что приведет к рациональному его использованию /4/. Охрана окружающей среды отмечена в Стратегии важнейшей задачей государства. Реализация основных целей Стратегии даст возможности для Казахстана торговать квотами на выбросы парниковых газов, что в настоящее время вполне реально.

Список использованной литературы

1. Адаев Ж., Нурбаев З. и др. Нефтяная энциклопедия Казахстана. Том 1 Астана, 1999г.

2. Ашимбаев М.С., Курганбаева Г.А., Кажмуратова А.К. и др. Нефтегазовые ресурсы Казахстана в системе мировых и региональных отношений. Алматы, 2002г. с. 140-151.

3. Ашимбаев М.С. Каспийский регион на современном этапе: проблемы, тенденции, перспективы. Сб. материалов конференции. Алматы, 2003 г. С. 225-232.

4. Калиаскарова З.К. Основные проблемы рационального использования нефтегазовых ресурсов Республики Казахстан (экономико-географические аспекты). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата географических наук. Алматы. 1999г.

А.М. Садыков

**Центр социально-экономических исследований
СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО
РАЗВИТИЯ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА И МЕХАНИЗМЫ ИХ
РЕГУЛИРОВАНИЯ**

Одним из главных факторов макроэкономической стабилизации и резервами экономического роста является сбалансированное социально-экономическое развитие регионов, достижение оптимальной территориальной структуры национальной экономики.

В свете этого, в условиях переходной экономики важное значение имеют региональные аспекты осуществления рыночных реформ, эффективное использование ресурсов и экономических возможностей каждого региона, устранение оставшихся от прежних времен территориальных диспропорций, когда при размещении предприятий и производств не соблюдался принцип комплексности и пропорциональности. В ущерб региональным интересам первоочередная значимость придавалась решениям задач бывшего Союза. В результате, во всех регионах республики сформировалась структура экономики, не отвечающая потребностям и интересам их населения.

В условиях реформирования экономики региональная политика формировалась с учетом обеспечения стабилизации экономики страны и создания необходимых предпосылок для устойчивого развития регионов. В осуществлении региональной политики были выбраны следующие основные направления:

укрепление государственной независимости Узбекистана, рациональное сочетание республиканских и территориальных интересов с интересами товаропроизводителей, централизма и самостоятельности регионов в решении социально-экономических проблем;

содействие развитию и углублению экономических реформ, формирование региональных рынков товаров, труда, капитала, институциональной и рыночной инфраструктуры, создание региональных организационных структур и хозяйственных механизмов, отвечающих требованиям рынка;

развитие эффективных направлений специализации хозяйства регионов, наиболее полно использующих их природно-экономический потенциал, расширение на этой основе внешнеэкономических связей;

совершенствование территориальной организации экономики, отраслевой структуры промышленности регионов и крупных городов, усиление социальной направленности использования их производственного, научно-технического и кадрового потенциалов;

преодоление депрессивного состояния экономики и социальной сферы слаборазвитых регионов, возрождение малых городов и создание современной жизненной среды в сельской местности.

В результате проведения целенаправленной региональной политики в социально-экономическом развитии регионов произошли определенные позитивные изменения, наблюдается относительно их устойчивый экономический рост. Особенно ускорились темпы социально-экономического развития слаборазвитых территорий, где появились новые промышленные центры, крупные современные предприятия, которые коренным образом изменили экономическое состояние регионов.

Автором предпринята попытка дать оценку уровня и тенденциям экономического и социального уровня развития регионов страны. Оценка экономического уровня развития каждого региона осуществлена по произведенному валовому внутреннему продукту, объемам промышленного и сельскохозяйственного производства, внешнеэкономической деятельности и финансовому положению. Для сводного расчета использовано 38 показателей. Оценка уровня социального развития осуществлена по 13 показателям.

В результате расчетов, анализа и оценок выявлены основные положительные и негативные тенденции экономического и социального развития регионов за период 1991-2004 гг.

В ходе экономических реформ произошли положительные сдвиги в структуре экономики и в уровнях развития всех регионов республики. В 2004 г., согласно рейтингу, лидирующее положение занимали г. Ташкент, Навоийская, Ташкентская, Андижанская и Ферганская области. Их можно отнести к группе относительно высокоразвитых.

По произведенным расчетам к среднеразвитым регионам относятся Бухарская, Кашкадарьинская, Самаркандская области. В то же время большинство регионов республики по уровню экономического развития относятся к слаборазвитым. В эту группу входят Республика Каракалпакстан, Хорезмская, Сырдарьинская, Наманганская, Сурхандарьинская и Джизакская области.

В связи с более высокими темпами социально-экономического развития значительно улучшились рейтинги Андижанской, Бухарской, Самаркандской, Хорезмской и Кашкадарьинской областей. Это достигнуто, в основном, за счет внедрения крупных инвестиционных проектов с участием иностранного капитала.

В результате относительно низких темпов развития, по сравнению с показателями 1991 г., снизились рейтинги Сырдарьинской, Наманганской, Сурхандарьинской, Ферганской и Ташкентской областей.

По нашим расчетам, рост не произошел только в Республике Каракалпакстан, который по уровню экономического развития занимает последнее место среди регионов. Так, если в 1991 г. Республика Каракалпакстан в этом отношении отставала от высокоразвитой Ташкентской области в 1,87 раза, от г. Ташкента в 2,21 раза, то в 2004 г. разрыв от относительно высокоразвитой Навоийской области составил 3,07 раза, от г. Ташкента в 4,64 раза.

Принятые государственные территориальные программы социального развития регионов, включающие улучшение обеспеченности населения питьевой водой и природным газом, развитие социальной инфраструктуры села направлены, прежде всего, на создание благоприятных социальных и производственных условий для жителей села, на размещение в сельской местности предприятий промышленности и на расширение социальной инфраструктуры. В результате, разрыв в уровнях социального развития между высокоразвитым и отстающим регионами был минимальный и составил в 2004 году 1,46 раза (в 1991 году – 1,44 раза).

Вместе с тем еще недостаточно эффективно используются местные природные, экономические, финансовые и экспортные потенциалы. Поэтому темпы социально-экономического развития отдельных территорий ниже возможных.

Путем сравнительного анализа удалось установить следующие диспропорции в социально-экономическом развитии регионов:

В результате неэффективного использования потенциала территории и отставания в проведении экономических реформ наблюдается тенденция увеличения разрыва в уровне экономического развития регионов. Особенно это ярко выражено в развитии промышленности и внешнеэкономической деятельности.

Снижается уровень территориальной специализации, сокращается межобластной обмен сельскохозяйственной и промышленной продукцией, увеличивается доля продукции, предназначенной для внутреннего рынка.

Усиливается внутрирегиональные диспропорции в уровнях промышленного развития регионов. Отдельные предприятия и объекты размещаются без должной технико-экономической экспертизы и учета территориальной сбалансированности размещения производительных сил.

При составлении комплексных программ регионов недостаточно учитываются местные ресурсы и демографическая ситуация. В региональных органах управления не осуществляется мониторинг уровня социально-экономического развития городов и районов.

Для решения основных проблем в целях регулирования социально-экономического развития регионов необходимо:

разработать и принять Закон Республики Узбекистан «О региональном развитии», Концепцию региональной экономической политики как одной форм государственного регулирования социально-экономического развития регионов;

разработать государственную программу социально-экономического развития регионов Республики Узбекистан на среднесрочную и долгосрочную перспективу, принять отдельные целевые комплексные программы для экономически слаборазвитых регионов;

развивать эффективные и конкурентоспособные направления специализации хозяйств регионов, наиболее полно соответствующие их ресурсному потенциалу;

совершенствовать механизм распределения налогов между республиканскими и местными бюджетами, финансирования отдельных территорий за счет республиканского бюджета и порядок выделения субвенций и дотаций регионам;

расширить права и обязанности регионов в целях более полного использования экономического потенциала, внутренних резервов экономического роста и всего национального богатства; расширить самостоятельность регионов в решении социально-экономических проблем;

внести изменения в законодательные акты, разработать законы, четко определяющие функции, статус и задачи районных, городских органов государственной власти и управления;

усилить роль соответствующих подразделений Кабинета Министров, Министерства экономики в регулировании социально-экономического развития регионов, координации деятельности министерств, ведомств, ассоциации, концернов в решении острых проблем регионов, городов, районов;

в целях усиления государственного регулирования в сфере размещения производительных сил создать при Министерстве экономики Республики Узбекистан экспертный совет по обоснованию создания крупных предприятий, включая предприятия с иностранными инвестициями.

Қ.Н.Абирқулов

Тошкент Давлат Иқтисодий университет

**ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФЙДАЛАНИШДА УЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ
БАҲОЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ**

Табиий ресурслар мамлакатнинг миллий бойлиги ҳисобланади. Бу потенциал ижтимоий ишлаб чиқариш бойликлари билан биргаликда мамлакат ривожланиш истиқболларини аниқлаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида –“...табиий ресурсларни қайта тиклаш йил сайин тобора қийинлашиб бораётган пайтда биз бу ресурсларга кўпроқ эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишимиз зарур. Бунинг учун иқтисодий омиллардан кенгроқ фойдаланишимиз, солиқлар орқали ҳаммани табиий ва хош ашё ресурсларидан энг кўп наф кўрадиган тарзда фойдаланишга ўргатмоғимиз керак” –деб ушбу муаммога эътиборни жалб этганлар. Ҳақиқатан, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида табиий ресурсларни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш зарурлиги долзаб масалага айланмоқда.

Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган табиий бойликлардан исроф қилмасдан, самарали фойдаланиш имкониятини яратади. Шу сабабдан табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш умумфалсафий баҳолашдан келиб чиқади ва ресурсларга хос бўлган хусусиятларни инсоният жамияти томонидан ривожлантирилган қиймат критериялари (меъёрлари) билан таққослашдан туради. Инсонлар мухтожликларининг турларига нисбатан қиймат моддий, ижтимоий-сиёсий, эстетик ва бошқалардан иборат бўлади. Шунга боғлиқ ҳолда табиий ресурсларни баҳолаш 2 гуруҳга иқтисодий ва ноиқтисодий турларига бўлинади.

Иқтисодий баҳолаш табиий ресурсларнинг фойдалилик даражасини аниқлашга, ишлаб чиқариш ва истеъмол туфайли иқтисодий кўрсаткичлардан вужудга келган ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қўшилган улушини билдиради.

Ноиқтисодий баҳолашда ресурсларнинг экологик, ижтимоий, эстетик, маданий қийматини аниқлашдан иборат бўлиб, у одатда иқтисодий кўрсаткичларда гавдаланмайди (лекин шартли равишда жамиятнинг шу ресурсни сақлаб қолиш учун тўловга тайёр бўлган харажатларининг йиғиндиси сифатида ҳисоб-китоб қилиниши мумкин).

Ноиқтисодий баҳолашга бирон бир ҳудуд табиат гўзаллигини, бир хилдаги табиий ресурсларнинг ички табиий хусусиятларини, масалан, нефтнинг нави, тошкўмирнинг маркаси ва ҳақоза асосланган ҳолда аниқланади.

Иқтисодий баҳолашнинг вариантлилик даражаси ҳар хил кўрсаткичлардан фойдаланишни назарда тутаяди. Чунончи, натурал кўрсаткич (тонна, куб метр, гектар ва ҳ.к.); балл шаклида белги қўйиш ёрдамида, уларга мисол тариқасида ресурсларнинг нисбий ўлчами (катта кичиклиги), шунингдек, уларни таққослаш асосида хўжалик аҳамиятини баҳолаш мумкин;

-қиймат кўрсаткичлари (ресурсларнинг бозор баҳосини аниқлашни, табиий ресурслардан фойдаланганлиги учун туловларни белгилаганда, иқтисодий зарарни аниқлашда ва бошқа ҳолларда қўлланилади).

Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш тор маънода танланилган вариантларда табиий ресурслардан фойдаланишдан олинган хўжалик самарадорлигининг пул бирликлари шаклида ифодаланиб аниқланишини билдиради. Унинг хусусияти объекти ва шунингдек, баҳолаш критериясини танлаш билан боғлиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида табиий ресурсларни иқтисодий жихатдан баҳолашни аниқлашда бозор баҳоси, рента, табақалашган рента, сарфлаш, муқобил қиймат, умумий иқтисодий баҳолаш каби ёндашувлари қўлланилади.

С.Л.Янчук

**Национальный университет Узбекистана
ФАКТОРЫ РАЗМЕЩЕНИЯ ПРОИЗВОДСТВА
В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ**

Прежде всего следует отметить, что, как известно, по факторной, или веберовской, схеме размещаются отрасли первичного сектора и производства высоких технологий; отчасти подобный вывод справедлив, как подчёркивал изучавший размещение промышленности Б.Н. Зимин (1993), и для опытных производств начальных стадий «продуктового цикла», относящихся даже к традиционным отраслям обрабатывающей индустрии. Для массовых же производств вторичного сектора, а также для предприятий третичного сектора характерна регулярная схема – размещение в узлах кристаллеровской решётки, обеспечивающих район центральными товарами и услугами.

Мы согласимся с высказанным впервые ещё А.Вебером мнением, что в основу классификации факторов размещения производства следует положить разграничение различных видов производственных издержек.

Основными видами издержек являются расходы на приобретение элементов постоянного и переменного капитала. Часть постоянного капитала (предметы труда), а также весь переменный выступают в роли оборотного капитала, средства же труда – в роли основного капитала. Затраты на приобретение элементов основного капитала можно выделить в отдельный фактор размещения производства. Расходам на предметы труда – сырьё и энергию – соответствуют сырьевой и энергетический факторы размещения производства. Затратам на оплату труда – фактор труда. Возникающие в процессе оборота капитала многочисленные издержки обращения выделяются в соответствующий фактор, а величину производных факторов – агломерирования, инерции размещения и других – можно получить самостоятельно как сумму (или экономию) части издержек на амортизацию капитала, стоимость рабочей силы и т.д. (Зимин, 1993).

Содержание экономического прогресса заключается прежде всего в обновлении технологической базы производства, в общем повышении органического строения капитала. Как известно, в формирующейся глобальной хозяйственной системе норма прибыли и ссудный процент имеют тенденцию к понижению. Однако снизившиеся к концу очередного, по Н.Д. Кондратьеву, цикла технологического развития («длинных волн»), ссудный процент и норма прибыли ведут к периодической активизации в начале каждой новой «кондратьевской» волны инвестиций в новую технику (Липец, Пуляркин, Шлихтер, 1999). Результат – относительное удешевление элементов постоянного капитала, снижение издержек производства и временное повышение нормы прибыли. Последнее же, в свою очередь, снижает прибыльность рискованных инвестиций, и «революционный этап» технологического развития вновь сменяется эволюционным.

Однако в связи с распространением новых технологий в географическом пространстве через механизм «диффузии нововведений» сначала возрастают темпы роста индустриальных, затем – в ещё большей степени, усиленные другими факторами (цена рабочей силы, сырьевой, энергетический, экологический, и т. д.) – развивающихся стран. Фактор же «наукоёмкости», действие которого особенно сильно

проявляется в «революционные» эпизоды научно-технического прогресса, т. е. в начале каждой очередной «кондратьевской» волны, подчас вызывает сдвиг производства товаров даже традиционных отраслей первичного сектора обратно в развитые страны. Сдерживают перенос производства в страны третьего мира также факторы инерции размещения и агломерирования, хотя они и не ведут к циклическим сдвигам.

Следует также отметить, что наряду с сохранением тенденции переноса старых отраслей первичного сектора, а также отраслей вторичного сектора, доминировавших в период предыдущих кондратьевских «волн», в развивающиеся страны, каждый новый виток научно-технического прогресса создает новые производства товаров (как правило, с более высокой добавленной стоимостью) и услуг, расширяя третичный и формирующийся четвертичный сектор экономики. Технологическое, экономическое, и как результат – политическое господство высокоразвитых стран воспроизводится на новом уровне.

По нашему мнению, неравномерность не только технологического развития, но и циклические сдвиги в размещении различных отраслей из развитых стран в развивающиеся и обратно, а также формирование в индустриальных странах новых производств и секторов хозяйства с более высокой добавленной стоимостью связаны с закономерностью повышения органического строения капитала и законом тенденции нормы прибыли к понижению, включая противодействующие этой тенденции факторы.

Можно предположить, что эти циклические сдвиги затрагивают и цены на землю, и динамику субурбанизации, и «внутренний ритм» поляризованных районов, но эти вопросы ещё недостаточно исследованы. Между технологическими волнами, открытыми Н.Д. Кондратьевым, и колебаниями ссудного процента, земельной ренты и цен на землю, несомненно, имеется взаимосвязь. Так как к концу очередной «длинной волны» органическое строение капитала наиболее высокое и, как было указано выше, становятся выгодными рискованные инвестиции, вследствие низких нормы прибыли и ссудного процента достигают максимума также и земельная рента, и цены на землю. Колебания же цен на землю, в свою очередь, влияют (пусть и не так значительно, как обеспечивающие агломерационный эффект внутренняя и внешняя экономия масштаба и сдерживающие этот эффект снижение транспортных и возрастание экологических издержек), в частности, на процессы урбанизации, субурбанизации и эксурбанизации.

Асосан қурғоқчилик шароитига эга бўлган Ўрта Осиёда, маъмурий-худудий жиҳатдан қатъий назар, сув манбаалари мавжуд бўлган жойларда ўзига хос иқтисодий-географик минтақалар тарихан ташкил топган. Бунга типик мисол сифатида Фарғона водийсини келтириш мумкин. Ушбу водий учта қўшни республикалар (мамлакатлар)ни бирлаштирувчи географик тугун ҳисобланади. Бу ерда Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикаларининг қадимдан ўзлаштирилган районлари жойлашган. Бундай водий ва воҳалар ер юзидаги агроландшафтларнинг кўпчилигига хосдир.

Инсон фаолияти натижасида қурғоқчилик районлар табиати кескин ўзгарди; замонавий хўжалик тармоқлари, суғориш иншоотлари, транспорт ва бошқа инфраструктура турлари, шаҳар ва йирик саноат марказлари барпо этилди, антропоген ландшафтларининг турли шакллари бўлган агро, техноген ва урболандшафтлар вужудга келди. Бироқ, шу билан бирга табиат ва жамият ўртасида мувозанат ҳам бироз бузилди. Бунга айрим ҳолларда табиатга нотўғри муносабат, табиат қонунларини менсимаслик, занжирсимон келиб чиқадиган оқибатларни кўра билмаслик сабаб бўлди.

Ҳозирги кунда экологик вазият минтақанинг кўпчилик районларида соғлом эмас. Бу борада энг аввало ҳаммага маълум бўлган Орол бўйи минтақасини келтириш ўринли. Суғориладиган ерларни кенг миқёсда кенгайтириш, катта-кичик сув омборларини кўпайтириш, Аму ва Сирдарё сувларидан нооқилона, тежамсиз фойдаланиш Орол денгизи сатҳини сўнгги 35-40 йил мобайнида кескин пасайишига, минтақадаги экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келди. Тупроқ, сув ва ҳавонинг ифлосланиши, ичимлик сувининг шўрланиши оқибатида аҳоли саломатлиги ҳам анча ёмонлашдики, бу ҳам бўлса юзага келган экологик фожеанинг энг муҳим натижасидир.

Афсуски, экологик ҳолат фақатгина Орол бўйидагина кўнгилсиз эмас. Оҳангарон водийсида, Чирчиқ воҳаси, Навоий шаҳри атрофларида ҳам бу вазият ижобий томонга ўзгаришни талаб этади. Айтиш жоизки, ушбу минтақаларда атроф-муҳитнинг ифлосланиши асосан саноат корхоналари ва марказларини нотўғри жойлаштириш, замонавий технологиянинг танқислиги туфайли содир бўлган.

Тахминан шундай сабаб-оқибат Ҳисор ва Чуй водийларида ҳам кузатилади. Айниқса, Ҳисор водийсидаги (Душанбе яқинидаги) цемент ва Регар шаҳридаги алюминий заводи экологик вазиятнинг бузилишига сабаб бўлди. Фарғона водийсида эса экологик ҳолат, иқтисодий шароитлар билан бир қаторда, антропоген (инсон) омил таъсирида ҳам шаклланди. Бундан ташқари, водийнинг географик шакли-унинг «ёпик» эканлиги ушбу вазиятни янада ёмонлашувига олиб келади. Ҳудди шундай географик ҳолат Оҳангарон водийсига ҳам тааллуқли.

Айни пайтда янги ўзлаштирилган ерларда-Мирзачўл, Жиззах, Қарши даштларида, Туркменистондаги Қорақум канали бўйларида ер ости сувларининг сатҳи кўтарилди, тупроқнинг қайта шўрланиш ҳолати кучайди. Суғоришга сарф этиладиган сувларнинг дарёларга қайтиб тушмаслиги сабабли минтақа харитасида янги сунъий кўллар вужудга келди (Ҳайдаркўл, Сарикамиш ва ҳ.к.).

Суғориш ва ерларни ўзлаштириш мақсадида қурилган жуда кўп сув омборларининг оқибати ҳам унча яхши бўлмади. Хусусан, тоғ ёнбағирларида барпо этилган сув омборларининг қуйи қисмида ер ости сувларининг сатҳи кўтарилган, натижада ер захланиб, уй-жой қурилишига, аҳоли саломатлигига, боғдорчилик ва мевачиликка катта зарар етказмоқда.

Қурғоқчилик ва экологик муҳит ёмонлашган районларда аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ҳам кечиктириб бўлмайдиган муаммолар сирасига киради. Зеро аҳоли саломатлиги, соғлом авлодни вояга етиштириш энг аввало унинг ичадиган сувининг сифатига боғлиқ.

Албатта, табиий шароит ҳар хил бўлган қурғоқчилик ҳудудларида ишлаб чиқариш кучларини ҳамма жойда ҳам бир хил ва айни даврда бир даражада ривожлантириш мушкул масала. Шу боис, хўжалик ҳудудий таркибидаги маълум миқёсдаги номутаносибликнинг сақланиб қолиши табиийдир. Бироқ, бундай шароитда мамлакатнинг турли районларида янги-янги саноат марказлари, ўсиш «қутблари»ни яратиш зарур. Бу борада хорижий давлатлардаги ижобий тажрибалардан фойдаланиш, бозор иқтисодиёти инфраструктурасини жорий этиш аҳамиятдан холи эмас.

К.А.Искакова

**Казахстанский Национальный университет имени аль-Фараби
СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ РАЗВИТИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО ТУРИЗМА
КАЗАХСТАНА**

Республика Казахстан - одна из тех стран, которые имеют все предпосылки для развития развитой индустрии туризма. В республике имеются уникальные сочетания

ресурсов для удовлетворения современных стереотипов туристского спроса. На территории страны много ландшафтно-рекреационных зон различного функционального назначения, различной емкости и степени благоприятности, пригодных для круглогодичной туристско-рекреационной деятельности.

К своеобразным объектам туризма относятся природные парки, заповедники, заказники, памятники природы, где предполагается развитие научного и учебно-образовательного туризма. В государственных и приписных охотничьих хозяйствах получают дальнейшее развитие спортивные охотничьи туры и туры по заказным охотничьим лицензиям.

Казахстан обладает богатыми ресурсами для организации приключенческих туров: спортивный и горный туризм, альпинизм, скалолазание, дельтапланеризм, горные и равнинные лыжи, санное катание. В республике прекрасные возможности для открытия горных отелей и спортивных баз и бальнеологических курортов. На внутренних горных реках, на озерах Алаколь, Зайсан, Балхаш, на Бухтарминском и Капчагайском водохранилищах и Каспийском море активно развивается водный туризм.

Повышение роли и места сферы рекреации и туризма в социально-экономическом развитии Казахстана, вовлечение в этот сектор хозяйства необходимых трудовых и материальных ресурсов, комплексное и эффективное использование рекреационных ресурсов, несомненно, является реальным источником экономического роста страны.

В настоящее время в республике туризм стал рассматриваться как одно из приоритетных направлений национальной экономики. В целях обеспечения устойчивого развития индустрии туризма выработана и определена единая государственная политика в туристской сфере, разработана Стратегическая программа по развитию отрасли до 2030 года. Была разработана также государственная программа "Возрождение исторических центров Шелкового пути, сохранение и преемственное развитие культурного наследия тюрко-язычных государств, создание инфраструктуры туризма».

В Казахстане более 700 туристских организаций, которые сотрудничают практически со всеми странами мира.

В целом, в туризме республики доминирует процесс выезда туристов за рубеж. При этом поток выезжающих туристов стабилизировался и составляет в среднем около 2275 тысяч человек в год. Большая их часть выезжает за границу с поездками частного характера (1596,3 тыс. чел.). Со служебными целями ежегодно выезжают около 344,4 тыс. чел. Туризм здесь занимает лишь четвертое место (121,8 тыс.чел.). В то же время повышается интерес к турам познавательного характера, заметно увеличилось количество путешественников из Казахстана в Австралию, Австрию, Чехию, Францию, Италию, Канаду, Испанию, страны Юго-Восточной Азии и другие государства. Расширяется процесс переориентации работы туристских фирм на организацию маршрутов познавательного характера, с отдыхом, лечением и т. п. В крупных компаниях открыты отделы индивидуального туризма.

В настоящее время посетить Казахстан приезжают иностранные граждане с различными целями поездок. Согласно данным Агентства по статистике, Казахстан посещали в основном с частными целями поездок (2138,4 тыс./чел) и с транзитными целями (845,9 тыс./чел.). Учитывая слабое развитие Казахстана в туристском плане, соответственно и невысокая доля посетителей с туристскими целями.

В современной структуре казахстанского туризма 35-40 % потока ориентировано на познавательный туризм, посещение памятников истории и культуры, исторических, краеведческих музеев, этнических центров, знакомство с национальным бытом, кухней, традициями, с народными ремеслами и промыслами. Наиболее привлекательные и зна-

чимые объекты показа расположены на юге республики, в населенных пунктах, известных как первые оседлые поселения Казахстана: Туркестан, Отрар, Баба-ата, Исфиджаб (Сайрам), Тараз, Мерке, Талхиз (Талгар), Койлык (Галдыкорган).

Сейчас республика прилагает усилия по привлечению иностранных туристов, но недостаточно укомплектованная, устаревшая материально-техническая база, низкий сервис и большое количество затрат на туристские услуги отталкивают туристов от страны.

Год за годом, набирая опыт и укрепляя свою финансовую базу, некоторые туристские фирмы стали предлагать различные виды услуг. Здесь наблюдается явное соперничество между спросом и предложением, когда люди ориентируются на более выгодные предложения, а фирмы, представляющие широкую палитру услуг, удовлетворяют возрастающий спрос. Тем самым формируется конкуренция на туристском рынке Казахстана.

Прошедшие 2-3 года для турбизнеса стали буквально переломными. Во-первых, в бюджете страны появилась статья «Туризм», в которую заложили 26 млн. тенге. После некоторых лет забвения Казахстан принял активное участие в крупных туристских биржах: ITB (Берлин), WTM (Лондон), MITT (Москва). Заметно оживилась деятельность по формированию имиджа южной столицы. Впервые большим тиражом стали выпускаться красочные рекламно-информационные материалы. Еще одним значимым событием стала 1-ая международная казахстанская выставка «Туризм и путешествия KITF-2001», организованная компанией ПЕСА. В рамках выставки прошел международный семинар, посвященный экотуризму. За это время возникли и утвердились два туристских союза: Алматинская Ассоциация туристских организаций (ААТО), объединившая турфирмы «на выезд», и Казахская Ассоциация турагенств (КАТ) - в нее в основном вошли представители фирм «на прием».

Появилась новая редакция закона «О туризме», что во многом обещает упорядочить туристскую деятельность.

Оптимистичны прогнозы Всемирной Туристской Организации относительно бывших советских республик: в начале третьего тысячелетия постсоветскому пространству предрекают быть одним из самых перспективных в мире. Но казахстанский турпродукт, как и сама страна, по-прежнему остаются малоизвестными. Как отмечают зарубежные эксперты, Казахстан на мировом рынке туруслуг не найдет своего места, пока не создаст «четкого» турпродукта, который выделялся бы среди других стран. Некоторая определенность просматривается уже сегодня. Казахский турпродукт имеет два базовых компонента: культурный туризм на Шелковом пути (паломнический и традиционный) и тесно связанный с ним эко-приключенческий туризм (сафари, рафтинг, орнитология, треккинг, альпинизм, охота, рыбалка).

Структура международного туризма Казахстана довольно разнообразна. В целом за 2003 год туристскими предприятиями страны было обслужено 139 682 туриста, входящих в статистику международного туризма, что составило 61% от общего числа обслуженных туристов в Казахстане. Из них на долю въездного туризма приходилось 32,2%, а на долю выездного – 67,8% от общего количества туристов-международников.

Наиболее популярной целью приезда иностранных туристов в нашу страну пока по-прежнему остается посещение знакомых и родственников или, так называемый, ностальгический туризм – 44,1% от общего количества «активных» туристов. Второе место по популярности занимают деловые и профессиональные цели посещения туристами Казахстана – 35,2%. Только на третьем месте по популярности среди иностранных туристов стоит досуг, рекреация и отдых. Это, наверное, один из главных минусов для Казахстана, обладающего в целом благоприятными и разнообразными

природными рекреационными ресурсами. Шоп-туризм (с этой целью к нам приезжают в основном граждане России) и другие виды туризма не пользуются особой популярностью у зарубежных туристов (всего 2,4% от их общего числа).

В структуре выездного туризма за 2003 год лидирует шоп-туризм – 42,8% от общего числа выезжающих. Наиболее популярными направлениями для такого вида туризма являются Китай, Турция, ОАЭ, Иран, Корея, Греция, Пакистан. На долю поездок за границу с целью досуга, отдыха и рекреации приходится – 36,1%.

Остальные цели выезда казахстанских туристов за рубеж не столь популярны. Так на посещение знакомых и родственников вне Казахстана приходится 9,8% от общего числа выезжающих. С деловыми и профессиональными целями отправляются за рубеж 5,1% наших туристов, с целью лечения – 1,6% . Быстрыми темпами развивается религиозный туризм.

Таким образом, следует отметить, что международный туризм в Казахстане находится на стадии своего становления. Однако за счет улучшения экономической ситуации в стране и правового обеспечения туризма в целом, за последние годы, несмотря на все сложности, намечаются сдвиги в лучшую сторону и в сфере международного туризма.

Т.Жумабоев, М.Усманов

Самарқанд Давлат университети

**МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ
(ЗАРАФШОН МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА)**

Ўзбекистон Республикасини иқтисодий районлаштириш масалалари билан кўплаб олимлар шуғулланишган. Жумладан, А.Солиев томонидан бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш даражаси ҳамда салоҳиятига кўра 6 та минтақага ажратилган. Улар Фарғона, Тошкент, Мирзачўл, Зарафшон, Жанубий ва Қуйи Амударё минтақалардир. Ушбу районлаштириш мамлакатимизнинг миллий ва минтақавий иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этиш масалалари иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тўғри ажратилган ҳамда баҳоланган.

Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларини бирлаштирувчи Зарафшон минтақаси республикамиз ижтимоий-иқтисодий ҳамда минтақавий сиёсатида ўз ўрни ва салоҳиятига эгадир. Зарафшон минтақасининг умумий майдони 168,1 минг км.кв бўлиб, у мамлакат ҳудудининг 37,4 фоизини (аҳолиси 5 млн. ортиқ) ташкил этади. Иқтисодий салоҳияти юқори ҳисобланган ушбу минтақасини бозор муносабатлари шароитида янада ривожлантириш учун мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш бугунги куннинг асосий вазифалардан ҳисобланади. Бинобарин, биринчидан, бой табиий ресурс, жумладан, минерал хом-ашё, ёқилғи, полиметалл рудалар, рангли металлар, қимматбаҳо, ноёб металлар ва қурилиши материалларнинг мавжудлиги минтақада қайта ишлаш саноатини янада ривожлантиришга қулай шароит туғдиради. Бу эса минтақада қулай инвестиция маконини яратиш учун географик тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Минтақанинг бой ер ресурсларга эгаллиги қишлоқ хўжалигида суғорма ва лалмикор деҳқончилик қилиш, чўл ва тоғ яйлов чорвачилигини ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантириш имкониятларини беради. Шунингдек, бу ерда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун яроқли ерлар захираси ҳам мавжуддир. Бундай ерларга тоғ сойларидаги илгари ўзлаштирилган, лекин ҳозирги кунда фойдаланилмаётган ерларни киритиш мумкин. Захирадаги бундай ерлар 1947, 1053 йилларга қадар ўзлаштирилган ва улар боғзорлар, узумзорлар билан банд бўлган. Янги ерларни деҳқончилик

муомаласига киритиш, улардан фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш аҳолиси тез ўсиб бораётган минтақа аҳолининг ерга бўлган талабини қондиришда катта аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари, Зарафшон минтақасининг тоғли ҳудудлари ҳар хил фойдали ва доривор ўсимликларга бой. Аммо ҳозирга қадар бу имкониятлардан фойдаланиш, улардан турли хил дори-дармонлар тайёрлаш, халқ табобатини ривожлантириш нафақат мазкур минтақада, қолаверса, республикамиздаги муҳим масалалардандир. Зарафшон минтақасида рекреация ва туризмни ривожлантириш учун ниҳоятда катта имкониятлар мавжуд. Хусусан, шифобахш булоқлар, тоғ ва чўл иқлими минтақада рекреация ресурсларининг бойлигидан далолат беради. Бироқ, ҳозирга қадар улар етарли даражада илмий нуқтаи назардан ўрганилмаган ва улардан фойдаланиш даражаси паст. Шундай экан, минтақанинг рекреация ресурсларини ўрганиш ва баҳолаш ҳозирги куннинг долзарб муаммолардан биридир.

Тоғли ҳудудларидаги юқоридаги қайд этилган захираларни ишга солиш учун бу ҳудудларга меҳнат ресурсларини жалб қилиш зарур. Бунинг учун транспорт йўллари яхшилаш, табиий газ билан таъминлаш каби масалаларни ҳал этиш катта аҳамиятига эга.

Бу эса, ўз навбатида, шу йўналишдаги илмий тадқиқот ишларини кучайтиришни талаб қилади.

Юқорида қайд этилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, бизнингча, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- бозор муносабатлари шароитида минтақада қулай инвестиция маконини шакллантириш, қўшма корхоналарни қуриш мақсадида иқтисодий географик тадқиқотларни олиб бориш;

- ўсиб бораётган ортиқча меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноат тармоқларини шакллантиришнинг илмий асосларини яратиш;

- қишлоқ хўжалиги соҳасида фермерчилик ҳаракатини қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш, жумладан, Навоий ва Бухоро вилоятлари чўл ҳудудларида чорвачиликка ихтисослашган тадбиркорликни яъни янада кучайтириш;

- Зарафшон минтақаси нафақат республикамизда, қолаверса, дунёга машҳур туристик имкониятларга эга. Шу нуқтаи назардан Самарқанд, Бухоро ва Нурота шаҳарларида туризм бозорини шакллантириш, мавжуд рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш;

- табиий ва минерал хом аше ресурсларидан оқилона фойдаланиш, хорижий ҳамкорлар иштирокида турли йўналишда қўшма корхоналар ташкил этиш каби масалаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

А.А.Қаюмов, К.Қўзиев, Б.Абдурахманов

**Ўзбекистон Миллий университети, Наманган Давлат университети
ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ШАРОИТИДА
ДАВЛАТНИНГ РОЛИ ТЎҒРИСИДА БАЎЗИ-БИР ФИКР МУЛОҲАЗАЛАР**

Глобаллашув молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш механизми воситасида миллий давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ролини деярли барча ҳудуд, минтақа ва мамлакатларда кучайишига олиб келмоқда. Мазкур механизмлар ёрдамида ҳар қандай мамлакат ёки мамлакатлар уюшмаси жуда микёсли ижтимоий дастурларни ҳаётга тадбиқ этмоқда ва айнан шу йўл билан бозор иқтисодиётига хос қонунларнинг салбий таъсири бартараф қилинмоқда. Улар қаторига энг аввало соғлиқни сақлаш тизимини

қўллаб-қувватлаш, бепул, барчанинг қурби етадиган таълим тизимини, ташкил этиш ҳамда бошқа шу каби йўналишларда қабул қилинган дастурлар киради. Бу ўринда олий таълимни давлат томонидан қўллаш Франция, Буюк Британия, Германия ва бошқа мамлакатларда 80-85 фоизни ташкил этишини қайд қилиб ўтиш лозим.

Демак, глобал иқтисодий структура фаолияти ҳозирги вақтда ҳам, яқин келажакда ҳам самарали фаолият кўрсатаётган давлат ўрнини боса олмайди. Чунки глобаллашув жараёнини асосий ҳаракатлантирувчи куч - трансмиллий корпорациялар мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий фарқларни кўпайиши ва кучайиши, бой давлатларни яна ҳам бойишига камбағал мамлакатларни кундан-кунга камбағаллашиб боришига ва охир оқибат қашшоқлашиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Бутунжаҳон Банкининг 2005 йилда дунёнинг ривожланиши тўғрисида маърузасига биноан¹ жаҳондаги 20 давлатда аҳоли жон бошига ҳисобланган ўртача миллий даромад (29615 АҚШ доллари) энг камбағал 20 мамлакатларга хос ушбу кўрсаткичдан 145 мартага юқори бўлди. Энг муҳими шундан иборатки, мазкур кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ сўнгги 40 йилда деярли икки мартага ошди. Юқоридаги келтирилган кўрсаткичларга кўра, энг бой-Люксембург(43990 АҚШ доллари) билан энг камбағал Эфиопия давлатларига хос аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯМД ўртасидаги фарқ 488 мартани ташкил этди.

Ундан ташқари, глобаллашув жараёни табиий ресурсларни истеъмол қилишда мамлакатлар ўртасида мавжуд номутаносиларни яна ҳам чуқурлашишига сабаб бўлмоқда. Ушбу ресурслар бой мамлакатларни яна ҳам бойишига ва шу вақтнинг ўзида эса камбағал мамлакатлар табиатини мазкур ресурсларни қазиб олиш ва бирламчи қайта ишлаш оқибатида ифлосданишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, бой мамлакатлар ўз навбатида географик муҳитга кучли тарзда ифлослантирувчи моддаларни катта миқдорда чиқариб, уни яна ҳам кўпроқ ифлосланишига олиб келмоқда. Бу ўринда дунёда энг бой давлат-АҚШ етакчилик қилишини таъкидлаб ўтиш зарур. БМТнинг барқарор ривожланишга бағишланган конференциясида (Йоханнесбург ш. ЖАР, сентябрь 2002 й.) ҳозирги вақтда АҚШ ҳиссасига бутун жаҳонда истеъмол қилинаётган электр-энергиянинг 44 фоизи ва барча саноат чиқиндиларининг 1/3 қисми тўғри келиши алоҳида қайд этиб ўтилди².

Шундай қилиб, инсоният тарихининг «глобаллашув» деб аталган чорак асри самарали иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ҳамда аҳолини ҳозирги замон стандартларига мос бўлган ҳаёт билан таъминлаш муаммосини миллий-давлат даражасидан умумсаёравий даражага ўтказишга, миллий-давлат механизмнинг бошқарувдаги ролини максимал даражага ошишига олиб келди. Бундай ҳолат «Европа Иттифоқи», НАФТА, «Осиё-Тинч океани региони» ва бошқа шу каби мамлакатлараро бирлашмаларнинг истиқболлари тўғрисидаги тезисларни яна бир бор танқидий руҳда кўриб чиқишга ундайди. Бу ўринда ЕИ кирувчи баъзи-бир давлатлар аҳолисини ягона конституцияни қабул қилмаслиги бир огоҳлантирувчи қўнғироқ эканлигини таъкидлаб ўтишимиз зарур. Бизнинг нуқтаи назаримизга биноан, ягона конституциянинг қабул қилиниши давлатлар ўртасида ихтилофларни, энг аввало ижтимоий ва экологик муаммоларнинг бир хил ҳолатга эга эмаслиги билан боғлиқ ихтилофларни келиб чиқишига ва чуқурлашишига сабаб бўлади. Чунки бундай муаммоларни ҳал этиш катта ҳажмлардаги маблағларни талаб қилади. Айнан мана шундай вазиятларда миллий-давлат механизми билан ундан юқори турган иттифокнинг бошқарув ташкилотлари ўртасида келишмовчиликлар вужудга келиши мумкин. Шунинг учун ҳам иттифокнинг маънавий-маърифий асосларини ташкил

¹ Доклад о мировом развитии 2005. Как сделать инвестиционный климат привлекательным для всех. ООО изд-во «Весь мир». Гл: «Весь мир», 2005.

² «Известия, наука». 2002. 30 августа, стр.1

этувчи «кадриятларнинг глобал тизимини» ҳамда «ягона хукмрон маданият»ни барча мамлакатлар ва уларда мавжуд халқларга тадбиқ этиш ва сингдириш, яъни глобаллашув талабларидан бирини бажариш иттифок, уюшма ва шу каби мамлакатларнинг иқтисодий маконларининг истиқболини йўқ бўлишига олиб келиши мумкин. Мана шунинг учун ҳам Туркия давлатини, яъни ислом дини хукмдор бўлган мамлакатни ЕИга қабул қилмасликга интилишини биз тўғри тушунамиз. Чунки, барчасида христиан дини устун бўлган давлатлар тизимига асосий дини ислом дини бўлган мамлакатни қабул қилиш «пойдевори» кимирлаб турган Еининг келажагига путур етказиши ва унинг бархам топишини тезлаштириши мумкин.

Хулоса қилиб шуни алохида таъкидлаш мумкин: миллий-давлат механизми ҳар қандай шароитда ўзининг аҳамиятини йўқотмайди, уни йўқотиши ҳам мумкин эмас. Акс холда мамлакатни очик океандаги елкансиз қолган кемага ўхшаб қолиши мумкин.

Г.В.Гельдыева, Р.Ю.Токмагамбетова

Институт географии МОН РК

ЭКОЛОГО-ДЕМОГРАФИЧЕСКОЕ РАЙОНИРОВАНИЕ СЕЛЬСКИХ ТЕРРИТОРИЙ РЕСПУБЛИКИ КАЗАХСТАН

Эколого-демографическое районирование представляет собой специальный целевой вид районирования, основывающийся на социо-экологических показателях. В результате обследования сельских территории Кызылординской, Алматинской, Актюбинской, Атырауской, Западно-Казахстанской, Мангистауской, Костанайской и Северо-Казахстанской областей были разработаны схемы эколого-демографического районирования на основе единой методики и принципов ранжирования демографических показателей. Эколого-демографические районы, как системы, складываются под влиянием социально-экономических процессов и условий, развивающихся на фоне естественных природных закономерностей регионов. За ведущий принцип эколого-демографического районирования принято наличие территориального единства, взаимосвязей и взаимозависимости между ландшафтно-экологическими и социально-демографическими составляющими. Эколого-демографическое районирование осуществлено авторами в рамках административных границ, перечисленных выше областей. Оценка системы имеющихся эколого-демографических показателей, сопряженный их анализ со среднереспубликанскими значениями, а также учет уровня предельно допустимых концентраций загрязняющих веществ позволили установить фоновый и депрессивный уровни эколого-демографического состояния сельских территорий.

Депрессивными, принято называть такие районы, в которых по экономическим, социальным, экологическим и иным причинам перестали действовать основания и стимулы развития. Эти регионы не могут рассчитывать на саморазрешение депрессивной ситуации и требуют для этого чрезвычайной, специальной поддержки со стороны государства. В этом заинтересованы как депрессивный регион, так и государство в целом, т.к. очаги депрессии рано или поздно становятся центрами политической, социально-экономической и экологической напряженности в большинстве стран. Специфика депрессивных территорий РК в том, что они раньше таковыми не являлись, а их депрессивность определяется относительно других территорий и по сравнению с их собственным прежним состоянием. За основные *критерии депрессивности сельских регионов* нами приняты: темпы спада производства; снижение уровня жизни населения (низкий доход на душу населения); нарастание негативных тенденций в сфере занятости (высокий уровень безработицы);

усиление проблем в сфере демографии, экологии, предоставления социальных услуг и пр.

Данное исследование направлено на усиление методологических основ решения проблем в сфере экологии и демографии. Важным его элементом стала разработка принципов и методов оценки эколого-демографических ситуаций сельских территорий РК. Принятие организационных и управленческих решений по повышению уровня жизнеспособности сельского населения должно основываться на системе конкретных эколого-демографических оценок. Параллельно с методическими вопросами комплексной географической оценки сельских территорий разрабатывались принципы и классификационные построения, связанные с картографическим изображением эколого-демографической ситуации и её комплексного районирования на ландшафтной основе. Депрессивные регионы нашли картографическое отображение на картах эколого-демографического районирования сельских территорий. Разработанная методика анализа и оценки статистических показателей социо-экологического состояния сельских территорий, применение ландшафтного подхода (как основы районирования), позволили выявить на территории Республики Казахстан ареалы депрессивности природно-сельскохозяйственных систем. Фоновое состояние равновесия или депрессивности сельских территорий характеризуется определенными значениями распределения, сочетания и количественной концентрации оценочных эколого-демографических показателей.

В качестве основных показателей, характеризующих эколого-демографические процессы рассмотрены: *природные* – основные виды ландшафтов; *экологические* загрязнение атмосферного воздуха, загрязнение источников питьевого водоснабжения, а именно, воды водопроводной, не соответствующей гигиеническим требованиям по микробиологическим показателям, воды водопроводной, не соответствующей гигиеническим требованиям по химическим показателям, воды децентрализованных источников, не соответствующей гигиеническим требованиям по микробиологическим показателям, воды децентрализованных источников не соответствующей гигиеническим требованиям по химическим показателям, и загрязнение почвогрунтов; *демографические* – плотность сельского населения; рождаемость населения; смертность населения; младенческая смертность; естественный прирост; интенсивность миграции; виды *заболеваемости* – вирусный гепатит, острые кишечные инфекции, туберкулез, бруцеллез, новообразования, болезни системы кровообращения, болезни органов дыхания, в том числе природно-очаговые – чума, холера, крымская геморрагическая лихорадка. Показатели определялись по превышению предельно-допустимой концентрации или к среднереспубликанскому уровню. Всего рассмотрен 21 показатель. Эколого-демографическое состояние районов определяется формулой, в которой числитель – это природные и экологические показатели, а знаменатель – демографические процессы и заболеваемость. Приведенные индексы являются исходными при составлении эколого-демографических формул

При разработке эколого-демографического районирования областей РК каждый из районов охарактеризован по ряду эколого-демографических показателей, включающих 21 характеристику. Степень депрессивности сельских районов определена по следующей пятиступенчатой градации с определенным числом эколого-демографических показателей: очень низкая (0-3), низкая (4-5), средняя (6-8), высокая (9-10), очень высокая (свыше 11) . В результате анализа и оценки эколого-демографической ситуации по административным областям республики выявлены депрессивные очаги и разработаны предложения по улучшению эколого-демографической ситуации.

З.К. Усманов

**Национальный университет Узбекистана
НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ УПРАВЛЕНИЯ РЕГИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКОЙ В
УСЛОВИЯХ ПЕРЕХОДА К РЫНОЧНОЙ МОДЕЛИ РАЗВИТИЯ**

Государство в качестве политической организации общества осуществляет законодательную функцию и административное управление. Государство имеет монополию на осуществление целого ряда экономических функций, в том числе эмиссию денег и сбор налогов. Государство управляет собственностью, оказывает воздействие на поведение других хозяйствующих субъектов путём регулирования цен, заработной платы, налогов и других экономических инструментов.

В соответствии с вышеизложенным, основными функциями государства в экономике являются административно-правовые и собственно – экономические.

Важнейшую роль в осуществлении государством экономических функций играет система экономических институтов. Институты делятся на формальные и неформальные.

Формальные институты включают законы, обязательные процедуры хозяйственной деятельности, а также административные и юридические меры государства по отношению к другим экономическим агентам.

К неформальным институтам относятся традиции и социально-культурные стереотипы; правила и процедуры, не получившие государственного одобрения, но тем не менее применяемые экономическими агентами.

Среди показателей, характеризующих прямое и косвенное участие государства в экономике, важнейшими является величина государственных расходов в валовом внутреннем продукте, а также удельный вес государственной собственности, количество занятых в государственном секторе, доля государства в инвестициях, масштабы государственного потребления и др.

В условиях формирования и функционирования рыночной модели развития роль и задачи государства отличаются от положения государства при других формах управления, том числе при административно-командной системе.

В рыночной экономике государство из субъекта всевластия превращается в одного из участников экономической деятельности.

Государство в рыночной экономике выполняет следующие основные функции:

- обеспечение правовых основ хозяйственной деятельности;
- преодоление или компенсация негативных эффектов рыночного поведения и удовлетворение потребностей в той части общественных благ, которые не может обеспечить рынок (национальная оборона, охрана окружающей среды и др.);
- обеспечение нормального функционирования рыночного механизма (бюджетно-налоговая, денежно-кредитная и структурная политика).

Государство, кроме вышеуказанных, выполняет также ряд других специфических функций, прежде всего за счёт реформ, проводимых им «сверху». Кроме того, переходная экономика как социально-экономическая система, выведенная из состояния равновесия, требует активной регулирующей роли государства с целью избежать или смягчить негативные последствия рыночной трансформации.

В связи с переходом к рыночной экономике роль государства коренным образом меняется. Оно выражается, прежде всего, в либерализации экономики. Либерализация экономики, прежде всего, предполагает собой отказ государства от монополии на ведение экономической деятельности.

Либерализация экономики включает либерализацию предпринимательства, либерализацию цен, либерализацию внешнеэкономической деятельности.

В начале рыночных реформ постепенно начало сокращаться вмешательство государства в хозяйственные дела. Были упразднены Госплан и Госснаб, а вместе с ними ликвидирована система директивного планирования и централизованного материально-технического снабжения. Завершилась практика обязательных государственных заказов, а их места заняли прямые сделки между производителями и потребителями. Либерализация торговли позволила подорвать монопольное положение государственной торговли. Официально были отменены все ограничения на частную хозяйственную инициативу.

В начале экономических реформ был завершён процесс регулирования оптовых и розничных цен. Однако либерализация цен и внутренней торговли проходила медленнее и значительно тяжелее, нежели ожидалось.

Существенные сдвиги произошли в процессе приватизации предприятий и организаций. Так, по данным единого государственного регистра предприятий и организаций, число зарегистрированных юридических лиц всех отраслей экономики, на 1 января 2005 года достигло 315,9 тыс. единиц, из них действуют 274,5 тыс. единиц (86,9%).

Таблица 1

Соотношение государственного и негосударственного секторов в ВВП и выпуске продукции основных отраслей экономики Узбекистана в 2004 году*

	Доля секторов, в %%	
	Государственного	Негосударственного
валовой внутренний продукт	24,2	75,8
промышленная продукция	20,7	79,3
продукция сельского хозяйства	0,8	99,2
строительные работы	10,1	89,9
транспорт	64,3	35,7
Связь	3,2	96,8
внешнеторговый оборот	26,6	73,4
платные услуги населения	28,7	71,3
численность занятых	23,0	77,0

*Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2004 год. Т.: Госкомитет Республики Узбекистан по статистике, 2004, с.13.

На начало 2005 года в негосударственном секторе функционировало 91,1% всех действующих предприятий и организаций.

В 2004 году вновь зарегистрировано 53,4 тыс. предприятий и организаций, значительная часть которых приходится на Кашкадарьинскую область (30,4%), г. Ташкент (8,7%) и Бухарскую область(8,3%).

К 2004 году соотношение государственного и негосударственного секторов в ВВП и выпуске продукции основных отраслей экономики, в занятости населения характеризовалось данными таблицы 1.

К 2004 году соотношение государственного и негосударственного секторов в ВВП и выпуске продукции основных отраслей экономики, в занятости населения характеризовалось данными таблицы 1.

Э.А.Ахмедов, У.Позилова
Национальный университет Узбекистана
ГОРОДА И ОКРУЖАЮЩАЯ СРЕДА

Ускоренные процессы урбанизации привели к тому, что основные городские агломерации стали крупнейшими очагами загрязнения.

И.Каримов

Мы должны помнить, то что в середине XX века в городах проживало менее трети населения земли, а теперь на городские поселения приходится почти половина (более 48%) человечества. Через четверть века удельный все городского населения достигнет 60 процентов. А, как известно, неудержимый рост городов оказывает опасное воздействие на окружающую среду.

Полвека назад - в 1950 г. – Нью-Йорк был единственным гордом в мире с численностью населения 10 миллиона человек. А по прогнозам специалистов, к 2015 г. таких городов будет 23.

В опубликованном отчете ЮНИСЕФ и Всемирной организации здравоохранения подчеркнуто, что в результате ухудшения экологии более 40 процентов населения мире живут в антисанитарных условиях.

Отсида и понятно, что охрана окружающей среды - одна из главных проблем, непосредственно связанных социально-экономическим развитием городов любого ранга, и, прежде всего, крупных.

Вопрос о чистоте экологии затрагивают интересы и волнует всех без исключения людей живущих, в современных городах. От того, насколько серьезно каждый будет относиться и вопросам охраны природы, зависит благополучие условий жизни и, прежде всего, здоровье населения.

Из сказанного понятно и важно, чтобы каждый человек имел представление не только о последствиях воздействия отрицательных влияний экологических процессов и, прежде всего, атмосферных загрязнений на здоровье и бытовые условия жизни населения, но и о путях оздоровления окружающей нас воздушной среды. Возникнув, прежде всего, в результате человеческой деятельности, экологическая проблема в наши дни приняла всемирный характер.

Было время, когда дело зашло так далеко, что опасность гибели цивилизации в результате необратимых экологических явления многие учёные ставили на второе место после угрозы термоядерной войны.

Всему сказанному виной является хозяйствование человека, из года в год осваивающего все новые и новые земли, строящего различные промышленные объекты, развивающего наземный и воздушный транспорт, употребляющего в производстве различные химикаты и явно при этом недостаточно заботящегося о сохранении равновесия в природе.

Невозможно представить себе современный крупный город без многопрофильных промышленных и жилищно-коммунальных объектов, без развития сети автомобильного и железнодорожного транспорта. Все эти объекты необходимы для нормальной и эффективной жизнедеятельности человека, но, вместе с тем, являются главными источниками загрязнения атмосферного воздуха населенных мест. К главным источникам загрязнения воздуха, особенно в городах, относится автомобильный транспорт, количество которого увеличивается из года в год.

Ежегодно в республике в воздух выбрасывается более 2-х миллионов тонн загрязняющих атмосферу веществ, из них более половины приходится на автотранспорт.

Серьёзными источникам загрязнения воздушного бассейна городов являются выбросы примышленных предприятий. Один из крупнейших учёных, мира действительный член шведский королевской Академии наук Рольф Эдберг считал, что не только ядерная зама может превратить нашу планету в мертвое космические тело, но, увы, и созидательная работа – строительство, дорог, развитие промышленности и транспорта. Сам научно-технический прогресс может обернуться против человека, если не проявить осмотрительности и мудрости.

По мнению специалистов люди, живущие в городах, находятся под воздействием более чем нескольких тысяч различных веществ, при этом концентрация вредных веществ в организме человека возрастает. Бывают случаи, когда загрязнение городского воздуха приводит к повышению его температуры. Это происходит в результате затруднения расслаивания тепла от большого количества многоэтажных домов и городского асфальта. Ярким премьером такого явления может служить столица республики – Ташкент - с численностью населения более 2,5 миллиона человек.

Также понятно, что большая плотность населения и исчерпание территориальных резервов, вызывая переуплотнение жилой застройки, также ухудшают экологического состояния города.

Заслуживает необходимость улучшения окружающей среды в таких индустриальных городах Узбекистана, как Чирчик, Алмалык, Ангрен и др.

Экологическая ситуация, как известно, не знает административных границ. В подтверждение этого можно привести пример с алюминиевым заводом Таджикистана, построенного почти четверть века назад. Это крупное предприятие наносил и продолжают наносить большой урон природной среде ряда районов и городов Сурхандарьинской области. В результате выброса большого количества вредных веществ ухудшилось здоровье населения, негативные влияние данного предприятия все больше усиливается. В последнее время появились сообщения о намерении увеличить мощности димного завода, а также о строительства в районе Хатлон в Таджикистане нового алюминового завода. Осуществление этого плана может резко отрицательно сказаться в ближайших к заводу районах Сурхандарьи и нанесет непоправимый урон не только животному и растительному миру, но и привести к резкому ухудшению здоровья населения и его генофонда. В связи с этим в последнее время появились ряд тревожных сообщений, статей в средствах массовой информации Узбекистана.

Когда речь идет о проблемах экологии, нельзя не сказать особо об отрицательном воздействии на здоровье человека и окружающую среду таких физических факторов, как шум и вибрации. По мнению специалистов, шум в городах, особенно крупных, сокращает жизнь человека в среднем на 8-12 лет. Установлено, что у детей, которые учатся в школах на шумных улицах, успеваемость значительно ниже, чем в школах, которые находятся в тихих местах. Видимо, недаром в древнем Китае наказание обвиняемого шумом считали самым тяжелым наказанием. Отсюда понятно высказывание известного немецкого ученого Роберта Коха, который считал, что когда-нибудь человечество будет вынуждено бороться с шумом столь же решительно, как с холерой и чумой.

Важная роль в смягчении экологической обстановки в городах принадлежит зеленым насаждениям, паркам, которые служат естественными пылеуловителями и снижают отрицательное влияние шума. К тому же они являются структурными элементами современных городов, выступая в роли самостоятельных архитектурных ансамблей.

Для глубокого понимания всех проблем экологической обстановки, в их решении должно принять самое активное участие молодое поколение. Для этого необходимо у него воспитывать экологическую культуру. Но прежде всего необходимо понять суть термина «экологическая культура». В этом отношении есть несколько толкований. Из них, на наш взгляд, самым приемлемым является следующее определение: «Экологическая культура-это экологическая образованность, сознательное отношение к природе и практическое участие в улучшении природопользования».

За годы независимости в республике был принят ряд законов и постановлений: «О защите природы», «Земельный кодекс Республики Узбекистан», «О недрах», «Об отходах», «Градостроительный кодекс Республики Узбекистан». В этих жизненно важных документах нашли свое достойное место вопросы, связанные с охраной окружающей среды и экологической безопасности.

Люди должны жить по законам природы, а не вопреки им, и отказаться от всего, что противопоказано и губительно для жизни. Надо смелее перенимать всё полезное, что имеется где бы то ни было. Есть чему поучиться, например, у скандинавских стран, где экологически чистое производство уже вышло из разряда фантастики и где высокий уровень жизни, долголетие граждан сочетаются с чистым воздухом, девственной природой и водой, которую можно пить, не опасаясь за здоровье. Познание взаимосвязей между окружающей средой и человеком и разработка научно обоснованных рекомендаций и предложений является основной целью ученых, работающих в области здравоохранения и социальной гигиены, т.е. науки о здоровом образе жизни. Забота же об охране природы должна стать повседневным делом всех живущих на этой земле.

М.И.Назаров

Ўзбекистон Миллий университети

**ГИЁХВАНДЛИКНИ ИЖТИМОЙ ҲОДИСА СИФАТИДА ТАДҚИҚ
ЭТИШНИНГ АЙРИМ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ**

Инсониятнинг бугунги тараққиёт босқичида гиёхвандлик ўрта салбий ижтимоий ходисалардан бирига айланди. Гиёхвандлик, яъни инсон ёки аҳолининг муайян қисми, ижтимоий қатламлари томонидан наркотик (героин, опиум, хапка ва б.) моддаларни истеъмол қилиш дунёнинг кўплаб ҳудудлари, минтақалари, мамлакатларини қамраб олди. Унинг салбий ижтимоий оқибатлари, энг аввало, давлатлар аҳолисининг муайян қисми ёки ижтимоий қатламларининг саломатлик даражасини пасайишига, турмуш тарзини, бузилишига, соғлом ижтимоий муҳитнинг кескинлашувига олиб келади. Шу сабабдан ҳам ушбу ходисани илмий ўрганишга комплекс ёндошиш ва бунда унинг тиббий, социологик, ҳудудий ва иқтисодий жиҳатларига эътиборни кучайтириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги даврда гиёхвандликка қарши кураш нафақат миллий давлат, балки йирик минтақалар ва халқаро аҳамият касб этмоқда. Мазкур масала етакчи халқаро ташкилотлар фаолиятининг муҳим бўғинига айланди. Буни жумладан, собиқ Иттифокдан кейин Евросиё ҳудудида вужудга келган ташкилотлар ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин. Гиёхвандлик аҳолининг маълум бир қисми, ижтимоий қатламларининг саломатлик ҳолатини ёмонлашувига, турмуш даражасининг пасайишига, носоғлом турмуш тарзини кенг ёйилишига, муайян ҳудудларда ижтимоий кескинликнинг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ҳам гиёхвандликка қарши кураш нафақат ҳуқуқ тартибот муассасалари, балки кенг жамоатчилик эътиборига молик масаладир.

Ҳозирга қадар гиёҳвандлик ҳодисасининг тиббий жиҳатлари кучли ўрганилди. Эндиликда эса унинг социологик оқибатларини тадқиқ этиш кучайди. Аммо, гиёҳвандликнинг иқтисодий оқибатларини илмий тадқиқ этиш сушт, географик қирралари эса эътиборга муҳтож.

Аввало, гиёҳвандлар ким? Мутахассисларнинг фикрича, булар, энг аввало, аҳолининг ўсмир ва ўрта ёшлардаги кучсиз ижтимоий қатламлари вакилларидир. Гиёҳвандларнинг аксарият кўпчилиги аҳолининг 15-40 ёшдаги қатламига тўғри келади ва улар ўртасида гиёҳванд моддалар қабул қилишнинг инъекция (укол) шакли кенг тарқалган. Гиёҳвандларнинг энг фаол қатлами эса 20-30 ёшдаги аҳолидан иборат. Гиёҳвандликни ижтимоий тадқиқ этиш, тегишли мутахассисларнинг фикрларини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳозирда гиёҳвандларнинг таркибида эркак аҳолининг улуши юқори. Сўнгги йилларда эса аёлларнинг сони ҳам ортиб бориши кузатилмоқда.

Гиёҳвандликнинг баъзи бир географик хусусиятлари ҳам кўзга ташланади. Жумладан, гиёҳванд моддаларнинг асосий савдо ўчоқлари кўпчилик ҳолларда шаҳарлардир. Чунончи, муаллиф томонидан Фарғона иқтисодий районининг йирик шаҳарларида олиб борилган ижтимоий тадқиқотларда ҳам буни кўриш мумкин. Шуни алоҳида айтиш жозизки, Андижон, Қўқон, Фарғона, Марғилон шаҳарларининг ўзида гиёҳванд моддаларнинг асосий савдо ўчоқлари, маҳаллий аҳоли табири билан айтганда, “лўли маҳалалар” ҳудудига тўғри келади. Хом аше эса Қирғизистон, Тожикистон ҳудуди орқали кириб келади. Шаҳарларда гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш кўпроқ микрорайонлар ҳудудида, йирик кўчаларнинг муайян қисмларида кўпроқ тарқалган. Шунингдек, уларнинг асосий ўчоқлари, одатда, йирик ресторан, кафе-бар, меҳмонхона ва парклардан иборат.

Гиёҳвандликнинг ҳудудий жиҳатларини ўрганиш унинг баъзи бир ўзига хос хусусиятларини аниқлаб беради. Жумладан, гиёҳвандлик ўчоқлари, ўзи жойлашган ҳудуднинг географик ўрнига, транспорт коммуникацияларига қулайлигига, демографик салоҳиятига, яъни аҳолиси, унинг жинс-ёш таркибига, ёшлар сонининг катта-кичиклигига, аҳолининг миллий-этник таркибига ҳар томонлама боғланган.

Гиёҳвандлик географиясидаги муҳим хусусиятлардан бири – унинг асосий савдо ўчоқларини йирик шаҳарлар ҳудудида жойлашганлиги билан боғлиқ. Шаҳарлар ҳудудида эса улар шаҳарнинг чека қисмларида, транспорт нуқтаи назардан қулай бўлган йирик автоўллар бўйича жойлашган.

Шаҳарлар аҳолиси миллий таркибининг турли-туманлиги, турмуш шароитлари, ёшлар салмоғининг катталиги, аҳолининг ижтимоий меҳнатда бандлик даражасини пастлиги кабилар гиёҳвандлик ўчоқларининг вужудга келишига ўз таъсирини кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, гиёҳвандлик асримизнинг ўта салбий ижтимоий ҳодисаси сифатида тиббиёт, социология, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларнинг комплекс тадқиқот объектига айланди. Бунда айниқса, унинг географик жиҳатларини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга.

З.Н. Тожиёва

Ўзбекистон Миллий университети

**ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИНГ ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТИ ВА ИЖТимоий
ИНФРАСТРУКТУРА ТИЗИМИДАГИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАР**

Республикамизда рўй бераётган чуқур иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар туфайли аҳолининг ривожланиши, унинг яшаш шароити ва тарзи билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакат аҳолисининг ҳудудий таркибида қишлоқ аҳолисининг (63,5 %) ҳиссаси баланд. Қолаверса, қишлоқ жойлар аҳолиси шаҳар аҳолисиникига нисбатан ҳам юқори, ҳам жадал ўсишда давом этмоқда. Минтақалар ва вилоятлар бўйича қишлоқ жойлар аҳолиси жами аҳолининг 60 фоиздан ортиғига тўғри келади.

Аҳолининг миқдорий ўсиши қишлоқ жойлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгиловчи бир қатор соҳа ва тармоқларга эътибор қаратишни талаб этади. Шу боисдан, қишлоқ жойларнинг ижтимоий инфраструктура тизими билан таъминланишини таҳлил этиш бугунги кун вазиятида ўта муҳимдир. Республикамиз қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг жойлашган географик ўрни, улар орасидаги масофанинг узоқ-яқинлиги, иқтисодий, ижтимоий-демографик ривожланиши каби ўзига хос хусусиятларга эгаллиги инфраструктура тизимнинг бир текисда ва кенг доирада ривожланишга имкон бермайди.

Қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Чунончи, республикамизда туман қишлоқ касалхоналарининг сони 1997-2002 йиллар давомида 7 тага кўпайган. Касал ўринлари билан таъминланиш даражаси 2003 йилда 118,4 фоизга ошган. Туман қишлоқ касалхоналарининг 8 та вилоятда мавжудлиги ва бу вилоятларда ҳам бир текис жойлашмаганлиги эътиборлидир. Туман қишлоқ касалхоналари миқдори Фарғона (10 та), Тошкент (5 та), Сурхондарё (7 та), Самарқанд (5 та) вилоятларида энг кўп, Жиззах (1 та) ва Наманган (3 та) вилоятларида эса нисбатан камдир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг туб моҳияти аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, маънавий, ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан ёш авлодни соғлом қилиб тарбиялашга қаратилган. Бу борада айниқса қишлоқ жойларда таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйишга катта эътибор берилмоқда.

2003 йил маълумотларига кўра, Ўзбекистонда мактабгача тарбия муассасаларининг сони 6746 та бўлган. Шундан 4034 таси қишлоқ жойларга тўғри келади. Қишлоқ жойлардаги тарбия муассасаларида тарбия олаётган болалар сони 258,3 минг кишини ташкил қилади. Шунингдек, 1-6 ёшгача бўлган болаларни мактабгача тарбия муассасасида қамраб олиш даражасига кўра ҳам қишлоқ жойлар паст кўрсаткичга эга. Ваҳоланки, худди шу ёшдагилар қишлоқ жойларда шаҳарникига нисбатан кўп сонлидир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2003-2004 ўқув йилида республика қишлоқ жойларидаги кундузги мактабларда жами бўлиб, 4270,9 мингта ўқувчи таълим олган.

Республика умумтаълим мактабларининг 78,4 фоизи қишлоқ мактаблари ҳисобланади. Ушбу мактабларнинг асосий қисми кундузги мактаблар бўлиб, уларнинг ҳам 78,7 фоизи қишлоқ жойларга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 февралда эълон қилган таълим тизимини ислоҳ қилишнинг қонуний асосини белгилаб берган Фармони 2004-2008 йилларга мўлжалланган ҳужжат бўлиб, у мамлакат таълим тизимининг барча бўғинларида катта ижобий ўзгаришларга олиб келади.

Одной из ключевых предпосылок, предопределяющих необходимость интеграции, является то, что внутренний рынок любой отдельно взятой страны Казахстана и Средней Азии в мировом понимании является малоемким и рассредоточенным. Недостаточно емкий внутренний рынок не может обеспечивать условия для создания и эффективного функционирования современного конкурентоспособного производства. В то же время ЭГП РК зависит от уровня социально-экономического развития государств – соседей Казахстана, а также их соседей. Следовательно, Казахстан вынужден использовать территорию двух и более стран для выхода на внешний рынок, что привело к созданию на территории Казахстана транснациональных коридоров и транспортных коммуникаций, которые в определенной степени сглаживают негативные стороны ЭГП и оказывают влияние на размещение производительных сил и расселение населения. Недоиспользование преимуществ ЭГП неизбежно приводит к снижению социально-экономических показателей стран региона. Это является платой за игнорирование ЭГП и возможностей

взаимодополнения и сотрудничества. Развитие торгово-экономических связей Казахстана за счет соседей 1-го порядка, таких, как Россия и КНР, позволяет компенсировать свертывание товарооборота с другими странами региона [3].

На сегодня критерием использования экономико-географического положения в Центральноазиатском союзе может служить номенклатура производимой и потребляемой в этих странах продукции. Наибольшее развитие получило сотрудничество на рынках зерна, продовольствия, топливно-энергетических ресурсов. Если Кыргызстан заинтересован в оптимальном решении водно-энергетических проблем, сбыте электроэнергии, цемента, многих других товаров, то Казахстан - в экспорте зерна, угля, Узбекистан - газа, продовольствия.

Товарооборот Казахстана с этими государствами не превышает 2,0% ВВП и составляет 8% объема торговли со странами Содружества Независимых Государств [4].

Исходя из этого, странам Казахстана и Средней Азии необходимо довести объем товарооборота хотя бы до 10-15% в структуре общего товарооборота, что будет качественным скачком в создании общего рынка и определении комплекса взаимодополняющих отраслей. Причем речь идет одновременно о высоком уровне развития территориальных форм организации производительных сил кооперации, комбинирования, специализации, концентрации. Вместо этого в существующих зонах контактов осуществляется вялотекущий процесс товарооборота.

Данная тенденция, к сожалению, достаточно устойчива и сужает объем внутрирегиональной торговли в ущерб интересам Казахстана и стран Средней Азии, что сдерживает дальнейшее развитие территориального разделения труда и формирование новой структуры торговли, основанной на благоприятных географических факторах в регионе. Так, низкий уровень развития товарооборота соответствует низкому уровню развития межгосударственного территориального разделения труда и, как следствие, наличию слаборазвитых зон контактов.

Использование ЭП как фактора развития экономики для Казахстана далеко не соответствует имеющимся возможностям, в частности, в приграничных районах, где можно создавать особые «зоны контакта», исходя из востребованности, взаимодополняемости территориальных и отраслевых структур. С учетом вышеуказанных факторов нами выделены 6 потенциальных зон контактов, а именно:

- Ферганская долина (Узбекистан, Кыргызстан и Таджикистан) для использования в целях торговли. Здесь хорошо развиты железные и автомобильные дороги, другие виды коммуникаций, объекты производственной инфраструктуры;

- Район Жибек-жолы (между Казахстаном и Узбекистаном) – железные дороги и автомагистрали;

- Район Джалал – Абад – Андижан – Ош (между Узбекистаном и Кыргызстаном) железные дороги и автомагистрали;

- Район Шу-Мерке-Бишкек (между Казахстаном и Кыргызстаном) железные дороги и автомагистрали;

- Район Курдай-Георгиевка-Бишкек (между Казахстаном и Кыргызстаном) – автомагистрали;

- Район п.Хоргос – Кульджа (между Казахстаном и КНР) – автомобильный транспорт.

Эти зоны исторически и традиционно являлись интенсивными участками Великого Шелкового пути. Однако в советское время структура и направления внутривозрастных связей в системе народнохозяйственного комплекса страны внесли определенные коррективы, несколько снизив роль межреспубликанских связей в регионе, что исключало развитие интеграционных процессов.

Проведенный сопоставительный анализ уровня экономического развития и внутриполитической ситуации, например, в Узбекистане, а также предварительные расчеты показали, что национальные экономики Казахстана и стран Средней Азии еще не готовы как по количественным, так и по качественным параметрам осуществлять не только широкомасштабную интеграцию, но и полное двустороннее сотрудничество.

Список использованной литературы

1. Примбетов С. Центральная Азия на пороге XXI века: реалии и перспективы экономической интеграции: Монография. - М., 2000. – 312 с.
2. Осмонов А.О. История Кыргызстана, основные вехи. (С древнейших времен и до наших дней). – Бишкек: «МОХ-Технология», 2002. – 342 с.
3. Дуйсебаева К.Д., Мушаева Д.С. Влияние традиционных и новых геополитических факторов на современное состояние и перспективы региональной интеграции в Центральной Азии // Интеграция в мировую экономическую систему стран с трансформационной экономикой: Матер. Меж-дунар.науч.-практ.конф. – Караганды, 2004. – С. 130-133.
4. Внешняя торговля // Казахстан и страны СНГ. - 2004. - № 2. - 16 с.

Г.Р.Мырзагулова

Казахский Государственный Женский Педагогический институт СОЦИАЛЬНЫЙ СТАТУС ГЕОГРАФИИ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ

В современном мире в экономике, повседневной жизни народа, познании, образовании и культуре в целом – роль географии, ее социальный статус постоянно возрастает. Эта “обратная связь” или “выход” географии в экономику /развитие и размещение производительных сил, открытие новых месторождений полезных ископаемых и т.д./ и решение глобальных экологических проблем, т.е. в исследование взаимосвязи систем природных и социальных объектов и процессов на ноосферном уровне, заметна сразу. Сюда относится и роль географии в борьбе с природной стихией, (сели и лавины, наводнения, ветровая и водная эрозия, заболачивание и засоление земель и т.д.).

Не менее важна проблема роли географии как фундаментальной науки в образовании, в повышении географической культуры народа, в формировании того, что Н.Н.Баранский называл географическим мышлением.

Возрастание роли географии в жизни общества проявляется и в такой проблеме как долгосрочный географический прогноз развития географической среды нашей родной планеты, тесно связанный с антропологическими, медико – биологическими, демографическими, урбанистическими, социологическими и другими прогнозами. В системе этих прогнозов, развивающейся в целую отрасль познания – прогностику или футурологию географический прогноз нацелен на изучение характера геосистем, взаимодействия природы, населения и экономики. “Географический прогноз есть новый необходимый этап развития современной географии. Он связан с его общей теорией, с использованием накопленных фактов и прикладных разработок”, - писал Ю.Г.Саушкин. Поэтому география обязана быстрее “распрощаться” с описательной стадией своего развития/ правда, рассматривать современную географию как чисто описательную науку было бы ошибкой/ и всесторонне перейти к разработке соответствующей современным нормам научности ее теоретической составляющей. Такая же задача стоит перед другими науками о Земле в частности, перед геологией. Эта проблема – проблема теоретизации геолого – географических наук в научном сообществе рассматривается и дискутируется давно, с тех пор, как она была поставлена

американским ученым В.Бунге в его фундаментальной монографии “ Теоретическая география ” /М.,1967./.. Этой проблеме как уже отмечалось, посвящены многие работы Н.К.Мукитанова. Он показывает не только настоятельную необходимость теоретизации географии, но раскрывает методологические основы, пути решения этой важнейшей проблемы.

Исходя из вышеизложенного, мы приходим к выводу что география – это наука о географической среде, которая представляет собой ту часть природы, с которой взаимодействует человек в процессе своей предметно – практической деятельности. Именно географическая среда и противоречивое единство природного и социального является объектом географии как науки, а действующие в ней объективные закономерности выступают как предмет географии. Следовательно, географическая среда представляет собой весьма сложную систему, состоящую из разнопорядковых компонентов в их интегральном взаимодействии: абиогенные, биогенные и антропогенные. Интегрирующая роль географии, исходя из сложности географических проблем- это единство космических, геологических, естественно – географических, социологических и социальных явлений. Поскольку антропогенный фактор все сильнее влияет на остальные компоненты географической среды /В.И.Вернадский/ понимание предмета географии претерпевает существенное изменение и на первый план выдвигается вопрос о взаимодействии общества с его географической средой, вопрос, который всегда входил в предмет географии, хотя это не всегда подчеркивалось достаточно четко. При таком подходе к объекту и предмету географии мы считаем наиболее приемлемой точку зрения И.Канта, З.Гюнтера, многих советских ученых - Б.М.Кедрова, В.А.Анучина, Ю.Г.Саушкина, Н.К.Мукитанова и других.

Нам кажется, что такое единство детерминировано единством объекта географии одновременно как естественного и социального феномена, а с точки зрения своих предметов физическая и экономическая географии являются двумя относительно самостоятельными науками, так как каждая из них исследует специфические закономерности.

Если взять понятие “объект ” в его соотношении с понятием “ субъект ”, то объект – это тот фрагмент действительности, который вовлечен в предметно – практическую и познавательную деятельность субъекта. Так считают П.В.Копнин, Ж.М. Абдильдин и многие другие философы.

Отсюда ясно, что объектом физической географии выступает географическая среда как естественное явление, а проблемы ее генезиса и закономерности ее развития, взаимоотношения с геологическими и биологическими явлениями составляет ее предмет. А экономическая или, лучше сказать, социально – экономическая география исследует социальную функцию географической среды, ее роль в жизни общества и стратегию освоения обществом этой среды.

При этом стратегия освоения обществом этой среды в настоящее время выступает важнейшим элементом гармонизации природного, экономического и социального компонентов, отражением которых является сама социально – экономическая география. В случае дисгармонии в структуре указанных компонентов появляются экологические проблемы, одновременно являющиеся объектом и предметом социальной географии, что еще более повышает статус географии, как науки.

В этом проявляется интегрирующая роль географии в решении сложных по структуре и уникальных по содержанию проблем.

Использованная литература

1. В.С.Лямин Философские вопросы географии. М., 1989г.
2. К.Х.Рахматуллин, Г.Р.Мырзагулова «Предмет географии в ее истории» Алматы 1998г.

З.Ибраимова

**Казахский Национальный университет имени аль-Фараби
ОСОБЕННОСТИ ЭКОНОМИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКОГО РАЙОНИРОВАНИЯ
КАЗАХСТАНА В СОВРЕМЕННЫЙ ПЕРИОД**

Прошло четырнадцать лет с момента распада социалистической системы и Советского Союза и образования 15 независимых республик. За этот период на постсоветском пространстве сложилась необратимая политическая и социально-экономическая ситуация.

Прогрессирующие процессы глобализации требуют от национальных экономических систем все большей слаженности и оперативности в решении проблем экономики с целью обеспечения ее конкурентоспособности. В настоящее время приобретает особую актуальность проблема максимального использования имеющегося потенциала в плане развития стратегических задач экономического и социального развития Казахстана. В реализации данной задачи в современных условиях представляется весьма актуальным проведение рационального экономико-географического районирования Республики Казахстан. К сожалению, еще недостаточно выработана методология эффективного районирования, которая отвечала бы реалиям и нуждам сегодняшнего дня.

В экономической и социальной географии, особенно отечественной, настал момент определения новых современных методик, подходов при выявлении экономико-географических районов. Необходимость такого высказывания вытекает из того, что за годы становления независимого Казахстана, территориально-производственный профиль первой сетки экономических районов, утвержденных Госпланом бывшего Союза, существенно изменился. Он не мог не трансформироваться, поскольку территориальная производственная структура экономических районов находилась под воздействием таких факторов, как развал единого государства, распад единого народнохозяйственного комплекса.

В последствии такими факторами становятся возникновение новых зон экологического риска, трансформация отношений собственности, основной формой которой стало разгосударствление хозяйственной деятельности, строительство новых транспортных магистралей и т.д.

Ценности глобализованного мира с его новым экономическим порядком, стремящегося к гармонизации политики, экономики и образа жизни диктуют необходимость создания в Казахстане условий, соответствующих стандартам мирового бизнеса. Это – прежде всего – урбанизированная производственная инфраструктура с быстрым и удобным транспортно-коммуникационным комплексом, качественная система жизнеобеспечения и жизнедеятельности, базирующаяся на конкурентоспособной и гибкой системе производительных сил с высокими свойствами адаптации к запросам мирового рынка.

В настоящее время Республика Казахстан находится на пути социально-экономических преобразований. Трансформация общественного строя, формирование рыночных отношений в экономике, интеграция в мировое сообщество – глобальные проблемы переходного периода. Казахстан не изолированное государство, а часть мирового сообщества. Предстоит решать задачи выхода на траекторию роста с целью сохранения ключевых позиций страны в мировом сообществе. И именно на этапе перехода к рыночным отношениям для суверенного Казахстана, поиск своего пути развития национальной экономики, объективно обуславливает формирование новой концепции экономико-географического районирования.

Возникают все новые и новые индикаторы (перегруппировка производительных сил, производственных мощностей и людских ресурсов, инвестиционная активность, межгосударственные, межрегиональные и международные экономические связи Республики Казахстан и др.), которые создают основу или ядро экономического района. Принимая во внимание все большую значительность возникающих факторов, появляется необходимость в проведении экономико-географической реформации прежней сетки экономических районов.

Это обуславливается ролью районирования, как одного из важнейших инструментов управления национальной экономикой государства, наиболее экономичной территориальной организации хозяйства. Оно тесно связано с развитием рационального территориального разделения труда в стране, способствует правильному размещению производительных сил, специализации и комплексному развитию районов, эффективному использованию природных материальных и трудовых ресурсов, и, в конечном счете, максимальному повышению производительности общественного труда.

Разработка новой методики экономико-географического районирования связана с возможностью осуществления в сравнительно короткие сроки масштабной модернизации производительных сил, для постепенного перевода национальной экономики на стадию постиндустриального развития. Это означает рост удельного веса перерабатывающих и замыкающих отраслей (с высокой долей конечной продукции). Главной целью перекройки экономических районов является отражение изменений в географии производительных сил.

Казахстан продолжает сохранять периферийную по характеру территориально-отраслевую структуру производительных сил, далекую от пропорций, необходимых для опережающего роста конкурентоспособности национальной экономики, обеспечение быстрого экономического роста и процветания.

По происшествии десяти с лишним лет уже состоявшаяся в стране рыночная экономика испытывает давление архаичности структуры хозяйства присущей индустриальной эпохе.

Все это предопределяет роль экономико-географического районирования, как стратегического. Бесспорно, рациональное экономико-географическое районирование не решит абсолютно всех проблем, вызывающих существенные преграды на пути устойчивого развития независимой республики, но, несомненно, послужит серьезным инструментом в становлении и стабилизации социально-экономической ситуации в Казахстане.

Список использованных литературных источников

1. Н.Ахметов Системный подход – методологическая основа создания эффективной модели национальной экономики. «Транзитная экономика». 2003. №1 с.11
2. Б.Я.Двоскин Проблемы экономического районирования Казахской ССР. Л.: ЛГУ им. А.А.Жданова, 1968. - 40с.
3. С.Касымов Национальная экономическая идея: поиск модели, выбор направления развития. «Транзитная экономика».
4. Территориальная структура основного социально-экономического района (Вопросы теории) Г.Г.Гришин, Ю.В.Поросенков, В.К.Ковылов и др. – Воронеж: Изд. ВГУ 1985. – 164с.

Ш.Жумаханов, Б.Камолов

Наманган Давлат университети

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ ВА ТАШҚИ
ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ УЧУН ИМКОНИАТЛАРИ**

Наманган вилоятидан Буюк Ипак йўли ўтганлиги, вилоятнинг қулай иқлим шароити соғломлаштириш муассасалари тармоғини кенгайтириш, тарихий обидалар ва зиёратгоҳлар мавжудлиги туризмни ривожлантиришга катта имконият яратади. Экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш борасида ҳам вилоят катта салоҳиятга эга. Нодир фойдали қазилма конлари очилганлиги, аҳолининг зич эканлиги ҳам минтақада катта инвестиция имкониятлари мавжудлигидан далолат беради. Вилоятда инвестицияларни жойлаштириш имкониятлари катта. Наманган шаҳридаги тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш ана шундай лойиҳалардан биридир.

Вилоятда Халқ банки бўлимлари, шунингдек, Ўзбекистондаги энг нуфузли акциядорлик тижорат банклари: «Ипотекабанк», «Пахтабанк», Ўзбекистон Республикаси ТИФ «Миллий банки», «Тадбиркорбанк», «Туронбанк», «Саноатқурилишбанк», «Ғаллабанк», «Савдогарбанк», «Асакабанк», «Алоқабанк», «Ипак йўли» банкининг филиаллари ишлаб турибди.

2004 йилда банкларнинг активлари 13,5 млрд. сўмга етди, иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантиришга 16,7 млрд. сўм кредит ажратилиб, шундан 32,2 фоизи кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга сарфланди. Кредитларнинг кўп қисми учта банк: «Пахтабанк», Ўзбекистон Республикаси ТИФ «Миллий банки» ва «Тадбиркорбанк» ҳиссасига тўғри келди.

2004 йилга келиб, Наманган вилоятида 8 та суғурта компанияси: «Ўзбекинвест» экспорт-импорт кредитлаш Миллий компаниясининг шуъба корхонаси, «Мадад» суғурта компаниясининг Наманган филиали, «Йўловчи» автотранспорт суғурта компаниясининг Наманган филиали, «Арк» суғурта гуруҳи Агентлиги, «Ўзбекбирлашув» хўжалик ҳисобидаги суғурта бўлими, «Аско Ол Бгин Водий» суғурта компанияси, «Мир Олимхон» кўп тармоқли хусусий фирмаси, «Викенна» акциядорлик суғурта компанияси фаолият кўрсатмоқда.

Наманган вилояти ўтказилаётган ислохотларнинг самарадорлиги билан республикамизнинг бошқа ҳудудларидан ажралиб туради. Чунончи, вилоятнинг ўзида бугунги кунда жами 15180 та хўжалик тузилмалари фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 11703 таси кичик ва хусусий бизнес субъектларидир. Шу билан бирга бу тизимда хизмат қилувчилар сони 323,4 минг кишини ташкил қилиши юқоридаги мулоҳазаларнинг қай даражада асосли эканлигини яққол кўрсатади. Агар 2000 йил Наманган вилоят ялпи ички маҳсулотида кичик ва хусусий бизнес улуши 33,4 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йил якунида 38,2 фоизга, йиллик ўсиш суръати эса 114,4 фоизга тенг бўлади.

Саноатда асосий эътибор импортнинг ўрнини босадиган йўналишга (маҳаллийлаштириш юзасидан қабул қилинган дастурга мувофиқ маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш), шунингдек, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган. Енгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш, машинасозлик, кимё ва қурилиш саноатини ривожлантириш вилоятдаги асосий уствор йўналишлардир.

Ҳозирги пайтда вилоятда чет эллик инвесторлар иштирокидаги 75 та қўшма корхона мавжуд бўлиб, шундан 55 таси саноат, 9 таси савдо, 4 таси қишлоқ хўжалиги, 2 таси қурилиш ва 5 таси бошқа соҳаларда ишлаб турибди. Натижада 5,5 мингга яқин

қўшимча иш ўринлари ташкил қилиниб, шундан 70 фоизи қишлоқ жойларида эканлиги диққатга сазавордир.

Чет эл инвестрлари иштирокидаги корхоналар жами саноат маҳсулотларининг 20,1 фоизи ишлаб чиқармоқда. 2001 йилда вилоят бўйича қўшма корхоналар 8146,1 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йилга келиб 16327,5 минг АҚШ долларига, яъни 2001 йилга нисбатан 124,6 фоизни ташкил этди. Қўшма корхоналарнинг экспорт ҳажми импортга қараганда 60 фоиздан кўпроқ бўлди.

Ташқи савдо ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришнинг муҳим омил эканлиги маълум. Чунки, ташқи савдо мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини кўрсатиб берувчи, унинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятидаги ўрнини белгилаб берувчи макроиқтисодий «барометр»дир. Ташқи савдо балансининг бузилиши мамлакатда экспортни импортга нисбатан пастроқ ўсаётганлигидан далолат беради.

Наманган вилоятида сўнгги йилларда, республика ташқи иқтисодий фаолиятининг муҳим субъекти сифатида, ташқи савдо айланмаси экспорт ва импорт кўрсаткичлари бўйича сезиларли ўсишга эришилди. 2004 йилда вилоят бўйича умумий ташқи савдо айланмаси жисмоний шахсларни қўшган ҳолда 106428,4 минг АҚШ долларини ташкил этиб, шундан экспорт 62173,6 минг АҚШ долларини, импорт эса 44254,8 минг АҚШ долларини ташкил этди. Ҳамдўстлик давлатлари билан ташқи савдо айланмаси 26049,5 минг АҚШ долларини ташкил қилди. Бундан экспорт 13790,7 минг АҚШ долларига, импорт 12258,5 минг АҚШ долларига етди. Узоқ хориж давлатлари билан савдо айланмаси эса 80378,9 минг АҚШ долларини ташкил этиб, 2001 йилга нисбатан 112,1 фоизни шундан экспорт 83382,9 минг АҚШ долларини ёки 128,5 фоизни, импорт ҳажми эса 31996,0 минг АҚШ долларини ёки 92,6 фоизни ташкил этди.

Кўпчилик мамлакатлар ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларининг халқаро бозорларда айрибошлашни яхшилаш мақсадида уларни халқаро стандарт талабларига мослаштиришга ҳаракат қиладилар. Наманган вилоятида ҳам ташқи савдо фаолиятини бошқаришда бир қатор иқтисодий дастаклардан фойдаланилади. Хусусан, вилоят ҳудудига олиб кирилаётган товарлар ҳам республикада амал қиладиган техник, фармологик, санитар, ветеринар, фитосанитар, экологик стандарт талабларига жавоб бериши лозим. Юқорида қайд этилган стандарт ва талабларга жавоб бермайдиган, сертификатсиз, махсус белгисиз товарларни мамлакат, қолаверса, вилоятимиз ҳудудига олиб кириш йўлига тўсиқлар қўйилмоқда. Вилоятда импортни камайтиришга, импорт ўрнини босувчи саноатни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бундан ташқари, сифатсиз, нархи баланд ёки ноқонуний импорт қилинган маҳсулотлар импортчиларини чет эл валютасига эга бўлмасликларини кафолатловчи чора-тадбирлар ҳам ишлаб чиқилган.

Сўнгги йилларда Наманган вилоятида ташқи савдо фаолиятини янада кенгайтириш, вилоят экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган ишларнинг амалга оширилиши вилоятда ташқи савдо балансида ижобий сальдони таъминлаш ва муддати узайтирилган ташқи қарздорликнинг камайтириш имконини берди.

Шунингдек, ташқи савдонинг географик тузилмасида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлди ва унинг кенгайиб бориш аломатлари кузатилди. Холбуки, 1991 йилда у амалда фақат МДХ мамлакатлари томонидан йўналтирилган бўлса, 2004 йил якуний натижаларига қараганда вилоят ташқи савдосида узоқ хорижий мамлакатларнинг улуши 69,3 фоизни ташкил этди, Наманган вилояти ташқи иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишлари сифатида АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари билан кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинган. Бундан ташқари, МДХ мамлакатлари билан ташқи савдода ҳам анча ижобий натижаларга эришилмоқда. Вилоят ташқи савдосида МДХ мамлакатларининг улуши 30,7 фоизни ташкил этди. Фикримизча, минтақавий

барқарорлик, минтақа даражасида интеграция жараёнларини ривожлантириш масалаларини ҳал этишда МДХ давлатлари билан устувор иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, эркин савдо зоналарини ташкил этиш ва МДХ мамлакатларига, қолаверса, узоқ хориж мамлакатларига ўзбек товарларини экспорт қилиш учун транзит бозорлардан бири сифатида қараш лозимдир. Ҳозирги пайтда, вилоят экспорти дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатлари томон қаратилган бўлиб, унинг таркибини иқтисодий таҳлил этиш шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда анъанавий хом ашё товарлари билан бир қаторда, турли кўринишдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, хизматлар, шунингдек, бошқа тайёр маҳсулотлар улуши ортиб бормоқда, яъни экспорт таркибида кўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар улуши салмоқли даражада ўсган. Бугунги кунда Наманган вилояти учун ҳам энг аввало, ташқи савдони тарифлар орқали тартибга солиш иқтисодий фаолият юқори самарадорлигига эришишнинг таъсирчан усули бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Вилоят ташқи иқтисодий фаолиятининг энг муҳим жиҳатларидан бири бу мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича олиб борилаётган тадбирлардир. Наманган вилоятида инвестиция лойҳаларини амалга ошириш учун кенг қўламли солиқ имтиёзлари тизимидан фойдаланилмоқда ва шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантирувчи бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Ташқи иқтисодий фаолият, юқорида айтиб ўтилганидек, экспорт, импорт операциялари, инвестициялар ҳаракати, ишчи кучи миграцияси, ижтимоий - маданий алоқалар ва улар билан боғлиқ бўлган муносабатларни қамраб олмоқда.

Кейинги йилларда Наманган вилоятининг ташқи иқтисодий фаолиятда вилоятнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурини амалга оширилиши узоқ хориж мамлакатларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Хорижий сармояни кенг жалб қилиш асосан таркиби ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга, мустаҳкам моддий-техника базасини яратишга, вилоятнинг макроиқтисодий барқарорлигини ва иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган.

2004 йил мобайнида вилоят қўшма корхоналари томонидан 40327,3 минг АҚШ доллари миқдорида ташқи савдо айланмаси бажарилди.

Вилоят бўйича 2004 йилда қўшма корхоналарнинг жами ташқи савдо айланмаси 2003 йилга нисбатан бироз кўпайганини кўриш мумкин. Лекин, экспорт ва импорт натижаларига кўра ўтган 2003 йилга нисбатан 2004 йилда анча ижобий натижаларга эришилган. Вилоятда 2004 йилда қўшма корхоналарнинг шаҳар ва туманлар бўйича ташқи савдо айланмаси Наманган, Поп ва Янгиқўрғон туманларида юқори даражада бўлса, Мингбулоқ, Норин, Уйчи, Учқўрғон, Чортоқ ва Чуст туманларида бу кўрсаткич паст даражада эканлиги кўзга ташланади. Бизнингча, вилоят иқтисодиёти тизимида рўй бераётган мураккаб вазиятларни ҳисобга олган ҳолда вилоят иқтисодиёти ўсишини таъминлашга ва аҳоли турмуш шароитини юксалтиришга қаратилган ташқи иқтисодий фаолиятни янада такомиллаштириш зарур. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида белгиланган стратегик вазифаларни амалга ошириш учун: вилоят иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этилишини янада жадаллаштириш; анъанавий экспорт маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ва улар экспорт номенклатурасини кенгайтириб бориш; кўшилган қийматга эга бўлган экспорт кўпайтириш талаб этилмоқда.

Х.С.Мирзаахмедов, Х.А.Умаров

Наманган Давлат университети

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ ХУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакат мустақиллигини таъминлаш, бозор иқтисодиётига ўтишни жадаллаштиришда миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларини, хусусан, саноат ишлаб чиқаришининг тармоқ ва ҳудудий тақибини такомиллаштириш устувор вазифалардан биридир.

2004 йил маълумотларига кўра, Наманган вилоятининг республика саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 3,5 фоизга тенг бўлиб, бу жиҳатдан у мамлакатда ўртача кўрсаткичга эга. Вилоятдаги 100 дан ортиқ саноат корхоналарининг 84,5 фоизи йирик, 5,2 фоизи кичик корхоналар, 4,0 фоизи уй хўжалиги, 0,9 фоизи ёрдамчи корхоналар, 5,0 фоизи микрофирмалар, 0,4 фоизи бошқаларга тўғри келади.

Тўқимачилик корхоналар моҳиятига кўра, асосан пахта толасидан калава, пилладан ипак калава, жундан тўқилган газламалар ва одеяллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Кейинги йилларда тўқимачиликка йуналтирилган кўплаб корхоналар барпо этилди. Жумладан, 2003-2004 йилларда вилоятда ўнлаб қўшма корхоналар рўйхатдан ўтган. Чунончи, айрим йирик тўқимачилик корхоналарида янги ишлаб чиқариш технологияларининг жорий қилиниши уларнинг ихтисослашиш даражасига ўз таъсирини кўрсатди:

- «Аснамтекстил» ўзбек-турк қўшма корхонасида қиймати 40400 минг дойч маркасига тенг бўлган ип-калава ишлаб чиқариш бўйича Германия технологияси дасгоҳлари ўрнатилди;

- «Силк роад» ўзбек-япон қўшма корхонасида пилла чиқинди-ларидан газна ипак ишлаб чиқариш бўйича қиймати 70000 минг АҚШ долларига тенг бўлган Япония технологияси жорий қилинди;

- «Косонсой-Текмен» ўзбек-турк қўшма корхонасида қиймати 93000 минг АҚШ долларига тенг бўлган жунни қайта ишлаб, жун газлама ва жун буюмлари ишлаб чиқарадиган технологиялар ташкил қилинди;

- «Папфен» ўзбек-турк қўшма корхонасида қиймати 30800 минг АҚШ долларига тенг бўлган тароқланган ип калава ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди ва х.к.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда тўқимачилик саноати корхоналарини ташкил этишда ҳудуднинг табиий ресурслари ва салоҳияти, иқтисодий географик ўрни, аҳолининг ҳаёт тарзи, унинг малакаси, менталитети ҳисобга олиниши муҳимдир.

Маълумотлар таҳлили вилоятда фаолият кўрсатаётган тўқимачилик корхоналари сонининг ортганлигидан далолат беради. Бу таҳлилий мулоҳазаларни вилоят ҳудудий бирликлари мисолида кўрадиган бўлсак, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Наманган шаҳри, Поп, Тўрақўрғон, Уйчи ва Норин туманларида сезиларли даражада ошганлигини кузатиш мумкин (1-жадвал).

Наманган вилояти саноатида тўқимачилик корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2002-2004 йй, жорий нархларда, минг сўм.

Тўқимачилик корхоналарини номи	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми		
	2002 й	2003 й	2004 й
1	2	3	4
Косонсой текмен	916386	716849	97076
Косонсой текстил	212412	242538	201169
Норин йигирув тўкув	465819	872897	3787874
СП «Клайна-текистил»	415504	1113529	-

1	2	3	4
Поп Фен	4243478	6739555	9316004
Поп нотўқимачи	102868	8466	-
СП Ахсикент	13000	15336	-
Уйчи «Ипакчи»	715665	625683	719268
Уйчи нотўқимачи	267195	293460	317850
Уйчи йигирув тўқув	1303456	2009255	3870204
Учқўрғон текстил	64133	303447	787655
Чортоқ акционерлик жамияти	81832	86914	-
Зухал	113772	129105	131603
Янгиқўрғон тўқув трикатаж	34236	34496	6519
СП «Аснамтекстил»	2691000	4071230	4623465
СП «Силк-Роад»	1571256	1603000	872901
«Карлар жамияти»	41030	27568	42475
«Нотўқимачи»	3352132	4451713	5182581
«Атлас» х/ж	1374860	850024	889384
Наманган текстил	14192096	20198627	28969135
СП «Сал-Нам-Текстил»	-	47639	-
СП «Муслим текстил»	-	-	206361
Жами	32108003	36110193	59233869

Жадвал Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

2004 йилда тўқимачилик саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 59,2 млрд. сўмни ташкил этган. Бу ўтган 2002 йилга нисбатан 1,9 марта кўп демакдир. Шу билан бирга жорий йилда тўқимачилик корхоналарининг экспорт ҳажми 15701,9 минг АҚШ долларини ташкил этган ҳолда, 2002 йилга нисбатан 134,5 фоизга кўпайган.

Вилоятда тўқимачилик корхоналарининг 11 таси ташқи иқтисодий алоқаларда иштирок этмоқда, холос. Асосан Поп, Уйчи, Норин ва Наманган шаҳридаги тўқимачилик корхоналари экспорт – импорт амалларини бажармоқда. 2004 йилда тўқимачилик корхоналари томонидан 21154,3 минг АҚШ долларлик ташқи савдо айланмаси бажарилган бўлса, бундан 9 та корхона 15701,9 минг АҚШ долларлик экспорт, 5452,4 минг АҚШ долларлик импорт амалларини бажарган.

Республиканинг бугунги ташқи иқтисодий сиёсати маҳсулот экспортини кўпайтириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш йўналишида туб ислохотлар ўтказишни тақозо қилмоқда. Чунки, ташқи савдо миллий ишлаб чиқариш жараёнининг муҳим омилидир.

Шундай қилиб, вилоятдаги тўқимачилик корхоналари фаолиятини яхшилаш учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

- тўқимачилик корхоналарни ҳудудий ташкил этишда табиий ва иқтисодий географик омилларнинг ролини ўрганиш;
- туманларда корхонлар жойлашувини уларнинг иқтисодий имкониятлари асосида амалга ошириш;
- муҳит ҳолатини ифодаловчи карта-схемаларини ишлаб чиқиш ва уни мутасадди ташкилотларга тақдим этиш;
- ҳукумат ва маҳаллий дастурларга киритилган корхоналарни барпо этиш;
- салоҳиятли ҳамкорларни Наманган вилоятининг ўзига хос имкониятлари билан таништириш ва б.

Т.Ж.Жумабоев, Н.Х. Маматқулов
Самарқанд Давлат университети
ИККИЛАМЧИ РЕСУРСЛАР ВА УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

Ҳозирги кунда, ишлаб чиқарувчи кучларнинг борган сари ўсиб бориши билан ишлаб чиқариш ва маиший чиқиндилар миқдори ҳам ортиб бормоқда. Кўпчилик давлатларда чиқиндилар атроф-муҳитни ифлослантирувчи асосий манбаълардан бирига айланмоқда. Шаҳарларда тўпланган чиқиндиларнинг чириши атроф-муҳитни ифлослантирмоқда.

Ҳосил бўлган чиқиндиларнинг таркибини ўрганганимизда уларда қоғоз ва дафтарлар 10-15 фоизни, газета ва журналлар 15-20 фоизни, озиқ-овқат чиқиндилари 8-20 фоизни, шиша ва ойна синиқлари 10-12 фоизни, темир-терсақлар 4-8 фоизни, полиэтилен пленкалари ва пластмасса чиқиндилар 10-12 фоизни, латта-путта ва тери-резиналар 2-8 фоизни, бошқа нарсалар 1-2 фоизни ташкил қилиши маълум бўлди. Шунини таъкидлаш лозимки, чиқиндилар кўпгина саноат тармоқлари учун иккиламчи ресурс вазифасини ўташи мумкин. Кўпгина саноат тармоқларидаги корхоналар чиқиндиларни қайта ишлаш учун техник имкониятларга эга. Чиқиндиларни қайта ишлаш асосида ундан тайёр маҳсулотлар олиш иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Масалан, бир тонна чиқиндини қайта ишлаш $3,5\text{м}^3$ ёғочни, 1000 киловат соат электр қувватини иқтисод қилиш имкониятини беради. Бир тонна чиқиндини қайта ишлаб 750 кг қоғоз олиш ва ундан 25 минг дона ўқувчилар дафтарини тайёрлаш мумкин. Шу сабабдан ҳам кейинги йилларда кўпгина давлатларда чиқиндилардан иккиламчи ресурс сифатида фойдаланиш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Хитой хорижий мамлакатлардан қоғоз чиқиндиларни импорт қилиш эвазига ўзида газета қоғозини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Республикамизда ҳам чиқиндилардан иккиламчи ресурс сифатида фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. Бекобод қора металлургия комбинати тўлиғича вилоятлардан тўпланган темир-терсақлар асосида ишлайди. Республикамиз вилоятларида тўпланган рангли металл чиқиндилари Тошкентдаги «Вторцветмет» заводида қайта эритилмоқда.

Республикамиз вилоятларидан тўпланган макулатуралар Янгийўл шаҳридаги қоғоз фабрикаси ва Ангрэн картон фабрикаларида қайта ишланиб ундан ўқувчилар дафтарлари, ўров қоғозлари, картон ва флейкалар тайёрланмоқда.

Ўзбекистонда чиқиндиларни қайта ишлаш асосида қурилиш материаллари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, Наманган вилоятидаги Поп резина-техника маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводида чиқиндилар асосида қора қоғоз (рубериод) ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Чиқиндилар асосида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар вилоятларнинг шаҳар марказларида ҳам ташкил этилмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳрида аҳолидан сотиб олинган полиэтилен плёнкалари, пластмасса идишларини қайта ишлаб улардан коммунал хўжаликларида ишлатиладиган ҳар катталиқдаги пластмасса қувурлари ишлаб чиқарилмоқда. Самарқанд шаҳрида иккиламчи ресурсларни қайта ишлайдиган хусусий корхоналар ташкил топмоқда. Бунга шаҳардаги иккиламчи ресурсларни қайта ишлашга асосланган «Ҳайдаров М.» номли хусусий корхона мисол бўла олади. Ушбу корхонада пластмасса ва полиэтилен пленкалари асосида ҳар хил маиший пластмасса идишлари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги кунда ушбу корхонанинг рентабеллик даражаси 20 фоизни ташкил қилмоқда. Шунини қайд этиш лозимки, Республикамиз иккиламчи ресурсларни қайта ишлаш ва улардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида ўзининг бошланғич фазасида турибди. Маълумотларга қараганда, республикамизда ҳар йили юз миллион тонна чиқинди

ҳосил бўлар экан. Ҳозирги кунда унинг 0,6 фоизигина қайта ишланмоқда ҳолос, қолганлари ёқиб юборилмоқда. Бу эса, ўз навбатида атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келмоқда. Шу сабабли келажакда республикада иккиламчи ресурслардан фойдаланишни яхшилаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- келажакда республикада иккиламчи ресурсларнинг ҳосил бўлиш миқдорини аниқлаш;
- ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг таркибини аниқлаш ва шу асосида қандай маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкинлигини белгилаш;
- ҳар йили ҳосил бўладиган барг хозонларидан органик ўғитлар тайёрлаш муаммосини ўрганиш;
- иккиламчи ресурслардан фойдаланиш муаммоси бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;
- иккиламчи ресурсларни қайта ишлашга ихтисослашган корхоналарнинг моддий-техник баъзасини янада мустаҳкамлаш ва уларни моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш.

Хуллас, юқорида кўрсатилган муаммоларни ечиш Республикада ҳар йили ҳосил бўладиган иккиламчи ресурсларни тўлиғича қайта ишлаш имкониятини беради. Бу эса ўз навбатида, кўплаб хом ашё материалларини электр энергиясини тежаш ва аҳолини иш билан таъминлаш имкониятини туғдиради.

И.Н.Исламов

Тошкент Давлат Педагогика университети
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЕР РЕСУРСЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ
КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

Тошкент вилояти балансидаги жами ерларнинг умумий майдони 2005 йилнинг 1 январига нисбатан 1525,7 минг гектарни ташкил этди. Шунинг асосий қисми, яъни ҳудудининг катта қисми тоғлар ва тоғ олди минтақаларидан иборат. Бўстонлиқ (салкам 1/3 қисми), Оҳангарон (20 %) ва Паркент (7 %) туманларида жамланган. Умуман ушбу уч туман ҳиссасига вилоят ер ресурсларининг 60,2 % тўғри келади. Вилоят бўйича ер ресурсларининг нисбатан кичик улушлари Тошкент (1,1 %) ва Зангиота (1,5 %) туманларига хос.

Демак, ер ресурслари майдонлари Тошкент шаҳри атрофидаги туманларда нисбатан кичик кўрсаткичларга эга бўлиб, пойтахтдан узоқда жойлашган туманларда нисбатан катта кўрсаткичларга эга. Аксинча, суғориладиган ерларнинг туманлар бўйича тақсимланишида тескари ҳолатни кўриш мумкин.

Тошкент вилоятида суғориладиган ерларнинг умумий майдони 389,1 минг гектарни ташкил этади. Бу Ўзбекистонда мавжуд суғориладиган ерларнинг қарийб 10 %ни ташкил қилади. Суғориладиган ерларнинг майдонлари ва уларнинг улушлари Тошкент шаҳридан йироқлашган сари аста-секин камайиб боради ҳамда тоғли ҳудудларда лалми ерларга айланади.

Агар Тошкент шаҳри атрофидаги туманлар (Зангиота, Тошкент ва Қибрай) га жами ер ресурсларининг 6,2 % тўғри келган бўлса, ушбу туманларнинг вилоят бўйича суғориладиган ерлар майдонларидаги ҳиссаси 11,2 % ни ташкил этади. Демак, пойтахт атрофидаги туманларнинг суғориладиган ерлар майдонлари бўйича ҳиссаси, умумий ер майдонидаги ҳиссасидан деярли икки мартага ортиқ кўрсаткичга эга.

Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги ерларининг умумий майдони 770,6 минг гектарни ёки жами ер майдонининг 50,5 % ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич ҳам вилоят туманлари бўйича сезиларли фарқларга эга. Қишлоқ хўжалиги ерларининг

нисбатан катта майдонлари Бўстонлик, Оҳангарон ва Паркент туманларига тўғри келади. Чунончи, Бўстонлик туманида вилоят миқёсида жами экин майдонининг 3,8 % мавжуд, холос. Ушбу кўрсаткич Оҳангарон туманида 8,8 % ни, Паркент туманида эса, 4,3 % ни ташкил этади.

Шу вақтнинг ўзида Тошкент шаҳри атрофида жойлашган туманларда ҳам экин майдонларининг ҳиссалари катта эмас. Лекин, биз уларга хос энг муҳим жиҳатни эсдан чиқармаслигимиз лозим, яъни пойтахт шаҳар атрофидаги туманларда экин майдони тўла-тўқис суғориладиган ерлардан иборат. Бўстонлик, Паркент ва Оҳангарон туманларида эса экин майдонларининг 40 % дан (Паркент тумани) 60 % гача (Оҳангарон тумани) бўлган қисми суғориладиган ерлардан ташкил топган, қолган ерларда лалми деҳқончилик қилинади.

Тоғли ҳудудларда жойлашган туманларда кўп йиллик экинларнинг ҳиссалари ҳам катталиги билан ажралиб туради. Бўстонлик ва Оҳангарон туманларида кўп йиллик ўсимликларнинг асосий қисми мевали дарахтлар (ёнғоқ, олма, олча, дўлана, pista ва бошқалар) дан иборат бўлса, Паркент туманида токзорлардан ташкил топган.

Тошкент, Зангиота ва Қибрай туманлари тоғлик ҳудудларга нисбатан кўп йиллик ўсимликларнинг катта майдонларига эга бўлмаса-да, улар пойтахт аҳолисини узум, олма, нок ва бошқа мевалар билан таъминлаб туришдаги аҳамияти билан кескин ажралиб туради.

Тошкент вилояти ер майдонининг 25,8 % га тенг қисми пичанзор ва яйловлардан иборат. Уларнинг 86,0 % Бўстонлик, Оҳангарон ва Паркент туманларига тўғри келади. Ушбу кўрсаткич Тошкент шаҳри атрофидаги туманларда бор йўғи 0,3 % ни ташкил этади, холос. Шунинг учун ҳам Тошкент вилоятининг тоғлик ҳудудларида қўйчилик, эчкичилик, сут йўналишига эга қорамолчилик нисбатан ривожланган бўлса, пойтахт шаҳар атрофи туманларида интенсив асосда бўрдоқчилик ривожланган.

Вилоятда жойлашган бошқа қишлоқ туманлари хусусига келадиган бўлсак, уларнинг кўпчилигида суғориладиган ерлар, жами ер майдонининг аксарият қисмини ташкил этади. Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл туманларида экин майдонларининг жами суғориладиган ерлардан иборат эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ушбу туманларнинг кўпчилиги интенсив деҳқончилик, асосан пахтачилик, қисман ғаллачилик (суғориладиган ерларда буғдой ва шоли етиштириш) ривожланган. Кўп йиллик ўсимликлар ҳамда пичанзор ва яйловларнинг улушлари нисбатан паст кўрсаткичлари билан ажралиб туради.

Юқорида амалга оширилган таҳлил асосида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- Тошкент вилояти туманлари ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги пойтахт шаҳар атрофидан тоғлик ҳудудларга томон пасайиб боради;

- Вилоят қишлоқ хўжалиги чуқур ҳудудий ихтисослашувга эга. Тошкент шаҳри атрофида интенсив деҳқончилик (бир йилда икки марта ҳосил олиш) ва гўшт-сут чорвачилиги ўша ҳудудларда пахтачилик ва ғаллачиликка, тоғлик ҳудудларда эса сабзавотчилик, картошка етиштириш, узумчилик ва мевачилик, шунингдек, яйлов чорвачилигига ўз ўрнини бўшатиб беради.

- Минтақада ер ресурсларидан фойдаланиш хусусиятлари ва самарадорлигининг шаклланишида табиий омиллар (рельеф, иқлим, зоналик ва вертикал минтақавийлик қонуниятлари) билан бир навбатда ижтимоий омил (аҳолисининг сони 2,0 миллион кишидан ортиқ пойтахт шаҳар – Тошкентнинг мавжудлиги) ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

М.Абдусаломов, А.Қосимов
Ўзбекистон Миллий университети
ҲАЛҚАРО ТУРИЗМ ВА ЎЗБЕКИСТОН

Туризм бугунги кунда дунё иқтисодиётида етакчи ва тез суръатлар билан ривожланиб бораётган тармоқ ҳисобланади.

Унинг исботи сифатида туризм ўтган асрнинг иқтисодий феномени деб тан олиниб, бошланган асрнинг ёрқин истиқболли соҳаси сифатида қаралмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг (WTO) башорати бўйича туризм индустриясида ҳозирги асримизнинг боши ўзига хос тарзда кечади. 2020 йилгача ҳалқаро туристик катновлар сони 1,6 млрдга етиши кутилмоқда.

Туризмга таъриф беришда турли хил таърифлар мавжуд. Чунончи, иқтисодчилар иқтисодий, географлар географик, социологлар соҳанинг ижтимоий жиҳатларидан келиб чиқиб таъриф беришади.

БТТ нинг таърифи эса қуйидагича: Туризм деб кишиларнинг ўз худудларидан ташқарига саёхатга, дам олиш, иш юзасидан ва бошқа мақсадларда чиқиши ва у ерда узлуксиз бир йилдан ошмаган муддатда бўлишига (бунга ўша жойдаги фойда кўриш билан боғлиқ бўлган фаолият кирмайди) айтилади.

БТТ - БМТ қошидаги махсус бўлим бўлиб, ҳукуматлараро универсал характерга эга ташкилотдир. Унинг штаб-квартираси Испаниянинг Мадрид шаҳрида жойлашган. Унга дунёнинг 144 давлати аъзодир. Шу билан бирга: Ўзбекистон (1993), МДҲнинг 10та давлати ва Буюк ипак йўлида жойлашган кўпгина давлатлар аъзо ҳисобланишади.

Дунё ЯИМ нинг тахминан 5 % туризмга тўғри келади.

Ҳозирги пайтда дунёда туризм соҳасида тахминан 200 млн киши банддир. Дунёнинг 45та давлат фуқоролари ҳар йили ҳалқаро турист сифатида хорижда қилаётган харажатлари ҳар бир давлатга 1 млрд доллардан тўғри келар экан, масалан: Германия—58 млрд евро, Нидерландия—13,6 млрд евро. Дунёнинг деярли 40 % давлатларида туризм хорижий валютанинг кириб келиш манбаи ҳисобланади. Ҳалқаро туризмнинг ривожланишининг асосий тушунчалари:

- Ўсиш
- Глобаллашув
- Нозиклик
- Ўзини тез холда ўнглаб олиш усуллари

Туризмнинг ривожланиши билан бирга унга тўсиқ бўлувчи муаммолари ҳам мавжуд. Бунга: инфроструктуранинг юқори нархи, атроф—муҳитнинг ифлосланиши, муаммонинг ижтимоий маданий жиҳатлари, туризм ривожланиб бораётган худудларда инфляция, маҳаллий аҳолининг безовталаниши киради.

БТТ фикрича, Ўзбекистон туризм ривожланиб бораётган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаган. Ўзбекистонда туризмнинг ривожлантиришда ҳукумат томонидан қилинаётган амалий ишлар асос бўлади. Республика ҳукуматининг 1999 йил 20 августдаги “Туризм“ тўғрисидаги қонунни қабул қилиниши эса унинг ривожланишига катта туртки бўлди.

БМТнинг Юнеско ташкилоти рўйхатида кирган Самарқанд, Хива, Бухоро каби шаҳарларимиз айнан Буюк ипак йўлида жойлашганлиги ҳалқаро сайёҳларни жалб қилиш ва шу орқали бутун дунёга янада яхшироқ танитишга имкон беради.

БТТнинг фикрича, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш-нинг 8 асосий афзалликлари мавжуд:

1. Қулай географик жойланиш (Буюк ипак йўли чорраҳасида);
2. Ранг—баранг ландшафтлари;

3. Асосан Буюк ипак йўлида жойлашган бой маданий тарихий мерос;
4. Барҳаёт бой анъана ва урф-одатлари;
5. Самимий меҳмондўстлик;
6. Турли хил ажойиб таомлари;
7. Бошланғич инфраструктура;
8. Меҳнат ресурсларининг нисбатан арзонлиги.

БТТнинг фикрига кўра, юкоридаги жиҳатлар билан бирга Ўзбекистонда туризмнинг усуворлигини оширишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш керак:

- Ташкилотлараро кординация
- Хавфсизликни янада яхшилаш
- Инфраструктура ва транспорт алоқаларини ривожлантириш
- Расмиятчиликни янада соддалаштириш
- Имидж ва маркетинг
- Маҳсулот ва хизматларни жаҳон бозорига олиб чиқиш (хорижий тилларда ҳам)
- Янги технологиялардан (интернет) кенг фойдаланиш.

З.Артиков

Андижон Давлат университети

ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ТАРКИБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Саноатни географик тадқиқ этишда унинг тармоқлар таркибига ҳам эътибор бериш катта аҳамиятга эга. Сабаби-тармоқлар ижтимоий меҳнат тақсимотининг натижаси бўлиб, уларда ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этишнинг асосий шакллари, яъни мужассамлашув, ихтисослашув, кооперацияси ва комбинатлаш ўз ифодасини топади. Қолаверса, айнан тармоқлар тизимида саноат ишлаб чиқаришга доир янги технологияларни жорий этиш, ҳозирги замон фан-техника ютуқларини амалиётга тадбиқ қилиш имкониятлари кўпроқ.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиёти, яъни эркин (очиқ) иқтисодиёт йўналишига ўтиш даврида, хусусийлаштириш ва мулкчиликнинг янги шакллари вужудга келтириши ҳамда нодавлат секторининг кучайиши пайтида бошқарув тизими аввалгидек тармоқлар тасарруфида бўлмай, асосан ҳудудлар-маҳаллий ҳокимият қарамоғига ўтади. Бинобарин, халқ хўжалиги, макроиқтисодиётнинг тармоқлар тузилмаси бироз ўз аҳамиятини йўқотади.

Ҳар бир мамлакат ёки районлар саноатининг тармоқлар таркиби мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизим бўлиб, унинг шаклланиши турли омилларга боғлиқ бўлади. Бу омиллар асосан шу жойнинг хом ашё баъзаси, меҳнат ресурслари ёки унинг иқтисодий географик ўрнидан келиб чиқади. Фарғона иқтисодий райони саноат мажмуасининг шаклланиши ва ривожланишида, унинг маҳсулдорлигини оширишда, ишлаб чиқариш ва тармоқлар таркиби катта рол ўйнайди. Бу ўзгаришлар ҳаракатдаги корхоналарни қайта қуриш ва кенгайтиришнинг объектив шароитларига боғлиқ. Шунга кўра, тармоқлар ривожланишининг йўналиш ва кўламига таъсир ўтказиш тажрибасини ўрганиш, тармоқлар таркибини баҳолаш катта аҳамиятга эга бўлади.

Район саноат мажмуасининг пахта ва бошқа маҳсулотларни етиштиришга ихтисослашуви қулай табиий-иқлим шароитлари ва аҳолининг азалдан мавжуд меҳнат кўникмаларига асосланган. Саноатнинг комплекс ривожланиши ва ихтисослашуви унинг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бирламчи ишловигагина эмас, балки уларнинг етиштириш ва қайта ишлаш учун зарур бўлган техникани ишлаб

чиқаришга, минерал ўғитлар, дефолиантлар ва бошқа кимёвий маҳсулотлар етказувчи тармоқларни кенг ривожлантиришга тегишли шароит яратишни талаб қилади.

Район саноатининг тармоқ таркиби босқичма-босқич такомиллашиб ва мураккаблашиб бормоқда. Шу билан бирга янги тармоқларнинг пайдо бўлиши, саноат тамоқлараро мажмуаларнинг (пахта, нефть-газ-кимё ва бошқалар) таркиб топиш ҳисобига саноат ишлаб чиқариши таркибининг бойиши кузатилаёпти.

Фарғона иқтисодий районида саноати мажмуалари ҳудудий ўлчамлари, ундан банд бўлган аҳоли сони, иқтисодий ихтисослашуви билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Саноат мажмуалари, ҳудудий ишлаб чиқариш шакли сифатида, катта шаҳарлар ва уларга яқин жойлашган саноат марказлари ва пунктлари асосида ташкил топади.

Масалан, Фарғона-Марғилон саноати мажмуаси таркибида енгил, озиқ-овқат, кимё саноати ва қурилиш материаллари катта аҳамиятга эга. Бу ерда асосан оғир саноат тармоқлари мужассамлашган. Жумладан, Фарғона шаҳри саноати енгил ва озиқ-овқат, шунингдек, нефт, кимё саноати корхоналаридан ташкил топган.

Мажмуанинг энг истиқболи тармоқларидан бири кимё саноатидир. Унинг таркиби минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича алоҳида ўрин тутади. Кимё ва нефт кимё саноатига азотли ўғитлар, кимёвий толали заводлар киради. Лекин кўп мутахассислар фикрича, мажмуани бир қатор корхоналар билан тўлдириш талаб этилади.

Андижон саноат мажмуаси аҳоли зич жойлашган ҳудудда, муҳим таранспорт йўллариининг кесишмасида жайлашган Вилоят саноатининг тармоқлар таркибида тўқимачилик ҳамда машинасозлик ва металга ишлов бериш корхоналари ажралиб туради.

Мустақиллик йилларида Андижон вилоятида, хусусан «ЎзДЭУ авто» корхонасининг қурилиши, вилоят, колаверса иқтисодий район саноатининг тармоқлар таркибига катта ўзгаришлар киритади. Жумладан, қатор саноат корзоналари (ирригация машинасозлик, заводи, подшипник корхонаси ва бошқалар) Асака автомобил заводи эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, қайта ихтисослаштирилган. Натижада, ҳозирги кунда Андижон вилояти саноати таркибида автомобилсизлик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш етакчилик қилади. Айни вақтда бу борада тўқимачилик саноатининг мавқеи биров пасайиб бормоқда.

Тармоқда юзага келган вазиятни яхшилаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди, бир нечта қўшма корхоналар ишга туширилди. Ҳозирда тармоқда бешта қўшма корхона ва ўнлаб кичик фирмалар фаолият кўрсатмоқда. Мазкур корхоналарда

яриммахсулот-хом ипак, ипак ва казна ип ҳамда айрим тайёр махсулотлар (галстук, лента) тайёрлаш йўлга қўйилган. Шу билан бирга, тармоқдаги йирик корхоналарнинг айримлари («Буюк ипак йўли», «Хоразм бахмал» ХЖ) қайта технологик қуроллантирилди.

«Ўзбек Ипаки» уюшмаси мутахассислари томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, республика аҳолисининг ипак махсулотларига бўлган йиллик эҳтиёжи 14-17 млн. кв. м. ни ташкил этади. Мавжуд қувватлар эса аҳолининг тармоқ махсулотига бўлган эҳтиёжининг 1/3 қисмини қондирмоқда, холос. Бу, ўз навбатида, тармоқда ишлаб чиқаришни янги технологиялар билан қуроллантиришни ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни талаб этади. Шунингдек, тармоқда хом ашё тайёрлашни ошириш, ички ва жаҳон бозоридаги талабига мос махсулотлар ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқдир.

Республика жаҳонда пилла тайёрловчи етакчи мамлакатлар қаторига туради. Айни ҳол республикада ипак газлама саноатини янада ривожлантириш учун катта имкониятлар яратади.

Тўқимачилик саноатида ишлаб чиқаришнинг ички алоқаларини назарда тутган ҳолда унинг ҳудудий таркибни такомиллаштириш, маълум иқтисодий-ижтимоий масалаларни ҳал қилиш имконини беради. Шу сабабли яқин келажакда Қуйи Амударё, Жанубий ва Тошкент иқтисодий минтақаларида тармоқнинг хом ашёга турли босқичда қайта ишлов берувчи корхоналарни барпо этиш иқтисодий жиҳатдан катта самара беради. Жумладан, жойларда янги иш ўринларини яратиш, хом ашё ташиш харажатларини камайтириш, қўшимча қиймат даромадини ҳудудда олиб қолиниши ва бошқалар бунга мисол бўла олади.

С.Тахтаева

Ўзбекистон Миллий университети ЎЗБЕКИСТОНДА ШАҲАР АГЛОМЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида йирик шаҳарлар ва уларнинг негизида вужудга келётган шаҳар агломерацияларининг ўрни бекиёс. Чунки уларда аҳоли, ишлаб чиқариш, ижтимоий инфраструктура тармоқлари ва транспорт тизими юқори даражада мужассамланган бўлади. Бундай имкониятлардан оқилона тарзда фойдаланган ҳолда аҳоли яшаши учун қулай шароит яратиш, ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда аҳоли сони 100 мингдан ортиқ бўлган йирик шаҳар ва камида 2 та йўлдош шаҳари бўлган 11 та агломерацияни ажратиш мумкин. Улар турли тарихий даврларда, турли табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида вужудга келиб, ривожланмоқда.

Қадимда мамлакатимиз ҳудудида асосан «якка» шаҳарлар (Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва бошқалар) мавжуд бўлиб, уларнинг атрофларида савдо расталари, диний маҳитлар, карвон саройларгина бўлиб, йўлдош шаҳарлар бўлмаган эди.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди Россияга қўшиб олингач, эски шаҳарлар ёнида янги шаҳарлар вужудга келди: Бухоронинг атрофида Янги Бухоро (Когон), Марғилон яқинида Янги Марғилон (Фарғона), Тошкент, Самарқанд, Андижон, Қўқон каби эски шаҳарларнинг ёнида «янги шаҳарлар» қурилиб, кейинчалик улар эски шаҳарларга қўшилиб кетган.

1930-йилларда электрстанциялар, завод ва фабрикалар, ирригация шахобчаларининг қурилиши, конларнинг ишга туширилиши, аҳоли сонининг тез ўсиб

бориши билан кўплаб шаҳар ва шаҳарчалар пайдо бўлди ва улар йирик шаҳарларнинг саноат, транспорт, рекреация, энергетика функцияларини бажариб берувчи йўлдошларига айландилар (Чирчиқ, Ангрэн, Янгийўл, Олмазор ва бошқалар). Шу тарих республикада агломерациялашув жараёни ривожланди: дарё бўйларида, транспорт йўллари тугунларида, қадимдан суғориб деҳқончилик қилинадиган воҳа ва водийларда, аҳоли гуж жойлашган ҳудудларда дастлабки шаҳар тизимлари шакллана бошлади. Бу даврларда Тошкент, Самарқанд, Андижон, Қўқон агломерациялари мавжуд бўлиб, уларда 1,7 млн. (1959 й.) шаҳар аҳолиси яшар эди. 1959-70 йиллар оралиғида Фарғона водийсида дарё ва сойларнинг конуссимон ёйилмаларида, қайта ишлаш саноати корхоналари асосида Фарғона-Марғилон ва қулай транспорт йўлида жойлашган Бухоро агломерацияси шаклланди. Агломерациялардаги аҳоли сони 1970-йилда 3 миллиондан ортди ва жами шаҳар аҳолисининг 70,6 фоизини ташкил этди.

1970-79 йилларда агломерациялашув жараёни жадал ривожланди, Қуйи Амударё минтақасида Нукус, янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида Қарши, тоғ-кон саноатининг ривожланиши билан Ангрэн-Олмалик агломерациялари таркиб топди. Агломерациялардаги жами шаҳар аҳолиси 5 млн.га (78,4% шаҳар аҳолиси), йўлдош шаҳарларнинг сони эса 47 тадан 96 тага етди, аҳолининг йиллик кўпайиши 5,6 фоизни ташкил этди. 1979-89 йилларда уларнинг сафига Урганч агломерацияси қўшилди. Мустақиллик йилларида йўлдош шаҳарлар сонидан ўзгариш бўлмади, аҳолининг йиллик кўпайиши эса 1,35 фоизга тушиб қолди.

Агломерацияларни ривожланиш даражасига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Кучли ривожланган-миллионер агломерацияларга йўлдош шаҳарлари 20 дан ортиқ бўлган Тошкент агломерацияси киради.

2. Ривожланган- аҳолиси 0,5- 0,6 млн. киши атрофида бўлиб, 10 тадан 20 тагача йўлдош шаҳарларга эга бўлган агломерациялар. У Самарқанд, Наманган, Фарғона-Марғилон ва Андижон агломерацияларидан иборат.

3. Суст ривожланган – сўнгги пайтлардагина вужудга келган агломерацияларда аҳоли сони 400 минг кишигача ва йўлдош шаҳарлар 2-10 тани ташкил этади. Уларга Бухоро, Нукус, Урганч, Қўқон, Қарши, Ангрэн – Олмалик шаҳар тизимларини киритиш мумкин.

Шунингдек, мамлакатда Тахиатош, Денов, Каттакўрғон, Шахрисабз, Қўнғирот каби шаҳар ва қишлоқларнинг кичик ҳудудий тизимлари ҳам шаклланмоқда. Ҳақиқий агломерациялар ичида эса Тошкент агломерацияси жуда катта салоҳиятга эга, у ҳатто МДХ давлатларидаги Киев, Минск, Новосибирск агломерациялари қаторида туради. Мазкур агломерация таркибида 27 та йўлдош шаҳар ва шаҳарча мавжуд, унинг доирасида 2,6 млн. киши яшайди (2004 й). Мустақиллик даврида пойтахт агломерациясида аҳоли сони ўсмади, айни вақтда. Наманган (2,00%), Қарши (2,10%), Нукус (2,65%), Андижон (1,5%) агломерацияларида демографик ривожланиш бироз юқори бўлди.

Ўзбекистон агломерацияларининг аксарияти суст ривожланганлар қаторига киради. Улар аҳолисининг 68,6 фоизи марказий шаҳарларга, 31,4 фоизи йўлдош шаҳарларга тўғри келади. Энг юқори кўрсаткич Тошкент агломерациясида кузатилиб, унинг марказида 80,7% шаҳар аҳолиси истиқомат қилади. Ривожланган агломерацияларда мазкур кўрсаткич 60%, кичикларида эса 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, пойтахт агломерациясида йўлдош шаҳарлар, қолганларида эса шу билан бир қаторда уларнинг марказлари ҳам яхши ривожланмаган.

Агломерациялар «ядриси» асосан вилоят марказлари бўлиб, уларда аҳоли сонининг катта эмаслиги, саноат салоҳиятининг заифлиги, шаҳар атрофи

транспортнинг яхши ривожламаганлиги агломерацияларнинг тўла қонли шаклланишига тўсқинлик қилмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида йирик шаҳарлар аҳамиятини ошириш, саноат, банк-молия, бошқарув тизимини ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улар негизида саноат тугунлари ва районларини шакллантириш шаҳарларнинг мураккаб худудий тизимлари, яъни агломерацияларнинг вужудга келишига хизмат қилади.

М.И.Назаров, А.Ибраимова
Ўзбекистон Миллий университети
МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА УНИНГ
ГЕОСИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Бугунги кунда Марказий Осиё, жумладан Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон республикалари жаҳон геосиёсий тизимида ўзига хос ўрин тутаяди. Маълумки, Марказий Осиё худуди барча асрлардан буён Ғарб билан Шарқ йирик сиёсий кучларининг «назари» тўқнашган минтақалардан ҳисобланади. Унда ҳозирги Ўзбекистон алоҳида ўринни эгаллайди. 60 млн.га яқин аҳоли яшайдиган мазкур минтақа нафақат демографик, балки бой табиий-иқлимий ва минерал хом ашё ресурсларга, муҳим сиёсий ва транспорт географик ўринга ҳам эга-ки, уларнинг барчаси жаҳон ҳамжамиятининг Марказий Осиёга бўлган стратегик қизиқишини янада ошишига олиб келади.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида собиқ Иттифоқнинг парчаланиши жаҳон сиёсий аренасига Марказий Осиё республикаларининг мустақил тарзда чиқишини таъминлади. Натижада, ушбу минтақада янги геосиёсий макон шакллана бошлади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур минтақа собиқ Иттифоқ даврида «Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари» деб номланарди, 1993 йилдан бошлаб эса у Марказий Осиё деб атала бошланди.

90-йиллардан сўнг ушбу минтақада ва унга ёндош худудларда турли минтақавий бирлашмалар вужудга келди, улардан айримлари такомиллаштирилди ва баъзилари қутилган натижаларни бермади.

Марказий Осиё республикалари минтақадан ташқаридаги давлатлараро бирлашмаларда ҳам фаол қатнашмоқда. Масалан, Қирғизистон 1998 йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Шунингдек, Туркменистондан ташқари Марказий Осиё республикаларининг барчаси Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг (ШХТ) аъзоси ҳисобланади. Мазкур ташкилот дастлаб Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва Хитой ўртасида, чегара районларида ишонч тадбирларини кучайтириш мақсадида «Шанхай бешлиғи» тарзида ташкил қилинди (1996 й.) Кейинчалик унинг асосий фаолияти минтақавий хавфсизликни таъминлаш доирасида кучайтирилди ва “Шанхай Форуми” деб аталди, 2001 йилдан унга Ўзбекистоннинг аъзо бўлиб кириши билан у Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти номи билан фаолият кўрсата бошлади. Ҳозирда ШХТ сиёсат, иқтисодиёт, фан, маданият, маориф, энергетика, транспорт, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳаларда ўз фаолиятини кенгайтirmoқда. Албатта, бундай бирлашмаларнинг давлатлараро иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришдаги аҳамияти жуда катта.

Ҳозирги пайтда том маънодаги иқтисодий-ижтимоий ривожланишга эришиш учун давлатлараро иқтисодий интеграцияни ривожлантириш талаб қилинади. Бунинг учун Марказий Осиё республикалари қулай имкониятларга эга. Биринчидан, уларнинг туб жой аҳолиси азалдан миллий этник, диний умумийликка, ягона маконда қардошлик муносабатлари асосида яшаб келганлар.

Иккинчидан, минтақада тарихан шаклланган умумий коммуникация тизимлари мавжуд. Минтақа давлатлари ягона энергетика, транспорт ва сувдан фойдаланиш тизимларига эга. Учинчидан, Марказий Осиё республикаларида чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасида ҳам қулай имкониятлар бор. Юқорида таъкидланганидек, бу ерда умумий социал-иқтисодий инфраструктура ва, албатта, улкан минерал хом аше ҳамда инсон салоҳияти катта. Шунингдек, минтақада телекоммуникация тизимининг ривожланиши билан яқин келажакда йирик бозор ҳам вужудга келиши табиий.

Бундай имкониятлар билан бир қаторда ўзаро ҳамкорликдаги иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилувчи омиллар ҳам йўқ эмас. Масалан, мустақил ривожланишнинг ўн бешинчи йили кетаётган ҳозирги даврга келиб ҳам Марказий Осиё давлатлари ўртасида иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг амалда умумий мувофиқлаштирилган дастурини мавжуд, деб бўлмайди. Марказий Осиё давлатларининг ҳар бири ўз иқтисодий сиёсатига эга. Аммо, уларнинг ўзаро мутаносиблиги замонавий талаблар даражасида эмас. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ташқи савдо алоқаларига, хусусан экспортига муайян даражада таъсир кўрсатган.

Марказий Осиё республикалари экспортида асосий улуш хом ашёга тўғри келади ва бу билан улар бевосита жаҳон хом ашё бозорига боғланиб қолган. Жумладан, Қозоғистон экспортининг ярмидан ортиғини нефть, Қирғизистон экспортида олтин (45%), Тожикистон экспортида алюминий (54%), пахта толаси (28%), Туркменистон экспортининг 70% га яқинини энергия манбалари ташкил қилади. Ўзбекистон экспортининг 60% га яқинини пахта толаси, рангли металллар ва энергия манбаларига тўғри келади.

Кейинги пайтларда Ўзбекистон ташқи сиёсатида «постсовет» худуди ва Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий интеграция жараёнларининг янги босқичга кўтариллиши, улар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада тараққий этишининг гаранти бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Абатуров В. Осеннее давление геополитики. Обзор интеграционных процессов в Центральной Азии//Экономическое обозрение. -Т., 2005, №1. б:37-41.
2. Абдуразаков А.Торгово-экономические аспекты Центральноазиатской интеграции//Экономическое обозрение. -Т., 2005. №2, б.12-12.
3. Солиев А.С., Ахмедов Э.А. ва б. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. -Т., 2003.

Э.А.Ахмедов., Ш.Қурбонов

Ўзбекистон Миллий университети

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ

Шаҳарлар жуда мураккаб, серқирра вазифаларни бажаради. Сиёсий жихатдан олсак, ҳар бир давлат ўзининг шаҳарлар тўри ва айниқса, пойтахти билан кучлидир.

Хоразм вилояти шаҳарлар сони бўйича республикамизда охириги ўринда туради. Вилоятда 3 та шаҳар (Урганч, Хива, Питнак) 7 та шаҳарча (Хонқа, Шовот, Гурлан, Қўшқўпир, Хозарасп, Чомил, Янгибозор) бор.

Урганч шаҳри вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази ҳисобланади. Шаҳарда 136,4 минг киши (2005) истиқомат қилади. Мустақиллик йилларида Урганчда қурилиши ишлари авж олди. Унинг шимоли-ғарбий қисмида «Наврўз», «Тараққиёт», «Университет» шаҳарчалари пайдо бўлди.

Урганч-Хива оралиғида 30 км ли троллейбус қатнови (1997 й) йўлга қўйилди. 1992-2003 йилларда «Буюк оммалар хиёбони», «Ал-Хоразмий», «Ал Беруний», «Амир Темур», «Мирзо Улуғбек», «Абулғозий Баҳодирхон», «Огаҳий», «Комилжон Отаниёзов», «Аваз Ўтар ўғли», «Авесто» ёдгорлик мажмуалари бунёд этилди.

«Урганчёғ» заводлари, пиллакашлик, тикувчилик, пойабзал фабрикалари, бир нечта кўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Университет, Тошкент тиббиёт академиясининг филиали, 36-умумий таълим, 3-муסיқа, 2-касб хунар мактаби, 8-касб хунар коллежи мавжуд.

Вилоятда муסיқали драма ва комедия театри, картиналар галереяси, 27-кутубхона, маданият ва истироҳат боғи, «Олимпия» спорт мажмуаси, стадионлар, теннис кортлари фаолият кўрсатмоқда.

Хива нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири ҳисобланади. Археологик маълумотларга кўра, шаҳар мил.ав. V асрда барпо этилган. Унинг номи шаҳарнинг қадимий қисмида жойлашган Хивак (Хейвак) кудуғи билан боғлиқ.

Хива меъморий ансамблининг яхлитлиги жихатидан ягона ҳисобланади. Хиванинг жаҳон маданияти тараққиётидаги ўрни ЮНЕСКО Бош конференциясининг (1995 йил) 28–сессиясида алоҳида қайд қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 3 январдаги қарори билан Хиванинг 2500 йиллиги 1997 йилда жаҳон миқёсида кенг нишонланди. Шаҳарда «Хива-Карпет» кўшма корхонаси, сопол буюмлар, пахта тозалаш, ғишт заводлари, тикувчилик, «Хива гилами» акциядорлик жамияти ва бошқа гилам тўқиш корхоналари, маданий, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 11 ноябрида эълон қилинган «Хоразм Маъмун Академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони воҳада илм-фанга бўлган қизиқишини янада оширди.

«Очиқ осмон остидаги музей» деб шухрат топган Қадимий Хивада халқаро туризм оқилона йўлга қўйилса, у шаҳар учун бошқа соҳаларга нисбатан катта миқдорда даромад олиб келиши мумкин.

Питнак шаҳри республикамизнинг кичик шаҳарлари қаторига киради. Аҳолиси 16-минг киши Питнак шаҳри 3 та шаҳарчанинг қўшилишидан келиб чиққан. Булар Питнак темир йўл станцияси, иккинчиси Амударё бўйидаги Шарловуқ пристани, учинчиси – Туямўйин гидроузели қурувчилари шаҳарчасидир. Бу шаҳарлар бир-бирига яқин жойлашгани учун 1976 йил 3 январда бирлаштирилди.

Питнакда 6 та саноат корхонаси, 16 қурилиш, 7 транспорт ва алоқа, 7 савдо ва маиший хизмат 200 ўрта ва кичик бизнес, 2 кўшма корхоналари. Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси, Туямўйин ГЭС, «Туямўйин-Урганч» сув тозалаш иншооти, шакар-қанд, пахта тозалаш заводлари ва бошқа йирик корхоналар мавжуд.

Шунингдек, шаҳар ҳудудидан республика аҳамиятига молик темир йўл ва автомагистраль йўлнинг ўтганлиги шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида аҳамияти катта.

Адабиётлар

1. Э.Аҳмедов. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. Т., 2002.
2. А.С.Солиев. Шаҳарлар географияси. Т., 2000.
3. Э.Аҳмедов. Ўзбекистон шаҳарлари. Т., 1991.

О.Лапасова

Термиз Давлат университети
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мустақиллик йилларда республикамизнинг ўзига хос табиий-иқтисодий шароитларга эга Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди. Ушбу тармоқ минтақа иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлиб, ялпи ички маҳсулотининг 74 фоизини ишлаб чиқаради.

Ҳозирги вақтда республикада етиштирилаётган пахтанинг 12,2 фоизи, доннинг 8,6 фоизи, полиз маҳсулотларининг 10,0 фоизи, сабзавотнинг 6,1 фоизи узумнинг 16 фоизи, ҳўл меванинг 7,8 фоизи гўштнинг 8,6 фоизи, сутнинг 9 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келади. (2003 й.).

Вилоят қишлоқ хўжалигида деҳқончилик тармоғи сезиларли устунликга эга бўлиб, у қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 50, 6 фоизини ишлаб чиқаради. Минтақа деҳқончилигида дон ва пахта етиштириш устувор тармоқ саналади.. Жумладан донли экинлар вилоят жами қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг 43,2, пахта экин майдонлари 40, 3 фоизини ташкил этади. Шунингдек, вилоят деҳқончилигида дончилик ва пахтачилик соҳаларидан ташқари картошқачилик, полиз, сабзавотчилик ҳамда боғдорчилик соҳалари ҳам ривожлантирилган. Бироқ, ушбу тармоқларнинг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажмида ҳиссаси кам фоизни ташкил этади.

1991-2004 йилларда вилоят дончилик ва пахтачилигининг динамик ўсиши таҳлили шуни кўрсатадики, минтақада 2004 йилда 1991 йилга нисбатан жами пахта экин майдонлари 16, 3 минг гектарга , яъни 12 фоизга, пахта ялпи ҳосили эса 118, 9 минг тоннага яъни, 26 фоизга камайди. Шу билан биргаликда ингичка толали пахта етиштириш тадқиқ этилаётган йилларда 251, 0 минг тоннага., яъни 88,5 фоизга қисқарди. Вилоят пахтачилигида вужудга келган таркибий ўзгаришлар 1990 йиллардан бошлаб, суғориладиган ерлардан аҳолига шахсий таморқа хўжалиги учун ажратиб берилиши ҳамда пахта экин майдонлар қисқартирилиб дон, картошка полиз ва сабзавот экин майдонларининг кенгайтирилиши ҳисобига юзага келди.

Маълумки, вилоятда донли экинларнинг асосий қисми (94 фоизи) суғориладиган ерларда етиштирилади. Тадқиқ этилаётган йилларда донли экин майдонлари 54, 6 минг гектарга яъни 1,5 мартага, ялпи ҳосили эса 326, 2 минг тоннага яъни 29 мартага кўпайди. Хусусан ушбу йилларда буғдой экин майдонлари 2,3 мартага ялпи ҳосили 5, 6 мартага кўпайди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида вилоят қишлоқ хўжалиги таркибида мулкчиликнинг янги шакли фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Бундай янги хўжалик субъектларининг ташкил этилиши ва ихтисослашуви минтақанинг табиий иқтисодий шароитлари ёки омилларига боғлиқ. Чунончи, вилоятда ташкил этилган жами фермер хўжаликларининг сонига кўра, тармоқлар ихтисослашувида деҳқон фермер хўжаликлар 69, 0 фоизини , чорвачилик фермер хўжаликлари 12,6 фоиз , боғдорчилик фермер хўжаликлари 18,4 фоизни ташкил этади. Фермер хўжаликларнинг маъмурий туманлар бўйича жойлашувида ҳам ҳудудий фарқлар мавжуд. Жумладан, вилоятнинг текислик туманлари (Ангор, Бандихон, Музробод, Шеробод, Термиз, Жарқурғон, Шўрчи, Қизирик, Қумқурғон)да ташкил этилган фермер хўжаликларининг 90 фоизини деҳқон фермер хўжаликлари ташкил этади. Аксинча минтақанинг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган туманлар (Бойсун, Сарийосиё, Узун, Денов, Олтинсой)да ташкил этилган фермер хўжаликларининг турланиш даражаси ҳам юқори.

Мазкур туманларда деҳқон фермер хўжаликлари билан бирга чорвачилик ҳамда боғдорчилик ва узумчилик хўжаликлари ҳам ташкил этилган.

Вилоятда етиштирилаётган пахтанинг 42 фоизи, доннинг 45, картошканинг 71, 8, сабзавотнинг 55, полизнинг 67,8, хўл меванинг 51, узумнинг 31,2 фоизи фермер хўжаликлар ҳиссасига тўғри келади. Айниқса 1995-2004 йилларда вилоят фермер хўжаликларида деҳқончилик маҳсулотларида дон 5,4, пахта 2,9, картошка 4,2, хўл мева 4,1, узум етиштириш 3,7 мартага сабзавот 107 фоизга ўсди.

Қ.Алланов, А.Самторов, Х.Ниёзов

Термиз Давлат университети

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТЕКИСЛИК ХУДУДЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУЧЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мустақил Ўзбекистон республикасида ҳалқ хўжалиги, унинг тармоқ тузилиши, бошқариш тизими ва унда мулкчилик формалари ўзгариб бораётган бир пайтда ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва уни ҳар томонлама ривожлантириш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда, шу жумладан, Сурхондарё вилоятида ўтмишда ҳалқ хўжалигини бошқаришнинг тармоқ тузилишида давлат мулкчилик шакли ҳукмронлик қилиб келди ва натижада вилоят саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг ички имконият ва хусусиятлари четлаб ўтилди. Бу ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун четдан қўшимча меҳнат ресурсини ва моддий-техника воситаларини сафарбар қилишни талаб қиларди.

Мамлакат мустақиллигига таянган иқтисодий сиёсатни юргизиш натижасида ҳалқ хўжалигини режалаштириш ва бошқаришда, унинг тармоқ тузилиши билан бирга вилоят (улардаги ишлаб чиқариш корхоналари)нинг ички хусусият ва имкониятларини тўла инobatга оладиган ҳудудий бошқариш тизими вужудга келди.

Сурхондарё вилояти мамлакатимизнинг энг жанубий қисмида жойлашган катта табиий ва иқтисодий шароит ва имкониятларга эга бўлган региондир. Бу регионда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг ўзгача хусусият ва қонуниятлари амал қилади. Шу жиҳатдан мазкур регионни шартли равишда икки зонага бўлиш мумкин:

1-зона вилоятнинг тоғи қисми ва 2-зона вилоятнинг текислик қисмидир. Тоғли зонада ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш масаласи анча мураккаб кечади.

Вилоятнинг текислик қисми ҳалқ хўжалиги нуқтаи назаридан ғоят аҳамиятли бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг катта имконият ва истиқболларига эга.

Сурхондарё вилояти ва айниқса унинг текислик зонаси ишлаб чиқариш кучларини ҳар жиҳатдан ривожлантиришнинг табиий, иқтисодий ва техникавий имкониятларига эга. Унинг тупроқ, иқлим ва мавжуд сув ресурси жанубий мамлакатларга хос бўлган қимматбаҳо техника ва бошқа экинларни районлаштириш ва ривожлантиришни тақозо қилган

Вилоятнинг текислик ҳудудларида ишлаб чиқарувчи кучларни янгитдан барпо қилиш ва ривожлантиришда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. деб ҳисоблаймиз:

- ёқилғи-энергетика саноатини ривожлантириш. Бу соҳада маҳаллий хом аше: кўмир, табиий газ, нефть захираларидан кенг фойдаланиш, уларнинг янги-янги конларини топиш ва ишга тушириш;

- Марказий Осиёда энг йирик ва ноёб полиметалл рудали кони мавжуд бўлган Хонжиза конига таяниб, рангдор металлургия саноат корхонасини куриш ва шу асосда вилоят рангдор металлургия сангоатини барпо қилиш;

-вилоятнинг қишлоқ хўжалигига чуқур ихтисослашганлигини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалик машинасозлиги саноатини вужудга келтириш;

- Учқизил ва Ховдоғда топилган кварц қумига таянган шиша ишлаб чиқариш саноатини барпо қилиш;

- маҳаллий хом ашёлар: пахта толаси, ипак ва жун толасига таянган вилоят тўқимачилик саноатининг босқичли тизимини вужудга келтириш, яъни «пахта (ипак ёки жун) толаси тайёрлаш заводи-ип йигирув (ипак ёки жун) фабрикаси-газлама тўқиш комбинати-кийим тикиш фабрикаси» ни барпо қилиш;

- қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (сабзавот ва мева) ни қайта ишлайдиган саноат корхоналарини куриш;

-мавжуд озик-овқат саноати корхоналарини ривожлантириш ва янги кичик (мини) завод (нон заводи, кондитер цехи,гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишловчи завод ва х.к.)ларни аҳоли манзилгоҳларида ташкил этиш ва х.к.

Юқоридаги масалаларнинг амалга оширилиши вилоят ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг янги уфқларини белгилаб беради.

Ғ.Бердиев, Л.Абдуназаров

Ўзбекистон Миллий университети

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИДАГИ СЎНГИ ЎЗГАРИШЛАР

Фарғона вилояти қадимдан суғорма деҳқончилик райони бўлган. Тарихан бу ерда йирик шаҳарлар вужудга келган. Аҳолининг яшаши учун шароитнинг жуда қулайлиги бу ҳудудларда аҳолининг йиллар давоми кўпайишини таъминлаган. Лекин, Иккинчи жаҳон урушидан кейин аҳоли орасида ўлимнинг қисқариши (иктисодий-ижтимоий омиллар) таъсирида аҳолининг кескин даражада ошиб кетишига олиб келди. Айниқса, бу ходиса 1960-80 – йилларда жуда шиддат билан ўсди. Ҳозирда бу жараёнлар ортда қолди. Мустақиллик йилларида аҳолининг табиий ўсиши сустлашди. Бу жараён биринчи навбатда туғилишнинг камайиши билан боғлиқ.

Фарғона вилоятида аҳолининг 1989-2000 йиллардаги ўртача йиллик кўпайиш сурати 2 % га тенг бўлган. 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 1,2 % га тушиб қолганлигини кузатиш мумкин. 1989 йилда вилоятда 2140 минг киши яшаган бўлса, 2001 йилда эса бу рақам 156 мингга кўпайган, яъни аҳоли сони 2709,3 минг кишини ташкил қилган. 2004 йилда доимий аҳолининг сони 2805,6 минг кишини, жумладан шаҳар жойларида 796 минг киши ва қишлоқ жойларида 2009,6 минг кишини ташкил қилди.

Фарғона вилояти аҳолининг зичлиги ҳам ўзига хос бўлиб (ҳар 1 км.кв.га 409,2 киши), бу жиҳатдан вилоят Ўзбекистонда фақат Андижон вилоятидан орқада, холос. Вилоятда аҳоли зичлиги 1996-2002 йилларда 116,2 % га ўсди, яъни ҳар йили аҳоли зичлиги 2,3 % дан ўсиб борди. 1996 йили аҳоли зичлиги 352,0 кишидан 2004 йилда 415 кишига етди.

Урбанизация даражаси йилдан йилга пасайиб бормоқда. 1991 йил бўйича вилоят аҳолисининг 31,2 фоизи шаҳарларда яшаган бўлса, 2004 йилда 22,9 фоизгача тушиб кетди. Урбанизация даражасининг пасайиб боришига қатор омиллар сабаб бўлмоқда. Асосий сабаблар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, шаҳар жойлардаги маҳаллий бўлмаган миллат вакиллари мустақилликдан сўнг тарихий ватанига кўчиб кета бошлади;

Иккинчидан, шаҳар муҳитида демографик жараёнлар сушт кечмоқда (туғилишнинг камлиги, ўлимнинг нисбатан юқорилиги, ажралишларнинг кўплиги ва бошқалар);

Учинчидан, аҳоли кўпроқ экологик жihatдан нисбатан тоза ҳудудларга, шаҳар атрофидаги қишлоқларга силжимоқда.



Вилоятдаги демографик жараёнларга назар ташлайдиган бўлсак, унда ўзига хосликларни ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, дунёда туғилаётган чақалокларнинг кўпчилиги ўғил болалар бўлса, Фарғона вилоятида эса аксинчадир. Вилоят аҳолисининг ёш таркибида 0-15 ёшлилар 38 %, меҳнат ёшидаги аҳоли 54 %, қариялар салмоғи 7,7 % (2002 йил). Аҳоли ёш таркибида бундан кейинги йилларда меҳнат ёшидагилар ва қариялар салмоғи мунтазам ортиб боради, болалар салмоғи эса камайиб боради. Бу жараённи ҳам вилоятда туғилиш даражасининг пасайиши билан изоҳлаш мумкин.

Ривожланган давлатларда учун 20 – 30 йиллар кетган туғилишнинг камайиши вилоятда, умуман республикада бор йўғи 6 йилда содир бўлди. 1996 йилда туғилиш 27,4 промилледан 2002 йилда 18,8 промиллегача ўзгарди. Ўлим жараёни ҳам бир оз камайган. Бу ҳолни ижтимоий – иқтисодий омиллар билан эмас, демографик омиллар билан боғласа тўғрироқ бўларди. Сўнги йиллардаги туғилишнинг камайиши болалар ўлимини ҳам камайишига олиб келди. Бундан ташқари, аҳолининг табиий ҳаракати шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида турличадир. Масалан, 2001 йилда туғилиш шаҳарларда 15,8 % ва қишлоқларда 20,0 %, ўлим эса шаҳарда 6,1 % ва қишлоқда 4,5 % ни ташкил қилган эди.

Ўлим ҳоллари 0-4 ёшлилар орасида 5,06 %, бу ёшлиларга асосан 1 ёшгача бўлган болалар ўлими кучли таъсир қилади. Вилоятда 5-19 ёшлилар орасида ўлим 0,40-0,81 %, 20-59 ёшлилар орасида 1,28-12,17 % гача, бундан кейин ўлим ошиб бораверади ва 85 ва ундан катталар орасида 197,7 % ни ташкил қилган. Вилоятда қариялар салмоғининг (7,7 %) ошиши билан ўлим даражаси ҳам ошиб бораверади. Оналар ўлими 1996 йилда ҳар 100 минг тирик туғилган болаларга нисбатан 8,6 та бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 25,4 тагача ошган. Болалар ўлими бироз камайди – 23,2 % дан 19,9 % га ўзгарди.

Никоҳ ва ажралишлар ҳам демографик жараёнларга таъсир кўрсатади. Никоҳ 1996 йилда 7,2 % дан 2001 йилда 6,9 % га, ажралиш 0,8 % дан 0,6 % га ўзгарди. Бу

жараёнлар шаҳар ва қишлоқда фарқ қилади. Шаҳарда кеч никоҳга кириш ва ажралиш кўпроқдир.

А.Қ.Абирқулов

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети
МИНТАҚАЛАРДА АГРАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚЛАРИНИ ҲУДУДИЙ
ЖОЙЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ (Тошкент
вилояти мисолида)

Бозор иқтисодиёти шароитида минтақалар аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг қондирилиши, саноат айрим тармоқларининг барқарор ривожланиши, бевосита қишлоқ хужалигига боғлиқдир. Шу сабабли, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ҳозирги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

Мустақилик йилларида аграр соҳода ислохотлар ўтказилмоқда. Қишлоқ хужалиги самарадорлигини ошириш, мамлакатнинг озиқ - овқат хавфсизлиги ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш саҳоларида ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибида анча ижобий ўзгаришлар амалга оширилиб, пахта якка ҳокимлигига барҳам берилди, дон, сабзавот майдонлари кенгайтирилди. Натижада, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда.

Мустақиллик йилларида Тошкент вилояти қишлоқ хўжалигида ҳам қатор ижобий силжирлар амалга оширилди. Жумладан, экин майдонлари таркибида 1999-2004 йиллар ўртасида башоқлилар салмоғи 3,3 %, сабзавотлар 0,8%га кўпайди, пахта майдонлари 1,5 %га камайди. Вилоятда ўтган давр ичида дон етиштириш 1,5, картошка – 1,2 сабзавот, полиз, мева, узум етиштириш ўртача 1,7 мартага, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқиш ҳажми 1,3 мартага ошди. Аммо бу ижобий кўрсаткичлар вилоят аҳолисининг ўсиб бораётган талабларини қондираолмаслиги туфайли, бошқа вилоятлардан ҳамда хорижий мамлакатлардан анча миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиб келишга сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, вилоятнинг бундай маҳсулотларни етиштиришда табиий-иқтисодий салоҳиятаридан етарлича фойдаланмасдан келинмоқда. Мавжуд суғориладиган майдонлар таркиби ҳамон деҳончилик маданияти ва маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобидан аҳолининг эҳтиёжларини максимал даражада қондириш талабларига жавоб бермайди. Ислохотларни чуқурлатиш шароитида қишлоқ хўжалигини ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш, ер, сув, инсон ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни тақоза қилади.

Қишлоқ хўжалигини оқилона ихтисослаштириш ва уни жойлаштириш муаммоси, айниқса йирик саноат тармоқлари ривожланаётган, шаҳар аҳолиси зич жойлашган ва унинг қишлоқ хужалиги маҳсулотларига талаблари муттасил ошиб борадиган саноатлашган ҳудудлар учун долзарбдир. Маълумки, Тошкент вилояти саноати ривожланган ҳудудларга киради. 2004 йилда Тошкент вилоятида (Тошкент шаҳрини ҳам эътиборга олган ҳолда) 5,6 млн. киши истикомат қилган. Вилоят аҳолисининг умумий сонидан 960,6 минг киши шаҳар аҳолисини ташкил этади. Вилоятда шаҳар аҳолисининг салмоғи кўплиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга жиддий таъсир кўрсатади. Аҳолининг озиқ - овқат масулотларига, айниқса, ташиш қийин бўлган маҳсулотларга бўлган этиёжини қондириш мақсадида қишлоқ хўжалиги асосан озиқ-овқат масулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашувини талаб қилади.

Тошкент вилоятда мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидаги каби қишлоқ хўжалигининг кўп тармоқли тизими вужудга келган. Тошкент вилояти ўзининг тупрок

- иқлим ва бошқа шароитлари бўйича Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидан жиддий фарқ қилади.

Умуман, вилоятнинг табиий шароити - вегетация даврининг уэунлиги, иссиқ ва куёшли кунларнинг кўплиги, сунъий сугориш тизимининг ривожланганлиги, сабзавот, мева ва узумнинг сифатли навларини етиштириш имконини беради.

Вилоятнинг тоғли ҳудудлари (Бўстонлик, Паркент, Юқоричирчиқ ва Оҳангарон туманлари мутлақ баландлигининг ошиши натижасида вегетация даврининг давомийлиги ҳар 100 м. баландликка нисбатан ўртача 5 - 7 кунга қисқаради. Айрим йилларда баҳорги совуқлар вегетация даври барвақт бошланадиган сабзавот, мевали дарахт навларга жиддий зарар етказади.

Тошкент вилояти шароитида қишлоқ хўжалигининг зоналар бўйича жойлаштирилишини такомиллаштиришда тупрок – иқлим шароитлари, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, мулкчилик шакли ва фермер хўжалиқларидаги ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

А.Хунаров, Д.И.Бўтаев

Тошкент вилояти Давлат педагогика институти

АНГРЕН ШАҲРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШИ

Шаҳарлар таракқиети серқирра жараён бўлиб, у икки таркибий қисмни иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши муаммоларини ўз ичига олади. Шунга кўра ҳозирги иқтисодий ислохотлар амалга оширилиётган ва бозор иқтисодиётига ўтилаётган даврда шаҳарларнинг ривожини муҳим аҳамиятга эга.

Ангрен шаҳрида 1933 йилда каолин қидириш билан шуғулланувчи геологлар гуруҳи каолин остидаги кўмирга дуч келишади. Лекин, унинг захираси тўғрисида ҳеч қандай иш олиб борилмайди. Кўмир захираси билан шуғулланиш асосан 1940 йилдан бошланади.

Ангрен кўмир конини очилишига Д.М.Богданович гуруҳидаги инженер геолог .С.Чикризов биринчи бўлиб Ангрендаги хавзадан кўмирни очик усулда қазиб олиш ғоясини илгари сурган. Ушбу кон республиканинг асосий энергия баъзаси бўлиши боис, тез орада кўмир қазиб ишларни бошланиб кетди.

Сўнгра кўмир конига боғлиқ равишда бир неча завод ва фабрикалар куриб битказилди. Коннинг дастлабки ривожланиши босқичларида, яъни уруш даврида собик Иттифоқнинг фронт олди ҳудудларидан турли миллат вакиллари бўлган халқлар бир неча завод ва фабрикалар кўчириб келтирилди. Янги саноат шаҳри Ангрен таракқий эта бошлади. Шаҳарда жадал суръатда саноат корхоналари кўпая борди. Республикаимизнинг турли ҳудудларидан саноат корхоналарига ишчилар жалб этилди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг Ангрен иқтисодий-ижтимоий ривожланишида узилиш юзага келди. Бир неча саноат корхоналари умуман тўхтади. Айримлари зарар ҳисобига ишлай бошлади. Бунга асосий сабаб шаҳардаги айрим саноат корхоналарининг собик Иттифоқ давлатларидан келтириладиган хом ашё, асбоб-ускуналар, техник жиҳозларга боғланиб қолганлиги, малакали кадрларнинг кетиб қолганлиги ва бошқалар эди.

Шаҳардаги бир неча саноат, корхоналари инқирозга юз тута бошлади. Кўмир кони маҳсулоти кескин камайди, ер остида кўмирни ёқиб, газга айлантириб олувчи подземгаз саноат корхонаси маҳсулоти кескин камайди. Буларга боғлиқ равишда ижтимоий соҳада ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмади.

Ҳозирги кунда ҳам Ангрен шаҳри иқтисодий ва ижтимоий соҳа ривожланишини 90 йилларга нисбатан ижобий баҳолаш қийин, деб ўйлаймиз. Чунки, 2005 йилнинг биринчи ярим йиллигида шаҳар бўйича жами саноат маҳсулот ишлаб чиқариши жами

35 миллиард сўм бўлиб ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 109,5% ташкилэтди. 7 та саноат корхонасида ишлаб чиқариш ҳажми 1831 млн. сўмга камайди.. 4-темир бетон заводи, суг заводи, автомобил таъмирлаш заводи умуман фаолият кўрсатмаяпти.

Исеъмол молларини ишлаб чиқариш 5,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 97% ни ташкил этди.

Шаҳарда 2005 йил 1 июнь ҳолатига кўра 5 та корхона 2115 млн. сўмлик зарар билан чиққан. Бундан ташқари «Ўзмедкоттон», «Ўзбеккўмир» ХЖ «Иссиқлик манбаи» каби шаҳардаги мавжуд йирик саноат корхоналари ҳам 2005 йилнинг 1-чи ярмини зарар билан яқунлади

Шаҳарда ижтимоий соҳада яъни соғлиқни сақлаш, маориф, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида ижобий ишлар олиб борилмоқда. Бироқ бу соҳада ҳам яъни аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида салбий ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Сабаби, корхоналарининг инқирозга юз тутиши оқибатида ишсизлик ҳам ортиб бормоқда.

Шаҳарда иқтисодий инқироздан чиқиш учун бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Саноат корхоналарига чет Эл инвестицияси ва капитали жалб қилинмоқда. Бир нечта саноат корхоналари масалан, «Ўзбекрезинотехника» «Саноатқалинқоғоз савдо», «Кулол», Х.Ж. «Элерем» ва бошқа саноат корхоналари чет давлатлар билан ҳамкорликда маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда.

Саноат корхоналарининг асосий қисми Россия технологияси асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга мослашган. Шунинг учун жихозларни, айрим ҳом ашёларни Россиядан олиб келиш мақсадга мувофиқдир.

Д.К.Кувандикова

**Университет Информационной технологии
ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОЙ ЗАНЯТОСТИ
НАСЕЛЕНИЯ ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ**

Обеспеченность трудовыми ресурсами и их рациональная занятость оказывает большое влияние на темпы и пропорции развития экономики регионов.

Население Джизакской области возрастает сравнительно высокими темпами, опережая среднереспубликанские показатели. Более половины населения области относится к трудовым ресурсам. За 1995-2004 г.г. численность занятого населения увеличилось на 108.7 тыс.чел.. Более 44% трудоспособного населения занято в сельском хозяйстве, в непроемственной сфере – 30,2% в промышленности – 7,4% в строительстве – 6,2%.

За годы независимости рынок труда в области стал формироваться на принципах свободы спроса и предложения рабочей силы, изменилась структура занятости по формам собственности,

Сложности переходного периода создали ряд проблем занятости, происходит накопление скрытой безработицы, особенно высок уровень безработицы в сельское местности. На рынке труда происходит усиление напряженности, связанная с разбалансированностью спроса и предложения. Численность трудоспособного населения в среднем в год растет на 7.3% ежегодно, а темпы роста новых рабочих мест составляют 3.2%. Таким образом, в области рост трудоспособного населения опережает количество создаваемых новых рабочих мест. Здесь также большую роль играет высвобождение рабочей силы из сельского хозяйства в результате преобразования многих ширкатных хояйств в фермерские хозяйства. Поэтому проблема безработицы с каждым годом становится все острее. Значительный рост уровня безработицы в сельских районах во многом обусловлен развитием материально-технической базы

сельского хозяйства. Существенно увеличилось число сельхозработников, работающих по найму на сезонной и временной основе. По данным служб занятости административных районов области, число нуждающихся в трудоустройстве более чем в 5 раз превышает число имеющихся вакантных мест. Снижение уровня занятости, прежде всего наблюдается в отраслях промышленности и строительства. Поэтому по уровню безработицы складывается сложная проблема в малых городах и районных центрах области.

В регионе происходит объективный процесс перелива трудовых ресурсов в неформальный сектор занятости и усиление миграционных потоков за пределы области - в г.Ташкент, в Казахстан и Россию. Это, в основном, нерегулируемая трудовая миграция. По данным Министерства труда и социальной защиты населения, из нашей республики за пределы республики в поисках работы в год выезжают до 280-300 тыс.человек. Среди мигрантов значительная часть обладает высоким уровнем грамотности.

Все это требует принятия действенных мер по комплексному социально-экономическому развитию области, что позволит создавать новые рабочие места. Для развития новых отраслей промышленности область обладает богатыми минерально-сырьевыми и сельскохозяйственными ресурсами. На основе их рационального использования, путем создания совместных предприятий с привлечением иностранных инвестиций можно создать дополнительные рабочие места и намного улучшить трудоустроенность населения, повысить благосостояние людей.

В перспективе экспорт рабочей силы должен рассматриваться как один из приоритетов экономической политики республики. При этом необходимо создание условий на межгосударственном уровне путем заключения соответствующих соглашений в данной сфере.

Ш.Мамадалиев

Институт общественно-экономических проблем Приаралья ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В ЭКОЛОГИЧЕСКИ НЕБЛАГОПОЛУЧНОМ РЕГИОНЕ

В 2004 году валовая продукция сельского хозяйства составила 137260,6 млн. сум.

За годы независимости в сельском хозяйстве Республики Каракалпакстан продолжается осуществление экономической реформы, направленной на создание новых стимулов для его устойчивого развития. В последние годы быстро росло число фермерских хозяйств и увеличивалась доля частного сектора. Только в 2004 году по Республике в фермерские хозяйства были реорганизованы 35 низкорентабельных и убыточных ширкатных хозяйств. На их базе образовано 709 фермерских хозяйств. В целях улучшения обслуживания фермерских хозяйств на местах образованы 30 мини-банков, 30 пунктов для продажи минеральных удобрений и 34 пункта для продажи ГСМ. Кроме того, образованы 32 альтернативных МТП, 30 ассоциаций водопользователей и 5 сетей информационного обеспечения.

Количество действующих фермерских хозяйств на начало 2005 года составило около 6,8 тыс. из которых 5,8 тыс хозяйств занимаются растениеводством, 0,7тыс - животноводством, 198 - садоводством и 57 хозяйств – другими отраслями сельского хозяйства.

Площадь закрепленных за фермерскими хозяйствами земель достигла 339,1 тыс.га, в том числе 199,6 тыс.га пашни. Значительно увеличилось число людей, занятых в фермерских хозяйствах. В настоящее время в фермерских хозяйствах трудятся более 49 тыс.чел., которыми было произведено более 69 тыс.тонн зерна пшеницы, более 117

тыс. тонн хлопка-сырца , 732 тонн мяса в живом весе, 7,1тыс. тонн молока и около 223,0 тыс.шт. яиц.

Однако в республике ещё функционирует 83 ширкатных хозяйства, из которых 40 низкорентабельных и убыточных, которые должны будут реорганизованы в фермерские хозяйства.

В хлопководстве более 30 тыс. га площади переданы под возделывание 7,2 тыс. семейным подрядчикам, а в зерноводстве 20,4 тыс. га – 2,6 тыс. подрядчикам. Кроме того, 56,1 тыс. га орошаемых земель переданы 5,5тыс. подрядчикам, которые занимаются возделыванием овощей, бахчевых и других культур.

За последние пять лет объем валовой продукции сельского хозяйства республики увеличился в 1,3 раза. В 2004 году оно составила в действующих ценах более 137260 млн.сум. К настоящему периоду удельный вес фермерских хозяйств в общем, объеме валовой продукции сельского хозяйство составляет более 31 процента, дехканских хозяйств - 47,6 процента, ширкатов - 21,1 процента.

В целом в 2004 году во всех категориях сельхозпроизводителей произведено более 212 тыс.тонн зерновых и зернобобовых культур, в том числе: 155,1 тыс.тонн зерноколосовых культур, 43,9 тыс.тонн риса, 3,5 тыс.тонн зерна кукурузы. В заготовительные пункты от хозяйств поступило более 51 тыс тонн зерна пшеницы и 184 тыс тонн хлопка-сырца.

В истекшем году в республике было произведено 13,8 тыс.тонн картофеля, 52,3 тыс.тонн овощей, 28,4 тыс.тонн бахчевых, а также 8,0 тыс.тонн плодов и ягод, 1,7 тыс.тонн винограда, заготовлено 547,5 тонн коконов тутового шелкопряда.

За последние годы труженики аграрного сектора республики в тяжелых экологических условиях добиваются значительных успехов по повышению урожайности сельхозкультур. Так, средняя урожайность хлопка по сравнению с 2003 годом увеличилась на 8,3ц. и достигла до 19,5 ц. с 1 гектара, а урожайность пшеницы увеличилась - на 3,8 ц. и достигла до 26,3 ц.

В 2004 году отгружено на экспорт 342,4 тонн плодоовощной продукции за пределы Республики Узбекистан.

Определенные успехи достигнуты в развитии животноводства. В частности, поголовье крупно-рогатого скота достигло 435,5 тыс.голов, овец и коз - 538,5 тыс. голов, птиц - 835,3 тыс. голов, лошадей - 15,7 тыс.голов.

В 2004 году было произведено мяса в живом весе 40,5 тыс.тонн, молока - 130,4 тыс.тонн, а также 558,0 тонн шерсти, более 27 млн.штук яиц, 52,4 тыс.штук каракуля.

Улучшается материально-техническая база сельхозпредприятий. Только в 2004 году по лизингу поставлено 134 трактора, 27 культиваторов и 2 прицепа. Механизированные услуги сельскохозяйственным товаропроизводителям оказываются 17 машино-тракторными парками Объединения МТП и 65 альтернативными парками.

В целях улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель только в прошлом году очищены 723 км магистральных и межхозяйственных каналов, 400,6 км межхозяйственных коллекторов, 1464,2 км внутривозделываемых оросительных сетей и 614,6 км внутривозделываемых коллекторов.

Осуществляется определенная работа и по улучшению экологической обстановки. В частности, инструментальным методом обследованы 8645 источников загрязнения, из них по 864 источникам выявлено превышение установленных норм. Проведены работы по облесению песков на осушенном дне Аральского моря на площади на 17,3 тыс.га. В целом на улучшение охраны окружающей среды региона за счет всех источников финансирования освоено более 534,6 млн.сум. капитальных вложений.

Ш.С.Жўраев

**Ўзбекистон Миллий университети
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий жихатдан йўналтирилган, Осиёча шаклланган маданий бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга интиломда. Бу кенг қамровли ижтимоий сиёсий аҳамиятга молик мақсад жуда кўп ва хилма-хил вазифаларни оқилона ҳал этишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурслар билан яхши таъминланган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Лекин, аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ортиб бориши билан, уларни озик-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва айниқса иш билан таъминлаш масалаларининг чуқурлашуви бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу муаммолар айниқса аҳолиси кўп ва жуда зич жойлашган қишлоқ хўжалик ерлари ёппасига ўзлаштириб бўлинган Андижон вилоятида алоҳида аҳамият касб этиб, бу борада чуқур илмий изланишлар олиб боришга мажбур этади.

Андижон вилояти ҳудуди жихатидан республика вилоятлари ичида энг кичиги бўлса-да (4,3 минг км.кв.), лекин аҳолисининг сони ва зичлиги жихатидан (вилоятда 1 км.кв. ерга 541 киши тўғри келади) республика вилоятлари ичида кескин ажралиб туради. Бунинг устига аҳолининг асосий қисми (78 фоиз) қишлоқларда яшайди ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади.

2005 йил 1 январ маълумотларига кўра Андижон вилояти аҳолисининг сони 2342,7 минг кишига етган, бу республика аҳолисининг 8,9 фоизини ташкил этади.

Вилоят аҳолисининг ўсиш суръатлари юқори бўлиб 1989 йилдан 2004 йилгача 1,3 мартагача, яъни 1721 минг кишидан 2342 минг кишига кўпайган. Аҳолининг табиий ўсиши эса 2004 йил яқунлари бўйича ҳар минг кишига 15 киши, туғилиш коэффиценти 19,8 промиллега тенг.

Вилоят аҳоли динамикаси республикада умумий хусусиятлар билан бирга фақатгина ўзига хос омил ва шарт-шароитлар таъсирида ҳам ўзгармоқда. Вилоят аҳолисининг ўсиш суръатлари юқори бўлсада, лекин республика кўрсаткичларидан паст бўлади. Бунда Фарғона водийси вилоятлари Андижон ва бошқа қуриқ ерларни ўзлаштиришга сафарбар этилганлигини таъкидлаш жоиз. Вилоятда меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги республиканинг бошқа вилоятларига нисбатан эртароқ сезила бошлаган. Шунинг учун аҳолининг бошқа вилоятларга кўчириш 70 йиллардаёқ кузатилган. Бу ишлар ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда.

Андижон вилоятида демографик жараёнлар: туғилиш, ўлим ва миграцион ҳаракат турлари ўзига хос йўналиш ва натижалар билан ифодалади.

Андижон республика миқёсида туғилиш даражасига нисбатан паст бўлган вилоятлар тоифасига киради. Туғилиш коэффиценти 2003 йилда 18,7 промилле бўлган бўлса, 2004 йилда 19,8 промилле ташкил этди. Маҳаллий ўзбек халқи кўп бўлган Бўз, Шаҳрихон, Балиқчи, Олтинкўл, Пахтаобод туманларида туғилиш даражаси энг юқори суръатлар билан ифодаланади. Туғилишни энг кам миқдори Хонободда – 14,2 промилле, Асакада – 16,9 промилле кузатилади. Бу шаҳарларда аҳоли миллий таркибида ўзбеклар билан бир қаторда бошқа миллат вакиллари ҳам кўплиги сабабли туғилиш камроқ.

Вилоятда ўлим коэффиценти 2003 – 2004 йиллар ичида ўзгариб, ҳозирда 4,8 промилле тенг бўлди. Энг кам ўлим коэффиценти Хонобод шаҳрида 4 промилле, Улуғнор ва Бўз туманларида 3 ва 4,3 промилле кузатилган.

Аҳолининг миграцион ҳаракати вилоят аҳолиси, меҳнат ресурслари, аҳолининг бандлик даражасига катта таъсир кўрсатади. Аҳолининг миграцион ҳаракати аста-секин мусбат кўрсаткичга эга бўлмоқда.

Шаҳар аҳолиси ва шаҳарлар сонининг кўпайиши урбанизация жараёнининг энг асосий кўрсаткичидир. Андижон вилоятининг кейинги даврларидаги индустриал тараққиёти шаҳарларнинг тез ўсишига олиб келади. Ҳозир вилоятда аҳолиси 20 мингдан ортиқ бўлган 8 та шаҳар мавжуд (Андижон, Шаҳрихон, Асака, Хонобод, Пахтаобод, Пойтуғ, Қорасув, Қўрғонтепа).

Аҳолисининг жинсий таркибида аёллар кўпроқ (51 фоиз). Ёш таркибида 18 ёшгача бўлган 45 фоизни ташкил этади. Бу эса келажакда никоҳланиш даражасининг юқори бўлишини, меҳнат ресурсларининг ортиб боришини таъминлайди.

Меҳнат ресурслари – бу социал-географик категория бўлиб, улар жисмонан ва ақлан баркамол, зарурий билим ва тажрибага эга бўлган ёки уларни эгаллашга қодир географик (ташқи) ва социал (ички) муҳитлар ривожланиш хусусиятларини ўзида акс этирган кишиларнинг мажмуасидир.

Маълумки, Андижон вилояти республикада меҳнат ресурслари билан яхши таъминланган минтақаларидан бири. Тез ўсаётган меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида саноатнинг сертармоқ ва юқори малакали кадрларни талаб қилувчи асбобсизлик, электроника, радиотехника, машинасозлик, автомобилсозлик, энгил саноат, органик синтез химияси, маҳаллий қишлоқ хўжалиги хом ашёларни қайта ишловчи корхоналарни анчагина меҳнат ресурслари захирасига эга бўлган кичик ва ўрта шаҳарларда ҳамда йирик қишлоқларда қуриш мақсадга мувофиқдир.

“ЎзДЭУ” авто кўшма корхонасига эҳтиёт қисмлар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, ўриндиқ-ғилофлар, электротехника маҳсулотлари, резина шиналар, лак-бўёқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим. Шу билан бирга бу автомобил заводига хизмат кўрсатувчи ёрдамчи хўжаликларни ҳам кўпайтириш керак. Автомобилларга сервис хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини кўпайтириш лозим.

Вилоятдаги мавжуд йирик корхоналарнинг филиал ва цехларини йирик қишлоқларга очиш, маиший хизмат кўрсатиш, туризм соҳаларини ривожлантириш давр талабидир.

Х.Т.Турсунов

**Национальный университет Узбекистана
ГЕОГРАФИЯ И УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ**

Современное социально-экономическое развитие приводит к существенному ухудшению окружающей среды, что грозит миру в ближайшие десятилетия глобальной экологической катастрофой. Разрушение естественных экосистем- это самое крупное и серьезное вмешательство человека в природные процессы. Оно вызвало глобальные изменения во всех природных средах.

В Центральноазиатском регионе сформировалась одна из опаснейших зон экологического бедствия, став трагедией жизни многих людей, целых народов и наций. Острая нехватка и загрязнение водных ресурсов, загрязнение атмосферы, опустынивание, качественное ухудшение земельных ресурсов, и, самое трагическое, высыхание Аральского моря, представляют очаг угрозы устойчивому развитию региона.

Термин «Устойчивое развитие» впервые появился в 70-х годах XX столетия. Данное понятие четко подразумевает подход к использованию окружающей среды и природных ресурсов, который позволяет настоящему поколению всех наций обеспечить достойный уровень жизни и, в то же время, сохранить и защитить

ключевые экологические системы планеты, которые важны для выживания человека и достойной жизни будущих поколений.

Взаимосвязь платежей и природоохранных мероприятий



Рисунок 1

Стимулирующие рычаги экономического механизма управления природопользованием должны нацеливать хозяйствующие субъекты к выполнению экологических обязательств, то есть реализации природоохранных мероприятий. В этом случае

предприятия будут заинтересованы в сохранении и улучшении экологического состояния региона. Тогда платежи получают целевой характер использования. При этом платежи должны соответствовать затратам на реализацию средозащитных направлений. Хозсубъекты получают возможность составлять программу природоохранных мероприятий в регионе, проследить расчет ставок платежей в сфере природопользования и, самое главное, им представляется возможность мониторинга за распределением аккумулированных средств на экологические цели. Другими словами, на региональном уровне должна действовать следующая схема, представленная на рисунке 1:

И последнее. При установлении норм и нормативов ресурсопользования показатели использования ресурсов правомерно рассчитывать на основе *оценочных норм*, то есть с учетом инноваций в сфере природопользования, а также с учетом природных и экологических факторов. Иначе говоря, это нормы научно-технического прогресса рационального использования и охраны природных ресурсов в региональных системах с учетом экологических аспектов.

Разработанные нормативы, на наш взгляд, на первом этапе должны представляться как ориентировочные, поскольку должны быть увязаны с возможностями природохозяйственных систем региона и учитывать социально-эколого-экономические условия региональной системы природопользования.

Ж.К.Белеков

Ошский государственный университет
ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ СЕЛЬСКОГО НАСЕЛЕНИЯ В
ПЕРЕХОДНОЙ ПЕРИОД

В настоящее время в Кыргызской Республике последовательно проводится реформа системы социальной защиты, адаптации ее к рыночной экономике с учетом международного опыта и мировых стандартов. Функции социальной защиты населения заключаются в оказании помощи человеку, находящемуся в трудном социальном положении, или в том, чтобы предупредить возможные трудности.

В Кыргызской Республике, которая находится в настоящее время в процессе глубоких изменений, необходимо соответственным образом приспособить как систему социального обеспечения в целом, так и ее принципы, дух и цели переходного периода. Дело в том, что в переходный период происходящие глубокие изменения охватывают все области общественной и экономической структуры. Поэтому систему социального обеспечения, ориентированную на прежние экономические и политические реальности, следует перестроить таким образом, чтобы она отвечала требованиям свободного общества с рыночной экономикой, поскольку правильно выбранные социальные меры существенно способствуют смягчению негативных явлений переходного периода, с тем, чтобы иметь возможность контролировать важнейшей фактор социальной напряженности.

Переход к рыночным отношениям, сопровождающийся падением объемов производства, обстроил проблему занятости социально уязвимых групп населения: женщин, имеющих детей, инвалидов, лиц предпенсионного возраста и граждан, освобожденных из мест лишения свободы.

В целях повышения эффективности социальной защиты самых уязвимых слоев населения осуществляется ряд административных и нормативных преобразований. Создана система социальной защиты малообеспеченных семей и граждан, формируется сеть адресной государственной поддержки наиболее бедной ее части. Ее основы заложен Указ Президента Кыргызской Республики от 28 декабря 1994 года «О мерах

по совершенствованию системы социальной помощи малообеспеченным семьям и гражданам». На базе этого документа с января 1996 года введено Положение «О едином ежемесячном пособии малообеспеченным семьям и гражданам».

Так, в Ошской области всего государственных ежемесячных пособий и социальных пенсий получают более 150 тысяч семей, или каждый пятый житель области. Принятие совместных мер районами, городскими государственными организациями и отделами социальной помощи на местах позволили приблизить эту работу не посредственно к населению, повысит оперативность и улучшить качество принимаемых документов для назначения единого ежемесячного пособия. Для этого во всех айыл окмоту выделены помещения для приема заявителей, в отдельные населенные пункты организованы выезды для приема документов на назначение пособия. В результате чего только за 6 месяцев свыше 100 тыс. семей имеют возможность получить пособие.

В связи со сложной социально-экономической ситуацией в Кыргызской Республике государственная пенсионная программа столкнулась со значительными трудностями. Непрерывающимся спад производства, сокращение ВВП и реальных доходов населения страны привели к значительным сокращениям поступления. Экономические проблемы усугубляется также влиянием социально-демографических факторов, таких как падение рождаемости и высокий миграционный отток. Почти на 60% сократилась численность занятых, особенно в государственном секторе экономики.

Растет нагрузка на занятых в связи с увеличением количества пенсионеров, безработных и другой нетрудоспособной части общества.

В стране, в которой существуют крупномасштабные и дорогостоящие государственные пенсионные программы, требуется реформа государственной системы пенсионного обеспечения. При этом ее основа должна состоят из двух подходов:

1. Первый шаг состоит в проведении реформы государственной системы пенсионного обеспечения путем повышения возраста выхода на пенсию, ликвидации повышенных выплат, за уход на пенсию в раннем возрасте, введений более единообразной структуры пособий, снижение налоговой ставки и расширения налоговой базы.

2. Второй шаг реформирования государственной пенсионной системы заключается в создании плана путем постепенного ограничение масштабов государственного плана наряду с перераспределением взносов в пользу второго обязательного накопительного плана или удержания государственных пенсий на относительно постоянном уровне и др.

Для этого потребуется разработать новую систему, определить размеры задолжности по социальному обеспечению, а также определить источники финансирования.

Старшее поколение, уже вышедшее на пенсию, могут получать поддержку лишь в рамках государственной пенсионной системы, на помощь которой они рассчитывали всю жизнь. У этой группы населения нет времени для накопления пенсионного капитала в частных формах.

Работающие в возрасте 35-55 лет, прежде всего, те, кто ранее права выхода на пенсию в более раннем возрасте, несут основное время расходов предлагаемой реформы: их возраст выхода на пенсию повышается, а государственные пенсии значительно уменьшаются. Однако эта группа получает частичную компенсацию в виде более высокой заработной платы из них налогов, а также накопленных средств в частных пенсионных фондах.

В заключение следует отметить, что когда мы говорим о возможностях использования опыта развитых стран применительно к нашей республике не следует пессимистически относиться к возможностям систем, используемых там, а следует, остерегаясь возложения слишком больших надежд на то, что такие системы будут нести на себе основную тяжесть социальной защиты.

Г.М.Дуйсен

**Институт экономики МОН РК
К ВОПРОСУ ПОНЯТИЯ «ТУРИСТСКО-РЕКРЕАЦИОННАЯ СИСТЕМА»**

Концепции туристско-рекреационного характера создавались и развивались в рамках рекреологии (туризмологии) – междисциплинарной науки о рекреационных системах, основанной на научных принципах экологии человека. Эти принципы впервые сформулированы научным коллективом советской школы рекреологии и рекреационной географии под руководством профессора В. С. Преображенского в Институте географии АН СССР. С 1976 г. основные исследования в области рекреологии сосредоточиваются во Всесоюзной научно-исследовательской лаборатории по туризму и экскурсиям (ВНИЛТЭ). В 1992 г. многолетние научные исследования в области рекреации были обобщены в теоретической монографии "Теория рекреологии и рекреационной географии" /1/.

Среди исследователей общепризнано определение рекреологии как науки о процессах и методах восстановления живых сил человека. В целом к основным элементам рекреологии относятся следующие:

1. Среди множества потребностей человека и общества выделяется группа (подмножество) разнородных потребностей, реализация которых связана со специфическими потребностями человека в восстановлении и развитии живых сил и определенными условиями их удовлетворения – со свободным временем и особыми свойствами пространства.

2. Наличие этих потребностей побуждает человека к рекреационной деятельности, отличной от повседневной трудовой (и бытовой), а общество – к созданию для нее специальных условий.

3. Вовлекая в сферу рекреационной деятельности природные объекты (природные явления, тела и комплексы) и культурные комплексы, создавая и используя технические системы, а также других людей, человек находит и формирует, а общество создает, поддерживает и развивает особые системы для удовлетворения потребностей - рекреационные.

4. Для описания рекреационной системы необходимо охарактеризовать: потребности, направления деятельности, вызвавшие к жизни формирование системы и определяющие ее функционирование и развитие, ее элементы, внутренние (между элементами) и внешние (с суперсистемой и одноранговыми системами) системообразующие связи, эффективность. Основной системообразующей связью выступает деятельность отдыхающих и организаторов отдыха.

5. Назначения систем (и их свойства) определяются функциями рекреационной деятельности.

6. По своему характеру рекреационные системы относятся к группе социо (демо)-экологических, пространственных, динамических систем /1/.

На наш взгляд, из поля зрения рекреологии в вышеуказанном варианте упущены вопросы, связанные с изучением процессов распределения доходов, потоков отдыхающих, их количественные и качественные показатели, региональные различия и экономический потенциал рекреационных зон (районов), необходимость создания и

развития полифункциональных рекреационных центров, прогнозирование и мониторинг элементов туристско-рекреационной системы, взаимодействие с другими компонентами, непосредственно связанными с рекреацией и туризмом. А.В. Живицкий предлагает в качестве одного из перспективных направлений выделить «экономику рекреационной сферы», рассматривающей систему социально-экономических и эколого-экономических аспектов рекреационного хозяйства и природопользования /2/. В этом ключе понимание об экономическом содержании рекреологии должно выйти на первый план, но это в свою очередь не противоречит ее характеристике как междисциплинарной науки.

В условиях глобализации экономики, общества в целом рекреология должна рассматриваться как наука о динамичных, неоднородных системах, зигзгающих на дифференцированных потребностях человечества в отдыхе, туризме, путешествии и взаимодействующих с окружающей средой во всем ее многообразии. С экономической точки зрения важна роль рекреации как новой формы потребительского спроса товаров и услуг, приводящей к формированию целой сферы хозяйственной деятельности, расширяющей ассортимент выпускаемой продукции традиционных отраслей промышленности и сельского хозяйства /3/.

Понятие «туристско-рекреационная система» в литературе встречается довольно широко, что обусловлено нарастающим интересом к путешествиям, отдыху, ростом благосостояния населения в разных уголках мира и соответственно становлением научно-исследовательского потенциала специалистов, экспертов, занимающихся разработкой указанных проблем. Вместе с этим, обзор нескольких определений, позволил сделать вывод об одностороннем подходе к трактовке названного термина в одном направлении – рекреационном, т.е. без учета туристской составляющей. Так, Е.К. Трушин определяет «рекреационную систему» как совокупность взаимосвязанных элементов, выполняющих операции по реализации заданного рекреационного процесса /4/. Н.С. Мироненко, Э.М. Эльдаров представляют рекреационную систему через призму технологической модели с различными подсистемами и блоками, состоящими из «групп отдыхающих», «природно-культурными комплексами», «техническим блоком» и «обслуживающим персоналом» /5/. Следовательно, характеристика любой системы основывается на взаимосвязях и взаимозависимостях, проявляющихся в туризме и рекреации в виде соединений «отдыхающие-обслуживающие-реализующие-организующие» и «потенциал-инфраструктура-регион-страна». Рассмотрение в указанной связке позволяет сконцентрировать внимание исследователей на проблеме взаимодействия туризма и рекреации как базовых понятий рекреологии. Тем самым с позиций системного подхода можно будет выделять критерии оценки, и выявлять показатели развития данной сферы. Интерпретация туристско-рекреационной системы в различных вариантах дает возможность глубже изучить ее сущность и принципы, что необходимо для точного и емкого ее определения. Разграничивать понятия туризм и рекреация в вышеуказанном понимании не представляется обоснованным, так как второе включает первое и представляет собой целостность, единый комплекс, генерирующий основные идеи рекреологии.

Вместе с этим, на наш взгляд, «туристско-рекреационная система» *представляет собой взаимосвязанную, взаимодействующую, динамичную структуру элементов (подсистем), призванную максимально обеспечить возможности по организации, планированию отдыха, оздоровления, релаксации и туристско-экскурсионного обслуживания населения страны, нерезидентов на макро- и микро уровнях.* Не претендуя на полное и емкое определение, приведенное нами, считаем, что с глобальным ростом туристско-рекреационного обслуживания и выдвиганием на

первые позиции туризма, теоретические и методологические основы системных знаний в рекреологии будут трансформироваться и совершенствоваться в сторону абсорбции новых достижений человечества в дифференцированных направлениях.

Список литературы

1. Зорин И.В. Рекреационная сущность экологического туризма // Теория и практика физической культуры. Научно-теоретический журнал, 2002, № 11.
2. Живицкий А.В. Системно-параметрическое обоснование выделения экономики рекреационной сферы как отдельной отрасли знания // Системный анализ научного знания. Тез. обл. конф. 24-26 ноября 1986 г. ОдГУ им. И.И. Мечникова, Одесса, 1986. С. 80-81.
3. Ердаuletов С.Р. География туризма: история, теория, методы, практика. – Алматы, 2000. – 336 с.
4. Трушиньш Е.К. Рекреация и градостроительство: опыт системного моделирования. Рига, Зинатне, 1991. – 200 с.
5. Мироненко Н.С., Эльдаров Э.М. Гуманитарные аспекты исследования рекреационных систем // Вестн. Моск. ун-та. Серия 5, география. 1998, № 1. С.22-27.

Д.А. Айтжанова

Институт экономики МОН РК СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РЕГИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРИРОДОПОЛЬЗОВАНИЯ

Современное кризисное состояние окружающей среды (ОС) регионов Казахстана обуславливает необходимость разработки региональной стратегии рационального использования природных ресурсов и охраны окружающей среды. Для кардинального изменения сложившейся ситуации необходим постоянный мониторинг за состоянием природно-ресурсного потенциала территорий (то есть, контроль за состоянием использования природных ресурсов и состоянием ОС). Это важный фактор, обязательный для всех хозяйствующих субъектов независимо от форм собственности и производственной деятельности. Кроме того, это позволит сформировать действенную систему охраны, комплексно оценивающую производственно-хозяйственную деятельность с учетом международных природоохранных требований.

В целом вышеуказанная региональная стратегия представляет совокупность охраны природных и социально-экономических факторов с учетом международных, государственных и местных административно-хозяйственных, технологических, экологических, социальных и др. требований по сохранению и обеспечению комфортных условий жизнеобеспечения населения регионов. По большому счету это не что иное, как экологическое управление развитием регионов.

Темпы развития современной экономики Казахстана связаны, прежде всего, с ростом вовлечения в производство ресурсов недр. Исходя из этого проблемы охраны ОС характеризуются многоаспектностью (рисунок 1).

Для современных эколого-экономических условий регионов Казахстана, характерны ростом загрязнений ОС, огромные объемы накопленных (исторических) отходов минерально-сырьевого сектора, практически повсеместное снижение качества жизни населения и т.д. На средне- и долгосрочную перспективу экономика республики сохраняет ресурсо-сырьевую ориентацию развития.

Аспекты проблемы охраны ОС




Рисунок 1

В этих условиях решение экологических проблем природопользования, на наш взгляд, состоит в создании для субъектов-природопользователей экономических условий, в соответствии с которыми выполнение ими экологических обязательств и соблюдение нормативов ресурсопользования представлялось бы единственно приемлемым и выгодным. Обеспечение данных условий возможно через разработку действенного экономического механизма управления природопользованием. При этом в настоящее время основными инструментами такого механизма представляются платежи за пользование природными ресурсами и за загрязнение ОС.

Согласно основным стратегическим направлениям Концепции экологической безопасности Казахстана обусловлены: необходимость экологизации общественного производства с учетом требований и принципов устойчивого развития, создание проектов высоких и чистых технологий, утилизация и использование накопленных отходов и др.

Реализация в практических условиях основных принципов экологической политики страны предусматривает:

- * разработку региональной системы управления природопользованием;
- * оценку состояния ОС регионов;
- * проведение экологического районирования территории страны;
- * разработку программы предотвращения загрязнений в регионах и т.д.

Эффективность механизма управления природопользованием зависит, прежде всего, от разграничения функций и задач государственного и регионального управления процессами природопользования. Здесь, на наш взгляд, правомерно разделить собственно процессы управления и регулирования природопользования согласно иерархической соподчиненности государственных и региональных органов власти. С позиций государства, в государственном масштабе - правомерно говорить об общем механизме управления природопользованием; когда же речь идет о решении региональных проблем природопользования, здесь более приемлемо вести речь об организации системы регулирования природопользования.

Региональная система регулирования природопользования (РСРП) должна быть гибкой, мобильной, способной своевременно реагировать на экологические изменения биосреды региона. Основная цель РСРП заключается в достижении безущербности использования природно-ресурсного потенциала региона, соблюдения нормативов

природопользования, а также сохранения нормативного качества ОС территории и недопущения снижения качества жизни в регионе.

А.Х.Отабоев

**Қуқон Педагогика институти
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ЕРЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ
ҲОЛАТИ ВА ЎЗГАРИШИ**

Фарғона вилоятида жами 358,7 минг гектар суғориб деҳқончилик қилинадиган майдон мавжуд бўлиб, шундан 178,5 минг гектар майдон турли даражада шўрланган. Шундан: кучли шўрланган - 15689 гектар; ўртача шўрланган - 29800 гектар; кучсиз шўрланган - 133076 гектарни ташкил этади.

Вилоят бўйича мавжуд суғориладиган майдонларни сизот сувлар сатҳи жойлашуви бўйича олиб кўрилганда 0-1,0 метргача бўлган майдон 2995 гектарни, 1,0-1,5 метргача 37535 гектарни, 1,5-2,0 метргача 149778 гектарни, 2,0-3,0 метргача 65787 гектарни ва 3,0 метрдан юқори бўлган майдон 102619 гектарни ташкил этади.

Вилоятда охириги ўн йил мобайнида ер ости сувлари яқин (1,5 метргача) жойлашган майдонларни ўсиш ёки камайиши олиб кўрилганда 17,4 минг гектарга ошганлиги, шунингдек кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 11,3 минг гектарга камайганлиги кўрсатилмоқда.

Маълумотларга кўра жами шўрланган майдонлар камайиб бораётганига қарамай, кучли шўрланган майдонлар ортиб бормоқда.

Бунга асосий сабаблар: ички хўжалик зах қочириш тармоқларини бир неча йиллардан буён хўжаликларда маблағ йўқлиги учун тозаланмай қолаётганлиги, ерларни сифатсиз ҳайдалаётганлиги ва текисланиши, сифатсиз пол олиними, полларда нормалдаги сувни қамай олмаслиги, сувни полдан-полга ўтказиб шўр ювилиши, ҳар йили ўртача 45,0 минг гектар шўрланган пахта майдонларига бошоқли дон экилиши, 16,0 минг гектар майдонга 2-3 марта қайтадан бошоқли дон экилиши ва б. Мелиоратив кадастр ҳисоботига кўра 3 йил давомида мелиоратив кадастр бўйича қониқарсиз майдонлар 6,3 минг гектарга камайган ва 2004 йилда бу кўрсаткич 61,8 минг гектарни ташкил этади.

Асосий мелиоратив тадбир ҳисобланувчи зах қочириш тармоқларини механик тозалаш ишлари суринкали маблағ етишмовчилиги ва ер қозиш механизмлар паркини эскирганлиги сабабли талаб даражасида бажарилмаган. Яъни мавжуд 245 дона - эскваторларни 117 донаси ҳозирги кунда яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Хўжалик ички зах қочириш тармоқларини тозалаш 1997 йилда талабга нисбатан 75% арофида тозаланган 2003 йилда 61%, 2004 йилга келиб 40% тозаланган.

Агарда зовур тармоқларини ҳар уч йилда бир маротаба тўлиқ тозаланиши зарурлигини олиб кўрганимизда, охириги 3 йилда умумий узунлиги 9828 км ички хўжалик зовурларининг 4187 км қисми ёки 43 фоизи хўжаликларни иқтисодий ночорлиги сабабли тозаланмай қолди. Ёпиқ-ётиқ зовурларни ҳолати ҳам деярли яхши даражада эмас. Вилоят бўйича мавжуд 1134,7 км ёпиқ-ётиқ зовур тармоқларидан 360 км қисмини ювиш талаб қилинади.

Хўжаликлараро зовур тармоқларини тозалаш эса 1997 йилда талабга нисбатан 75 фоиз, 1998 йилда 76 фоиз, 1999 йилда 82 фоиз, 2000 йилда 85 фоиз, 2001 йилда 69 фоиз, 2002 йилда 69 фоиз, 2003 йилда 81 фоизга бажарилган ҳолос. 2006 йилда эса 100 фоиз тозаланиши кутилмоқда.

Охириги 3-йилда умумий узунлиги 4024 км хўжаликлараро зовурини 884 км қисми ёки 22 фоизи республикадан ажратилаётган маблағларни етарли даражада

ажратилмаётганлиги сабабли тозаланмай қолди. Ҳар йили ўртача 1300 км узунликда хўжаликлараро зовур тармоқларини тозалаш керак ва бунинг учун 975,0 млн.сўм маблағ талаб этилади.

Айни қўшни Қирғизистон республикасининг Бурганди массивида жойлашган ерларни ўзлаштирилиши, ерларга кўп сув талаб этиладиган экинларни экилиши, Риштон, Олтиариқ, Боғдод ва Фарғона туманлари ерларини мелиоратив ҳолатига салбий-таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги кунларда бу туманлардаги 20,0 минг гектар ер майдонларининг мелиоратив ҳолати ўта оғир аҳволга келиб қолган.

Н.Комилова

Ўзбекистон Миллий университети
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АҲОЛИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ
МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сўнгги йилларда республикаимиз минтақаларида экологик вазиятнинг ёмонлашуви, аҳоли социал таъминотидаги ўзгаришлар ва шу каби қатор сабаблар оқибатида аҳоли орасида айрим касалликларнинг ортиб бориши кузатилмоқда. Бундай хасталиклар орасида, айниқса юрак қон-томир, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, шунингдек, хавфли ўсма касалликлари ортиб бормоқда. Ушбу касалликлар мамлакатимизнинг турли вилоятларида ўзига хос салмоғи билан ажралиб туради. Айниқса йирик саноат ва аҳоли ўта тифиз жойлашган шаҳарларда бу ҳол янада сезиларли.

Турли хил касалликлар географиясини ёки нозогеографик вазиятни таққослаб кўрар эканмиз, Ўрта Осиё давлатлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ўзига хос хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туришининг гувоҳи бўламиз. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Мустақил Шамдустлик Давлатлар орасида Ўзбекистон нафас олиш йуллари касалликларининг нисбатан кўплиги билан тавсифланади. Ушбу касаллик гуруҳи сабабли вафот этганлар ҳар 100 000 кишига мамлакатимизда 2003 йилда 49,1 ни ташкил қилган ҳолда бу рақам, масалан, Болтиқ бўйи давлатларида анча паст кўрсаткичларга эга (Латвияда юқоридагиларга мос равишда, 30,4, Литвада-39,5). Шунингдек мазкур кўрсаткич Грузияда ҳам сезиларли даражада кам.

Демак, Денгизбўйи ёки денгиз иқлимига яқин бўлган минтақаларда бундай касалликлар нисбатан камроқ, қуруқ иқлимга жойларда эса улар анча кўпчиликни ташкил қилар экан. Айни пайтда республикаимизда, бошқа собиқ иттифоқдош мамлакатларга қараганда, қон айланиш тизими ҳамда янги ўсма хасталикларидан нобуд бўлганлар сони анча камроқ. Айни вақтда бахтсиз ҳодисалар ногиронлик ва ўз жонига қасд қилиш оқибатида вафот этганлар ҳам мамлакатимизда нисбатан оз.

Бироқ, Ўзбекистонда ўз салмоғи жиҳатидан энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган ва аҳоли орасида ўлимга сабаб бўлувчи касалликлар қон айланиш аъзолари касалликлари ҳисобланади. Бугунги кунда нафақат республикаимизда, қолаверса, бутун жаҳон мамлакатларида ушбу гуруҳ касалликлари энг кўп учрайди. Биргина 1992 йилда республикаимизда мазкур омил умумий ўлимнинг 43,3 фоизини, 1995 йилда 45,3 фоизни ташкил қилган, 2002 йилга келиб бу кўрсаткич 54,8 фоизга етди.

Мазкур турдаги хасталиклар вилоятлар бўйича таҳлил қилинганда шу нарса кўзга ташландики, Андижон вилояти, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, Хоразм, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида бу кўрсаткич мамлакат ўртача даражасидан анча юқоридир. Сирдарё, Навоий ва Фарғона вилоятларида нозогеографик вазият республика даражасига яқин. Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах каби вилоятларда эса кўрилатган гуруҳ касалликлари, юқоридаги бошқа вилоятларга қараганда, пастроқ.

Маълумотларга таяниб шуни қайд этиш лозимки, ушбу турдаги хасталиклар кўпроқ аҳоли зич, саноати жиҳатдан алоҳида ажралиб турувчи вилоят ва шаҳарларда юқори. Асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган вилоятларда эса у бироз камрок учрайди. Чунончи, жаҳон мамлакатларида олиб борилган тиббий назорат хулосаларига кўра, бу касалликлар, айниқса, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлат, шунингдек, йирик саноат марказларида кўпроқ тарқалган.

Агар Ўзбекистондаги умумий ўлимни аҳолининг жинсий таркиби бўйича таққосласак, қон айланиш аъзолари хасталикларининг кўпроқ аёллар орасида тарқалганлигини гувоҳи бўламиз.

Мамлакатимизда ўз салмоғи жиҳатдан кейинги ўринни эгалловчи нафас олиш аъзолари хасталиклари 1992 (17,7 фоиз) ва 1995 (17,1) йилларга нисбатан анча камайган (10,1). Бундай касалликлар республикаимизда айниқса Сурхондарё, Наманган, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида юқори кўрсаткичларга эга. Қолган вилоятларда эса умумий кўрсаткич республика ҳолатига анча яқин.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, нафас олиш аъзолари хасталиклари жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида кўп тарқалган. Жумладан, Россияда 1990-1995 йиллар мобойнида нафас олиш аъзолари хасталиклари олдинги ўринни эгаллаган эди. 2002 йилда ушбу касаллик гуруҳи қўшни Қирғизистонда ҳам етакчи ўрин тутмоқда.

Кейинги йилларда республикаимизда аҳоли орасида кўп учрайдиган хасталиклар қаторига хавфли ўсма хасталикларини киритиш мумкин. Бундай касалликлар гуруҳи, 2002 йил маълумотларига кўра, аҳоли ўртасидаги ўлимнинг 6,9 фоизини ташкил қилди. Бу гуруҳ таркибига кирувчи хасталиклар, хусусан, сунгги йилларда ер шарининг энг хавфли касалликлари сифатида ханузгача тиббиёт соҳасида янги-янги изланишлар кутаётган касалликлар қаторига киради. Охирги 10-15 йиллар мобойнида бундай хасталиклар миқдори республикада сезиларли тарзда камайган.

Ҳозирги кунда хавфли ўсма касалликлари энг кўп учрайдиган худудлар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, Андижон ва Бухоро вилоятлари ҳисобланади. Агар мазкур хасталиклар билан касалланганлар сонини йиллар бўйича таққосласак, 1985 йилда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган бўлса, 2004 йилга келиб бу ҳол бироз ўзгарди.

Бу борада мазкур минтақалар ҳамон юқори кўрсаткичлар билан ажралиб туради, ундан кейинги ўринларни Андижон, Бухоро, Навоий каби вилоятлар эгалламоқда. Уларнинг ҳар қайсида кўрилаётган касаллик гуруҳи билан оғриганлар сони республика кўрсаткичидан ҳам юқори. Бироқ Жиззах, Хоразм ва Сурхондарё каби вилоятларда аҳвол бирмунча ижобий томонга силжиган.

Шу ўринда айтиш зарурки, охирги йилларда мамлакатимизда ушбу гуруҳ касалликлари орасида жигар, ошқозон, тери, йўғон ичак ва ўпка раки билан касалланганлар миқдори бирмунча камайган. Айни вақтда бачадон ва қон ҳосил қилувчи аъзолар билан боғлиқ ўсма хасталиклари сезиларли даражада ортиб борган.

Шундай қилиб, таҳлиллардан кўриниб турибдики, республикаимизнинг турли минтақаларида касалланиш ва аҳолининг табиий ҳаракати (ўлим) ёки ногиронлик ҳолати ўзига хос нозогеографик хусусиятлари билан ўзаро фарқланади. Бундай худудий тафовутларни инобатга олиш республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, турли вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини яратиш ва давлатимизнинг минтақавий сиёсатини амалга оширишда катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

А.Хатамов, М.Мамажонов, К.Захирова
Андижон Давлат университети,
Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти
АЁЛЛАР МЕХНАТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ

Утиш даврига хос булган мураккаб шароитларда аҳоли бандлиги, айниқса аёлларни иш билан таъминлаш асосий муаммолардан бири булиб қолади. Бу муаммони бартараф этиш иқтисодиётни самарали ривожлантириш ва жамиятдаги ижтимоий ҳолатни барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу масала моҳиятини Республикамиз президенти қуплаб чиқишлари ва суҳбатларида қайта-қайта таъкидлаши бежиз эмас, албатта. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ - 1992 йил март ойида И.А.Каримовнинг "Давлат ва жамият қурилишида хотин - кизларнинг маънавий ошириш" тугрисидаги фармони эълон қилинган эди. 1996 йил апрелида амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси оилавий вазифаларини бажариш билан банд булган хотин- кизлар учун махсус белгиланган қушимча қафолатлар ва имтиёзларни қўзда тутди. Бу ҳужжатларда аёлларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг муҳим чора тадбирларидан бири, уларни иш уринлари билан энг қўп даражада таъминлашдан иборатлигига алоҳида эътибор берилган.

Аёллар меҳнатидан фойдаланиш масаласи умумдавлат миқёсида ҳам, айрим минтақалар учун ҳам бирдек аҳамият касб этади.

2003 йил маълумотлари буйича Ўзбекистон аҳолисининг 13350 мингтаси ёки 50,2 фойизи аёллардан иборат булган бўлса, Андижон вилоятида бу курсаткич мос равишда 1142,0 мингтага ва 50,2 фойизга тенг. 01.01.2003 йил ҳолати буйича Андижон вилоятида аҳолининг уртача зичлиги 1 км. кв. га 531 киши тугри қелишини, аҳолининг 70,0 фойизи қишлоқларда яшашини ҳисобга олсак, аёллар меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, ундан унумли фойдаланиш ҳолати долзарб муаммо эканлиги тушунарли бўлади.

Жамиятнинг қанчалик ривожланганлиги, маданиятлилиги даражаси уни аёлга булган муносабатидан яққол қўринади. Шу боис аёлларимизни оғир қўл меҳнати билан ишловчи соҳалардан қўпроқ халқ ҳужалигининг озик-овқат, савдо, ноишлаб чиқариш соҳаларига (маиший хизмат қўрсатиш, маориф, солиқни саклаш, маданият ва бошқаларга) утқизиш, уларни ҳам маънавий, ҳам жисмоний ривожлантириши учун имкон қўратиш зарур. "Соғлом авлод дастури" аёлларимиз олдида масъулиятли вазифаларни қўймоқда - қи, аввало аёл соғлом фарзандларни дунёга қелтириши, вояга етқизиши ва тарбиялаши зарур. Аёллар шу вазифани яқши бажариш билан жамиятга қўпроқ соғлом, билимдон, маънавий етук аъзо, ишчи қўчи етқазиб беради. Қишлоқларимизда яшаётган аёлларимиз асосан қўп болали эканлигини ҳисобга олсак, аёллар меҳнатидан улар яшаётган жойларнинг узидан фойдаланиш яқши самара бериши уз-узидан тушунарли булиб қолади.

Қишлоқ жойларида маданий-маиший хизмат муассасаларини, соғлиқни саклаш, қўтубхона, савдо ва мактабгача тарбия муассасаларини барпо этишга алоҳида эътибор бериш қўрак. Бу соҳаларда ишлаш учун аёлларни жалб этиш зарур ва унга аҳамият бераётган қўрхона раҳбарларини рағбатлантириб туриш ҳам лозим деб ҳисоблаймиз. Аёллар уртасида яққа тартибда хизмат қўрсатиш соҳаларини, оилавий богчаларни вужудга қелтириш, бизнинг фикримизча, яқши самара беради.

Бугунги қўнда хизмат қўрсатиш тармоқлари асосан шаҳарлар ва туман марказларида қўпроқ жойлашган бўлса, энди уни қишлоқларда ҳам ташқил этиш зарурати ортимоқда. Аҳолини, айниқса аёлларни иш билан таъминлаш муаммосини халқ этиш, қишлоқда енгил, озик -овқат саноатларини ва хизмат қўрсатиш соҳаларини

ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ. Бугун саноатни, хизмат курсатиш соҳаларини кишлоққа олиб келиш, кишлоқ хужалиқ маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноат корхоналарини кишлоқ заминига жойлаштиришни маҳаллий ҳокимиятлар, тадбиркор ишбилармонлар, турли мулк эгалари олдига асосий вазифа этиб қуйилаётганлиги ҳам тасодифий эмас. Аёлларни иш билан бандлигини яхшилаш тадбирлари уларни иштимой муҳофаза қилиш тадбирлари билан узвий боғлиқ жараён бўлиб, бу аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошишига, оила бюджетини яхшилашга ҳам ёрдам берган буларди.

Р.Б.Қодиров, Ш.С.Жўраев

**Андижон Давлат университети, Ўзбекистон Миллий университети
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ТАРКИБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Андижон вилояти республика саноатида ўзига хос ўрин тутди. Вилоят саноати табиий, иқтисодий-ижтимоий омиллар таъсирида саноатнинг бир қатор тармоқларига ихтисослашган.

Мустақиллик йилларида Андижон вилояти республикада саноати жадаллик билан ривожланаётган ҳудудлардан бирига айланди. Андижон вилояти саноат корхоналари республикада ишлаб чиқарилаётган электродвигателларнинг барчасини, автомобилларнинг 99 %, этил спиртининг 25 %, кабель маҳсулотларининг 7 % ини етказиб бермоқда.

Вилоят саноат тармоқлари республика саноатида кишлоқ хўжалиги машинасозлиги, автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, улар ичида машинасозлик, айниқса автомобилсозлик саноати ривожланганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Андижон вилояти саноати тармоқлари, асосан вилоятнинг кишлоқ хўжалигига ихтисослашиши билан боғланган. Вилоятда бу тармоққа мансуб бўлган корхоналар асосан кишлоқ хўжалигида суғориш ишларини амалга ошириш ва пахта тозалаш заводлари учун зарур бўладиган машиналар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шу ўринда Андижон ирригация машинасозлиги маркази эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. «Андижонирмаш», машинасозлик ва тажриба-механика заводлари мазкур тармоқнинг энг йирик корхоналари ҳисобланади.

Вилоятнинг йирик корхоналаридан бири «Андижонирмаш»-ирригация машинасозлиги заводи бўлиб, у 1942 йил ташкил этилган. Заводда суғориладиган минтақалар учун деҳқончиликда ишлатиладиган турли хил тракторлар ва машиналарнинг эҳтиёт қисмлари, ирригация учун хилма-хил техникалар ишлаб чиқарилади.

Андижон машинасозлик заводи 1941 йил Воронеждан кўчириб келинган машинасозлик заводи негизида барпо этилган. Заводда дизел ва насослар, гидроаппаратлар, пахта юклагичлар ва бошқа кишлоқ хўжалиги эҳтиёт қисмлари тайёрланади.

Маълумки, республикада ишлаб чиқарилаётган барча электродвигателлар Андижон вилояти электротехника корхоналарида ишлаб чиқарилади. Табиийки, асосий «юк» мана шу корхоналар зиммасига тушади. Лекин «Электродвигатель» заводида электродвигателлар ишлаб чиқариш кескин камайди. Ушбу заводда 1992 йил 120,4 минг дона электродвигателлар тайёрланган бўлса, 2001 йил 2,8 минг донага тушиб қолди.

Андижон вилоятида 2004 йил 733,3 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, ўтган 2003 йилга нисбатан 135,7 % ўсишга эришилди. Халқ истеъмоли

моллари ишлаб чиқариш эса 2003 йилга нисбатан 2004 йилда 145,3 % га ўсди ва амалда 487,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Вилоятда саноатни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилаётганлиги туфайли машинасозлик саноатининг умумий саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги салмоғи ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Агар 2003 йили саноат тармоқларида ишлаб чиқарилган умумий маҳсулотда унинг салмоғи 57,7 % га тенг бўлса, 2004 йил бу кўрсаткич 63,3 % га етди ёки ўтган 2003 йилга нисбатан 5,6 % ўсишга эришилди. Шунингдек, умумий саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларда енгил саноат 19,9 %, озиқ-овқат саноати 2,6 %, кимё ва нефт-кимё тармоғи 3,5 % улушга эга бўлган.

Вилоятда 2004 йил 2003 йилга нисбатан асосий саноат тармоқлари, жумладан автомобилсозлик(162,4 %), машинасозлик(108,1 %), ёқилғи-энергетика(107,8 %), курилиш индустрияси(103,1 %), енгил(114,7 %) ва озиқ-овқат саноати(117,7 %) ҳисобига иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига эришилди.

Вилоят саноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий таркибида Асака ва Андижон шаҳарлари алоҳида ўрин тутди. Биргина Асака шаҳрида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 400,4 млрд. сўмга тенг бўлди(2004 йил). Бу кўрсаткич ўтган 2003 йилга нисбатан 1,6 мартага кўп демакдир. Шунингдек вилоят маркази Андижон шаҳрида 2004 йил 145,4 млрд. сўмга тенг маҳсулот ёки 2003 йилга нисбатан 1,3 бараварга кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Хонобод шаҳрида ҳам саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2004 йил 2003 йилга нисбатан 1,9 бараварга ўсди.

Асакада жойлашган прицеп заводи ўрнида ташкил этилган «Ўз ДЭУ авто» кўшма корхонаси Ўзбекистон автомобиль саноатининг марказига айланди. Автокорхонада 1996 йилдан автомобиллар ишлаб чиқарилиб, уларнинг сони 500 мингдан ортиб кетди. 1996 йил заводда 25 минг дона, 1997 йил 65 мингга яқин автомобиллар тайёрланган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йил 70,1 минггага етказилди ёки 1996 йилга нисбатан 135,7 % ўсишга эришилди. Ишлаб чиқарилган автомобилларнинг асосий қисмини «Нексия»(39,1 минг дона ёки 55,8 %), шунингдек «Матиз»(19,8 минг дона ёки 28,2 %) ташкил этади. 2004 йилда янги русумдаги «Лассети» автомобилдан 507 дона ишлаб чиқарилди. Умуман олганда кейинги йилларда «Ўз ДЭУ авто» корхонаси маҳсулотлари ортиб бориши кутилади. Жумладан, 2005 йил завод маъмурияти автомобиллар ишлаб чиқаришни 120 минггага етказишни режалаштирган.

«Ўз ДЭУ авто» кўшма корхонаси меҳнат ресурсларига бой бўлган Андижон вилояти учун катта аҳамият касб этади. Негаки, мазкур завод негизида қатор маҳаллий турдош корхоналар ташкил этишга муваффақ бўлинди. «Ўзавтосаноат» таркибига кирувчи кўшма корхоналар сони ортиб бормоқда. Бу корхоналарда автомобиль ўриндиклари («Ўз Тонг Хонг Ко»), глушителлар («Ўз Донг Вонг Ко»), бамперлар («Ўз Карам Ко»), автомобилларнинг ички салон безаклари («Ўз Донг Янг Ко»), ёқилғи баклари («Ўз СЭМ Юнг Ко»), автомобиль лак-бўёқлари («Ўз Донг Пиент Ко»), подшипниклар, электр симлари ишлаб чиқариш йўлга кўйилди.

Туманлар миқёсида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2004 йилда 2003 йилга нисбатан Жалақудуқ(130,8 %), Андижон(113,1 %) ва Избоскан(107,9 %) туманларига энг юқори, Улуғнор, Хўжабод, Олтинкўл туманларига энг паст кўрсаткичлар тўғри келади. Шунинг учун саноати нисбатан суист ривожланган ва меҳнат ресурслари зич жойлашган туманларда индустриал тармоқларни жойлаштиришга ҳам катта эътибор бериш лозим.

А.Қаюмов, Ҳ.М. Назарова

Ўзбекистон Миллий университети

СОЦИАЛ ГЕОГРАФИЯ ТИЗИМИДА ЖИНОЯТЧИЛИК ГЕОГРАФИЯСИ

Ўзбекистонда ҳуқуқий фуқаровий давлат қурилаётган бир даврда жиноятчилик географиясини ижтимоий географик жиҳатдан атрофлича ўрганиш, мамлакатимизни сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда катта илмий-амалий аҳамият касб этади.

Маълумки, социал-иқтисодий география туркумига кирувчи фанлар асосан социал аҳамиятга эга ва уларнинг барчаси аҳоли билан боғлиқ. Социал масалаларда кишиларнинг турмуш тарзи, иқтисодий-маънавий ҳамда сиёсий, ҳуқуқий етуклиги ва бу соҳадаги муаммолар мужассамлашади. Ушбу муаммолар бир гуруҳ фанлар олдига уларни тадқиқ этишни ва бартараф қилишнинг илмий асосларини яратиш масаласини кўйди.

Шу боис ҳозирги кунда социал география фани тез ривожланаётган фанлар қаторига киради. Бу эса мазкур фан олдига жамият томонидан қўйилаётган социал буюртмалар билан боғлиқдир.

Жамият тараққиёти, инсониятнинг ҳаёти ва фаолияти билан шуғулланадиган нотабиий географик фанлар социал география номи билан юритилади¹. Социал география кишиларнинг яшаш шароити ва турмуш тарзининг ҳудудий томонларини, инсон табиатининг ҳудудий ранг-баранглигини ўрганади.

Кўп йиллар мобайнида иқтисодий географиянинг мазмуни ва ички тузилмасига биринчи даражали масала сифатида эътибор бериб келинди. Социал география масалалари эса иккинчи даражали вазифалар сифатида қаралиб, унга катта аҳамият берилмади. Ваҳоланки, социал география масалалари ҳам жуда муҳим ва улар чуқур тадқиқотларни талаб этади.

Социал географиянинг ноанъанавий йўналишларидан бири бўлмиш жиноятчилик географиясини тадқиқ этиш социал географиянинг мазмунини янада замонавийлаштиради ва унинг амалий-лигини оширади. Социал география ўзининг ички тузилишига, таркиби ва унга «кўшни» бўлган фанлар билан алоқа қилиш имкониятига эга. Демак, социал география тизимида жиноятчилик географиясининг ҳам интеграцион салоҳияти анча катта.

Жиноятнинг турли ҳудудларда содир этилиши, унга таъсир этувчи географик шарт-шароитлар ва омиллар жиноятчилик географиясига тааллуқлидир. Жиноятчиликнинг ҳудудий хусусиятлари ўз мазмуни ва моҳиятига кўра турли тумандир.

Жиноятчилик географиясининг объекти сифатида унинг ҳудудий мажмуаси хизмат қилади. Предмети эса жиноятчиликнинг ҳудудий таркибига таъсир этувчи омил ҳамда шароитларнинг шаклланиш ва ривожланишидаги қонуниятлар ҳисобланади.

Жиноятчилик - ижтимоий муҳитнинг киши фаолиятига таъсирини англатади. Ижтимоий муҳит шахснинг онги ва хулқи шаклланишига катта таъсир кўрсатадиган ва уни ўраб турадиган ижтимоий шароитлар йиғиндисидир. Жиноятчилик жиноятларнинг оддий йиғиндисидангина иборат бўлмай, балки алоҳида жиноятлар учун муҳим бўлган қонуниятларни ўзида мужассамлаштиради. Шу жиҳатдан жиноятчилик мураккаб, кўп қиррали социал ходиса бўлиб, у иқтисодий, ижтимоий, социал, рухий ходисалар ва ташкилий- бошқарув фаолиятидаги камчиликлар туфайли вужудга келади.

¹ Мазкур мақолада тор маънодаги социал география тўғрисида фикр юритилади. Бинобарин, у кенг маънодаги ижтимоий географияни англатмайди.

Жиноятчиликни ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди ва криминология деган номни олди. Криминология сўзи лотинча «Crimen», ўзбекча «жиноят» ва грекча «logos», ўзбекча «таълимот» (ўқиш, ўрганиш) сўзларининг бирикишидан ҳосил бўлган. Криминология сўзини ўзбек тилига айнан таржима қилганда «Жиноятчилик ҳақидаги таълимот» деган маъно келиб чиқади. Бунда жиноят тушунчаси аниқ бир жиноятни эмас, балки жиноятчиликни назарда тутади.

Айрим вақтларда криминология фанини жиноят социологияси, жиноят биологияси деб ҳам атаганлар. Биз эса унинг ҳудудий жиҳатларини жиноят географияси деб атамоқчимиз. Бундай деб ишлатиш кўпроқ фаннинг қайси тармоқ мутахассиси томонидан ўрганилганлигига боғлиқ бўлади. Масалан, жиноят географияси деб аталиши фаннинг социал географик жиҳатдан ўрганилишига боғлиқ. Умуман, жиноят географияси ўз мазмунига кўра социал географик ҳодисаларни ўрганади. Демак, жиноятчилик географияси социал воқелик бўлиб, унинг моҳияти ва мазмунини геокриминоген ҳолатнинг вужудга келиши, унинг ривожланишига таъсир этувчи ҳудудий қонуниятлар ташкил этади.

Жиноят географияси жиноятчиликнинг ҳудудий хусусиятларини ўрганиш билан бирга, айти пайтда ҳудудларда йилнинг турли мавсум ва вақтларида содир этилишини, жиноят содир этган шахсларнинг социал-демографик таркибини ҳамда алоҳида турдаги жиноятларнинг шароит ва сабабларини ҳам ўрганади. Жойларда жиноятчиликнинг шароит ва сабаблари ижтимоий иқтисодий фаолиятдаги камчиликлар туфайли вужудга келадиган салбий социал ҳодисалар йиғиндисидан иборат.

Жиноятчилик географияси социал географиянинг муҳим бир қисми сифатида турли мамлакат ёки минтақаларда содир этилаётган жиноятларга таъсир этувчи шарт-шароит ва омилларни, ҳамда геокриминоген вазиятни ўрганади. Ҳудудий омиллар жойнинг географик ўрни, ижтимоий-иқтисодий тизими ва ихтисослашуви, миллий, социал, демографик ва экологик ҳолатлардан келиб чиқади. Жиноятчилик географиясини тадқиқ этишда энг аввало ҳудудийлик тамойилини кўллаш, бошқача қилиб айтганда, маълум бир ҳудудни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш зарур.

Жиноятчиликка оид муаммолар мураккаб бўлиши билан бирга турли фан соҳа мутахассисларининг илмий ҳамкорлигини талаб этади. Жиноятчилик географиясининг вужудга келишида криминология фанининг роли катта. Шунингдек, жиноятчилик географияси аҳоли географияси, социология, психология, демография фанлари билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади.

Жиноятчилик географиясининг шаклланиши ва ривожланиши жамият тараққиётининг ҳудудий томонларига боғлиқ бўлган ўзгаришлар билан белгиланади. Маълумки, география фанлари тизимида ҳудудийлик тушунчаси кенг қўлланилади. У жиноят географиясини ўрганишда ҳам бош тушунча бўлиб хизмат қилади.

Жиноятчиликни географик жиҳатдан тадқиқ этиш барча маданий соҳа эгаларида ҳудудий фикрлашни шакллантиради ҳамда ўзига хос дунёқарашни кенгайтиради, ўз юртига бўлган эътиборини кучайтириб, миллий мафқуранинг шаклланишига ёрдам беради.

Жиноятчиликни географик жиҳатдан тадқиқ этиш маълум бир ҳудуднигина кўзда тутиш билан чекланмайди, балки унинг ичидаги воқеа ва ҳодисаларнинг нотекислигини, турли-туманлигини, бир жойдан иккинчи жой фарқини кўра билиш ва бу фарқларни илмий изоҳлаш унинг туб моҳиятидир.

Улуғ қомусий олим Беруний «одамларда ахлоқий меъёр (хуқук)нинг турлича бўлишида фақатгина насабларнинг турличалиги эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг, одам яшайдиган жойларнинг турличалигида ҳамдир», деб ёзади.

Жиноятчилик географияси жамият тараққиётининг умумий қонуниятларига амал қилади ва ўз навбатида, жиноятчиликнинг ҳудудий хусусиятларини белгилаб берадиган

ўзига хос қонуниятларни аниқлар экан, у криминоген ҳолат ва демографик статистиканинг маълумотларига асосланади.

Жиноят содир этган шахсларнинг жинс таркибини таҳлил қилиш геокриминоген вазият асосан эркаклар учун хослигини кўрсатади. Жумладан, статистик маълумотлар кўрсатишича, республикада содир этилаётган жиноятларнинг 88,5 фоизи эркакларга, 11,5 фоизи хотин-қизларга тўғри келади. Бу кўрсаткич Россия Давлатида 82,5 ва 17,5 фоизларни ташкил қилади.

Умуман, ҳар қандай давлатда ҳам аёллар эркакларга нисбатан бир неча марта кам жиноят содир этадилар. Чунки, аёллар, ўз табиатига кўра, эркакларга нисбатан раҳмдил, мулойим ва ўзини тута оладиган бўладилар, шунингдек улар одатда оилага, уй хўжалигига, бола тарбиясига кўпроқ боғланганлиги сабабли ҳам жиноятчилик фаолиятида уларнинг салмоғи паст.

1995 йилда ҳар 10.000 та эркакдан 53,3 таси, аёллардан эса 5,5 таси жиноят содир этган. 2000 йилда бу кўрсаткич мос равишда 53,9 ва 6,1 тани, 2003 йилда эса 48,6 ва 7,2 тани ташкил этди.

Россия ва Ўзбекистон давлатларидаги кримино-демографик вазият таҳлилига кўра, Россияда мамлакатимиз демографик салоҳиятига нисбатан 5,7 марта кўп аҳоли яшайди. Бироқ, жиноят содир этган шахслар сони Ўзбекистонга қараганда 25 мартадан ортиқ ёки ҳар 10 000 та аҳолига нисбатан судланганлик даражаси 4,5 мартага кўп. Шунингдек, жинслар таркибидаги жинсий фаолиятнинг қиёсий таҳлили бўйича россиялик аёллар ўзбекистонлик аёлларга қараганда 6 марта, эркаклар эса 5,4 марта кўп жиноят содир этишган. Вояга етмаган жиноятчилар ўртасидаги нисбат эса 59 мартага фарқ қилади. Юқоридагилардан маълум бўладики, Ўзбекистонда кримино-демографик ҳолат Россия давлатига нисбатан унча оғир эмас.

Содир этилган жиноятларнинг ҳудудий таркибини ўрганиш шуни кўрсатадики, Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида жиноят содир этиш энг юқори кўрсаткичга эга. Шу билан бирга бирмунча, катта кўрсаткич Самарқанд, Сирдарё, Навоий вилоятларига ҳам тўғри келади.

Одатда, ижтимоий фойдали меҳнат ёки ўқиш билан машғул бўлмаган кишининг жиноят йўлига кириб кетиш мойиллиги юқори бўлади. 2004 йилда жиноят содир этгани учун судланган шахсларнинг 62,2 фоиздан ортигини ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган шахслар ташкил этди. Бу жиноятчи шахсларнинг асосий қисми шаҳар аҳолисига тўғри келади. Шунинг учун ҳам қишлоқ жойларида шаҳарларга нисбатан криминоген вазият ижобийроқ. Чунки, рўйхатга олинган жиноятларнинг ҳар тўрттадан учтаси шаҳарларда содир этилади.

Жиноятчиликнинг содир этилишига унинг ҳудудий таркиби ва мавсумийлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омилларга аҳолининг сони, миллий таркиби, жойлашуви, урбанизация даражаси, аҳоли зичлиги ва аҳоли пунктларининг катта-кичиклиги ва бошқалар киради. Бинобарин жиноятчиликнинг географик жихатларини ўрганишда бундай омилларни атрофлича таҳлил қилиш ва шу асосда тегишли ҳулоса ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

М.Мамажонов

Андижон Давлат университети

**ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ
АЙРИМ ЙЎЛЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан яратилган Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилидан бири аҳолини кучли

химоялашдан иборатдир. Мазкур масала қатор тадбирлар тизимини ўз ичига олади. Улар ичида энг муҳими аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси ҳисобланади.

Миллий иқтисодиёти кўпроқ аграр соҳага асосланган Ўзбекистонда аҳолининг 63.5 фоизи, Андижон вилоятида эса 70.0 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Бу эса қишлоқ аҳолиси учун янги иш жойларини ташкил этиш, уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш ислохотлар даврининг энг долзарб вазифалари эканлигини асослайди. Қишлоқ жойларда ислохотларни чуқурлаштириш меҳнат қилиш доирасини кенгайтириш муаммоси билан узвий боғлиқдир.

Кейинги йилларда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва ислохотларнинг чуқурлашиши аҳолининг иш билан бандлигини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Андижон вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси фуқароларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш борасида "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонунга биноан фаолият юритмоқда. Жумладан, шаҳар ва туманлардаги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари томонидан 2001 йилда 24778 нафар, 2002 йилда 25747 нафар, 2003 йилда 26165 нафар фуқарони иқтисодиётнинг турли соҳаларига ишга жойлаштирилди, ишга жойлаштиришни имкони бўлмаган фуқаролар ижтимоий ҳимояга олинди.

"Бандлик" дастурига асосан 2001 йилда 32480 та, 2002 йилда 31819 та ва 2003 йилда 34736 та янги иш ўринлари яратилди. Яратилган янги иш ўринларининг 72.0 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади. Янги иш ўринларини тузишга иқтисодиётнинг тадбиркорлик соҳаси катта ҳисса қўшди. Иш билан банд аҳоли сонининг ўсиш суръатларининг ярмидан кўпроғи (52,2 фоиз) моддий ишлаб чиқаришга тўғри келмоқда. Қишлоқларда кичик ва ўрта бизнес субъектларини ташкил этиш орқали ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашни яхшилаш мумкин. Бу иқтисодий ривожланган мамлакатларда аллақачон исбот қилинган ҳол. Бозор муносабатларига асосланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётнинг таянч соҳаси сифатида тан олинган.

2. Топонимларга айланган халқ (маҳаллий) географик атамаларининг харитасини яратиш.

Ўзбекистон ҳудудида умумтуркий атамалар ареали энг катта майдонни эгаллайди. Умумтуркий атамалар ареали вилоятлар ҳудудини қамраб олади ва у яхлит ареални ҳосил қилади. Чунки мамлакатимиз аҳолисининг 85 фоизидан кўпроғини маданияти, урф-одати, тарихи ва тилида умумийлик бўлган туркий тил гуруҳидаги халқлар ташкил этади.

Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Наманган вилоятларида нисбатан кичикроқ бўлган ареалларни форс-тожик тилига оид атамалар ареали ташкил этади.

Мўғул, араб ва суғд тили лексикасига оид атамалар мамлакатимизда алоҳида ареал ҳосил қилмайди, улар тарқалган айрим жойлар нукталар билан берилиши мумкин.

Булардан ташқари, лингвогеографик тадқиқотларда тил ходисаларининг маълум ҳудудга тарқалиш ареалларини, товуш ўзгариши, бир шева ёки диалектга оид сўзларнинг тарқалиши хариталаштирилади. Шу нуктаи назардан ўзбек шеваларининг тўртта диалект зонаси ажратилган:

1. Корлук.
2. Қипчоқ.
3. Угуз.
4. Ҳар хил диалект зонаси.

Демак, халқ (махаллий) географик атамаларининг этимологиясига кўра тарқалиш ареаллари харитасини тузишда хариташуносликдаги ариаллар ва нукталар усули (методи)дан фойдаланилади.

А.Токлиев, Н.Токлиева

Ташкентский Государственный Педагогический университет
ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ НА УРОКАХ
ФИЗИЧЕСКОЙ ГЕОГРАФИИ

Содержание экологического воспитания усваивается учащимися в их различной деятельности. Каждая из форм организации учебного процесса стимулирует разные виды познавательной деятельности учащихся: самостоятельная работа с различными источниками информации позволяет накопить фактический материал, раскрыть сущность проблемы; игра формирует опыт принятия решений, творческие способности, позволяет внести реальный вклад в изучение и сохранение местных экосистем. Особое внимание должно уделяться совершенствованию методов обучения, которые наилучшим образом способствует развитию образного и логического мышления, пробуждают чувства, потребность приобретать знания и самостоятельно делать умозаключения. Имеют значение такие методы и приёмы обучения, как наблюдения, опыт, практическая работа, разнообразные творческие занятия. Нельзя исключать и другие методы обучения – рассказ, беседу, работу с учебником.

Познание окружающей действительности начинается с ощущений и восприятий, в основе которой лежат наблюдательность и внимание. Особое место в курсе «Физической географии» занимают фенологические наблюдения. Мы ежегодно наблюдаем сезонную периодичность в развитии природы.

Опыты являются эффективным методом познания окружающего мира, так как содержат элементы увлекательности для детей. Практические работы – важнейшее средство связи теории и практики в обучении, развития познавательных способностей и самостоятельности. Большое значение имеют рассказ и беседа учителя. Яркий выразительный рассказ обладает большой силой эмоционального воздействия на учащихся. В воспитании бережного отношения к природе играет внеклассная и внешкольная работа.

Рассмотрим некоторые связи, которые изучаются на уроках физической географии. Связи между живой и неживой природы состоят в том, что вода, воздух, свет, тепло, минеральные соли являются условиями, необходимыми для жизни живых организмов. Живые организмы, в свою очередь, оказывают влияние на окружающую среду. Например, изменяют состав воздуха. Почва образована взаимосвязью неживой и живой природы с живыми организмами. Многие полезные ископаемые (известняк, торф, каменный уголь и другие) образовались из остатков живых организмов.

Большое значение имеет раскрытие связей между человеком и природой. Причем, человек рассматривается как часть природы, он неотделим от нее. Но существует и воздействие человека на природу, которое может быть положительным (охрана природы) и отрицательным (загрязнение воды, воздуха, уничтожение растений, животных и др.).

Получая определенную систему знаний на уроках, ученики усваивают нормы и правила экологического поведения в природе, так как через экологическое просвещение воспитывается ответственная отношение к природе. Экологическое воспитание учащихся должно проводиться с использованием местного краеведческого материала, необходимо вовлекать школьников в посильные для них практические дела по охране местных природных ресурсов: озеленение школ, сквера, уход за цветниками, охрана и подкормка птиц и т.д.

Воспитание, основанное на раскрытии конкретных экологических связей, поможет ученикам усваивать правила и нормы поведения в природе. Каждый человек должен знать свои права и обязанности, причем не только в общественной жизни, но и в природе. Разъясняя учащимся смысл и значение охраны природы, учитель должен исходить из воспитательных возможностей данной темы. Через все уроки, где это возможно, должна проходить основная мысль: природа не только источник получения ресурсов для материальной жизни общества, но и основа духовных богатств народа, необходимое условие воспитания в людях чувства прекрасного.

М.Абдуллаева, Ф.Сайдаматов

Тошкент Давлат Педагогика университети

**ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА НОАНЪАНАВИЙ ДАРС ТУРЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ (9-СИНФ “ДУНЁ СИЁСИЙ ХАРИТАСИ” МАВЗУСИ
МИСОЛИДА)**

Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартларини амалга жорий этишда барча умумий таълим фанлари қатори география таълими мазмунини ҳам аниқлаштирди. Шу асосда яратилган ўқув дастури ва дарсликлари мазмунида ўқувчи ўзлаштириши лозим бўлган географик билмлар кўлами белгилаб берилди. Эндиги вазифа, ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билим, амалий кўникма ҳамда малакаларнинг пухталигини таъминловчи замонавий методларни яратиш давр тақозосига айланди.

Моделли таълим технологиялари ҳам бош технологиялар каби мустақил ишлаб ва ижодий изланиш орқали ўқув-тарбиявий жараёндан кўзланган мақсадларга эришишга асосланади. Бошқа технологиялардан фарқли жиҳати моделли таълим технологияси ўқув жараёнига модел дастури орқали қўлланилади.

Модел дастурлари ўқитувчилар томонидан тузилиб, унга ўрганиладиган мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларидан келиб чиқадиган дидактик мақсад, ўқувчилар дарс давомида бажарадиган ўқув топшириқлари, уларни бажариш юзасидан кўрсатмалар ўз ифодасини топади.

География таълимида ҳам моделли дастурлар мазмуни ва моҳиятига кўра:

1. Ўқувчиларнинг яқка тартибда мустақил ишлашига мўлжалланган модел дастурлари.
2. Икки ўқувчи ҳамкорликда ишлашга мўлжалланган модел дастурлари.
3. Ўқувчиларнинг кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модел дастурлари бўлади.

Шундай методлардан бири таълим мазмунини моделлаштиришдир. Ўтказилган илмий тадқиқот хулосаларига асосланиб ўқувчилар географик объект, ходиса ва

жараёнлар мазмунини тўлиқ англаб олишларида уларни моделлаштириш орқали юқори таълимий самарага эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилинган.

Модель ва моделлаштириш табиий фанларни ўқитишда самарали усул эканлиги бир қатор илмий изланишларда асосланган. Аммо, география таълимидаги моделлаштириш ўзининг кенг қамровлилиги, серкирралиги ҳамда мазмундорлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Давлат таълим стандартларида келтирилган географик объект, ходиса ҳамда жараёнлар мазмунини ўқувчилар пухта ўзлаштиришлари, уларни келтириб чиқарувчи сабаб-оқибат боғланишларини билиб олишда тажрибада синалган моделлар ўзининг самарадор эканлигини кўрсатади. Шу ўринда

9-синфда «Дунё сиёсий харитаси» мавзусини моделлаштириш асосида ўқитишни кўриб чиқамиз.

Мақсад: Ўқувчиларни мустақил ишлаш, ижодий изланиш орқали билим олишга, хотирани мустаҳкамлаш, хотира билан хатосиз ишлашга, тез фикрлаш, фикрни аниқ ифодалашга ўргатиш, Фанга қизиқиш уйғотиш, ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, билим доирасини кенгайтириш.

Жихозлаш: Дунё сиёсий харитаси, халқлар миллий кийимларининг суратлари, давлат байроқлари макети, «Ўйла, изла, топ» ўйини макети, «Давлатлар, қитъалар ва пойтахтлар» кўргазмали воситаси, янги газеталар наъмуналари, «Байроқлар билимдони» тарқатма материали.

атижалар: Дарс сўнгида сиёсий харита тушунчаси, унинг ривожланиш босқичлари, мамлакатларнинг гуруҳланиши, ўзгаришлар, БМТ ва бошқа сиёсий-иқтисодий ташкилотларни билиб олиши, давлатларнинг байроқларига қараб ажрата олишга ўрганишлари кутилмоқда.

боғланиш: Тарих, табиий география, этнография, иқтисодий-ижтимоий география, сиёсатшунослик.

Дарсининг ташкил этилиши: Кенг қамровли суҳбат, баҳс, мунозара асосида ташкил этиш, гуруҳларга бўлиш

Дарс 1. Мантикий ёндошув майдони — 5 минут

структураси: 2. Биз билган билимлар. Тест — 5 минут

3. Карта бўйлаб саёҳат (қисқа вақтли турнир) — 10 минут

4. Билимдонлар баҳси — 15 минут

5. Ойнаи жахон янгиликлари – 5 минут

I. Мантикий ёндошув майдонида:

1. «Сиёсий харита» тушунчасига таъриф.

2. «Мустақил давлат» тушунчасига таъриф.

3. «Кўчирилган капитализм» тушунчасига таъриф.

4. «Ялпи ички маҳсулот» тушунчасига таъриф.

5. «Глобал сиёсий жараёнлар» тушунчасига таъриф берилади.

Ҳар бир тўғри ва тўлиқ мантикий фикр доира, тўртбурчак ва учбурчак шакллардан бири билан тақдирланади. Бундай шакллардан машғулот охиригача гуруҳ банкида тўпланиб борилади.

II. Биз билган билимлар:

Тест.

1. Ўрта Осиёда қайси фойдали қазилмалар кўп учрайди?

А. Нефт, газ, кўмир. В. Олтин, олмос, нефт. С. Уран, кўмир, алюминий.

Е. Хром, уран, вольфрам.

2. Кўкдумалоқ нефт кони қайси вилоятда жойлашган?

А. Қашқадарё В. Сурхондарё С. Фарғона Е. Наманган

3. Хўжандарвозасидан ғарбда циклон, шарқда антициклон бўлганда эсадиган шамол номи?

А. «Қўқон» В. «Бекобод» С. «Авғон» Е. «Фён»

4. Ўзбекистон қачон МДХга аъзо бўлди?

А. 1989 йил В. 1993 йил С. 1992 йил Е. 1991 йил

5. Агар глобусда параллеллар ҳар 10^0 да ўтказилса, у ҳолда глобусда жами нечта параллел ёйи тасвирланган бўлади?

А. 17та В. 18та С. 19та Е. 20та

III. Карта (сиёсий) бўйлаб саёҳат.

1. Картадан фойдаланиб майдони энг катта 20 давлатни аниқлаш (ким тезроқ).

2. Орол ва яриморолда жойлашган 10+10 давлатни топинг.

3. Қайси давлатларнинг аҳолиси энг кўп.

4. Нечта ривожланган (иқтисодий) давлатни биласиз? Уларни орасида энг ривожланганларичи?

5. Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган давлатларни белгиланг.

6. Ривожланаётган ёки «учинчи дунё» мамлакатлари ҳақида фикрларингиз.

7. «Ўйла, изла, топ»

Бунда ўқитувчилар ўзлари қоғозлардан «гиламча» ясайдилар. Ҳар бир «расм» вазифасини давлат номи ва унинг пойтахтини номларини ёзилган «тасмача»лар бажаради.

IV. Билимдонлар баҳсида:

1. Ҳар бир гуруҳга давлатларнинг байроқлари ёпиштирилган вароқ тарқатилиб, байроқлар сонига мос таърифлар берилади. Бунда ана шу таъриф асосида байроқлар қайси давлатга тегишли эканлигини аниқланади.

2. Қизиқарли таъриф асосида давлатлар номи, тараққиёт даражаси, қайси гуруҳга мансублиги аниқланади:

1-таъриф. Ушбу давлат яриморолда жойлашган, ривожланган «еттилик»га киради. Ўрта ва Адриактика денгизлари соҳилларини ювиб туради. (Италия)

2-таъриф. Мамлакатимизга қўшни давлат, гиламлари, зотли отлари билан машхур. (Туркманистон)

3-таъриф. Иккита қитъада жойлашган, эҳромлари билан машхур давлат. (Миср)

4-таъриф. «Футбол қироли» яшайдиган давлат. (Бразилия)

5-таъриф. Икки давлатнинг бирикишидан қайта тикланган мамлакат. (Германия)

6-таъриф. Пойтахти қон томири номига ўхшаш давлат. (Австрия)

7-таъриф. Давлат пойтахти ичидаги давлат. (Ватикан)

8-таъриф. Чўл, тоғ тизмаси, қўлтиқ, пойтахт номи бир ҳил давлат. (Мексика)

9-таъриф. Қадимги номида зотли мушук бор бўлган давлат. (Таиланд—Сиам)

10-таъриф. Ҳар йили Париждан то шу мамлакат пойтахтига қадар халқаро авторалли ўтказилади. (Сенегал)

V. Қисқа жаҳон янгиликлари билан таништириш:

Ҳар бир гуруҳ шу кунгача бўлган жаҳон янгиликларидан бир-бирларини такрорламай 2тадан мисол келтирадилар ва сиёсий харитадан қайси давлат эканлигини кўрсатишади.

VI. Дарс гуруҳлар тўплаган балларни ҳисоблаш билан яқунланади.

С.А. Усмонова, Ҳ.Ҳ. Хусанов

**Жиззах Давлат Педагогика институти
ТАБИЙ ФАНЛАРНИ ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР
АСОСИДА ЎҚИТИШДА ФАНЛАРАРО
АЛОҚАДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Ҳозирги кунда табиий фанларни ўқитиш жараёнида янги педагогик технологияларни (кейинги ўринларда ЯПТ) қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан кунга кучайиб бормоқда, бунинг асосий сабабларидан бири шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўрганилган бўлса, замонавий технологиялар уларнинг эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишлари, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари чиқаришларига ўргатади.

Ўқитувчи бу жараёнда ўқувчининг ривожланиш, шаклланиш, билим олиш ва тарбияланишга шароит яратади. Таълим жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади. Шунинг учун ҳам табиий фанларни бир-бирига боғлаб ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан ўз ўрнида фойдаланишнинг роли ва аҳамияти каттадир. Биз куйида асосий табиий фанлардан бўлган география ва математика фанларини ЯПТ лардан фойдаланилган ҳолда бир-бирларига боғлаб ўқитиш масаласини кўриб чиқайлик.

Географик тушунчаларни ўзлаштиришда математика курсида ўтиладиган градус ҳақидаги тушунчалар, транспортлар билан бурчакларни ўлчаш, мусбат ва манфий сонлар, фоиз каби билимлар катта ёрдам беради. «Геометрик шакллар яшаш», «Параллеллик», «Симметрия», «Учбурчаклар яшаш», мавзулари географиядан дарёлар узунликларини аниқлаш, ер юзидаги турли нукталар оралиғини ўлчаш учун зарур билимлар ҳисобланади. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, математикадан олинган билимларга таянган тақдирда ўқувчиларга мутлоқ баландлик ҳақидаги тушунчани, об-ҳавони кузатиш натижаларини ҳисоблаб чиқишни, ҳавонинг нисбий ва мутлақ намлиги каби тушунчаларини осонлик билан ўзлаштирадilar. География ўқитувчиси ҳисоблашлар иштирок этадиган мавзуларни ўтаётганда ўқувчилар оғзаки ва ёзма ҳисоблаш малакаларини яхши эгаллаган бўлишликлари лозим. Бундан ташқари, ер ҳақидаги тушунчага эга бўлишлари, майдонни ўлчаш ва план олишда ишлатиладиган турли асбоблардан фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишлари керак.

Географиядан «Масштаб» мавзусини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг математика дарсларида шу мавзу бўйича олган билимларидан фойдаланиш мақсабга мувофиқдир.

Ўқув йили охирида география ва математика фанлари ўқитувчилари биргаликда турли мавзуларда саёҳатлар (экскурсиялар) уюштиришлари мумкин. Худди шунга ўхшаш математика дарсларида математика ўқитувчиси «Учбурчаклар яшаш» га доир мавзуларни тушунтиришда географик характердаги масала ва мисоллардан фойдаланиши мумкин. Масалан, компасдан фойдаланиб, шимол ва шимоли-шарқ ҳамда шимол ва шарқ, шимол ва жануб ўртасида қандай бурчаклар ётишини аниқлаш, жанубий йўналишда эсаётган шамол ўз йўналишини жануби-шарқ томонга ўзгартиргандаги бурилиш бурчагини аниқлаш. Шунингдек, географик характердаги масалаларни ечиш мумкин. Масалан, аҳоли яшайдиган 3 та А, В ва С пунктлари шундай жойлашганки, А пунктдан В пункт 4 км шимолда, С пункт эса 6 км шимоли-ғарбдадир. В ва С пунктлар орасидаги масофани аниқланг.

Ҳарфлар ўрнига шаҳарларнинг номини қўйиб, атласлардан фойдаланган ҳолда иш кўрилса, математика дарси янада қизиқарли бўлади ва география билан математика ўртасидаги боғланиш ўз ифодасини топади. Бир фан ўқитувчисининг бошқа фан ўқитувчиси томонидан ўқувчиларга берилган маълумотлари асосида ўз мавзусини тушинтириш ўз навбатида ҳар икки фаннинг бир-бири билан алоқасини

мустаҳкамлайди ва ўқувчиларга ҳар икки фан юзасидан пухта билим бериш имкониятини яратади. Масалан, математика ўқитувчисининг географияга оид маълумотлар асосида масала тузиб, ўқувчилар билан бу масалани ечиш, биринчидан, ўқувчиларнинг географиядан олган билимларини мустаҳкамласа, иккинчидан, математикадан масалалар ечиш малакасини такомиллаштиради. География ва математика фанларини бир-бирларига боғлаб ўқитиш таълимнинг сифати ва самарадорлигини янада оширишга ёрдам беради. Бу фанларни бир-бирига боғлаб ўқитишда ЯПТ лардан «Тармоқлар усули», «Скоробей технологияси», «Ақлий ҳужум», «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Фикрлар ҳужуми» ва бошқа ўқитиш усулларидан фойдаланиш мумкин.

География дарсларида «Аҳоли» мавзусини «Кичик гуруҳлар» усулидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг математик билимларга таяниб ўқитиш технологиясини қараб чиқайлик. Бу усулда дарс ўтишда ўқувчиларнинг билим даражаларини ҳисобга олган ҳолда кичик гуруҳчаларга ажратилади ва ҳар бир гуруҳга аҳоли мавзусига доир математик масалаларни ечиш тавсия қилинади.

I гуруҳга: аҳолининг умумий сонига нибатан шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг фоиз миқдорини аниқлаш;

II гуруҳга: турли ёшдаги аҳоли сонига нисбатан улушни ҳисоблаш;

III гуруҳга: турли ёшдагиларнинг бутунаҳоли сонига нисбатан ҳисоблашга оид масалалар бериш мумкин.

Замонавий педагогик технологиялар асосида фанларни ўқувчилар томонидан чуқур ва пухта ўзлаштирилишни кафолатлайди.

С.А.Усмонова, С.Ҳ.Ҳусанова

**Жиззах Давлат Педагогика институти, Ўзбекистон Миллий университети
ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯДАН ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЯНГИ
ПЕДТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА ЎТИШ**


Мамлакатимизда халқ таълими тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳар бир педагогнинг олдида ўз иш фаолиятини ҳозирги кун талаблари даражасида ташкил қилишни муҳим вазифалардан бири қилиб қўяди.

Бугунги кунда педагоглар олдида юқори малакали баркамол ва тарбиялашдек беришдек масъулиятли вазифа турибди. Баркамол инсонни тарбиялаш учун эса замон талаблари даражасида, янги илғор педагогик технологиялар асосида дарс ўтилиши лозим. Ҳар бир дарсда мавзу бўйича ўқувчиларда давлат таълим стандартлари талаблари даражасида билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш учун бир қолипда дарс ўтиш одатидан чекиниб, ЯПТ лар ўйин дарси, беллашув дарси, мусобоқа дарси, каби ноанъанавий дарс турларидан фойдаланишимиз зарур.

Ушбу мақолада «Ўрта Осиё табиий географияси» бўйича ўтказиладиган лаборатория машғулотида ўқитишнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланиш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён этамиз.

«Ўрта Осиё рельефи» мавзусида ўтказиладиган лаборатория машғулотини ўқитишнинг ноанъанавий усулларидан «Тармоқланиш усули» (квест) дан фойдаланиб ўтиш мумкин.

Машғулотни бошлашдан аввал гуруҳдаги талабаларни қуръа ташлаш йўли билан кичик гуруҳларга чизмада кўрсатилгандек бўлиб олдик:



Бундай услубда лаборатория машғулоти ўтилганда ҳам худди ўқитишнинг анъанавий усулларидек савол-жавоблар ёрдамида олдинги машғулотда ўтилган мавзу қисқача такрорланиб, топшириқларнинг бажарилиши текширилиб, рейтинг баллари қўйилади ва янги мавзу билан боғланади. Шундан кейин янги мавзу эълон қилиниб, унинг қисқача мазмуни ўқитувчи томонидан баён қилинади ва мавзуга оид энг асосий рельеф шакллари: тоғ, текислик, ботиқ, водийларни кичик гуруҳларга тармоқланиш усулидан фойдаланиб таҳлил қилиш топширилади.

Ноанъанавий усулда «Ўрта Осиё рельефи» мавзуси бўйича ўтказилган лаборатория машғулоти тахминий режаси қуйидагича бўлиши мумкин:

Мавзу: Ўрта Осиё рельефи.

Мақсад: Талабаларнинг ер юзаси рельефи ҳақидаги тушунчаларини янада ривожлантириш ва Ўрта Осиё ўлкаси ер юзаси тузилиши тўғрисида билим ҳосил қилиш.

Жиҳоз: Евросиё табиий харитаси, Ўрта Осиё ва Қозоғистон табиий харитаси, атласлар.

Ишни бажариш тартиби:

1. Ўрта Осиё табиий харитаси билан танишиб чиқинг;
 - Текисликлар 1-гурух;
 - Тоғлар 2-гурух;
 - Ботиқларни ўрганиш 3-гурух;
 - Тоғ оралиғи водийлари 4-гурух.
2. Тармоқланиш (квест) усулидан фойдаланиб берилган терминни тарифлаш (берилган намунадан фойдаланиб).
3. Ўрганилган объектларни харитадан кўрсатиш (рақиб гуруҳлар саволи асосида).
4. Ўрта Осиё тоғларини орографик схемасини доскада тасвирлаш. (Ҳар бир гуруҳ навбат билан табиий объектларни доскада тасвирлайди)

ТОПШИРИҚ

1. Ўрта Осиё харитаси андозасига табиий харитадан фойдаланиб, орографик схемани чизиш;
2. Тоғларнинг энг баланд нуқталарини топиш, ўрганиш ва ёзувсиз харита ёки андозага тушириш;

3. Мавзу юзасидан бештадан тест саволи тузиш.

Агар олий ўқув юртларида «Ўрта Осиё табиий географияси» фанидан барча лаборатория машғулоти шу асосда ташкил қилинса, талабаларнинг ушбу фан бўйича чуқур назарий ва амалий билим олишларига замин яратилади.

Г.Х.Муратова

Самарқанд Давлат университети

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ – ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА «ТАБИЙ КОМПЛЕКСЛАР ВА РЕСУРСЛАРНИ ГЕОГРАФИК БАҲОЛАШ» МАВЗУСИНИ ЎТИШДА РЕКРЕАЦИЯ РЕСУРСЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ислоҳ қилиш мактаб, академик лицей ва касб–хунар коллежларида ўқитиладиган фанларни бениҳоя жиддий ва муҳим масала сифатида илгари сурмоқда. Умумий таълим ва хунар мактаблари ислоҳоти география таълими услублари ва воситаларини такомиллаштиришни, таълим-тарбия сифатини янада кўтаришни талаб этади.

Давлат томонидан янгидан ташкил қилинаётган академик лицейлар ва коллежларда ўқитиладиган фанлар ўқувчиларни ҳаётга, меҳнатга, илмга тайёрлашга асос бўлади.

Академик лицей ва касб–хунар коллежларида табиат комплексларининг дам олиш мақсадларида фойдаланиладиган хусусиятлари ёки компонентлари рекреацион ресурслар деб аталади. Масалан, манзарали ўрмон, денгиз ва океан қирғоқлари, тоғ водийлари, ғорлар, манзарали чиройли ўсимликлар, ажойиб рельеф шакллари, музлар шулар жумласидандир. Рекреация (тиклаш, ўрнини тўлдириш)нинг қамрови катта бўлиб, одамларнинг дам олиши, саломатлигини тиклаши, хордиқ чиқариши маъносида ишлатилади. Табиий комплекслар ёки ландшафтларни рекреацион нуқтаи-назардан тадқиқ қилиш асосан ландшафтларнинг рекреацион имкониятларини ва уларга рекреацион босимнинг таъсирини баҳолашдан иборат. Дам олиш ташкилий ва ноташкилий (ихтиёрий) бўлиши мумкин.

Ташкилий дам олиш турли муассасалар томонидан уюштирилади. Ноташкилий (ихтиёрий) дам олиш эса одамларнинг ўз хоҳишлари бўйича бир ёки бир неча киши бўлиб, танланган ҳудудларда уюштирилади. Дам олишдан кўзланган мақсад турлича бўлиши мумкин: даволаниш, соғламлаштириш, спорт ва ҳоказо. Дам олиш мавсумга қараб ҳам турлича бўлиши мумкин. Ёзги дам олиш турлари куйидагиларни ўз ичига олади: чўмилиш, қуёш ванналари олиш, пиёда юриш (даволаниш, саломатлигини тиклаш, экскурсия), қайиқ спорти, балиқ ови, турли хил мевалар ва кўзиқорин териш, отда сайр қилиш, алпинизм билан шуғулланишлар киради. Қишки мавсумда куйидаги дам олиш турлари билан шуғулланиш мумкин: чанғи спорти, муз ости балиқ ови, спорт овчилиги, даволаниш, саломатлигини тиклаш пиёда сайр. Рекреацион баҳолаш объекти ландшафтлар, жойлар, урочише ва фация бўлиши мумкин. Рекреация комплексларини жойлаштиришни лойиҳалашда ландшафтларни таҳлил қилиш яхши натижа беради. Бунда турли ландшафтларни рекреацион мақсадларда фойдаланиш даражасига қараб энг қулай ландшафт тури танланади. Масалан, дарё водийси, тоғ ёнбағри кўл ёки сув омбори қирғоғи, текислик, океан ёки денгиз қирғоғи ўрмон ва бошқалар киради.

Алоҳида рекреацион комплексларни (дам олиш уйлари, санаторийлар) сайёҳлик мажмуаларини лойиҳалаштираётганда аниқ майдонни баҳолаш яхши натижа беради. Аниқ бир дам олиш муассасаларининг ички тузилишини лойиҳалашда табиат комплексларини фация даражасида баҳолаш лозим. Асосий иншоотларни фациянинг рельеф шароити, сувлари, ўсимлиги, ландшафт манзарасига қараб жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Рекреацион мақсадларда баҳолашда уларни эстетик

жихатдан баҳолаш ҳам муҳум ўрин тутати. Бунда табиий шароит, рельеф, ўсимликлар, ландшафт умумий кўринишининг эстетик жихатдан завқ бера олиш имконияти ҳисобга олинади. Баҳолашнинг охириги босқичида табиий комплексларнинг рекреацион босимга барқарорлик даражаси инобатга олинади.

Р.Х.Ҳалимов

Самарқанд Давлат университети

**ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯДАН СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР
ВАҚТИДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ**

Табиий географиядан синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш ва ўқувчиларга экологик тарбияни синдириш табиий географик фанларнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Ҳозирги қайта қуриш давридаги, инфармацион маълумотлар кўпайиб қолган шароитда, ўқувчиларнинг узлуксиз ўсиб бораётган талабларини дарс вақтида тўлиқ қондириш учун имконият йўқ. Чунки ҳар бир дарс, маълум режа ва вақт билан чекланган бўлади.

Табиий географиядан синфдан ташқари ишларни ташкил қилишнинг мақсади ўқувчилар томонидан ўқитувчи раҳбарлигида, ўз ўлкаси табиатини турли хил манбалар ва кўпинча шахсий кўзатиш асосида ҳар томонлама ўрганишдан иборатдир. Шунинг учун табиий географиядан синфдан ташқари ишларни режалаштириш вақтида, ўқитувчи экологик тарбия ишларига алоҳида эътибор бериши лозим.

Ўқувчиларга экологик тарбияни чуқурроқ синдиришда, экскурсияларни мавзули ўтказиш яхши натижа беради.

Масалан, 1. Ўқувчилар синфдан ташқаридаги ишлар вақтида жойни геологик тузилишини ўрганиш бўйича экскурсияга боратуриб, дарё водийси ва сойларнинг тик қояли ёнбағирларини ёки карьерларни кўриб қолишлари мумкин. Бундай жойларда туб тоғ жинслари ер бетига чиқиб туради. Бунда очилиб қолган тоғ жинсларидан намуналар оладилар. У ерда қандан қазилма бойликлар борлигини ва у қандай мақсадлар учун фойдаланилаётганлигини аниқлайдилар. Жойнинг геологик тузилиши ва қазилма бойликларини ўрганиш вақтида қазилма бойликларни казиб олинаётган жойда чиқинди тоғ жинсларининг тўкиб ташланиши, улар тупроқ ва ўсимликларни қоплаб қолиши ҳақида ва булар экологик ҳолатининг ёмонланишига олиб келганлигини ва экологик ҳолатни яхшилаш учун қандай тадбирларни амалга ошириш лозимлигини тушунтириб бериш, ўқувчиларга экологик таълимни чуқур синдиришга имкон беради.

2. Жойнинг ўсимлик қопламини ўрганишда ўқувчилар ўқитувчи ёрдамида ўз ўлкасидаги дарё ёки сойнинг қайирида ва қайир усти террасаларида, тоғ этаклари ва ён бағирларида тарқалган ўсимликларга тафсиф ёздадилар. Маҳаллий аҳолидан сўраш йўли билан доривор ўсимликларни ва халқ хўжалиги учун каттароқ аҳамиятга эга бўлган ўсимликларни аниқлайдилар. Ўсимликларни ўрганиш бўйича экскурсияга бораётганда, ўқувчилар ўсимлиги жуда сийраклашиб қолган ҳудудларга дуч келиб қолишлари мумкин. Бундай жойда ўсимликларнинг сийраклашиб қолишида чорва молларининг ҳаддан кўп боқилиши ва ўсимликларни пичан тайёрлаш учун тартибсиз ўриб олиниши сабаб бўлганлигини тушунтириб бериш лозим. Ўсимликларнинг сийракланиши жойнинг сувларига салбий таъсир кўрсатганлигини ва экологик ҳолатининг ёмонланишига олиб келганлигини тушунтириш керак. Ундан ташқари, бу жойнинг ўсимликларини тиклаш ва экологик шароитини яхшилаш учун зарур бўлган тадбирлар тўғрисида маълумот бериш зарур. Бу тадбирлар ўқувчиларни экологик билим савиясини ҳар томонлама кенгайтириши ва мустаҳкамланишига олиб келади.

3. Синфдан ташқари ишлар вақтида жойнинг тупроқ қатламини ўрганишда ўқувчилар ўз ўлкасининг турли қисмларида, масалан, текислик қисмида, баландроқ жойида, дарё водийсида ёки сувайирғичларида тарқалган тупроқ ўрганиб ёзадилар. Алоҳида тупроқ турларини, қандай қишлоқ хужалик экинларини экиш учун, фойдаланилаётганлигини қайд қиладилар. Тупроқ турларини ўрганаётган вақтда, ўқувчилар тупроғи эрозияга маҳкум бўлган жойларга дуч келадилар. Тупроғи эрозияга берилган жойлар тупроғи ювилмаган жойларга нисбатан ялонғочланиб, оқариб қолган бўлади. Унинг юзасида баъзан эрозион ариқчалар ва ҳатто жарликлар ҳам кузатилади. Бундай жойларда ўқувчиларга тупроқнинг ювилиши тупроқнинг сув ва химиявий хусусиятларига салбий таъсир қилиши ва уни экологик ҳолатининг ёмонлишига олиб келиши мумкинлигини тушунтириш лозим. Эрозион жараёнларнинг бошқа жойларда ҳам тарқалганлиги ва Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларининг (4,2 млн “га”- ни) 722 минг гектари ирригацион эрозияга маҳкум бўлганлиги тўғрисида маълумот бериш керак. Эрозион жараёнларнинг ривожланишига асосан кишиларнинг нотўғри хўжалик фаолияти: яйловларда чорва молларини нормадан кўп боқиш, дарахт ва ўтлоқ ўсимликларини кесиб олиш ва тик ён бағирларни нотўғри шудгор қилиш сабаб бўлганлигини баён қилиш лозим. Эрозион жараёнларнинг олдини олиш ва эрозияга қарши курашиш ҳамда тупроқнинг экологик ҳолатини яхшилашда тоғ ёнбағирларида дарахт экиш ва кўп йиллик ўтлоқлар бунёд этиш, чорва молларини боқишни тартибга солиш ва ёнбағирларни шудгорлашда ерни кўндалангига ҳайдаш, террасалар қуриш яхши натижа бериши мумкинлигини ўқитиш зарур. Бу тадбирлар, ўқувчиларга экологик билимни сингдиришга катта ёрдам беради.

4. Синфдан ташқари ишлар вақтида жойнинг ҳайвонот дунёсини ўрганишда ўқувчилар ўзлари яшаётган жойнинг турли қисмларида, масалан дарё қайиридаги ўтлоқларда ва тўқайларда, пастқамликларда, тоғ этаги яйловларида, лалмикор ерларда, паст тоғларда, ўртача баланд тоғларда ва боғларда яшайдиган ҳайвон турлари тўғрисида маълумот тўплайдилар. Қушларнинг ўсимлик уруғларини тарқатишдаги ролини аниқлайдилар. Бундай маълумотларни маҳаллий аҳолидан, ўрмон хўжалиги ишчиларидан, овчилардан сўраш йўли билан ва шахсий кузатиш орқали тўплайдилар.

Ҳайвонот дунёсини ўрганиш вақтида ўқувчиларга ҳайвонларни ҳаддан кўп овлаш ва уларни яшаш жойларини бузиш (тўқайзорларни ва ўрмонларни аёвсиз кесиб йўқ қилиб юбориш) натижасида айрим ҳайвон турлари камайиб қолганликлари ва ҳатто йўқолиб бораётганларини аниқ мисоллар билан тушунтириб берилса, уларда экологик билим шаклланади.

М.Абдуллаева, Ф.Саидаматов

Тошкент Давлат Педагогика университети
ТАБИАТШУНОСЛИКНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛДАН
Фойдаланиш (Экологик занжирлар мавзуси мисолида)

Мавзу: Экологик занжирлар

Мақсад: Ўқувчилар теварак - атрофга, табиат ва ундаги жараёнларга, қизиқишини ошириш, фойдали ҳайвонлар, қушлар, умуман жониворлар, ўсимликлар ҳақида ноилим бериш, уларни муҳофаза қилишга ўргатиш.

Дарсга оид кўргазмалар: Ўтхўр ва гўштхўр ҳайвонлар, қушлар, ўт, бута, дарахт ўсимликлари, судралиб юрувчилар, турли хашорат ва кемирувчиларнинг расмлари. “Қизил китоб”, унга киритилган ўсимликлар ва ҳайвонлар жадваллари. Ўзбекистоннинг экологик харитаси, дарслик.

Дарсни ташкил қилиш: Интер фаол усулида ўқувчиларни геометрик шакллар асосида гуруҳларга жамлаш.

I 1г 2г 3г 4г 5г

Аввалги дарсларда ўтилган мавзулар юзасидан кичик тест ўтказилади.

II. 1. Тест. Инсон ҳаёти учун зарур бўлган газнинг номи нима?

А) карбонат ангидрид; Б) кислород; С) углерод.

2. Тест. Тупроқнинг ҳосилдор бўлишига ёрдам берувчи хашорот қайси?

А) тилла кўнғиз; Б) чигиртка; С) чувалчанг

3. Тест. Конституциямизнинг 50-моддасида нима ҳақида фикр юритилади?

А) табиатга дўстона муносабат; Б) ота-оналар ҳақида; С) таълим – тарбия ҳақида.

III. Ҳар бир гуруҳ табиатга доир шеър ёдлайди ва уни изоҳлайди.

IV. Экологияга доир тарқатма саволлар берилади.

1. Нефть тошқўмирдан нимаси билан фарқ қилади?

2. Ўсимликлар ҳаётида тупроқдан ташқари яна нима зарур?

3. Ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар номлари қайси китобга киритилади?

4. Жонли табиат билан жонсиз табиатнинг фарқи нимада?

5. Биринчи бўлиб қайси мевали дарахт гуллайди?

V. Мақолни давом эттиринг.

1. Бирни кессанг, 2. Соғлом танда, 3. Ер ҳайдасанг куз ҳайда,

4. Булоқ суви қуримагунча, инсон 5. Бўрининг еса ҳам,

VI. Топишмоқларни топинг.

1. Тумшуғи жуда кучли,

Тирноғи ўткир учли,

Тешиб дарахт пўстини

Қирар унинг куртини

(Қизилиштон)

3. Доимо тонготарда,

Чиқ-чириқлаб уйғотар.

(Чумчук)

2. Иссиқда юрмайди,

Қишда севиб куйлайди.

(Қарға)

4. Усти тош, ости тош,

Ўртаси жондор бош.

(Тошбақа)

5. Болғаси йўқ, болтаси йўқ,

Дарахтларни урар тўқ-тўқ. (Дўл)

5. VII Метаграммалар ва шарадалар.

Қизилиштон

тоғ – боғ – соғ – зоғ

Гултожихўроз

чай – сой – жой – мой

Момоқаймоқ

қор – зор – тор – бор.

Садақайрағоч

тола – лола – бола – нола

Жўжаҳўроз

кўл – мўл – сўл – қўл.

VIII. Жумбоқли ўйинлар, расмлар асосида, исталган табиат ҳодисаси ёки йил фасллари расмларидан фойдаланиш мумкин. Бунда қайси гуруҳ тез хал қилиши ва тўғри хал қилиши баҳоланади.

Сўнг ҳар бир гуруҳнинг тўплаган умумий бали ҳисобланиб, мавзуга яқун ясалади.

Баллар аввалдан тайёрланган жадвалга қўйиб борилиши керак.

Масалан:

Топ-ширик	Савол	Шеър	Мақолни Давом эттир.	Топишмоқлар	Метаграммалар	Шарада	Жумбоқли ўйин	Жами
Гуруҳ								

Бу дарсдан кутиладиган натижа: ўқувчилар ўйин дарси, интерфаол усулда тест, саволлар, шеър, мақоллар, топишмоқлар, метаграмма, шарада ва жумбоқли ўйинлар орқали табиатдаги экологик занжир ҳақида, унинг хусусияти, табиатдаги ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ эканлигини тушуниб олишлари кутилмоқда.

Т.Тешабоев, А.Кадыров, М.Муйдинов
«ГЕНЕРАЛИЗАЦИЯ И КОНКРЕТИЗАЦИЯ КАК ОСНОВНЫЕ СПОСОБЫ ПОПУЛЯРИЗАЦИИ ГЕОГРАФИЧЕСКИХ ЗНАНИЙ»

Школьное преподавание есть один из видов популяризации, имеющий, конечно, свои особенности, но основные положения, важные для популяризации географических знаний, сохраняют свое значение и для методики школьного преподавания географии вообще и экономической географии в частности.

Здесь мы говорим прежде всего и преимущественно о генерализации и конкретизации как о приемах, специфически важным для популяризации географических знаний, а обо всем остальном скажем вкратце в конце главы. Несмотря на свою, казалось бы, диаметрально противоположность — и даже как раз в силу этой противоположности, — генерализация и конкретизация, и притом именно в их обязательном сочетании, являются основными способами популяризации. Генерализация означает обобщение, выявление главного, основного, «генерального».

И в природе, и в населении, и в хозяйстве любой страны и любого района, если учитывать все элементы природы, все виды населения и все отрасли хозяйства, да еще со всеми их разновидностями от места к месту, то их наберется такое множество, что справиться с ними в кратком изложении было бы совершенно невозможно. Умение отобрать главное, основное — это первое, что требуется от всякого популяризатора географических знаний, в том числе и от школьного преподавателя географии. Отбор самого главного, т. е. генерализация, это и есть основное условие успешной популяризации, и притом далеко не простое, так как для того, чтобы отобрать немного, самое важное, сплошь и рядом бывает необходимо изучить очень и очень многое (почти что все), и не только изучить, но и достаточно глубоко понять.

В школьном преподавании географии мы даем странам, районам, городам краткие характеристики, вмещающие в себя в упрощенном, возможно, более доходчивом виде главные, наиболее важные и характерные для данного объекта черты.

При географической характеристике той или другой территории требование генерализации близко сходится с требованием дать «географическую специфику».

Главные черты характеризваемой территории должны быть правильно отображены по всей линии, начиная с положения территории и ее природных условий, продолжая особенностями исторического прошлого, населения и кончая особенностями порядка общественно-политического и хозяйственного. Все эти особенности должны быть увязаны вместе, только тогда они дадут настоящую цельную и научную характеристику.

В длинной цепи черт, характерных для данной географической единицы — страны, района или города, необходимо найти основную, главную, центральную черту, по отношению к которой все остальные будут играть роль предпосылок, или следствий, или, наконец, «спутников».

Так, например, при характеристике Англии такой чертой явится положение о том, что Англия — первая, самая старая страна промышленного капитализма. В качестве предпосылок к этому положению надо будет указать на ряд природных условий, благоприятствовавших развитию судоходства, морской торговли (здесь особенно важны удобства положения), промышленности (здесь важно наличие железной руды и

угля), необходимо будет указать и на трехвековую победоносную борьбу за власть над морем, реализовавшую эти возможности.

В развитие основного положения надо будет указать на мировую промышленную монополию, удерживавшуюся Англией вплоть до середины прошлого века со всеми сопутствовавшими этому явлениями (заграничные вложения капитала, получение сверхприбылей, создание мировой колониальной империи и т. д.). И наконец, влияние двух мировых войн, приведших к утрате Англией ее мирового первенства. Другой страны с настолько сложной общей характеристикой, как Англия, из числа европейских стран, пожалуй, и не найдется.

Приспосабливаясь к объему изложения и уровню класса, такого рода общие характеристики необходимо, конечно, упрощать и сжимать, но все же общий «скелет мысли» должен остаться для обобщения всего материала в единое целое. При этом в популярном изложении вполне допустима «стилизация», т. е. такое подчеркивание главных, основных черт характеристики, при котором детали отступают далеко на задний план, а то и исчезают вовсе.

В характеристике США главная задача заключается в том, чтобы объяснить, по каким причинам им удалось в сравнительно короткий срок занять первое место по экономической мощи и встать во главе капиталистических стран.

Краткость изложения, вынуждаемая малым количеством часов, заставляет давать по странам, особенно зарубежным, далеко не все отрасли и не все районы, а ограничиваться только самыми главными.

Отсюда уже ясно, что генерализация помогает популяризации тем, что упрощает характеристику объекта, оставляя из нее только главное, решающее и удаляя всякие мелочи, детали. Это в деле популяризации существенно важно, поскольку ликвидирует такое положение, когда «из-за деревьев не видно леса».

Однако одной генерализации явно недостаточно уже потому, что те основные черты, которые генерализация извлекает из характеристики объекта, являются по необходимости в значительной мере абстрактными, отвлеченными и уже в силу этого трудными для восприятия. Ведь для популяризации, кроме знания мыслей, нужны еще чувства, эмоции.

Н. Султонова

**Тошкент Давлат Педагогика университети
«ЎЗБЕКИСТОН ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯСИ» КУРСИНИ ЎҚИТИШДА
МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Модулли таълим технологияси модуларга асосланади. Модул лотинча сўздан олинган бўлиб, «қисм» (блок) деган маънони англатади. Модулли таълимнинг асосий моҳияти, ўқувчилар модуль дастурлари ёрдамида мустақил ишлашга асосланган ўқувбилим фаолияти орқали белгиланган мақсадга эришишдир. Модуль дастурлари мазмуни ва моҳиятига кўра: индивидуал тарзда ишлашга; иккита ўқувчи ҳамкорликда ишлашга; кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган модуль дастурларига бўлинади.

Модуль дастурлари ўқитувчи тамонидан тузилиб, мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадидан келиб чиқадиган модуль дастурларининг дидактик мақсади, ўқувчиларнинг дарс давомида бажарадиган ўқув фаолияти элементлари (ЎФЭ), ўқув топшириқлари, топшириқларни бажариш бўйича берилган кўрсатмалар, модуль дастурини яқунлаш қисмини ўзида мужассамлаштиради.

Ўқитувчи ўқув материалларини модуларга ажратади ва модуль дастурини яратади. Ҳар бир модулнинг хусусий дидактик мақсади ва ўқув топшириқларини аниқлайди. Машғулот юзасидан назорат тест топшириқлари ва мустақил иш

топшириқларини тузади. Ўқувчиларни модуль дастурининг дидактик мақсади ва ўқув топшириқлари билан таништириб, модуль дастури ёрдамида мустақил ишларни ташкил этади, муаммоли вазиятларни вужудга келтиради, тегишли ҳолларда ёрдам уюштиради. Модуль дастуридан ўрин олган ҳар бир топшириқ якунида ўқув баҳси, савол-жавоб, мунозара, ақлий ҳужум ўтказиши, модуль дастурини яқунлайди. Машғулот юзасидан тест топшириқлари ёрдамида ўқитувчи назоратини амалга оширади. Эришилган натижани таҳлил қилиб, унга мувофиқ ҳолда мустақил ва ижодий иш топшириқлари тавсия этади.

Модуль таълими технологияларидан географияни ўқитишда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Қуйида 8-синф «Ўзбекистон табиий географияси» курсидан модулли таълим технологияси асосида ташкил этадиган дарс лойиҳаси берилмоқда.

Дарснинг мавзуси: Ўзбекистоннинг тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси.

Дарснинг таълимий мақсади: ўқувчиларнинг Ўзбекистон тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси, уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган билимлар бериш ҳамда аҳамияти билан таништириш.

Дарснинг тарбиявий мақсади: ўқувчиларда ифтихор туйғусини шакллантириш, ватанпарварлик, экологик ва нафосат тарбиясини бериш.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади: Ўзбекистоннинг тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёсининг турли-туманлиги ва ўзига хослиги ҳақидаги билимларини, дарслик ва харита устида мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.

Дарснинг жиҳози: дунёнинг табиат зоналари харитаси, атлас, Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган ўсимлик ва ҳайвонлар расми.

Дарсда фойдаланиладиган технология: модулли таълим технологияси (кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган модуль дастури).

Дарснинг бориши: I. Ташкилий қисм. II. Ўтган мавзу юзасидан ўқувчилар билимини аниқлаш ва баҳолаш. III. Ўқувчиларнинг дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш. IV. Янги мавзунини ўрганиш:

а) янги мавзу бўйича тузилган модуль дастурини тарқатиш ва ўқувчиларнинг модуль дастурини дидактик мақсади билан таништириш;

б) ўқувчилар фаолиятини модуль дастуридаги ўқув топшириқларини мустақил бажаришга йўллаш;

в) ҳар бир ЎФЭ топшириқларининг тўлиқ бажарилишини назорат қилиш, тегишли кўрсатмалар бериш;

г) ҳар бир ЎФЭ якунида савол-жавоб ёки мунозара ўтказиш.

Ўқитувчи ушбу дарсда ўтиладиган ўқув материалларини қуйидаги мантиқий тугалланган 3 қисмга, яъни модульга ажратади: чўл, адир, тоғ, яйлов. Шу асосида қуйидаги «Ўзбекистоннинг тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси» мавзуси бўйича ўқувчиларни кичик гуруҳларда ишлашига мўлжалланган модуль дастури тузилади.

Модуль дастурининг дидактик мақсади:

Сиз ўқувчилар билан кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлаб, Республиканинг тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси, уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан танишишингиз, дарслик ва харита устида мустақил ишлаш кўникмаларингиз, нутқ, мулоқот ва экологик маданиятингизни ривожлантиришингиз, миллий ғурур, ифтихор туйғусини шакллантиришингиз зарур.

Ўқув фаолияти элементи (ЎФЭ)	Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган ўқув материалга оид топшириқлар	Топшириқларни бажариш бўйича кўрсатмалар	Баҳо
1	2	3	4
1-ЎФЭ	<p>1-Модуль. Мақсад. Чўл минтақасининг тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш. Дарсликдаги матнни диққат билан ўқиб чиқиб қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Республикамизнинг табиат компонент–лари қандай ўзига хосликка эга? 2. Чўл минтақаси Ўзбекистоннинг қаерларида тарқалган? Харитадан топинг. 3. Чўл минтақасининг тупроқ қопламини ўрганинг. 4. Чўл минтақасининг ўсимлик қопламини ўрганинг. 5. Чўл минтақасининг ҳайвонот дунёсини ўрганинг. 6. Ўзлаштирилган билимларингиз асосида жадвални тўлдириг. 	<p>Ўқувчилар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг</p> <p>Ўқувчилар гуруҳи билан ўтказиладиган савол-жавобда фаол иштирок этинг</p>	
2-ЎФЭ	<p>2-Модуль. Мақсад. Адир минтақасининг тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш. Дарсликдаги матнни диққат билан ўқиб чиқиб қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Адир минтақасини таърифланг. 2. Адир минтақаси Ўзбекистоннинг қаерларида таралган? Харитадан топинг. 3. Адир минтақасининг тупроқ қопламини ўрганинг. 4. Адир минтақасининг ўсимлик қопламини ўрганинг. 5. Адир минтақасининг ҳайвонот дунёсини ўрганинг. 6. Ўзлаштирилган билимларингиз асосида жадвални тўлдириг. 	<p>Ўқувчилар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг</p> <p>Ўқувчилар гуруҳи билан ўтказиладиган савол-жавобда фаол иштирок этинг</p>	
3-ЎФЭ	<p>3-Модуль. Мақсад. Тоғ ва яйлов минтақаларининг тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш. Дарсликдаги матнни диққат билан ўқиб чиқиб қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Тоғ ва яйлов минтақаларини таърифланг ва тупроқ қопламини ўрганинг. 2. Тоғ ва яйлов минтақаларининг ўсимлик қопламини ўрганинг. 3. Тоғ ва яйлов минтақаларининг ҳайвонот дунёсини ўрганинг. 4. Ўзлаштирилган билимларингиз асосида жадвални тўлдириг. 	<p>Ўқувчилар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг</p> <p>Ўқувчилар гуруҳи билан ўтказиладиган савол-жавобда фаол иштирок этинг</p>	
4-ЎФЭ	<p>4-Модуль. Модул дастурини яқунлаш.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Модуль дастурини дидактик мақсадини ўқиб чиқинг. 2. Сиз унга қай даражада эришдингиз? 3. Ўзингизнинг ўқув фаолиятингизни беш балли тизимда баҳоланг. 4. Ўқув фаолиятингиздан қониқиш ҳосил қилган бўлсангиз, Ўзбекистоннинг тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси мавзусига оид кроссворд тузинг. 5. Агар ўқув фаолиятингиздан эришилган натижа сизни қониқтирмаса модуль дастури ёрдамида мавзуни қайта ўрганинг. 		

Минтақалар	Тупроқлари	Ўсимликлари	Ҳайвонот дунёси

V. Ўқувчиларни модуль дастури ёрдамида мустақил ишларини ташкил этиш, ҳар бир модуль якунида ўқувчилар жамоаси билан савол-жавоб, ўқув мунозараси ўтказиш. VI. Модул дастурини яқунлаш. VII. Янги мавзу бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини тест топшириқлари ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш. VIII. Янги мавзунини қайта ишлаш ва яқунлаш. IX. Уйга вазифа бериш.

Ўқитувчи модуль дастури якунидан сўнг, ўқувчиларга янги мавзу бўйича тест топшириқларини тавсия этади. Ўқувчилар тест топшириқларининг жавобини аниқлагандан сўнг, ўқитувчи тўғри жавобларни эълон қилади, ўқувчи ўз жавобларини ўзи текширади ва модуль дастурининг тегишли графасига ўз баҳосини қўяди, шу тариха ўқувчи ўз-ўзини назорат қилади. Модуль дастурининг бажарилишини назорат қилишда, ўқувчилар ўртасида ўзаро назоратни қўллаш ҳам яхши натижа беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. Учебное пособие. М., Народное образование, 1998.
2. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования. Учебное пособие для студентов педвузов и системы повышения квалиф. Педкадров (Е.С.Полат и др.).
3. Гуломов П. ва бошқалар. География. 7-синф. Т., «Ўқитувчи», 2003.

Ғ.Р.Пардаев

Тошкент вилояти Давлат педагогика институти «УМУМИЙ ЕР БИЛИМИ» ЎҚУВ ДАРСЛИГИ ҲАҚИДА

2005-2006 ўқув йилидан бошлаб Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими Вазирлигига қарашли ўқув масканларининг I-курс талабалари таълим мазмунини латин алифбосида ўзбек тилида тайёрланган қўлланма, дарслик ва бошқа методик кўрсатмалар асосида ўзлаштиришга киришдилар. Бироқ шу вақтга қадар таълим йуналиши 5440500 - «География ва иқтисодий билим асослари» мутахассислиги бўйича географиядан нафақат латин, балки кирилл алифбосида ўзбек тилида тайёрланган ўқув қўлланма ва дарсликлар деярли йўқ. (Изоҳ: таржима қилинган баъзи-бир ўқув қўлланмаларини ҳисобга олмаганда). Бундай ҳол шу мутахассислик бўйича ўзлаштирадиган малака, кўникма ва билимлар савиясига таъсир кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, фойдаланилаётган қўлланмалар мазмунида миллийлик ғоялари ва географиянинг тараққиётида маҳаллий географларнинг - ҳиссалари умуман сингдирилмаганлигини кўраемиз.

«Умумий ер билими» курси Ўзбекистон Халқ таълими Вазирлиги тасарруфидаги педагогика институтларининг «География», «География ва биология» (олдинлари) «География ва иқтисодий билим асослари» шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигидаги университетларнинг «География», «Геодезия, Картография ва кадастр», «Гидрометеорология» мутахассислари ўқув режасининг III блоки таркибидаги фанлардан биридир. Бу фан мазмуни олдинги ўқув режасига кура I-IV семестрларда

ўқитилар эди ва география таълимининг асоси ҳисобланган. Ҳозирги кунга келиб эса фақат I-II семестрларда ўтилмоқда.

Етук мутахассис географлар - география фанлари доктори, Ваҳобов Ҳ, география фанлари номзодлари, доцентлар – Ў.Абдуназаров, А.Зайнутдинов, Р.Юсуповлар томонидан ҳаммуаллифликда тайёрланган «Умумий ер билими» дарслиги лотин алифбосида ўзбек тилида яратилганлиги, мазмунида замонавий географияга оид маълумотларни қамраб олганлиги, мутахассислар учун биринчи география ўқув дарслиги эканлиги билан эътиборга лойиқ ва муҳим аҳамиятга эга ҳамда ижобий баҳолашга арзигулик таълим манбаидир.

Ўқув дарслиги кириш, 5 та қисм ва 15 та бобдан иборат бўлиб, унинг кириш қисмида: - фан, табиий географик фанлар тизими, «Умумий ер билими»нинг шаклланиши ва ривожланиши, объекти, мақсад ва вазифалари; биринчи қисмида: - Олам ва Ер, Қуёш тизими ҳамда улар орасидаги ўзаро таъсир ва боғланишлар; иккинчи қисмида: - географик қобикнинг таркиби, тузилиши, вертикал ва горизонтал хосса ва ҳолатлари; учинчи қисмида: - географик қобикнинг хусусиятлари, уни ташкил этган компонентларнинг ҳаракат манбалари ва ҳаракат турлари; тўртинчи қисмида: - географик қобикнинг ривожланиш тарихи, Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши; бешинчи қисмида эса сайёрамиздаги жараёнларни ўрганиш, башорат қилиш, бошқариш ва яхшилашнинг географик йўналишлари илмий ва амалий маълумотлар асосида атрофлича ёритилган.

